

440  
1947 / II

# ШАРК ЮЛДУЗИ

100  
100  
Ч

11



1947


ТОШКЕНТ



# ШАРК ЮЛДУЗИ

---

ӨЙЛИК АДАБИЁТ ВА САН'АТ ЖУРНАЛИ  
ЎЗБЕНИСТОН СОВЕТ ЁЗУЧИЛАРИ СОЮЗИ



11

НОЯБРЬ



---

ТОШКЕНТ  
1947

P


162332





Бүндан үттиз  
шыл аввал 1917 шыл  
7 наядрэдэ (25 октэбрь  
да) Чух Октябрь Со-  
циалистик Революций-  
си бүлди.

Россиянинг шиги-  
лары болан дэхжонла-  
жы, Ленин-Сталин  
партияси тахдарми-  
шда, капитализм  
зулмини яхсон үзүүлэ-  
сөвөт давлатини нүр-  
дилэр.



*Буюк Октябрь социалистик  
революциясининг XXXйиллигига*

М. ШАЙХЗОДА

## **ИОСИФ СТАЛИН**

*(Дастондан яъги бобтар)*

I

### **Боғишлов**

Сталиннинг у азиз умрин куйламак —  
Инқилобнинг тарихин ёзмоқлик демак,  
Унинг ҳарбир сўзини, амрин сўйламак  
СССРнинг та'рифин ёзмоқлик демак.  
Бахтиёрмиз, яшаймиз у блан ҳамдам,  
Унга боққон мови кўй бизга ҳам боқар,  
Нашву-намо тополдик айни офтобдан  
Ҳар кунимиз асрлар ма'носи оқар.  
Сталиннинг мавзуи туганмас — битмас,  
Унга қарздиришонрлар мангур, умрбод,  
Сталинни севмаклик, Ватан ишқидир;  
Бу севги соадатга, эркка тарона,  
Сталинни севмаклик Ленинни севмак,  
Тараниум қил эй созим уни мардона.  
Биз Лениннинг табаррук расмида ҳар он  
Қўрамиз Сталиннинг азamat юзин,  
Сталиннинг нутқлари, мақоласида  
Биз ўқиймиз Лениннинг донишманд сўзин.  
Тарихларнинг вазнини тортган тарозу —  
Ҳакимона паҳлавон, мардона ҳаким,  
Сталинча яшашнинг ма'носи: зафар,  
Жангида ҳам фалсафа байроқдай ҳоким.  
У бўлмаса оламни қопларди зулмат,  
Башарият нажоткор атайди уни,  
У даҳодан эрк ҳақни олди миллатлар,  
Уфқларга нур сочар унинг қонуни.  
Наслларнинг дилида яшар Сталин,

Үтар айём, ўтмайди биллур тарона,  
Та'зим аллар миннатдор ойдин асрлар,  
Бахтлардан унга ҳайкал қўяр замона.  
Доҳийдан „Баракалла“ олмоқнинг ҳаққи  
Faйратларга қўшади мадор, иқтидор,  
Кенг далалар, заводлар, конлар, китоблар,  
Унга тухфа юборар қаторма-қатор.  
Мискар бўлсам тоғларча мис қуяр эдим,  
Кончи бўлсам ишлардим тоннараб кўмир,  
Деҳқон бўлсам хирмонлаб йигардим пахта.  
Соқчи бўлсам юммасдим кўзни бир умр.  
Мен шоирман қуролим — қоғиям, сўзим,  
Хосилим бу ше'рдир, ғоям — коммуна,  
Достонимнинг илк сўзи, охири, ўзи  
Сталинга ихлосдан кичик намуна.

## VII

### Балойи ногаҳоний

Биз, жам'ул-жам' иморатсоз ҳалқ әдик,  
Дилларда сулҳ, қўлимиизда болғамиз,  
Замонанинг сур'атини эгарлаб  
Борар әдик соат сайин олға биз.  
Танти әдик, ҳамкор әдик, бир әдик,  
Бир мамлакат, бир она юрт, бир ота,  
Қўра бошқа, шаҳар бошқа, Ватан бир.  
Коммунизм йўлида бир ирова.  
Аммо кўхна Европада, шу чоғда  
Қонсираган замбараклар гурларди,  
Етимларнинг ноласидан, додидан  
Самовот ҳам қизариб қон терларди.  
Қоронғудан туғилган бир савдоий  
Гордан чиқкан Гитлер деган Зулматшоҳ  
Экинларни, боқчаларни топтарди,  
Босқинига ўлим, қирғин, дор гувоҳ.  
Зулматшоҳнинг шабхунига чўккараб  
Пойтахтлар қилимиш эди риоя,  
Европанинг жаритаси устига  
Зулматшоҳдан қўнди маш'ум бир соя.  
Хароб бўлди ҳашаматли Варшава,  
Инграр эди Праганинг тошлари,  
Шўх Парижнинг юзидаги табассум  
Мақомида порларди кўз ёшлари.  
Ўлгун сукут қоплади гарб элларин,  
Бадбахт қит'a Зулматшоҳга бир даҳлиз.  
Оралида пистирмада кизланди  
Таваккал деб ҳатто мағрур инглиз.  
Эшитардик Европанинг фар'ёдин,

Қичқиролмай лабга қотган иолани,  
Бу аламли акси-садо янграрди  
Гүё зиндон бандисининг ўлани.  
Аммо, биэчи: иморатсоз халқ әдик,  
Дилларда сулҳ, қўлимиизда болғамиз,  
Замонанинг сур'атини әгарлаб  
Борар әдик соат сайин олға биз.  
Минг тўққиз юз қирқ биринчи йилги ёз...  
Ёвуз экан Зулматшоҳнинг нияти,  
Аммо, биэчи: иморатсоз халқ әдик,  
Биз ҳаётни куйлар әдик абадий.  
Эсимизда: сутдай оппоқ бир саҳар,  
Сайрар эди гулга мурид булбуллар,  
Яшил кўлга чулғанганди коинот,  
Шалолалар солған эди гул-гуллар...  
Трамвайлар энди паркдан чиққанди,  
Тошкент аҳли боғлардайди кечадан,  
Шаббодала р ҷарчаб таслим бўлганди.  
Ҳаво гулранг боғлардаги олчадан.  
Қоровуллар қайтар кечки навбатдан,  
Чақалоқлар ухлар эди бешикда,  
Ўрикларни узар эди боғбонлар,  
Аравалар кутар экан эшикда.  
Кун қизимай воқаларга етай деб  
Шошиларди Қора—Қумда карвонлар  
Дар'ёларда илк шу'лалар ўйнашар,  
Ўйғониди қувноқ тушдан ўрмонлар.  
Йўлчиларни курортларга элтай деб  
Станцияга яқинларди паровоз,  
Баҳорга хайр, ёзга салом, дер экан —  
Кутар эди уни боғлар — меҳмондўст.  
Ўтказай деб лимонзорда ёз фаслини  
Тахлаганди сафарчилар ўз юкин,  
Тўй кунига келинчаклар мунтазир  
Тақсан эди бармоғига узугин.  
Наҳор бўлмай битиргали ғазалин  
Излар эди шоир янги қофия,  
Сирдар'ёнинг қамишзорин оралаб  
Писар эди шикорбонлар ов дея.  
Бирдан...

Гүё ажраб кетди ер ва кўк,  
Гүё ёмғир ердан кўкка оққандай,  
Гүё фазо йўқотгандай кенглигин,  
Гүё дар'ё тескарига оққондай.  
Гүё синиб курамизнинг меҳвари,  
Кеча-кундуз адаштирган тартибин,  
Ёз ўрнига гўё келиб зимиston,  
Мавсумлар ҳам чалкаштирган ўз ипин.  
Бир паст ҳайрат!.. Ҳа, танидик, эҳ номард!

Ютмоқчиидир СССРнинг кундузин,  
Зулматбачча, фордан чиққан Зулматшоҳ  
Кўммакчиидир бу гал әрклар юлдузин.  
Севгиларни юраклардан юлмоқчи,  
Юракларни қўпормоқчи сийнадан,  
Ва чиқмоқчи беш қит'анинг тахтига —  
Каллалардан ясалган бир зинадан.  
Оғир эди у замоннинг юриши,  
Ҳар лаҳзани суриш керак итариб,  
Етти кундан ҳафта тузиш осон - мас,  
Ҳарбир кунни асраш лозим кўтариб,  
Шарққа қараб чекинарди Русия,  
Ўзи солган кўприкларни синдириб,  
Кун чиқарга чекинарди туфма юрт,  
Ўзи эккан фаллазорни ёндириб.  
Ҳаяжонла тинглар әдик ҳар саҳар  
Радионинг садосини: — „Оҳ, яна!“.  
Яна, яна босар эди қутирган  
Ёв лашкари элни қилиб вайрона.  
Тарқ айлаган ўлкаларнинг еридан  
Бир кафт тупроқ халтамиизда сақладик,  
Азиз тупроқ!.. Оғир кундан ёдгор!..  
Биз у блан ўч қуролин ўқладик.  
Шарққа томон борар эди эл — әлат.  
Учишарди кечга қолган қушлар ҳам,  
Ухламадик... Аммо бир пас мизғисак —  
Бу аламга тўлган эди тушлар ҳам.  
Гүё тамом янглишганди коинот,  
Гүё ёмғир ердан кўкка ёғарди,  
Гүё...

Йўқ, йўқ ўз жойида коинот,  
Дар'елар ҳам ўз йўлидан оқарди.  
Адашмапти кекса тарих изидан,  
Бунга шубҳа қилинмасти бир паст ҳам,  
Чунки...

### VIII

#### Нажоткор

...Борди Кремльда бир инсон,  
Унинг қалби тепар эди мунтазам,  
Тарихларнинг ҳукми қадар муқаррап,  
Фаслларнинг тартибидай бегумон,  
Адолатнинг хаққи каби абадий,  
Коммунизм тоясидай қаҳрамон.  
Барча кўзлар Кремльга тикилди,  
Бир диёрки, отасидан умидвор,  
— Бахтимизга ўзинг борсан дун'ёда,  
Сен халқингни қутқарурсан, нажоткор!

Фоят яқин Зулматшоҳнинг галаси,  
Берлин солар ҳайвонвори бир на'ра:  
— Букун оқшом тиэз чўккуси Москва!..  
Советларга хитом бўлур бу карал“  
Ёв севиниб ваҳшиёна рақс айлар,  
Аммо Сталин ўз постида устивор,  
Ҳатто „дўстлар“ чет элларда гумондор,  
Аммо Сталин ўз постида устивор.  
Нарчаланимиш она юртнинг танаси,  
Кўп шаҳарлар майдонида баланд дор,  
Шавиллайди бошлар узра қамчилар,  
Аммо Сталин ўз постида устивор.  
Мамлакатнинг у биринчи аскари,  
Кўрик ясар у фронтчи қўшинга,  
У нутқ сўзлар, ҳарбир сўзи пўлат, ўқ,  
Учиб борар, ўхшаб кетар яшинга.  
У дейдикки: — ҳовлиқмасин ғаддор ёв,  
Байрам бўлур албат бизнинг кўчада! —  
Биламизки унинг лафзи — нақд зафар,  
Буюк тўй бор доҳий ёзган режада.  
Бу башорат қуёш қадар аёнидир,  
Бир аскарни бу сўз қиласар икки — уч,  
Бир ишчини айлантирас уч — тўртга,  
Ҳар юракга зўр ишончдан берар куч.  
Бу сўзларга Ленин гувоҳ тобутда,  
Виждон гувоҳ, тарих гувоҳ, эл гувоҳ,  
Гувоҳ булат устидаги қуёш ҳам,  
Доҳий сўзи барча сўзлар узра шоҳ.  
Ҷқалашдик биз ўзимиз ёв блан,  
Кўкрак кердик унга фақат ўзимиз.  
Ёлғиз эдик, биз бир эдик, аммо бир,  
Бирлик ила баҳамжиҳат ўзимиз.  
Рус муштининг қақшатгучи зарбини  
Ўғри олди Москванинг ёнида  
Сталиннинг номи блан шарафёб  
Пўлат қал'а, азамат Сталинград,  
Орқасини тиргаб она — Волгага  
Гурав эди, чидаш эди чин мурод.  
Гур, деганди унга ота — саркарда,  
Гур, ва чида! — буюрганди мамлакат,  
Гур, ва чида! — Шарқ қуёши деганди:  
— Бош эгмаслик сенга эски бир одат! —  
Ҳа, бу шаҳар Зулматшоҳни бўғди хўб,  
Ёв толе'и энди сўна бошлади,  
Аччиғланган полвон каби бир тепиб  
Итбаччани қора лойга ташлади.  
Рус қаҳрининг даҳшатовар зарбини  
Бу гал кўрди душман Волга бўйида,  
Балки бундай мусибатни Зулматшоҳ

Үйлаган ҳам әмас әди ўйида.  
Қылчины ечди фашист ўрдулар  
Пушаймон еб дун'ёга келганига,  
Манхұс немис бойқұшлари йигларды  
Қора гүлнинг Волгада сүлганига.  
Бошланғанди оламшумул бир қирғин,  
Үрдик шарқда, қирдик ғарбда, шимолда,  
Сурдик жануб тоғларидан ибليسни,  
Құвдик қорда, саратонда, шамолда,  
Шонли күнлар! Ев қочишин күрмаклик!  
Буюк айем! Биз ҳам қурдик ҳам урдик,  
Ҳам куйладик, ҳам ишладик, ҳам қирдик,  
Биз қиличини ҳақ иш учун суғурдик.  
Қон тұқмаклик әмас әди бизга әп,  
Аммо бу қон, қон әмас, балки йириң;  
— „Олинг аблак босқинчилар, дажжоллар“  
Сизлар эккан дон ҳосили шу: теринг!“  
Бошланғанди оламшумул бир қирғин,  
Үрдик шарқда, қирдик ғарбда, шимолда,  
Сурдик жануб тоғларидан ибليسни,  
Құвдик қорда, саратонда, шамолда.  
Сталиннинг құлла имлаб күрсатган  
Йұлларидан азиз зафар боради,  
Кочган қочар, қочолмаган ё ҳалок,  
Еки асир бўлмоққа ёлваради.  
Ўрмонларда қасос ахли партизан  
Кремльнинг фармони-ла жидолда,  
Ҳарбир уйда Сталиннинг расми бор—  
Шу сабабли бўйсуниш йўқ қамолда.  
Шу сабабли Ленинград пойидор  
Сталиннинг иродаси, амридай,  
Ҳар шаҳримиз кўп яшашга номзод  
Самарқанднинг тўрт минг йиллик умридан  
Азиз күнлар! Ев қочишин күрмаклик!  
Улуг айем! Биз ҳам қурдик, ҳам урдик.  
Ишда қирдик, қирғинларда биз қурдик.  
Ҳақ иш учун қиличларни суғурдик.  
Жаҳонгирилик тамонноси бўлди пуч,  
Босқин ахли асир бўлди, қайтмади,  
Шамширларни ечиб таслим бўлмаган  
Жониворлар бунда ўлди, қайтмади.  
Яқдил әдик, бир эл әдик, ватандарш,  
Қулатмади қал'амизни зилзила,  
Биродарлик севгилари ҳалқабанд,  
Гүё қардош тоғлар тизган силсила.  
Миллионлар ҳужум айлар мардона,  
Офтобнинг Зулматшоҳдан ўчи шу!  
Ғазабланса шарқ нурининг оташи  
Қоронғуни куйдиргучи кучи шу!

Бу оқинни манзилларга йўллайди,  
Бу оқинга ота берар қўмонда,  
Ҳамлачиilar Сталин дер, Ватан дер,  
Йўлбошчим деб жавлон қилар майдонда..

Атрофига шер юракли сардорлар,  
Зафар яқин, ўғри расво бўлгуси,  
Кўкрагида ўлмас Ленин рамзи бор.  
Кўкрагида Суворовнинг белгиси,  
Сийнасида ғалабага пўлат аэм,  
Кўкрагида ғалабанинг нишони,  
Кўкрагида ҳаммамизни севгучи—  
Азиз юрак!.. Шарофатли, нуроний...  
У лашкарга манзилларда йўл бошлар,  
. Олғай" дейди, ўзи бериб қўмонда,  
— „Берлин узра қизил байроқ тикилсин!"

Жаранглайди бу фармойиш, бу нидо.  
Зулматшоҳнинг пойтахтини у чоғда,  
Қариш-қариш янчди нурнинг қўшини,  
Қирмизи Май шу'лалари бизларни  
Муборакбод қилган эди у куни.  
Жангноманинг сўнг вараги битилди,  
Фарбда, шарқда, сарҳадларда осойиш.  
Тутунларда минглаб чақирим ўтилди,  
Инсоф түгин шунда қилдик намойиш.  
Булутларни тўзиб баланд ҳилпиллар  
Советларнинг у лоларанг байроғи,  
Беш бурчакли қизил юлдуз қўйнида  
СССРнинг болгаси ва ўроғи.

*Буюк Октябрь социалистик  
революциясанинг XXX йилдигида*

## ОЙБЕК

### *ҚИЗЛАР*

*Достон*

1

Егар эди пага-пага қор.  
Далаларда қайнар оқ қуюн.  
Йўллар жимжит. Инграр дарахтзор.  
Қишлоқ узра қору кўк тутун.  
Ҳарбир уйда ташвиш ва ҳижрон.  
Келинчаклар соchlарида оқ.  
Оналарининг тушдан бағри қон.  
—Қора хат<sup>“</sup>дан юзларда тирноқ.  
Олис уруш қаҳрини тортар,  
Өғилдаги ҳўқизга қадар...

Шу қишлоқда қора уйчада  
Ўтиради — сирдош ва иноқ —  
Бозиллаган пастак танчада  
Дугоналар — бешта қизалоқ.  
Кеча келган улар каналдан:  
Тақир чўлда, қумли буронда  
Қизлар ойлаб кетманла яктан  
Метин ерни ёрди суронда.  
Сочлар пахмоқ, юзу-қўл чатноқ  
Лекин шонла қайтди беш уртоқ.

Қуёшдаги олма сингари,  
Иилтирайди юзлари букун.  
Шилдирайди хонатласлари  
Узукларда жонли ўт ўйин.  
Саратондай бозиллар танча.

Сүриларда қор ўйнайды жим.  
Ҳар қизда дард, умид бор анча.  
Аччиқ чой ҳам қайнок, хуш ичим,  
Деҳқонча мўл, рангдор дастурхон:  
Магиз, жийда ва зогора нон...

Кўп ойлардир соғинилган чоқ,  
Лекин қизлар бўшмас, ниналар  
Учар тинмай: ипак гул япроқ  
Оқ шоҳида чамандек яшнар.  
Жангчиларга совға — дастрўмол.  
Кўксин музга қўйган, ўт-дуд, қон  
Ичра кечган кўтариб қурол  
Йигитларга содда армуғон.  
Юрт қизларин муҳаббати бу  
Бунда қанча қалб, эзги туйғу!

Қатим тортиб қизлар сўзлашар.  
Гоҳ каналга учади хаёл:  
Чўлда меҳнат тўлқуни тошар.  
Тер,  
буғ,  
чанг, қум

ва қора шамол.

Карнайларнинг тонгда „ғат-ғати“,  
Кетман, лўмлар чаққон-чақмоқлар,  
Дорбозларнинг қалтис сан'ати,  
Кўкда сузган олов байроқлар,  
Тепаликнинг остида гор уй,  
Тунгия гулхан, қумғонча ва куй...

Гоҳ дилларни ғам қақшатади.  
Ҳар сўзда уҳ, ҳар сўзда имо.  
Кўча, дала, уйлар бўш каби.  
Ҳаёт тўю — базмдан жудо.  
Қорачигдай кетди азизлар.  
Туғишгандек ётлар ҳам яқин.  
Бирин-бирин ёдлайди қизлар  
Улоқ, кураш, чопиқ мардларин.  
Дастрўмолда ёзувлар гулгун:  
„Ватан учун! Сталин учун!“

Беш қиз тикиар,— ҳарбирининг ҳам  
Ўз ёши бор, завқ, қилиғи бор.  
Энг етуғи Назмихон онам—  
Ингичка қош, бўта кўз, бўйдор...  
Маслаҳатгўй, ғамхўр ва туйғун.  
Мудом хафа: бир куз никоҳ — тўй  
Чалақолган!

Олтин ой сўлғун,

Нотобдай у, яна соддагүй.  
Түмөр тақар, туш ҳам та'бирлар.  
„Қадим қизи“ дерди кампирлар.

Шұх, ҳазилкаш баридан Дилбар,  
Үн саккызға тұлур баҳорда.  
Қызыда ҳусн ва күч тирсиллар.  
У қүшиқчи, chalар дутор-да.  
Лекин дилга гүё ҳеч бири  
Сиғмагандек: унда ҳам ҳижрон!  
Сиррин билар бир Назми биби.  
Дилбар чевар, сұзамол-чаққон.  
„Артист“— дейди уни Олтин ой.  
Қызы дили ҳам шу умидга бой...

Дилбардан сал Ойжамол-ди ёш;  
Япасқироқ, йүғон гавдали.  
Ишда олов, уятчанг — ювош.  
„Полвон қиз“-ди унинг лақаби.  
Эңг кичиги — жажжи қызы Гулшан.  
Ажаб ўйчан үн түрт ёшида.  
Опа қызлар севар күнгилдан.  
Ҳам пахтада, ҳам сув бошида  
Ҳам хирмонда жиддий, чайир у,  
Болаларча самимий, шұх, қув...

Кезингали чиқади қызлар,  
Қор тинибди — ҳартараф оппоқ.  
Завқ-ла гарч-ғурч тушириб излар,  
Кенг ҳовлида қувнар беш ўртоқ.  
Мана Дилбар ясаб қор тухум  
Олтин ойнинг лунжига урап.  
Бирдан кулги, қий-чув ва ҳужум.  
Ёшлик ўти қонда югурап.  
Қорда кавуш, ҳавода рұмол.  
Үйин қызар...  
Шунда кирап чол.

Чопди Гулшан хурсанд, ҳансираб.  
Бобосини қучди, сұрашди.  
Қызлар ҳурпик соchlарин силаб,  
Чол атрофин аста қуршаши.  
— „Тошкентда не гаплар бор, ота?“  
— „Қандай ўтди, бобо, қурултой?“  
— „Сүзладими раис Болтака?“  
Соқол қашиб чол дер: „гап талаі“,  
Совуққотдим, сал исинайин“.  
Үйга юрди қалтираб секин.

Өбөларин ўтга узатди.  
Гез-тез ҳўплаб қайноқ чойни у,  
Қизларга жим кўз қирип отди.  
Бирдан ёнди соқолда кулгу:  
— Гап кўп. Бай-бай ҳамма сўзамол.  
Сўзниг тузи шу бўлди: пахта!  
Файрат қилу, пахтани мўл ол!  
Кори-хайирга бизнинг эл шаҳт-да.  
Сталинга ёэди катта хат,  
Қасам ичди эл баҳамжаҳат...

— „Қасам?“ — диллар тепсинди бир ои.  
— „Элнинг сўзи — қасам-да!“  
Чол дер:

— „Етмиш центнер! — ва’дам каттакон.  
Ҳар ёшимга, дедим, бир центнер!  
Чапакбозлик — кўк ёрилгандай.  
Нетай, Гулшан, даданг ҳиссасин  
Бошга олдим. Арслоним қандай  
Файратлик-ди? пахтакорди чин!  
Ўзинг асра, тангри, қулуним”.  
Доно кўзлар ёш тўкар юм-юм.

Қизлар оғир эгди бошларни.  
Сукут... эзгич, ма'нодор, узоқ.  
Лабни тишлаб, тугиб қошларни  
Гулшан ўйда — бўзарган, титроқ.  
Кейин бирдан турди; жонли, шод  
Бобосига ёстиқ узатди,  
Шол рўмолин ўради қиз бот,  
Сўнг ҳаммани бир-бир кузатди:  
— „Хайр! Мен борай раисга шу дам!“  
Қизлар турар: „Нима гап? — биз ҳам!“

## II

Филай йигит чўт қоқар ҳоргин.  
Олпдай раис — Болтака кайфсиз,  
Ўтиради чимтиб манглайн.  
— „Қасам ичмак учун келдик биз?“  
Саломдан сўнг дер Гулшан дадил.  
— „Центнердан кел! — юрт ичди қасам.  
Бел боғладик зўр ишга бу йил!“  
— „Юз бераман! Бу аниқ ва’дам!“  
— „Манам юз! — дер уялиб „Полвон“.  
— „Майли, юз! — дер қолганлар шу ои.  
Раис турди, қудратли ва дов;  
Хумдай боши нақ шинга тегар...  
— „Шунқорларим, баланд уч — синов!

Бешовингга бердим беш гектар.  
Звено бўл, беш бармоқдай — бир!  
Бошлиқ бўлсин... Хўш, манов Гулшан.  
Қандай кўмак — мен ўзим ҳозир!“  
Чўнг ва юнгли қўлни кўнгилдан  
Узатди у ҳар қизга; шу чоқ  
Эзги ҳисдан ҳар юрак титроқ...

### III

Тонг. Звено далага чиқди.  
Устларида қўпол жомакор.  
Оёқларда ҳарнав' чориқди.  
Ерда қалин ғўзапоя, қор.  
Чўмилади қорда қарғалар,  
Мана улкан дала, кўзлаб боқ!  
Айтиш осон, қара: беш гектар.  
Ёмон эмас эди ер бир чоқ.  
Қуриган эди дармони секин;  
Үн дентнердан тўйкан энг кейин.

Тонг. Изғирин аччиқ, Юзчилар  
Бошлайдилар далага ҳужум.  
Ёшлик ўти неларга чидар!  
Ерни темир қотирган қиш шум.  
Қор қоплаган ғўзапояни  
Суғириб кўр муз чангалидан  
Торт ва йиқил, қўлни шил, қани!  
Изғириннинг муз тиканидан  
Бармоқларда тоқатсиз оғриқ,  
Кўзларга ёш тўлади „жиқ-жиқ“.

Қизлар ишлар шовқинисиз, иноқ,  
Эзги туғу қучгандир гўё,  
Ҳаракатлар ўжар ва қистоқ.  
Иш қийян. „Финг“ дейишмас асло.  
Мушкул ишни олдилар бошга...  
Азим бурчни сезар ҳарбири.  
Айланганди сабрлар тошга.  
Нолишмайди — дилда ўз сири.  
Пешиндан сўнг ёқиб аланга,  
Чой ичишди — жон кирди танга.

Яна шошқин бошланади иш.  
Қарич-қарич очилар дала.  
Борган сари ошар ўчакиши!  
Сочлар юлуқ, қўллар дабдала.  
Қалтирайди оруқ Олтиной.  
Пихиллайди Ойжамол „Полвон“

Назми, Дилбар — нақ йиқилгудай.  
Уринади Гулшан — бедармон.  
Қош қорайди. Қизлар жұнамас.  
Раис құвлар ҳайқириб: „Бас! Бас!“

Звено әрта тетик, шод яна.  
Иш бүлғуси тағин сер қулоч!  
Ҳаво илиқ, чақнайди дала.  
Қуәш бугун чиққан яланғоч.  
Хартомонда оппоқ, соф ёлқун.  
Қорлар әрир, ер шиши — семира.  
Дараҳтларда күкламги ўйин,  
Шундай илиқ — ешигинг келар.  
Қушлар қандай жонли шұх парвоз.  
Ўзбек қиши шундақа сөрноз...

Ер қабарған, тер қуяр қызлар.  
Чориқларда дахсар-дахсар лой.  
Оәқ тортсанг, букилур тиzlар.  
Қичқиришар:  
— „Кел, торт!“  
— „Хой!“

Лой томади юзлардан ҳар он.  
Лой — соchlарнинг қора мавжида.  
Ясанғандек қызлар шод-хандон.  
Қымғон қайнар жаҳли авжидар.  
Оқшомгача бирдам тиним йўқ.  
Қўлтуғида зоғора — қиз тўқ.

#### IV

Иш кетидан иш чиқар ҳаркун,  
Кенгашади звено бир оқшом.  
Не қилинлар „юз“ олиш учун?  
Зироатда улар әмас хом,  
Бобо сўзин әслаб Гулшан дер:  
„Бегона тупроқ, девона тупроқ!“  
— „Ет тупроқдан қутиради ер!..“  
Деҳқон қызлар ҳал қиласар шу чоқ:  
Қайда эски пахса бўлса — буз!  
Завод бермас бу йили ҳам „туз“.

Олис эди пахсалар броқ.  
Колхоз берди әшак, арава.  
Йўллардан чанг кўтариб бир чоқ  
Машиналар ясади ғалва.  
Тўда-тўда колхоз отлари  
Кишинашаркан, янграрди само.  
Аравалар гумбур, савлатли;  
Ҳайдовчилар олифтанамо.

Колхозда танг от-улов букун.  
Уруш! — борлық ғалаба учун.

— „Навоийдан қолганми девол?  
Тошдан баттар, темирдан баттар...“  
Уұ тортыб дер Олтин ой беҳол.  
— „Тұп бузолмас!“ — ҳансирар Дилбар.  
— „Күнжарадай, ер қилар маза!“  
Деб Ойжамол уради кетмон.  
Қызлар ёниб, терлайди тоза.  
Тупроқ сачрар тош парча симон.  
Пилла-пилла қабарур құллар.  
Ұзоқ ўңқур-чүнқурди йұллар...

Бу йұлларда лой кечиб Гулшан,  
Тупроқ ташир аравачада.  
Иш унса бас, қизча беҳад шан.  
Эшак қилар ишни пачава.  
Наманган, Ҳинд, Хұтан ва Кошғар  
Йұлларида шоирга<sup>1</sup> ҳамроқ  
Бұлған маҳлүқ — ай әр ва үжар.  
Бирдан тошдай қотади у гоҳ.  
Сила, сийпа, ур, теп — фойда йүқ.  
Қулоқ силкимас ва күзлари лүқ.

Гоҳ қылтириқ арава синар,  
Тентирайди Гулшан қишлоқда:  
Мих, ё парча темир қидирар...  
Уста Қамбар әнді ұзоқда!  
Мана Гулшан лой йұлда әлғиз,—  
Қоқар, суқар, арқон-ла чандир.  
Йиғлагудай бўлиб ба'зан қиз  
Дўстларига қайтар...  
— „Командир!  
Аравангдан бешта қоп тузик!“  
Елкаларда әрта-кеч зил юк...

Қизлар күнгли тинчимас ҳали:  
Тўйдим демас, ернинг тили йўқ.  
Оғдаришар икки тепани.  
Сўнг билинар — ер кўкси тўлук.  
Азаймайди лекин иш, ташвиш.  
Бу орада ўтди „Лайлак қор“  
Бойчечак ҳам кулди саригиш,  
Олтин ҳаво өснайди баҳор...  
Кеча бўмбўш йұлларни бугун  
Бинафшалар безапти бутун.

<sup>1</sup> Шомр Машраб мұзда тутилады.

Ҳаво илиқ ва шундай равшан,—  
Кўзни ёшлар сувнинг ойнаси.  
Кўчаларда, томларда энг шан  
Янграр „Лайлак келди“ наш'аси.  
Варракларнинг устидан вазмин  
Узун тумшуқ қуш қанот қоқар.  
Минорада бир арава ин —  
Қўниб мағрут атрофга боқар.  
Ҳаркун янги бир қуш жилваси.  
Гумшуғида куйи ва хаси...

Қиши кийимин ешмакка ҳали  
Улгирмасдан, ҳарёқ ям-яшил.  
Тинмай бойир ернинг безаги —  
Соҳир баҳор тўқир муттасил.  
Ариқларда оқар жонли куй.  
Мижжа қоқмай, завқдан тебранар  
Шўх тераклар — адил, баланд бўй.  
Толлар — сатанг, шошиб безанар.  
Кунга, елга чиқар чойкона.  
Чаккаларда ёнади лола...

Осмон эди боя бегубор.  
Қайдан енгил булут ва ёмғур?  
А, ҳазилни севади баҳор!  
„Шовв“ этади йирик-йирик дур...  
Ток очарнинг шашаси“дир бу.  
Панага зир қувар ҳаммани  
Боғчалардан, ишкомлардан у.  
Ташвиши ҳам ширинидир ани.  
Олтинланар бир пасда ҳаво.  
Қий-чув. Иш. Ранг денгизи само.

## V

Куйманади далада аҳл,  
Унитгандек гул фаслин беш қиз.  
Оғирлиқлар кундан-кун хил-хил,  
Ана ётар трактор ишсиз:  
„Зап часть“ деган балоси қани!  
Яна ношуд тракторчи ҳам.  
А, жангдадир бу иш мардлари!  
Звено-чун ер суриш зўр ғам.  
Қизлар хуноб, ёнар, уринар.  
Шунда кўкда ўтар туриалар...

Гулшан кўзи тиниқ самода.  
Тизилгандек ипга, турналар  
Учар қатор чексиз фазода.  
Қизда шодлик бирдан тўлғанар,

Күкламни у илк сезган каби.  
Күлиң силкар, қичқирап құвноқ.  
Фақат бир зум! — тұқтар юраги.  
Құл, шол каби, осилар шу choқ.  
Нур денгизи ичра толе'манд  
Сузар әди турналар баланд...

„Қайга учар? — Украинаға?  
Е үёқдан?“ — қиз ўйлар ғамгин.  
Эртакларда дардли синага  
Құш келтирмас хушхабар, таскин?  
Хаёлидан кечади дада —  
Шинель, милтиқ ва чүян қалпоқ...  
Шундай хүшфе'л, беозор, содда  
Пахтакорга ўхшамас броқ.  
Қушлар сафи йўқолди — бир ип.  
Дўстларга қиз боқар жўрсиниб.

Ҳамма ишлар, Дилбар паришон.  
Сеҳрланган каби туарди.  
Қушлар учган уфуққа хайрон  
Боққан кўзлар ёшга тўлади,  
Қиз сирини қиз сезар чуқур —  
Гулшанинг ҳам кўзлари қайнар.  
Дилбар уни жимгина қучар..  
„Қўй, айланай, бари соғ қайтар!“  
Дер-ку ўзин тиялмас бир он.  
Қалбда ўтган йилги саратон:

Пешин. Иссик авжда. Дала жим —  
Чимдим уйқи истайди инсон.  
Шохдан-шохга қўниб Дилбарим,  
Ўрук қоқар, соchlар паришон.  
Азм дарахт силкинган сари  
Олтин мева тўкилар дув-дув...  
Қиз елпинди. Чўчи迪 тани.  
Бу не товуш? — бошин бурдию  
Йигитчани кўрди ёнида,  
Жон қолмади гўё жонида.

Йигит — Ўрмон, қарчигай сумбат,  
Кучда, хулқда бўлимли, туйғун.  
У табельчи, найчи — хушсуҳбат.  
Ҳам ҳисобдон, ҳам әлга ҳаркун  
Чойхонада ўткур газетхон.  
Пайт келганда шофердир а'ло,  
Ҳам колхозда танҳо таржимон,  
Яхши мерган — урар бехато.  
Чоллар аро боадаб ўсмур,  
Ўсфурунлар аро шўх майхўр...

— „Бу нимаси? — бу қандай қилиқ?  
Мен ўзимни ерга отаман!“  
— „Ерда тутқич бермадинг, дүндүк,  
Овчи итдай құвдим изингдан!“  
Қиз билагин ушлайди маңкам,  
Чақнар күэлар қора — отashi...  
Хансираиди йигитча шу дам,  
Ҳам ловуллар саратон каби.  
Қиз ерга-мас, ўзини қызғин —  
Күчоқ сари отмишди секин...

Кейин ўтди уятда ойлар.  
Шарпасини күрса, қочди қыз.  
Лекин қалби ненидир пойлар,  
Хәллари түзгін, тизгінсиз.  
Қочадио қилас пушаймон.  
Йүллардаги юзларча издан,  
Қидиради изин ҳарзамон.  
Рашк қиласи уни ҳар қиздан.  
Ниҳоят, шом юлдузи уни  
Үрмон сари имлар ҳаркуни...

Бир кеч қайтар Дилбар хирмондан  
Уч кун гүё унга бир умр.  
Қалби нотинч соғинч, ҳижрондан.  
Қоронгуда қидиргандек нур,  
Ұз бахтини қидирап дархол.  
Пахтада йүқ, идорада йүқ,  
Келтирмайди товушин шамол.  
Қишлоқ гүё бүмбүш ва совуқ.  
Дедиларки, кеча азamat  
Жангга кетди, — қайтсын саломат!

Бошин букиб, секин юрди қыз,  
Хүши учған күзларыда дуд.  
Қайга борар шомда у ёлғиз?  
Совуқ титроқ мавжидада вужуд.  
Дам нимадир секин пичирлар,  
Дам лабини тишлиайди қаттиқ.  
Гентирап қыз, қалби шигирлар.  
Сүнг өс келар, сүнг йиғлар „пик-пик“.  
Уруш вақти. Оғир пайт. Чидам!  
Ёлғизгина ундами буғам?

— „Күз ёшидан түйдим, ўртоқжон,  
Яхши ният, яхши тилак қил.  
Қатор орден тақиб, соғомон,  
Ҳам соғиниб тез қайтсын дегил!“

Назми жиддий юпантиради.  
Ойжамолнинг юзи қийшайр:  
— „Үлим берсин йигига тангри!  
Йигламайман. Куяди жигар...  
Азми? — Кетди дадам, уч акам!“  
Дерку бирдан ҳүнграр ўзи ҳам...

Бешавининг кўнгли синиқди,  
Жим кулишди кўз ёш аралаш.  
Иш беҳад мўл, фақат вақт зиқди  
Қизиб кетди ариқ тозалаш.  
Ўтган ёзниңг қора қуйқуми  
Кўчган сайин, сирли сополдай  
Ялтирайди ариқлар туби,  
Чақрим-чақрим, қизлар дам олмай.  
Қазидилар. Ҳа, ёз бўйи сув  
Оқаверар шорқираб, сулу.

## VI

Далаларни бир вақт шовқинга  
Тўлдирган чўнг трактор ҳозир  
Ўлик темир. Қўшни бўйинга  
Олар ҳўкуз — қадимги ботир.  
Броқ, улар суст, қўтири, қари.  
Ер суради қизлар: „ҳўқ, жонвор!“  
Ҳар урганда бир қадам нари.  
Чора борми? Қистайди баҳор.  
Қўшбоб ҳайвон қайда? Ер ҳайдов  
Ҳар звено учун-да қистов!

Хум бошини қашир Болтака:  
— „Олинг, қўшиңг тўриқни ҳозир“  
Қизлар ҳайрон. Бу не ҳангома!  
Бирдан раис семиз кенг бағир  
Ерларига, қояда турган —  
Бургут каби, ташлайди назар.  
Бир вақт бунда ҳайқириб ўрган  
Дов йигитлар хотирдан кечар...  
— „Ҳазили йўқ, қўшиңг тўриқни,  
Элдан аввал экинг уруқни!“.

Тўрук пойга ёки улоқлар  
Қаҳрамони әмас, йўрга у.  
Чиройи ҳам юриши қадар,  
Нодир эди бўйи ва тури.  
Севар эди Болтака жондан,  
Олисга ҳеч минмас ёркани.  
Донгдор мажлис бўлса, ё бирон

Зүр байрамда минарди ани.  
Харбга кеткәч бор машхур отлар  
Йүргә яна бўлди мутабар...

Ана келар тўруқча донгдор,  
Гўё тегмас ерга оёқлар.  
Гўзал бошин силкар оҳангдор,  
Духобадек сирти ярақлар.  
Гулшан хурсанд, ҳавфсираб лекин  
Отни ҳайдар, соchlари тўзиқ.  
— „Ииқиласан! Маҳкам тут ёлин!“  
Шериклари қичқирап бўғиқ.  
Кўш олдида от кишинар жаранг.  
Ачинишар, қизлар дили танг.

О, бу кунлар! Сўрди кўп тер, қон.  
На одамда, на отда тиним!  
Чол келару довдирар бир он:  
— Манав менинг катта ўлчагим  
Жимжиловдай ботиб кетди я.  
„Бобо дэҳкон“ иши бўбди бу,  
Роҳатини кўрарсиз“ дея  
Йўргалайди даласига у:  
Ахир чоллар звеноси ҳам  
Ерни шундай ҳайдасин кўркам!

Тунлар ўтар ташвишда ёлғиз,  
Далани кўк сатрлар каби,  
Тутош қоплар жўяклар текис.  
Ҳар қариш ер — меҳнат гавҳари.  
Звенолар бошларкан экиш,  
Қизлар ери яшнади кўм-кўк.  
Кўзларида шодлик, руҳланиш  
Дала бўйлаб бошлайлар кўрик.  
„Турна қатор“ унибди аҳл.  
Куёш эмар барглар соф, яшил...

Ором чоғлар етди бир нафас.  
Азим сада яшил гумбази —  
Қушлар, еллар маскани гумбаз —  
Остида жим ётишар. Назми  
Ва Гулшаной ёзадилар хат.  
Ўзгалари боқиб хаёлчан,  
Кутишади қаламга навбат.  
Сўзга чечан орада Гулшан.  
Тили ҳисли пишиқ ва ўткир.  
Тўлқинланиб мана у ўқир:

„Юз центнер-чун бошладик кураш.  
Дода, қиринг юз ёвни бу ёз!“

— „Ақлинг мунча тиник-а, Гулшан!“  
Жаранглайди бұса ва овоз.  
Кейин ёзар четланиб Дилбар,  
Үқимайди, — күзлар тұла ёш.  
Олтиной суст ёзар, шивиллар,  
Гоҳ қаламин тишлаб, қотар тош.  
„Полвон“ ёзар тең, йирик-йирик,  
Сүзи қисқа, түғри ва тирик...

Учар шу вақт олисга беш хат.  
Харбиининг ўз тақдирі бор.  
Эгалари қайда шу соат?  
Балки, бири лой ялаб, киндор,  
Үқ дүлида борар ҳужумга...  
Бири белдан муз сувга ботиб,  
Окопда дош берур үлимга...  
Разведкадан оч, ҳорғын қайтиб,  
Землянкада бири зап ухлар,  
Ташқарида „Катюша“ увлар...

Бири қайси бир лазаретда,  
Е оғе, ё құли тұмтоқ.  
Е шаклсиз, дағшатли бет-ла  
Етар беҳуш алаклаб шу чоқ...  
Балки бири ҳу аллақачон  
Ер қўйнида, балки бемозор —  
Парча-парча учган ҳартомон,  
Дар'ё ютган, ёки бўрон, қор!  
Балки бари шаҳид. Бу беш хат  
Тарих сари қилур саёҳат?

Қизлар бундай ўйламас асло.  
Гумонларнинг қора шарласин  
Даф' этади умид доимо.  
Ором. Баҳор ўлади майин  
Қизлар сочин. Ўсма, ойина.  
Вақт бормиди унга боққали?  
„Қорайибман, озибман“ дея  
Бош тебратиб қарайди бари:  
Юзларida қуёш, шамол, чанг  
Ким'ёсидан энг табиий ранг...

— „Йўқ, қўймайман, ўсма, дилим ғаш.  
У қайтган кун қиламан пардоз!“ —  
Назми өгар бошини дардкаш.  
Дилбар ҳайрон. Оқарап бироз.  
Сўнг ариқда қошин ювийди:  
— „Еқтирасди ўсмани Ўрмон...“  
Ўсма суви — баҳор сурурى

Қызлардағам чайқатған замон  
Келақолди Болтака ва өлі:  
— „Баракалло, баринг топ камол!“.

Дүриллади раис — дов қомат,  
Зүр құлларин белга тираган,  
Хаяжонли юзи шу соат —  
Қүешдаги кенг сопол лаган...  
— „Үсма қүйинг, үйнанг бемалол.  
Ялла қилинг, бари ярашар.  
Мәхнатингиз, биламан, ҳалол!“  
Раис завқла кезар пахтани!  
— „Күз тегмасин, осинг исириқ!“  
Чол дер жиддий ва ямлар мийиқ...“

Қызлар таклиф этишар күмак  
Бобойларнинг звеносига.  
— „Ким үзаркан, сабр этинг андак!“  
Мағрур кекса унамас сра.  
Хўрсинади Болтака шу дам:  
— „Даст'ёри йўқ, касал, ғирт ожиз  
Оилалар бизда эмас кам...  
Томорқасин ишлаб берсангиэ?“  
Қанотланар қызлар ва чаққон  
Кўтаришар елкага кетмон.

## VII

Мастон кампир, ҳасса әлгида,  
Үн сўзидан дуо тўққизи.  
Олди тўла етим набира.  
— „Жон қызлар, — дер нурланаб юзи —  
Ярмисига жўхори эксан.  
Нўхот, лобия ўрни — манавёқ;  
Оролиққа қовун, ҳандалак,  
Девол бўйлаб беш-үн туп қовоқ...“  
Толмай кетман уради беш қиз,  
Кампир сўзи озаймас ҳаргиз.

— „Аскаргинам, Арслонтойгинам,  
Тушимга ҳам кирди шу туни.  
Етилибди, тўлибди бирам,  
Авлиёлар қўлласин уни!  
Қўлларида ҳархил кўчат бор.  
Қайга эксан, деб юрди узоқ...  
Үйғондиму йиғладим зор-зор.  
Опоқ қызлар, чопинг чуқўрроқ!“  
Тердан сочлар ва кўйлаклар ҳўл.  
Бир зум қўймас кетманни ҳеч қўл.

Ердам иши қизир күн сайин,  
Хар қыз әлга бұлғудек фидо.  
Үқір әкан қишлоқ офарин,  
Айнаб қолар түсіндін ҳаво,  
Изгир күкда вахим булатлар,  
Гарчи күпдан кечган еса ҳам  
„Ахмон-Даҳмон“, ҳар нағ' ҳут-ютлар.  
Ел қилиғи шумли ва мубҳам.  
Қүёшда ҳам жунжиди инсон.  
— „Хатар!  
— ...Хатар!“  
Йүқ әди гумон.

Куз фаслида учғандек қушлар,  
Севинч учар диллардан беиз.  
Қызлар кайфсиз, ҳүшсиз юришар,  
Күкни босған оғатға ожиз...  
Не бұлади қийратса бирдан,  
Гулдай нозик пахталар ҳали!  
Муз ютгандай ел әсар қирдан.  
Ғамдан Гулшан гаранг сингари.  
Юпатади уни „полвон“ қыз“:  
— „Бир тер түкиб, қайта әкамиэ!“

Күр кампирда тугайди чидам,  
Набираси келар етаклаб.  
— „Түш күргандим, — аскарчагинам  
Хафа әди. Келдім әмаклаб...  
(Хар сүзига түш муқаддима!)  
Ха, шошкан қыз әрга ялчимас, —  
Элдан бурун әкишлик нима?  
Қишиң қирмочи ҳали оз әмас.  
Қишиң чиллада ўрик гуллабди-ю,  
Саратонда яхлаб қопди сув!“

Дедиларки, қылдик таваккал,  
Агроном, хүб, деди бош чайқаб.  
— „А, ким дединг? Номи ҳам чигал...  
Ха, биламан, китобга қараб,  
Дәхқончилик қиласындар.  
Әкиш-теришиң одам отадан  
Мерос қолған әнг азиз ҳунар.  
Кенгаш лозим әди бобоан!  
Ха, бурундан чол ғүр, бема'ни.  
Ешлигіда имларды мани...“

Жаранг күлгі ҳавони ёрап,  
Қызлар кулар қымалагундай.  
Кампир қарғаб ҳасса күтарар.

„Басе!

Тавба!

Маслаңат шундай:

Жойинг жаннат бұлгур қайнин отам  
Айтардикі, изғирин агар  
Түлсіз ёвдай босса илк күклам,  
Тутун тутат — ўтади хатар.  
Қадим сүзи, әмас бәхікмат.  
Үйлаб күринг, ҳар дам ғанимат“.

Түн. Жимжитлик совуқ ва қора.  
Итлар ҳуриб қарчаган каби.  
Қызлар юрар жүнжиб далада.  
Қорағирдөб ютган далани...  
Йиқила-құпа, күр сингари чол,  
Далда беріб, ғамғин айланар.  
Гулшан боши узра қари тол,  
Йзғиринданд инграр новдалар,  
Мудроқ босар қизчани ҳар он,  
Мук тушкудай, ҳорғин, бедармон.

Күн бўйи у минут дам олмай,  
Терлар булат бўлсин деб тутун.  
Буюк довон ошган бир отдай,  
Мұхтоқ роҳат туновга шу тун...  
Ба'зан дейди Ойжамол мудроқ:  
— „Ет, Гулшаним, пича мизғиб ол,  
Унча куйма, иш бўлса чатоқ,  
Мен бир ғайрат қиласай, хайрон қол!“  
Гулшан кесар:

— „Олайиқ қанор,  
Бир жойда ноқ тоғ-тоғ хашак бор“.  
Дилбар, Назми, Олтиной сергак,  
Танлар термометрдек сезгир.  
Бир тўп юлдуз қатор дов терак  
Учларида, — кўзлари пир-пир.  
Қаердадир сув найи оқар —  
Фироқларнинг ҳисларига жўр...  
Мана кемтик ой аста қолқар,  
Далада жим юзар хира тўр.  
Шунда олис сирли шаклни  
Кўриб қызлар тишлайди тилни...

„Омошлиқ бер юртга худойим,  
Даф' айлагин „Гитлир“ балони!“  
Мастон кампир ҳарсиллар босим,  
Қўлтиғида етим посбони.  
Ўтириди-ю уҳ тортди кампир.  
— „Мижжа қоқмай, қиласман дуо.  
Тонг отмайди — тугади сабр.“

Эсим-хушим сиэда доимо.  
Күзимда нур, белимда қувват  
Бўлсайди-я, қилардим гайрат!

— „Замон оғир, уйлар әркаксиз,  
Арслонтойлар бўлсайди агар,  
Ҳозир „пиш-пиш“ ухлар ёдингиэ.  
Тўйларингда этардим лапар...  
Мана чўлоқ қўнғиз сингари,  
Мен судралиб келдим бемадор.  
„Ҳойт-ҳойт“ деган — әлниңг гапи бор, —  
Бўлар эмиш тяуга мадор”.  
Тўнгмасин, деб ўраб ҳарёндан,  
Қизлар қувнаб қучишар жондан.

Овжи саҳар. Баногоҳ кимдир:  
— „Тутун! Тутун!“ — қичқирап ғамгин.  
Дик турди-ю уҳ тортди кампир.  
Қизлар шошар, йиқилар. Шовқин!  
Пупладилар ўқчиб, йўталиб.  
Ҳарёқда ўт, бурқийди тутун.  
Қора булат каби юксалиб,  
Оқар тутун, тутун...

Аччиқ тун...

Тутун тундай. Бўғулур қизлар.  
Кўзларин чирт юмар юлдузлар.

Қайрағочлар олтинланаркан,  
Айланади қизлар далани,  
Қарар меҳр, ҳаяжон блан.  
Ғўзалар соғ! сакрашар бари.  
Кўзлар бирдан чоқчаяр ҳайрон:  
Қўллар — кўмир, юзлар — ис, кир-чир.  
Сочлариди қалин кул, тўзон.  
Кулишиди. Хатар йуқ. Кўк, қир  
Яшнайди шан. Илиқ ел эсар.  
Қуёш қандай кўркам юксалар!

### VIII

Кўм-кўк, гулдор кўйлакли сатанг —  
Қуёш қизи ўтди сеп ёйиб,  
Гилосларга лабдан бериб ранг,  
Тут шиннисин наҳорда тотиб.  
Кўк чой талаб ёз қизир ҳамон,  
Ҳаркун ошар қуёш гайрати.  
Үрик — олтин; олма бети — қон.  
Эпкинларда гулханнинг тапти.  
Дараҳт қўйни, жилдираган сув  
Ҳар жонлининг қидиргани бу!

Броқ, қызлар салқын қидирмас,  
Чопиқ пайти — ғанимат ҳар он.  
(Үзга юмуш яна кам эмас!)

Құлларда зил, расмана кетмон.  
Сочлар чамбар, енглар шимариқ.  
Юзларыда тинмас шүр бұлоқ.  
Оққларыда әркакча чориқ —  
Дам үтмасдан лаблари қақроқ.  
Яхна күк чой!

Бормисан құмғон!  
Ҳар құлтуми жонга құшар жон.

Сүлқиллайди қызлар даласи.  
Гектарларни бир айланакүр,  
Қандай күркам күк манзараси!  
Рұза гулда, бүй, шохлари зүр.  
Үтган күзни асиirlар бу ер.  
Чопиқ қылған құллар беназир,  
Белдор йигит, ишда пишган әр  
Еқасини ушласа арзир...  
Халқ бошига түшгач мусибат,  
Қызлар бўлди шундай азамат.

Оқшом, хира ойнадай ҳарәқ,  
Шамол елпир ер иситмасин,  
Мусиқасин әнди визилдоқ  
Бошлаганди, битириб ишин  
Гулшан ҳорғин жұнар уй сари.  
Катта йүлга чиқиши бланоқ,  
Алла кимдир, — район одами  
Қоғоз берар, қызы ранги бўз — оқ.  
Югуради худди телбадай,  
Ё албости түшда қувгандай...

Раис отди үзин супадан:  
— „Айт, не бўлди? Яна не бало?“  
Қыз капини очар даф'атан.  
Раис титроқ қўл блан аста  
Олиб қарап, уҳ чекар узун.  
Таниш әди унга „қора хат“  
(Яширганди күзини бурун)  
Нима десин? борми насиҳат?  
Жим силайди Гулшан бошини,  
Ва әркалаб артар ёшини.

— „Йиглама, эл бошида бу ғам... —  
Дерку қалбга недир қадалар —.  
Ота азиз — юрт, халқ ундан ҳам.  
Шундай деган қадим боболар,

Балки қайтар доданг соғ, эсон,  
Ба'зан янглиш келар „қора хат“  
Дер Болтака майин, меҳрибон.  
Эсин йигиб, у айттар қат-қат:  
— „Айтма чолга, онангга зинҳор!  
Вақт малҳамдек дардга шифодор...“

Мана Гулшан уйда, тинкасиз.  
(Яхшиямки она ўроқда)  
Чол супада букчаймиш ёлғиз.  
Ой баргларда, сувда, товоқда.  
Гулшан құрқар — ҳар ҳаракати,  
Ҳарбир сүзи фожи' сирни фош  
Қилур каби сун'ий, ғалати.  
Дарди ҳадсиз, фақат йүқ дарддош.  
Қозон осар ғамдан ҳушсиз қыз —  
Чол қолмасин иссиқ таомсиз...

Шүрбо ичиб бобо яйради.  
Мүйсафидлар құлини мақтар:  
— „Чопиқ нима? — Төш қайиради!“  
Сүнг ҳаркунги сүзини айттар:  
— „Күп хушхабар берибди „карнай“  
Бизникилар бирталай шаҳар  
Олишибди, ёв тұмтарақой...  
Иншоолло, жанг ҳам тез тугар,  
Кириб келар әшикдан доданг.  
Қүй сүймиз, базм вадаванг!“

## IX

Фижирлайди құқон арава,  
Соврилади аччиқ чанг қалин.  
Отни силтар Ойжамол: „чұх ҳа!“  
Чувиллайди қыздар дам сайин.  
Йұллар үнқур-чүнқур ва қингір.  
Пишқиради интилиб бұз от.  
Аравакаш қыздан ким ҳайқар,  
Шұх болалар осилар бот-бот.  
Шундай, қирға йұлланур карвон.  
Ғалабага гаровдир хирмон!

Иккى әңда даражтлар түлиқ,  
Йұллар узра ям-яшил чодир.  
Бутоқларда мевалар қуюқ, —  
Аравага дув сочиладир  
Шафтоли, нок, олма-женоқи.  
Үзиллади құл тегмасданоқ  
Тоғолчанинг сариг маржони...

Күм-күк, баланд саройдор әнгфоқ.  
Жийдазорлар кумуш ёлқинда,  
Харән жонли ранглар түлқинда...

Ранг, ҳид, сасга бой ёз җавоси.  
Ишкомларда қандай наш'адор  
Тартараклар, жомлар садоси:  
Чуғурчуклар айёр, җужумкор!  
Полизлардан онқир ҳандалак.  
Жүхорилар силкийди соқол.  
Елкан очар сонсиз' капалак  
Бедазорнинг мавжида хушхол.  
Ха, томларда оппоқ 'қорсимон  
Кўзни олар пилладан хирмон.

Ранглар мавжи, бу манзаралар  
Сўзананинг ҳошиси каби.  
Пахтазорлар уфуқдай сербар.  
Бу — водининг гули, гўзали  
Эмиб болқир қуёшнинг сутин.  
Фижирлайди арава — шалоқ.  
Қишлоқ қишлоқ. Колхоз. Сув. Тутун.  
Кўз чарчайди — пахта ҳаммаёқ.  
Қизлар унинг ҳосилин дидлар,  
Бирин мақтар, бирин танқидлар.

Куюлгандек дар'ёга ариқ,  
Йўл тандаси қуюлди қирга.  
Кўзни олар қизғин узоқлиқ —  
Тепаликлар, ўрлар сидирға,  
Чўл қуёшдан ганграган, мудроқ.  
Арава ҳам мунгли фиижрлар.  
Қум ўт урап. Лаблари қақроқ  
Қизлар тандир каби қизирлар,  
Кечга яқин ошилар довон,  
Таниш манзил имлар меҳрибон.

Ўроқчилар кўтарар қий-чув,  
Тўйда келин келган сингари.  
Звено ичар қумғон-қумғон сув,  
Қейин тиллар сўзга киради.  
Бунда уч-тўрт қартайиб қолган  
Оталар-ла беш-олти аёл.  
Юзларига ола доғ солтан  
Қуёш ўти, саҳройи шамол.  
Теваларнинг ўркачи каби,  
Тепаликда чодирчалари.

Гулшан ётар, йўллар захмати  
Суякларни ҳали өзгилар.  
Кўзларининг қора диққати  
Тўқ бошоқлар узра кезинар.  
— „Нега мундай ма'юссан, қизим?  
Бетобмисан?“ — Қайғирар она.  
Қиз индамас, хўрсинади жим.  
— „Хат-пат борми? Сен нега хафа?“  
— „Ойи, — дер қиз — қилайлик сабр,  
Ёзганини кўрсатар тақдир...“

Она силар қизи бошини,  
Тикилади нотинч, меҳрибон.  
Гулшан сўйлар звено ишини.  
Она юзи нурланар бир он.  
Чолиб келар Дилбар шу соат  
— „Юр, кўрамиз, Анзират холам!  
Туғубди-ку. Қий-чу, зиёфат“.  
— „Булоқ қайда, бироз ювинсан?“  
— „Булоқ суви — симобнинг ўзи“.  
Сувда қизлар ва шом юлдузи...

Чодирда тинч ётар Анзират,  
Кулар ҳорғин, кўзлари порлоқ.  
Чўмиларкан инголар бақват  
Бу — еттинчи ўғил — чақалоқ.  
Жаангда улкан ака ва дода.  
Бахтли бўл, деб аёллар суяр.  
— „Ҳай, сут пишир! Ҳай, қил атала!“  
Қизлар шошиб юмуш бажарар.  
Эркаклар шод. Қозонда эт, мой.  
От қўйишар дарров: Бошоқбой!

Ой нурида тинаркан саҳро,  
Шаббодада уйқу на ҳузур!  
Лекин ўроқ чархлаб звено  
Буғдоизорга йўлланар мағрур.  
— „Ҳа, ғанимат тангри чароги! — “  
Кўтарилар бор ўроқчилар.  
— „Тўқ аскарнинг ўткир яроги!“ —  
Хирмончилар ишга чиқдилар.  
Қизиб кетар хирмон ва ўрим.  
Күшиқ. Кулги. Эснаш. Тун — сўлим.

Жим мудрайди тепа ойдинда.  
Инғолайди гоҳо чақалоқ.  
Ухлайолмас она — кўксисда

Күн ва тундек севинчү фироқ.  
Аскар ўғил, аскар әр сари  
Элтар уни гоҳо хаёллар,  
Чала уйқу, ёнади тани.  
Бир чөг әслар: қани аёллар?  
Бошин узар ястиқдан бирдан.  
Калавланиб чиқар чодирдан.

Айланади җүкізлар җорғин.  
Олтінланиб учади сомон.  
Тұңонлар ҳам булутдек әрқин.  
Ялтирайди уюм-уюм дон.  
Бирдан тұхтар жирмон: „хов, бу не?!”  
Үйқисирағ келдингмі, гапир?  
— „Бир пас ишлай!”  
— „Әсинг борми — эй...”  
Дугоналар ялинар, койир.  
Қизиқчи чол дейди:  
— „Кел, опой,  
Сен ишла, мен әмизақолай!”

Үроқчилар пастда тинмас зум.  
Оқ яшиндай чақнар үроқлар.  
Бүгдой ўсиқ, қалин, сер унум —  
Олтин денгиз елдан үйноқлар.  
Тун ярмида Дилбар йиқилди,  
Сочларини ёйиб ғарамга.  
Оқ үчи қызлар йиғилди,  
Түн ёпишди — ётсін бир дам-а?  
Чүчиб турар Дилбар шу замон:  
— „Тонггача иш — шарт бузиш ёмон!”

Толлар бағри, булоқ бошида  
Үроқчилар ухлар, елпинар.  
Ер бозиллар, ёз қуёшида  
Бошоқлардан олов липиллар.  
Аччиқ чойни қүйиб құмғондан  
Ичиш, терлаш, елпиниш — роҳат!  
Чоллар сокин, мағрур ва ўйчан.  
Қызлар оро иймоли суҳбат.  
Шунда чанғдан чиқади карвон  
Хамма турар юклагали дон...

## X

Даласида звено яна.  
Ғұза бүйдор, бақват, мүл күсак.  
Сүзлашади: — „Хұб сувсаган-да,  
Най қиб жилдир-жилдир сугорсак!”

Катталардай уфлаб Гулшан дер:  
— „Бобом деди күрган замо-воқ  
Унниқибди пахтанг, тез сув бер...  
Түғон яна бузилган. Чатоқ!“  
Чүккайишар қызлар майсада.  
Үйлайдилар — сув зёр даҳмаза!

Жунжиди деди Олтиной рангсиз  
(Қилган эди безгаги хуруш):  
— „Ердам берсін раис, айтингиз,  
Құлымиздан келмас сув бүғиши“  
Үйчан, нахуш боқиб дер Назми:  
— „Уятасми? Ҳа деб Болтака!  
Инсоф қилинг, юмиши озми?  
Бұғмадикми, биз бултур, катта  
Сирдорени? —

Нима бупти бу  
Шовқини зёр, кичик бир сойку!

Тонгда чиқар сувга звено.  
Йүл бошлайди мүйсафид саркор.  
Сув ҳайқирап, қутириб гүё  
Тошларни-да ғажишга тайёр.  
Үз әркидан, кучидан маст у.  
Вишиллайди булат күпиги.  
Гулларга мұл сочиб нур-инжу,  
Шұх сой оқар —

Шүхликдир юки,  
Турғун ота узоқ бөш қашир,  
Кейин бирдан енгин шимарир.

Ҳа-ху блан ушлаб бир-бирин,  
Тош, шох босар қызлар түғонга.  
Чол үргатар мироблик сириң:  
— „Босинг маҳкам! Үринг бу ёнгал!“  
Шох-шабба, тош мавжларни кесар.  
Сув ўқирап пишқириб киндор.  
Қайноғида шохлар чирпирап,  
Тошларни-да судрар ғазабкор.  
Үчакишар қызлар зиёда.  
Сад чекмоққа қайнар ирода.

Мана сувга тушар полвон қыз,  
Тұлқынларни ҳеч писанд қилмай.  
— „Ҳа, тош! Ҳа, шох!

Бүш келманг ҳарғиз!“  
Сочлар сувда қора илондай.  
Сүнг, мавжларга тушар ўзгалар,  
Хатто безгак, ношуд Олтиной.  
Бир-бирига занжир, тирмашар

Чалмоқ бўлса кинли тентак сой.  
Чол қирғоқда, кўзлари бежо.  
Дам койиди, дам қилар дуо.

Кураш борар дадил ва қизғин.  
Хавфираш йўқ, бари ҳам шаввоз.  
Сув қайнайди бемажол, секин.  
Қизлар хурсанд, янграп шўх овоз.  
Гуё яқин эди ғалаба.  
Уст қатламни осов сой маккор  
Зумда йиқар сўнгги ҳамлада!  
Даҳшатли гув-ваҳший, оқ ёлдор  
Зўр тўлқинлар пастга отилар,  
Гулшани ҳам қамраб воғиллар...

Ҳамма тилсиз, жонлар ҳалқумда.  
Сўнг даҳшатли фар'ёд янграйди.  
Қани Гулшан? Фойиб бир зумда!  
Пастда оппоқ гирдоб қайнайди.  
— „Ана сочи!“ — қичқирап Дилбар,  
„Полвон“ ўзин гирдобга отди —  
Оппоқ мавжлар қамраб кетдилар...  
Бу — ўлимдан баттар Даҳшатди.  
Шунда баланд қирғоқдан отлиқ  
Бир қамчи-ла сакрайди қаттиқ.

Олов қумда ётар икки қиз,  
Лаблари кўк, кўзлари юмуқ.  
От пишқирап. Болтака эссиз.  
Чол мук тушиб йиглайди бўғик.  
Хушга келар қизлар оҳиста,  
(Бу оғатнинг чораси аён).  
Кўз очару Ойжамол аста  
Сўпар: „Гулшан қаерда? Омон?“  
Гулшанинг илқ сўзи эди бу:  
— „Тўғон қалай? Кўтарилди сув?“

Бош букмади тентак сой осон.  
Гувиллади, тошди, ўпирди.  
Броқ қизлар бўш келмас бир он,  
Сувга темир панжасин урди.  
Учинчи кун сув бўлур таслим,  
Тўғон кесар тўлғонишларин!  
Ариқни сув тўлдириб лим-лим  
Оқар майин куй блан секин.  
Сув бўйлаб мард қизлар қайтар шод.  
Олқишлиаса ярашар Фарҳод!

О, қандай соз ёзги кечалар!  
 Қайрағочлар баланд аркида  
 Лұппи-лұппи юлдузлар ёнар.  
 Күз қамашар юлдуз сайрида...  
 Ез тунлари Ўзбекистонда  
 Ҳаво хуш там' асл май каби.  
 Ҳовуз бўйи, супа, шипонда  
 Гул эснаган шамол эсади.  
 Ишкомга кир, бир минут ёстон,  
 Гомирларда кайф қилғуси қон.

Шундай тунда бизнинг „бешалоқ“  
 Ширинақи ўйнар чайлада.  
 Сув уқаси ойдинда порлоқ  
 Жилдирайди жимжит далада.  
 Беш қовунни қизлар бирин-кетин  
 Ерга уриб тарс-тарс ёрдилар.  
 Бир тилик е — кимники ширин?  
 Тамшаб-тамшаб, жиддий тоттилар.  
 Ҳарбири ҳам олtinga арзир,  
 Ҳарбирида ўзга ширин сир...

Талаштилар:

- „Ма, ма! Тотиб кўр“.
- „Меники бол!“ — „Меники гулқанд!“
- „Тил ёради!“ — „Саники сал гўр!“
- „Дидинг борми? — бу шакар пайванд!“  
 Ахир бари қилишар икрор:  
 Олтинойнинг қовуни ўткир...  
 Сувдан хабар олгали, такрор  
 Кетман тутиб, енгил ва мағур  
 „Кулоғи“га йўлланар ҳарким.  
 Визилдоқлар куйлар. Ойдин. Жим.

Дилбар танҳо ёруғ далада.  
 Учқунланган қора соч чамбар.  
 Қистирилган этак липпада.  
 Елкасида кетман зил-замбил.  
 Енг шимориқ, билаклар гүё  
 Тирсиллайди — ёш куч яшнайди.  
 Лабларida жимгина наво —  
 Ўрмонжонни жондан қумсайди.  
 Ойга қараб ўйлар гоҳ бир он:  
 Кўрармикан ҳозир Ўрмовжон?

Шалоп-шалоп сув кечар Дилбар.  
Оёкларни ютар лой — елим.  
Жүякларда сувлар жилдирап,  
Тошар, қайнар, бузар бетиним.  
Суғорарди әркаклар бурун,  
Энди улар ўт бўронида!  
Қиз қалбини ўрайди тутун.  
Сув шоширап — зот йўқ ёнида.  
Тани ёнар, —

Терми, нима бу!  
Ҳалқум қақрар, хўплар лойқа сув.

Ўтиради Дилбар бедармон,  
Сув жилдирап оёқларидан.  
Ёнида лой босган зил кетман.  
Куй жим учар дудоқларидан.  
Тоғ нафасин елпийди шамол.  
Қизни ўйқу аста аллалар.  
Боши тизга етганда дарҳол  
Сесканару орқага қарап.  
— „Дилбархонми? — Уйга кет дам ол!  
Дер Болтака, сув кечар дарҳол...

Ойда болқир кенг шафтолизор.  
Кўлкаларинг ерда уйини.  
Бир томонда серсоқол, бўйдор  
Маккаларинг сариф тўлқини.  
Қизлар қайтар ҳорғин ва ўйчан.  
— „Борамау, қиласман хамир,—  
Дер Олтиной, — „Ухлаб пича ман  
Кир юваман“ — дер Назми оғир.  
„Полвон“ тонгда ғишт қуяр эмиш.  
Ҳарбирида ўзга бир ташвиш.

Бобосининг чайласи томон  
Қайрилади Гулшан, хайр, деб.  
Дардлашарди чол, кампир Мастон  
Ҳар тунгидай бунда тарбуз еб.  
Гулшан ётди. Нурли шаббода,  
Чайла гўё сузади секин.  
Кампир ғами жўшар тобора:  
— „Атрофда йўқ ростгўй бир фолбин.  
Нима қилсан? „Бибисешанби —  
Онамни“ям бир йўқласамми?“

— „Қўй барини, худога топшир,  
Унга сигин. Элга баҳт тила!“  
Сунг сўзлар чол қизга бирма-бир,  
Озин силаб ширақўл bla:

— Қизим, әрта ёз доданғга хат.  
Ишингни қил ботафсил баён.  
Пахтада-де бобом бақувват,  
Сурати-де газетда ә'лон  
Үқиб берсін командирға ҳам...“  
Қизча тинглар мудроқ, күзи нам.

## XII

Пешин чори чайлада қизлар  
Йигилишар қора құмғонға.  
Күркем, рангдор даға, полизлар.  
Не манзара! Қара түрт ёнға.  
Дастурхонда узум, зөфора.  
Үртоқлар шод, дилкаш ичар чой.  
Дилбар келар, құли орқада,  
Тұхтар, кулар...  
— „Күркма, Олтиной!“  
— „Кирпитикон!“  
— „Қозонингга ур!“  
Құлғын Дилбар күтарар мағрур.

Дув туришар ҳаяжон била,  
Наш'a ўти күзларда чоқин.  
Чүзилади құллар севгила.  
Дилбар хандон: „чүэ күрманасин!“  
Қулида илк очилған күсак.  
Қүёшда соғ әнар қор каби.  
Йүк, булатдай нағис оқ чечак.  
Умрида илк күрган сияғари,  
Қизлар бир-бир қилар тамошо.  
Шодликдан маст барчаси гүё.

— „Очилмаган ҳеч ерда ҳали,  
Биз олдинда!“ дер Гулшан құвноқ —  
Юборамиз райкомга? Майли?  
— „Кечгә мажлис. Келар ўзи — ёқ“.  
— „8 грамм! Ойжамол, қара,  
Ноқ юзингдай лұппи! — дер Дилбар.  
— „Күэ оқынгдай ноқ бир сават-а!“  
Дейди палғон — күлги жаранглар.  
Үтиришар. Хуш кечар ҳар он.  
Бұшалади хұм қорин құмғон.  
— „Пича вақт бор, үқисак мүмкін“.  
— „Ха, албатта, „Капитан қизи!“  
Бу қиссадан Олтиной мамнун.  
Дала chanғин китобдан Назми

Пуплайди-да оҳангдор ўқур.  
— „Дона-дона ўқинг!“ — дер полвон.  
Хаёл босар кўзларни чуқур.  
Тинглайдилар, сезилмас замон,  
Юракларда соғ ҳислар гирдоб.  
Хўрсениш-ла бошланар ҳар боб.

Оқшом Гулшан қайтар қувониб.  
Беш тахтача берар бобоси.  
— „Ҳа, ёзибсан, пишиқ сўз топиб,  
Ўқишидилар: „Зафар пахтаси!“  
Ёз бизга ҳам, пахтамиз арзир.  
— „Хўб, ёзаман, сўз айтинг“ —  
— „Ҳа, ёз:  
„Хосилимиз — ёшга бир центнер!  
Ўқлогидай, бит йирик ва соз,  
Қадаб қўяй байроқдай баланд!“  
Гулшан ёзар. Чол боқар хурсанд.

Кувончли кун, илк терим куни.  
„Табарруқ қўл“ — бошлаб терди чол.  
Ажинларда юрак тўлқини,  
Учқувланар завқидан соқол.  
Тушар қизлар чака-чакадан.  
Юзларида баланд рух ёрқин.  
Кўзлар ўйнар — гуч-гуч оқ чаман.  
Туплар новча, чатишган, қалин.  
Ноқ „сопалак“ ўйнаган каби,  
Ажиб эди қўллар сур'ати.

Терим завқи ошади ҳамон,  
Қўллар ишлар тез — му'жизакор.  
Қоплар тўлар, ҳа демай хирмон  
Кор тепадай, чақнар бегубор.  
Юртда донгдор теримчи бутун  
Киз-жувонлар блан бу қизлар  
Хаёлларда ўзишар бугун.  
Оғриқ сезмас беллар ва тизлар.  
Хўрак вақти, ўйламас бири.  
Кун, сояга тушмас кўз қири.

— „Хорманг, элат!“ Назми қайрилар,  
Йўлда у ким? Титрап. Қотар жим.  
У ҳам гўё ҳушдан айрилар,  
Өтиб юкни, ташлар тез одим.  
Ишққа чанқоқ аскарнинг лаби  
Чўғдек тегар шўр юзга бир он.  
Бирдан қий-чув, қизлар галаси

Құршаб олар; шодлик, ҳаяжон  
Барин құчған. Гап-сүзлар узуқ.  
О, улардан түқисанғ құшиқ!

Мадәр фақат кулар, алантар,  
(Бу минутлар унга туш каби)  
Пилоткаси дөг-дүғ, мой, чанглар  
Исқильтаган. Гимнастёркаси  
Айнагану тоза. Сийнада —  
Күш „Юлдуз“нинг қони. Соz мийиқ.  
Пұлаттай у, озған эсада.  
Бир гүзани юлда: „Софиндиқ“  
Деб үпкүдай хұрсинди, боқди.  
Кейин чолға очар құчоқни.

Ола-була, суронли карвон  
Кұтаради жүллар тұзонин.  
Хуш келибсан, злат, қаҳрамон! —  
Сочиқ сочар жайдалар қалин.  
Бироз четдан, уялинқираб  
Борар Назми. У күрар бирдан:  
Мадәр — оқсоқ! Юрак әирқираб  
Оғрир бир зум. Ўйлар — тақдирдан  
Нолиш қалай? Яна күз ташлар,  
Оқсонаш ҳам гүё ярашар...

Күркам кечә ғуч-ғуч юлдуз-ла  
Еңғоқларнинг тоғын құчоқлар.  
Осма чироқ кенг супа узра  
Шувлаб ёнар ва ҳамқишлоқлар  
Тинглашади Мадәрни гүё  
Эртак севар болалар каби.  
— „Ухы!“  
— „Бай, бай!“

— „Тұпмас, аждақо!“

Дерлар ба'заи, ушлаб ёқани.  
Дүстлар блан Назми хизматда.  
Гоҳ олисдан күз ташлар аста.

Куёвлардек ясанған Мадәр  
Бекасам түн, қүш шоқи қийиқ.  
Чорданаси ҳам чапанивор.  
Тус тұпписи манглайды босиқ.  
„Днепр“да, ҳўплар хушбүй чой.  
Саволлар кўп, пойма-пой, хил-хил.  
— „Азим дар'ё?“

„Қалай Собир бой?“<sup>1</sup>  
Ўз жанг йўлин варақлар енгил.

<sup>1</sup> Биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов.

Үз түпини мақтар айниңса,  
Хар эпизод — оташин қисса...  
Қари толда чирқиллар чумчук,  
Бузоқ мағрар, йүлда ғижирлар  
Илк арава чанг сочиб қуюқ.  
Шипонидан Мадёр ғизиллар  
Пастга әлдам. Нетсин уйқуни?  
Софинганди қишлоғин қаттиқ.  
Елғиз ётди яна. Мазмұні  
Қызы үялмиш, онаси қийік,  
Түй қыламағыз, дебди, қайтадан.  
Түй бұлса — түй! — аскар берар тан.

Әгнида кенг, қордай оқ күйлак,  
Бекасам түн. Танда салқын ел  
Ғувиллайди. Құмсайди юрак  
О, ўт, сувда иш берган шинель!  
Одим ташлар „биқ-биқ“ тупроқда,  
Шудринг ювған ўтда сирпонар.  
Жонланади яқын — узоқда  
Тушдай үчған күп хотиралар.  
Хар дараҳтни қучиб үпса-ю,  
Хар ариқдан ичса ҳовуч сув!

Донғиллама колхоз қлуби.  
Чим үқали каттакон гулзор.  
Боғ. Дараҳтлар. Имлар ҳар тупи.  
Супаларки сұлым, ҳаводор.  
Ғивирларды бунда ҳамиша.  
Гул суғорар, ҳовли супурар,  
Палов ясар, ариқда шиша.  
Аскиябоз — кулар, кулдирап.  
Гулзорини ўтлар ўрабди,  
Супаларнинг чети нурабди...

Ачинди у, келар деди гал.  
Кетди ўйчан, бедапояда  
Түқтар бир пас. Күм-күк мавж гүзәл.  
Бунда тутар эди бедана.  
Сув шалдирап зөвурға, йүлга.  
Эй бу не гап?— боқар ҳар томон.  
Эски банги Марайим құлга  
Бош қүйибди — хуррак беомон!  
Түнни отар дараҳтга илдам,  
Кетман олиб, салмоқлар хуррам.

— „Беда текис сув ичмабди-да!“  
Юrap шошқын марзалар аро.  
Лой—тизгача; лойқа — бетида.

Меңнат завқин илк тотар гүё.  
Мингач гумбаз бошига қуёш  
Зўрлаб олар кетманини чол.  
Қайга борсин?—

Мадёр қашир бosh.  
Назми сари чопсинми дарҳол?  
Айниди у,— ўзга юмуш бор:  
Чоллар кўнглин юпатмоқ даркор.

### XIII

Куз фасли кундан-кун ўткур.  
Ўсимликнинг ўчар кўк қони.  
Қуёш шундай ёқимтой, ғамхўр,  
Тонгда чоллар, болалар жони.  
Боғчаларнинг сариф-қизғиш  
Тиллалари ёнади майин.  
Чарчатгандек ёзги сурон иш  
Сув жимирлаб оқади секин.  
Осмон ҳали денгиэдаи зангар.  
Гоҳ булутлар кўпикдай сузар.

Ток барглари қуёш нуридан  
Тўқилгандек, энг сўнгги узум  
Товланади ёқути блан.  
Қайнар Хайём ше'ри блан хум!  
Томлар туташ жийда гилами.  
Магизлардан рангоранг палос.  
Сабзавотнинг бунда кўрками—  
Сўфиларнинг салласи-пиёз.  
Полизларда мўлдир чўнг тарбуз  
Фаровон куз, ширин ва бой куз.

Баланд оппоқ тепалар ортган  
Аравалар гумбурлар ҳарён.  
Бўйнин чўзиб, тирмаша тортган  
Отларни ёш болалар чаққон  
Ҳайдайдилар—митти полвонлар.  
Чаккаларда пахта—кумуш гул.  
Бор йўллар банд—катта карвонлар,  
Оқ булутдай сузади буткул.  
Қор ёққандай хирмонлар оппоқ.  
Пахта куйи кўкда ҳам янгроқ.

Терим қизғин. Бутун бир води—  
Хов кўкимтил тоғларга қадар—  
Терим тўйи— бахтнинг ижоди.  
Звенолар ўзишар қайсар.  
Дорилфунун келмиш ёрдамга—

Турли тиллар, кулгилар, күйлар.  
Еш олим-да, Ойша холам-да  
Бир хаёлу—орзуни ўйлар.  
Колхозчи чол, олтин сочли қиз  
Ҳазиллашиб терар тинимсиз.

Бизнинг қизлар ўз даласида  
Қаршилайди ҳар тонг қуёшни.  
Иўл учаркан тунқорасида,  
Жўнашади тик тутиб бошни.  
Олтиной шод, кулиб муттасил,  
Фронтовик студентга у  
Ўргатади илдам ва енгил  
Териш йўлин.

Тез, тоза, сулу.  
Терар Гулшан, күйлар русча шан.  
Ўрганимишди куйни Верадан.

Яшиаб келар раис — Болтака,  
Ҳилпиратиб йўрганинг ёлин.  
Куршар уни қизлар бир гала.  
— „Тахт бажардик пахта планин!“  
Кенг кўкракка сифмас ҳаяжон.  
— „Бўшаштирманг теримни ҳаргиз,  
Куз — айнама: сер қилиқ осмон“.  
Йиғлагудай шод-ди барча қиз.  
Гулшан бирдан дейди гумонда:  
— „Биз ётибмиз ҳали тўқсонда!“

— „Қўрқма, қизим, даланг бой, қара“  
Дейди раис, Назмига кейин  
Кўзин қисар — сир бор қанақа?  
— „Пахта тўйи эрта ё индин.  
Қулоғингдан чўзиб Мадёрга  
Кўшоқ қилсан?“

А, не дейсизлар?“  
Звено шод хайрли корга.  
— „Палов! — дейди студент қизлар.  
Юзин бурар Назми, дер секин:  
— „Юз центнердан берайлик... кейин“.

#### XIV

Қиши кечаси, гувиллар шамол.  
Далада қор, қуш инида қор.  
Инграп оғриқ каби қари тол.  
Ойналарни беҳар қиши гулкор.  
Кенг, чор хари уйда беш ўртоқ  
Пахта чивир.

Беш бармоқ каби

Ҳамиша бир, ҳамиша иноқ.  
Үртада кир лампа, бещави  
Пахта чивир. „Юз“га бор андак.  
Қанор-қанор шипгача күсак.

Бу күсаклар ёмғир, қорда чин  
Азоб блан йиғилган бари.  
Юзларини тилган изгириң,  
Музлар кечиб қотган тизлари.  
Чивийдилар өрта, кеч. Мудом.  
Үюм-уюм пахта. Бармоқлар  
Кучи блан сиғылған тамом.  
Олмасданми, недан, тирноқлар!  
Қыздар буқун түкson түккізда.  
Ҳарбири дер: „Юз дедик-юз-да!“

Сиртда шамол увлар ит каби,  
Гоҳ түйнүкдан сакрап чироққа.  
Чивир қыздар. Эгилиб қадди,  
Ба'зан кетар бири мудроққа.  
— „Етмай қолса? — хавфсираб, назар  
Солар Дилбар қанорлар сари.  
Гулшан құрқымас: „Етмаса агар,  
Музлар, қорлар орасидаги  
Тошдай қотган ҳар күсакни-ям  
Йиғамиз-да чивимиз кам-кам“.

„Енғоқ қилиб чақамиз барин!“  
Дер Олтиной — күзлари қисиқ.  
— „Баслашаман, бир үзим тағин  
Бир уй күсак тераман. Аниқ“.  
Дилбар „полвон“ елкасин қоқар.  
— „Тахта ғұза — туя ҳазили!“  
Кулишади. Тинмас бармоқлар.  
Киар Мадәр. Янги қор иси.  
— „Бас! — дейди — қоқ ярим кеча.  
Ухлаб олинг сиэ пича-пича“.

Күз сузади Назми-хотини:  
— „Чивинг, партком бу киши яна!“  
Мадәр қовун сүйиб, тотини  
Мақтар, силкиб бошини аста.  
Ҳар тилеми ой үроғидай,  
Томчилайди лаблардан шарбат.  
Уй тұла ҳид — поляз ҳидидай.  
Эслайдилар әзни бир муддат.  
Ұйқу қочар, бироз жунжишар.  
Толмас құллар ўз ишин бошлар.

Кенг чордана қуриб Мадёр ҳам  
Тинмай чивир. Күзлари фақат  
Сайр этади қызларни ҳардам:  
Ҳаммасида өски, бақувват  
Қисқа гуппи: юзлар чиниққан;  
Чайир құллар елдан, ишдан кир.  
Мадёр ҳайрон. Ўйлар, таққослар:  
— „Булар аскар. Ўт ичган аскар!“

Қызлар чивир. Ғувиллайди ел,  
Түйнукчадан сепар оқ юлдуз.  
Қызлар донгдор. Ҳам фронт, ҳам әл  
Олқишилаган уларни шу куз.  
Мұхбирларга дерлар ҳар дағ'а  
Қизаришиб: „Нима қилимиз?“  
Мадёр ўйлар: „Агар ўн марта  
Уруш оғир бұлғанда ҳам биз  
Енгарканимиз — не қызлар, бир боқ!“  
Звено чивир. Тонг отар оппоқ...

#### XV

Кунлар ўтди колхозда ҳамон  
Бир-биридан суронли, сер юк.  
Яна қуёш — у „бобо деңқон“  
Ерни безар түн беріб күм-күк.  
Лекин она бұлди бу баҳор  
Үлмас кунга. Түққизинчи май!  
Улуғ зафар. Ҳақ иш барқарор.  
Юрт қалбидა наш'a океандай  
Жұшар әкан, қишлоқда шу кун  
Бир томчиси қилди не тұлқин!

Олам янги, яшарған каби.  
Муқаддас кун ҳаяжонида,  
Айрилиқлар, шаҳидлар дарди  
Сұнар бир зум қалб зиёсида.  
Хаәлларга, умид — орзуга  
Қалб зарбига ёр бўлган зафар  
Мана келди! Дил така-пука!  
Ёшу-қари гўё қидирап.  
Бир-бирида кўргандек уни,  
Қучоқлашар, кўзда ёш дури.

Ҳарқаерда, бахмал майсада  
Бошлигади вадаванг сурон.  
Чирмандалар зўр жазавада,  
Гумбурлайди гўёки осмон.  
Қарсак. Гаплар ўт. Қийғос садо.  
Атласларнинг ранг-равг гирдоби —

Қизлар ўйнар. Аллама бало!  
Шодлик дар'ё—йүқдир мироби!  
Чол Турғунбай ва Мастон кампир  
Чапан рақска тушкудай ҳозир!

Гулшан куйда, ўйинда бутун...  
Қошларининг учиши каби,  
Дилбар рақсда енгил, шўх бугун.  
Дуторини сайратар Назми.  
Олтиной-ла „Полвон“ супада  
Ҳа-ҳу блан тузар зиёфат.  
Гоҳ отда, гоҳ базмда Болта.  
Чулоқ Мадёр—лочин тез сур'ат.  
Чувуллайди бир қишлоқ бола.  
Байроқчалар кулар қон лола.

Юлдузларнинг олтин чамани,  
Пахмоқ ёлқин маш'аллар блан  
Хаёл рангли кеча байрами.  
Гулзор, майдон, супа гурлар шан.  
Дараҳтларда қушлар патирлар.  
Нурга тўла ҳовуз косаси.  
Куйларда қалб ташибан сирлар,  
Туйғуларнинг асл, тозаси.  
Чирмандалар бир ёқда гижбанг.  
Хон атласлар ёнар рангоранг...

Тонгда колхоз араваларга  
Минар шошқин. Ҳайда чўл сари!  
Яшил води, қариши зарга  
Тенг диёрда хунук доф каби  
Ётган қумлиқ—тақир ёнтоқзор  
Сувга қониб кийсин кўк баҳмал,  
Боғлари-ла баҳтга бўлсин ёр!  
Сурон. Колхоз жўнайди жадал.  
От ўйнатиб Мадёр, Болтака  
Борар чангда икки чаккада.

Дўст „бешалоқ“ ҳаммадан олдин.  
Жомакорлар пухта, муносиб.  
Бошлари тик, қарашлар—лочин.  
Бўлмадилар не ишда ғолиб!  
Гулшан борар—қуёшда қўллар—  
Сўзанада Сталин жонажон  
Элни янги зафарга йўллар.  
Байроқ элтар Ойжамол полвон.  
Халқла бирга, янги шон сари  
Борар қизлар—юрга саралари...

## АБДУЛЛА ҚАҲХОР

### КАРТИНА

*Хикоя*

Қиём пайтида „Пахтакор“ колхозининг правленияси олдига қўнғизнусҳа бир автомобиль келиб тұхтади. Бу автомобиль райондан, шаҳардан тез-тез келиб турадиган автомобильларга сра ўшамагани учун оқсоқ қоровул ундан кўзини олмай қўлтиқтаёни тўқиллатганича зинадан тушдию унга яқин боришини ҳам, бормаслигини ҳам билмай анҳор кўпргидан берида тўхтаб қолди. Автомобильнинг кетидан эргашган чанг унинг устидан, ён-веридан елиб-буралиб ўтиб ерга бош қўйгач, эшик очилиб ундан икки киши тушти, бири новча, озғин, катак кўйлак ва пойласи бўғма жигарранг шим кийган ўрта ёшлардаги бир киши; иккинчиси — қора сочи қулоқ ва бўйинларини босиб кетган, жуҷунча китель ва амиркон туфли кийган пакана бир йигит әди. Йигит кўприкка тамон бир-икки қадам бостию бармоги блан имлаб қоровулни чақирди.

— Мумкинми... Раис қаёқда?

— Салом, келсинлар... Мажид aka даладалар.

Йигит, гап сўрашдан олдин, салом бермаганидан хижолат тортти шекилли, ўнғайсизланиб қангшарини қашлади.

— Партия ташкилотчиси қаерда?

— Ўртоқ Хатамовами? У киши ҳам далада.

— Телефон йўқми?

— Йўқ ҳисоби, яхши юрмайди... Қани, буёққа... Ким керак бўлса ҳозир хабар қиласиз. Пахтачилик институтиданмисизлар?

— Йўқ.

Меҳмонлар кўприкдан ўтишти, лекин, қоровулнинг қисташига қарамай, ичкарига киришмади. Қоровул кўччанинг у юзига ўтиб қаергадир кириб чиқти, кимнидир чақирди, ким бландир гаплашти. У қайтиб келганда новча киши иморатга узоқдан кўзини гоҳ қисиб, гоҳ катта очиб қаарар; пакана йигит унинг колонна ва деворларига чертиб, дераза ва эшикларининг бўёғини тирнаб, ҳидлаб кўрар; иккави бир-бирига қараб дам-бадам „Типик! Типик!“ деб қўяр әди.

— Бу иморат қачон солинган? — деди пакана йигит.

— Уруш бошланган йили пойдевор қўйған эдик, уруш даврида битиришипти.

— Сиз ўқумидингиз? Урушдамидингиз? Оёқни қаерга қўйиб келдингиз?

— Оёқни Кримга қўйиб келдик.

Хаял ўтмай партия ташкилотчиси Хатамова келди. У, ўзи ёш бўлса ҳам, сочига оқ оралаган, оддий колхозчи хотинлардан эди; меҳмонларнинг хотинларга хос мулоzимат ва ширин сўзлик блан ўзининг кабинетига таклиф қилди. Меҳмонларни у ҳам пахтачилик институтидан деб ўйлаган эди, броқ, новча кишининг нойчаси бўғма шимини кўриб иккиланди шекилли, нима дейнишини билмай қолди.

Меҳмонлар бир-бирини таништири:

— Эш шоирларимиздан Куватбек, — деди новча киши.

— Эш режиссорларимиздан Фаниев, — деди пакана йигит.

Хатамова мамнуниятдан қизариб та'зим қилди.

— Қадамларингга ҳасанот! Шоирларимиз, сан'атчиларимиз мана шундоқ йўқлаб келишса қандоқ яхши! Китобга, сан'атга колхозчиларимизнинг ҳаваси зўр. Ўзимиздан чиқсан шоирлар ҳам бор. Миллий музика тугарагимиз яна ишга тушти. Уруш даврида ётиб қолган эди. Лекин ҳаммаси ҳали ҳам уста кўрмаган шогирдлар. Иккита шоиримиз бор, лекин район газетаси иккавини ҳам тан олмайди: ше'р юборишига нуқул „хабар ёзинг“ деб жавоб келади. Янаги йилга кичикроқ бўлса ҳам саҳна қуриш ниятимиз бор. Клубимиз торлик қиласди... Заб келибсизлар-дал Раҳмат!

Хосилот, ундан кейин раис келди. Бирнече киши эшикдан бошини тиқиб қаради. Йўлакда кимдир „Академиядан“ деди.

— Бизнинг бу ерга келишимиздан мақсадимиз, — деди режиссор бирлаҳза жимлиқдан кейин, — биз ўз олдимизга жуда муҳим бир вазифа қўйганимиз. Бу вазифани бажаришда сизларнинг ёрдамларингизга муҳтожмиз. Аввало шуни айтиш керакки, „Пахтакор“ колхози районда ҳар жиҳатдан типик колхоз. Биз мана шу колхоз ҳаётидан нафис фильм я'ни картина яратмакчимиз.

Раис ўтирган ерида қоматини кўтарди, узун мўйлабини бураб илжайди.

— Колхозимиз картина қилишга арзидиган бўлса хурсандмиз.

— Биз ҳозир сизларнинг вақтларингни олмаймиз, — деди шоир. — Сизлар блан гаплашадиган гапимизни кечқуруига қўямиз. Кечгача биз колхознинг ўёқ-буёғини кўриб, танишиб чиқишимиш керак. Бизга ҳозир битта етакчи берсаларинг бас.

Етакчиликка бояги оқсоқ қоровул мувофиқ қўрилди.

Правленияядан чиқиши. Коровул меҳмонларни правлениянинг кунюриш томонидаги кўчага бошлади. Бу кўчада қулаган ва қулий деб турган деволлар, паст-баланд ва қийшиқ уйлар орасида режа блан солинган чиройли, оқ иморатлар учрар эди.

— Янги қишлоқ энди кўкариб келаётган эди, — деди қоровул меҳмонларни олдига ўтказиб — уруш чатоқ қилди. Уруш бўлмаганда мана бу қалдирғочнинг уясига ўхшаган уйлардан, мана

бу бүйинчага ўхшаган эшиклардан ном-нишон қолмас әди. Картина-нинг бирон жойига шуни ҳам қистириб ўтинглар.

Кўпдан бери шикаст-рехти тузатилмаган мактаб биносиининг олдидаги боғчани кесиб ўтиб тош йўлга кесиб чиқиши. Йўлнинг икки томонидаги қатор тераклар орасидан унда-бунда тахланиб ётган ёғоч, хом ва пишиқ гиш, бўйра ва бошқа бинокорлик материаллари кўринар, буларнинг орасида одамлар ивирсисб юрар, аллақаердан арра товши эшитилар әди.

— Бинокорлик бригадамиз, — деди қоровул одамларни кўрсатиб, сўнгра меҳмонларни йўлининг охиридаги яшил дарвозага бошлаб кирди, — бу колхозимизнинг боғи.

Дарвозанинг рўпарасидаги хиёбоннинг у боши кўринмас әди. Ёнбуш хиёбонларнинг биридан оқ ҳалат кийган, нозикгина, икки бети қип-қизил бир жувон чиқиб қолди. Қоровул уни меҳмонларга танишириди. Жувон болалар боғчасининг мураббияси экан.

— Боғчангизни кўрсак мумкинми? — деди шоир шошиб.

Худди шу саволни худди шундай шошиб режиссор ҳам берди.

Жувон бошини бир томонга қийшайтириб жилмайди; қоп-қора ва ингичка қошлари билинар-билинмас чимирилди-да, эркалаб—ұпкалаб турган лаби қимирлаб майин товуш эшитилди:

— Кечирасизлар, болалар ҳозир уйқуда, у томонга ҳечкимни ўтказишмайди...

Йўлда давом этишти. Режиссор негадир жадаллаганича илгарилаб кетти. Шоир қоқиниб йиқилаётди ва қоқинганига сабаб эс-хуши боғчада эканини кўрсатиш учун энгашиб қайта-қайта ўша тамонга қаради. Хиёбоннинг у бошида нақшкор ҳаворанг баланд айвоннинг бир чеккаси кўриниб туар әди.

— Фаниев, — деди шоир, — боғчани кўринг! Бизнинг болалигимиз ота-онамизга хўп ҳам арzon тушган-да!

Режиссор жавоб бермади.

Қаердандир пайдо бўлиб қолган мўйсафид боғбон меҳмонлар блан сўрашиб уларни каттакан ҳовуз бўйидаги баланд, ўзининг айтишича Москвадаги қишлоқ хўжалиги кўргазмасида Ўзбекистон павильонига ишлаган усталардан бири соглан шийпонга олиб чиқди. Шийпонни ҳақиқатан жуда дидлик одам зўр ҳавас блан солганлиги кўриниб туар әди. Унинг атрофидаги гулзорда ранг-баранг капалаклар, йигначилар қанот қоқар, асаларилар фўнгиллар, аллақаерда фуррак фурреклар әди. Чол шогирди бўлмиш ёшгина оғзин, жуда сертавози' йигитнинг қўлига қошиқдон-саватни бериб мива-чевага юборди-да, ўзи пойгага чўкка тушиб, меҳмонлар кимлар ва нима учун келганликлари блан иши бўлмай, боғнинг тарихи, бунда қандоқ мевалар борлигию буларнинг кўчатлари қаерлардан келтирилганлиги, боғни қандай колхозларнинг раислари кўрганлигию, нималар деганлиги тўғрисида сўзлаб кетти. Областьнинг ҳарқаеридан келтирилган турли-туман кўчатлар ичидан унинг учун энг му'табари аллақаердан нучук бўлиб аэропланда келтирилган йўғирма туп анор бўлиб, унинг ўша ер анори эканлигидан ҳам кўра аэропланда келтирилганлигини кўпроқ та'кидлар әди.

— Раисимиз жуда ҳавсалалик йигит, — деди чол саватни шо-

гирдининг қўлидан олаётиб,—ҳамма ишга ҳам шундок, жон-дили блан киришади. Мана, мана шу анжирнинг кўчатини Оққўргондан олдириб келди; автомобиль берди, уч кун овора бўлиб ўзим олиб келдим. У вақтда учта автомобилимиз бор эди.

— Боф колхозга қанча даромад беради?—деди режиссор ҳил-ҳиллаб пишган шоптолининг пўстини арчаётib.

— Ўтган йил бир юз ўн икки минг даромад берди. Гап даромадда эмас, ўғлим, ҳарқанча даромад бўлса пахта беради. Ўтган йил пахтадан бир миллион уч юз минг даромад олдик. Боф яхши-да! Мева-чева... колхознинг кўрки. Уруш Йиллари аскар болаларни йўқлаб турдик. Аскарлардан, командирлардан қанча хат келдию! Ҳаммасини раис темирсандиққа солиб қўйган. Кўрсаларинг бўлади. Ленинграддан менинг номимга ҳам бир хат келган. Жуда аломат. Совғани Тўпанисо олиб борган эди, хатни шундан бериб юборишилти. Аслида Ленинградга мен борадиган эдим, Тўпанисо „Мен бораман, дегандан кейин индамадим. Үнинг эри ўша томонларда шаҳид бўлган эди. Бечора жуда яхши хотин. Ҳозир партия ташкилотчимиз... Бормаганим кўнгилга армон бўлди. Борсам жиянимни кўриб қолармидим...

— Жиянингиз Ленинграддами?

— Ҳа, ўша ерда эди, пароходда хизмат қиласр ҳади, шаҳид бўлди.

— Жиянингиз денгизчимиidi?

— Ҳа. Москвага ўқигани борган эди, кейин Ленинградга кеттим деб хат қилдию икки йилдан кейин кокиллик шапка кийиб келди. Қайтишда мени Москвага олиб борган эди.

— Москвага борганимисиз?—деди шоир ва шошиб ёнидан қўйин дафтари блан қалам чиқарди. — Қани, бир бошдан айтиб беринг-чи.

— Менинг Москвага боришим қизиқ бўлди. Эрталаб бориб тушдигу кечқурун жияним қайтиб поездга чиқориб қўйди, нимага десангиз, уруш бошланиб қолди. Ленин отани зиёрат қилдим ха-лос. У кишининг дахмаларида ҳам бирпас ўтиралганим йўқ, одам кўп өкан, буёқдан кирдигу ўёқдан чиқдик, тўхтамадик. Уруш бўлмаганда кўп жойларни кўрар эдим. Қишлоқ ҳўжалиги кўргазмасини тамоша қиласр эдим. Яна кўргазма очилар. Лекин эндиги кўргазмага томаша қилгани эмас, ҳунаримни кўрсатгани бораман. Фалати пайвандлар қилганман.

Чол ўша пайвандларини кўрсатгани ва умуман боғни тамоша-қилдиргани меҳмонларни бошлаб кетти. Богга мана шу хилда меҳмонлар келганда чол уларга боғнинг та'рифини қилмасдан, унинг ҳаммаёғини кўрсатмасдан ва боғ тўғрисида уларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитмасдан қўймас эди. Коровул шунни яхши билганилиги учун бирон икки соатдан кейин қайтиб келмоқчи бўлиб ўз постига кетти. У икки соатдан кейин қайтб келганда чол меҳмонларга тутнинг танасини пармалаб ўтказилган узумнинг ҳар боши тўрвадек ва ғужумлари тутнинг донасилик зич бўлиши керак өди. Коравул яна бир айланниб келганда меҳмонларни етти йиллик мактаб ўқучиларининг тажриба участкасида кўрди. Чол

кулиб-кулиб гап ма'қуллар, шоир дафтарчасини тиззасига қўйиб тез-тез ёзар эди.

— Мулла акалар, бу ердан чиқиб қаерга борамиз? — деди қорвоул.

Режиссор кулиб жавоб берди:

— Дармонимиз етса электростанцияга борамиз-да.

— Отам сизларни чарчатиб қўйдиларми? Бу киши шунаقا, қўлларига тушган одам боғдан деволларни ушлаб чиқиб кетмаса ҳисоб эмас... Электростанция ёпиқ-ку. Техник станцияни қулуфлаб ҳаммомга кетипти.

— Биз боргунча келиб қолар.

— Йўқ, келмайди. Ростини айтсан сизлар шу ерда бўлсаларинг бугун чироғсиз қоламиз. Станция обжувознинг ўрнига солинган-да, жуда кичкина, кўримсиз. Шунинг учун техник „бунинг нимасини картинга олади; картин масҳарами, электростанция масҳарами“ деб станцияни қулфлаб ҳаммомга кетипти. Бугун келмас эмис. Бир ҳисобда кўрмаганларинг ҳам ма'қул. Колхозимизнинг янги бешйиллик планида катта гидростанция қуришни план қилганимиз. Ана унда тандирни ҳам электрда қизитамиз. Картинга ўшанда олинса... Бу ердан чиқиб фермага борақолайлик. Хафизахон опам картин боп тўққизта сигирни соғмасдан сизларга кўз тутиб ўтирган эмис.

Боғбон меҳмонларни кечки пайт бўшатти ва ўшанда ҳам „аттанг, фурсатларинг бўлганда ҳамишабаҳорни ҳам кўрсатар эдим“ деб қолди. У „ҳамишабаҳор“ деб парникни айтар эди.

Меҳмонлар жуда чарчаган эди. Бу ҳоргинлик боғдан чиқилгандан кейин айниқса билинди. Шунинг учун бошқа жойларни, кўришни бўлак мөврутга қолдириб тўғри правленияга қараб кетишти.

Уларни раис қарши олиб правлениянинг орқасидаги меҳмонхонага бошлади. Стол турли ноз-нёматлар блан безатилган, унинг бир четидаги кичкина сариқ сомовор устида турган қизил чойнакнинг қопқоғи шириқлар эди.

— Э, овора бўлишнинг ҳожати йўқ эди-ку, — деди шоир хижолат бўлиб.

— Оворагарчилиги борми... — деди раис. — Қани, марҳамат... Боғдан бўлак жойни кўралмасизлар-да.

— Албатта ярим кунда ҳаммаёқни кўриб бўлмайди, — деди шоир, — боғнинг ўзини кўришга ҳам роса бир кун керак экан. Ажойиб!

Меҳмонлар колхознинг тарихи, хўжалиги, даромади, дангдор кишилари, янги бешйилликда қиласидаги асосий ишлари тўғрисида саволлар бериб раисдан батафсил жавоблар олишти. Қоронғи тушгандан кейин Хатамова ўрта ёшлардаги барваста бир киши ва қоп-қора бир қиз блан кириб келди.

— Танишиб қўйинглар, меҳмонлар, — деди Хатамова, — юз центнерчи звено бошлиғи Қундузхон Хайитова... Бу киши бригадир. Мавлон ака. Шартнома йигирма иккига, Мавлон акам олтмиш учун курашаётптилар.

Сұхбат яна давом этти. Меҳмонлар звено бошлиғи блан бри-

гадирга ҳам сон-соноқсиз саволлар беришти, берилган жавобларни шошилмай батафсил ёзиб олишти. Шоир тез-тез ёзар әкан, худди сурат чизаётгандай, жавоб берган кишига қараб-қараб қўяр эди.

Ниҳоят режиссор дафтарчасини ёпти, пешонасини силаб ўйчан гап бошлади:

— Биз колхоз тўғрисида асосий ма'lумотларни олдик, лекин буларнинг ҳаммасини кўзимиз блан кўришимиз керак, токи илҳомланайлик. Кўриш яхши! Мана, битта боғни кўришимизнинг ўзи бизнинг „Пахтакор“ тўғрисидаги тасаввуримизни буткул ўзгартириб юборди. Энди гап бундай: колхозни ҳақиқий колхоз қилишда механизациянинг роли ўзларингга ма'lум. Биз картинализминг асосий масаласи қилиб механизация масаласини олмоқчимиз. „Пахтакор“ механизация жиҳатидан ҳам типик. Шундоқ эмасми?

Раисга бу гап ёқти шекилли, илжайди.

— Лекин,—деди биз—ҳали механизацияни тўла амалга оширидик деялмаймиз. Бу гапни шунда айтамиз, қачонки, колхоз бўйинча бир центнер пахта ҳеч бўлмаса уч-тўрт меҳнат кунига тушса. Мана бу йил Кундузхон етти меҳнат кунига туширишни кўзлаб туринти.

— Тўғри,—деди режиссор,—Шундоқ бўлиши керак. Биз механизация масаласини олганимизда бизга нима керак? Бизга воқиа керак. Воқиа бўлиши учун нима керак? Қарама-қаршилик керак. Мана, масала шунда, қарама-қаршиликда. Биз биламизки ҳарбир янгилик қаршиликка учрайди. Демаю механизация ҳам қаршиликка учраши керак. Бизга мана шуни айтиб берсаларинг кифся. Механизацияга қарши чиқишлиар бўлиб турадими, бўлса қарши чиққан одамларнинг далил ва исботлари нималардан иборат?

Хатамова лабидаги табассумни яшириш учун тез-тез чой ҳўплар әкан:

— Қани, Мавлон ака, нима дейсан? — деди.

Мавлон ака аввал Хатамовага, ундан кейин раисга, сунгра режиссорга қаради-да, бўйинни қашлар әкан илжайиб:

— Ўттизинчи йилларда қаёқда эдингиз, мулла ака! — деди.

Ноқулай жимлик чўкти.

— Бизнинг қишлоқларда ҳозир механизацияни қаршиликка учрайдиган, одамлар чўчидиган янгилик деб бўлармикин? — деди раис хиёл табассум қилиб. — Республикамизда ҳозир икки юздан ортиқ М. Т. С. бор. Қани, сен нима дейсан, Кундузхон?

Кундузхон, гапиргиси келиб турган бўлса ҳам, нимадандир истаҳола қилиб турган бўлса керак, дарров гап бошлади:

— Мен даламизга биринчи трактор чиққан йили туғилган эканман. Ҳали Мавлон акам ўттизинчи йиллар дедилар. Ўша йиллари механизацияга қарши чиққан одамлар бўлса бўлгандир, нимага десангиз, механизациянинг нималигини билишмаган. Лекин ҳозирги вақтда, механизация колхознинг жони эканини ҳарбир колхозчи кўриб, билиб турганда механизацияга қарши одам бўлиши... билмадим.

— Масалан чоллар бўлиши мумкин, — деди шоир.

— Чоллар? Мен ерни қўш ҳўқиз блан ҳайдаб кўрган эмасман, унинг азобини билмайман, чоллар билишади. У вақтларда

Энг мүл ҳосил ўн центнер экан, мен буни эшигтганман, лекин чоллар ўз кўзлари блан кўришган. Картинага олинадиган бўлса ҳақиқатни олиш керак.

Яна ўнғайсиз жимлик чўкти.

— Албатта меҳмонлар ҳам буни билишади, — деди Хатамова— лекин, ўзлари айтгандай, бир воқия керак. Булар сохта бўлса ҳам бир воқия яратиб шу боҳона блан колхозни, механизациянинг кучини кўрсатмоқчи бўлишади-да. Шундоқми?

— Ҳа, баракалла! — деди режиссор, — гап мана шунда!

— Тўғри, лекин колхозда ҳеч бўлмаса беш-ўн кун турсала-ринг, колхоз блан дурустроқ танишсаларинг ҳақиқатга мос кела-диган, жуда қизиқ, картина боп воқия ўзи чиқиб қолади. Агар турамиз, ўрганамиз, одамлар блан яхшироқ танишамиз десала-ринг, марҳамат! Нима дедингиз, раис?

— Майли, бир ой турасизларми, икки ой турасизларми, қанча турсаларинг биз хизматда.

— Ҳозир ўтиб келаётсан қоровул Сафаралини чангитиб сўкиб ётипти, — деди Хатамова аввал раисга, сунгра меҳмонларга қараб. — Сафарали бизнинг тегирмончимиз. Жуда қизиқ йигит. Шу келиб қоровулдан сизларни сўрапти; қорвоул „Нима қиласан?“ деса, „Бизнинг тегирмон ҳам картина тусиб қолармикин?“ депти. Шунга қоровул бўғилаётти: „Ҳай, инсофинг борми, йўқми, одамлар электростанцияни кўрсатгани уялиб қочиб кеттию, сен тегирмонингни суқасан“ дейди. Сафарали ҳам бўш келмайди: „Менинг тегирмоним районда биринчи, сен тегирмоннинг фаҳмига етмайсан“ деди. Рост, тегирмонни жуда боплаган. Бу йигит бошқа ҳеч ишда ўзини кўрсаталмаган эди, шу ишга қўйдик, бунда ўзини кўрсатти. Тегирмончилик унга отамироси, эртаю кеч тегирмон атрофида айлангани айланган. Тегирмон бунинг қўлига ўтгандан бери яхши даромад берадиган бўлди. Мен буни айтмоқчи эмас эдим, ҳалиги техникнинг қочиб кетганилигини айтмоқчиман. Менинг билишимча, ўзи кичкина-ку, лекин шу ҳам бир воқия. Дурустроқ ўйлаб кўрилса қизиқ воқия! Бу станцияни солганимизга ўн бир йил бўлди. Ўша вақтда бу тўғрида қанча шов-шув бўлгая эди. Мана энди, кўриб турибсизлар, бирорвга кўрсатгани уялишади. Буни, албатта, мисол учун айтибтиман, кичкина воқия...

Режиссор яна дафтарини очиб бир нималарни ёзиб қўйди. Қундузхон бирнима демакчи бўлиб икки-уч оғиз ростлаганидан кейин, секин:

— Мула акалар, — деди, — беадабчилик бўлса ҳам менинг бир таклифим бор эди: колхозни кўрсатишга воқия керак бўлса шу келишларинг ўзи бир воқия эмасми?

Ҳамма кулиб юборди. Қундузхон, жуда ҳам беҳуда гап айттим шекилли деб, қип-қизориб кетти ва юзини яширди.

— Тўғри, синглим, жуда тўғри айтдингиз! — деди шоир завқ қилиб, — энг яхши, энг қизиқ воқия мана шу келишимизнинг ўзи! Бир шоир блан бир режиссор колхоз ҳаётидан картина яратмоқчи бўлишади, колхозга келиб бир ойми, икки ойми туришади...

Режиссор унинг сўзини бўлди:

— Воқиа излашади, топишолмайди, кейин Қундузхон воқиа топиб беради. Ҳақиқатан, ўртақ шоир, жуда қизиқ кино-комедия қилиш мумкин!

Яна кулги кўтарилиди.

Меҳмонлар шунга қарор қилишти.

Овқатдан олдин жиндай-жиндай мусаллас ичилди. Бўлажак кино-комедия ҳақидаги хушчақ-чақ суҳбат ярим кечагача давом этти. Меҳмонлар кетиб бир ҳафтадан кейин қайтиб келишти.

Уч ойдан кейин қисқа метражлик кино-комедиянинг с'ёмкаси бошланди:

„Пахтакор“ колхозининг правленияси олдига қўнғизнусха бир автомобиль келиб тўхтади. Ундан икки киши тушти ва ҳоказо-

## УЙГУН

### АСРЛАР

5 пардали музикалы драма

#### ИШТИРОК ЭТУЧИЛАР

Анвар Ҳайдаров — инженер, Баш-  
түрии куралишнинг бошлиги.  
Мунаввар Ҳолдорова — гид-  
ротехник.  
Заславский Николай Пав-  
лович — баш инженер.  
Уста Жалол — сепоячилар.  
Парписаркор  
Саодат — бригадир.  
Турсун  
Адол  
Хосият } — куруучилар.  
Собиржон  
Кодиржон  
Шерали — б.игадир.  
Мардон ота — башиб.  
Раҳбар.  
Курилиш бошлиги.  
Маруся — дерикда ишловчи қиз.  
Петъка — шофер.  
Доктор  
Хамшира  
Инженер  
Пинженер  
Ширин.  
Фарход  
Мадинбеку  
Форёд  
Вазир  
Хисров  
Соқчи  
Мулозим  
Канизак  
Инженерлар, раҳбарлар, бошлиқлар,  
куруучилар, шахзодалар лар жар-  
бошилар, соқчилар, мулозим-  
лар, каниззилар, раққосалар, со-  
зандалар, хали.

## БИРИНЧИ ПАРДА

Сирдар'ё қирғони. Тұғрида Фархад тоги, узоқла Шириңсой, үндан нари Қасрий Шіріннің харобалари, үндан нари ясов тортиб юксалған төглар сил-силаси күрінізді. 1943 йылнан қаңдайтын қиши. Бек боданинг машхұр шамжоли забтыңа олган, қор тұзоналарини күкка совуриб ўйнайды. Пастдан, чуқурулқада Сирдар'ё оқмоқда. Сақна буш. Ваңшыл табиат ва уннанғ ёввойи шовқинің тири-дан бұлак ҳечнарса жүйк. Ҳаммәзқын бүрөн ве дар'ё шовқиниң қоплаб олган. Аса-бий ве кескин музика пайдалауда табиатнанғ шовқинига құшилиб янграй-ди. Бироздан сұнг, узоқда табиат шовқинини босиб, хој садоси әшитилади. Хор аста-секин кучаяборади, яқынлашади ве барыла әшитилабо илайди. Сақна-дан ясов тортиб, аскарчасига саф-саф бұлды, құлларидан байроқтар, доңийлар-нинг расмлари, кетмен, бел, кирка, замбыл ве башқа иш құролларының күтартған күрүчишілар үтабошлайды.

Халқ — Чорлади Ватан, йұллади дохий,  
Келдик үлканинг ботир әрлари.  
Мәхнатимиздан гулга күмилгай  
Бахти үлканинг шонли ерлари.

Аждымиз улуғ, ғайратимиз зүр,  
Биз замонанинг марди, шерлари.  
Мәхнатимиздан нурға чүмилгай  
Фолиб үлканинг шөнли ерлари.

Дохий буюрди, нурға нур қүшинг,  
Ленин орзусын келтириң бажо,  
Күрсатынг жақонларга му'жиза  
Сир қучогидин чақнасан зиә.

Дохий буйруғын келтириб бажо  
Евни әткүмиз ер блан яксон.  
Үлкани нурға, гулға күмармиз  
Бұлсын аждымиз дун'ёға достон.

(Халқ үтиб кетади. Хор узоқлаша бориб, аста тинади. Сұнг тұда-тұда бү-либ ве якка-якка орқада қолғанлар үтабошлайды. Шамол, қор тұзона, ю-ришга имкон бермайды. Мұнаввар киради. У, қарчаган, оғмұр юради. Сой томондаған Анвар чиқади. Мұнаввар тойиб кетади. Анвар уни сұяб қолади).

Анвар — Кечирасиз.

Мұнаввар — (лоқайд) Раҳмат.

Анвар — (пастни күрсатиб) Қаранг жақаннам.

Мұнаввар — Жақаннам ҳам күрінмайды күзимга.

Анвар — Бошингиңизга бирор кулфат түшдими?

Мұнаввар — Иккі акам құрбон бўлди. (Йиғлайди).

Анвар — Йиғламанг.

Ҳамманинг ҳам бошида бор бу савдо.  
Йиғи ҳечвақт дардга даво бўлолмас.  
Сизу бизга йиғи әмас, душмандан  
Қасос олиш муносибидир.

Мунаввар — (Йигидан тўхтаб) Шубҳасиз.

Шунинг учун мени жангга юборинг,  
Ханжаримни белай душман қонига,  
деб, илтило қилсан, жангга юбормай,  
Мени бунда йўлладилар.

Анвар — Жуда соз.

Бу ерда ҳам улуғ жанг бор, жабҳа бор.  
ФарҳодГЭСни қуриб юрга нур берсак,  
Бу ҳам ёвга зарба бўлур омонисиз.

Мунаввар — Шундай... Узур, мен инженер Анварни,  
Қайдан топсан бўлар экан?

Анвар — (кулиб) У киши,—  
Янглишмасам, қаршингизда турибди.

Мунаввар — Вой, сизмисиз?

Анвар — Худди ўзи.

Мунаввар — Бўлмаса (ёнидан қоғоз чиқариб, Анварга беради) Мени сизга юбордилар.

Анвар — (хатни ўқийди). Кўп яхши.

Гидротехник. Мунаввархон... Жуда соз.

(Дар'ё томондан бир гала инженер, техниклар блан  
Заславский чиқади).

Заславский — Анвар, қаёққа кетиб қолдинг? (Мунавварни  
кўриб) А... буёқда оҳанрабо бор экан-да. (Инженерлар кулишади.  
Мунаввар ноқулай вазиятда) Заарсиз... заарсиз... (Инженер-  
ларга) Сизлар штабга боратуринглар. Ҳа... ҳалиги нуқсонлар  
назарга олинсин. Проектлар тузатилсин! (Инженерлар кетишади).  
Танишингизми?

Анвар — Ҳозир танишдик. Танишинглар. Бу киши Фарҳод-  
ГЭС қурилишининг бош инженери Николай Павлович Заславский.  
Бу киши гидротехник Мунаввархон...

Мунаввар — (Заславскийга қўй бераб) Холдарова.

Заславский — (ҳазиллашиб). Бу ерда иш оғир бўлади-ку?

Мунаввар — (кулиб). Заарсиз... Шимолий Тошкент канал-  
лида ишлаб, оғирчиликларда ўрганиб қолганимай.

Заславский — О... демак, сиз, ҳали ҳечқандай оғирчиликни  
кўрмапсиз. Шимолий Тошкент канали блан ФарҳодГЭСни тенг-  
лаштириб бўладими? Пашшани филга тенглаштиргандай гап. Ҳатто,  
Катта Фарғона каналини ҳам Фарҳодга тенглаштириб бўлмайди.  
Бундай қурилиш ҳали Ўзбекистонда бўлган эмас. Биз тарихда  
биринчи марта Сирдар'ёни бўғмоқчимиз. Ўзбекистон Днепро-  
ГЭСини қурмоқчимиз. Бу foят катта ва мураккаб қурилиш. Бу  
қурилиш биздан зўр куч ва катта техника талаб қиласди. Ҳол-  
буки, куч ҳам, техника ҳам урушда. (Пастга дар'ёга тикилиб).  
Оғир бўлади. Дар'ёнинг сара'атига қаранг, худди отилган ўқса  
ўҳшайди. Да, жуда оғир бўлади, деярлик қўл блан бўғишга тўғри  
келади. Лекин бўғамиз! (Мунавварга) Нима дедингиз?

Мұнаввар — Албатта бұғамиз.

Заславский — Худди мана шу ердан бұғамиз. Боштүғон шу ерга қурилади. (Анварга) Да, ўртоқ инженер, ишнинг энг оғири сенинг участканда бўлади. Зарарсиз. Коқилсанг суяймиз, йиқилсанг кўтарамиз, кўз қўрқок, қўл ботир, дадил бўл Журатли бўл, бўларажак бош инженер! (Чнвар блан Мұнааварни қўлтиқлайди) Қани, дўстлар кетдик! (Кетишади. Уста Жалол блан Парни саркор киради).

Парни — Уста, мени қаёққа олиб келдингиз, асти! Бу ерлар күш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган ерлар-ку.

Жалол — Ҳа, йўлга чиққанда қасри Ширинни мўлжаллаган мидилар?

Саркор — Э, бунақалигини билсам келмас эдим. Бай, бай, совугини қаранг-а! Шу ёшга келиб бунақанги совуқни кўрган эмасман.

Жалол — Сизни ҳечким зўрлагани йўқ. Колхоз мажлисида мен ҳам бораман, деб талабгор бўлиб чиққан ўзингиз.

Саркор — Э, ўша куни мажлисга кечикиброқ келиб қолган эканман. Ҳамма гап ўтиб, сўз ким талабгорга келиб турган экан. Илгари, „кимда-ким, жангдаги йигитларга мадад бермоқчи бўлса, Фарҳод қурилишга бўрсин!“ деган сўз, қулоғимга чалишиб қолган эди. Раис ким талабгор деганда, урушда қон кечиб юрган яккаю-ягона фарзандим Солижон кўзимга кўриниб кетдию, мен талабгор деб юбордим.

Уста — Энди пушаймонмисиз?

Саркор — Пушаймонликка пушаймон эмасман-у, лекин дурустроқ тушунмаган эканман.

Уста — Бу епда тушунмайдиган ҳечнарса йўқ. (Сирдар'ёга имо қилиб). Дар'ени бўғамиз-у, электр станса қурамиз.

Саркор — (таажжубда). Дар'ени бўғамиз? Шу Сирдар'ени-я?

Уста — Ҳа.

Саркор — Бўғиб бўлмайди. Ўтмиш замонларда ҳам не-не паҳлавонлар ҳамла қилиб бўғолмаган. Қанча-қанча хонлар ҳарат қилиб әплолмаган. Оқ пошшо ҳам бир сира уриниб кўрган. аммо уддасидан чиқолмаган.

Уста — Балли-эй, дидингизга! Бизни бориб-бориб ўшаларга тенг қилдингизми? Биз ким-у, улар ким? Ўнта оқпошшо, юзта хон, мингта паҳлавон, битта забардаст колхозчининг олдидан ўтабермайдими! Бўғамиз дедик, бўғамиз!

Саркор — Безовта аждардек буралиб, ғазабланган арслондек сапчиб оқишини қаранг? Қандай қилиб бўғасиз?

Уста — Аскарчасига ишлаймиз, бўғамиз. Москавдан турили туман машина келади, ишга соламиз, бўғамиз.

Саркор — Ҳеч ақлим олмаётиди.

Уста — Ахир, бу ишнинг ҳам теппасида ота Сталин турибди. Теппасида Сталин турган иш рўёбга чиқмасдан қолгани борми, саркор!

Саркор — (ўзгариб). Үндай бўлса бошқа гап. Агар иш бошида

ота Сталин турған бұлсалар бүғишимиз аниқ. (*Кетишади. Бар гала қызлар блан Саодат киради*).

Хосият — Ҳой қызлар, Собиржон қани? (*Қызлар тұхтаб атроғға қарайдилар*).

Саодат — Ҳа-я, йүқ. Қаёқда қолди әкан? Соңдан ўтганда бормиді?

Тұрсун — (кулиб). Ҳали бутун бошлиқ бир одам йүқолиб, нах товонига қолиб юрмайлик.

Адол — Е, шамол учиреб кетдимикан? (*Қызлар кулишади*). Нега куласизлар? Ҳазили йүқ, шамолни қаранг, учирса учиреб кетгүндек.

Саодат — Ваҳма қыманғ, Адолхон! Үек-буекни қаранглар, топинглар. Адашиб кетгандир.

Адол — Қаёқдан топамиз? Уни топамиз, деб ўзимиз адашиб кетсак нима бўлади?

Хосият — Бўлмаса келинглар, шаттан туриб бараварига чақирамиз.

Адол — Бўпти, келинглар!

Қызлар — (баравар чақиришади). Собиржон ҳой, Собиржон!! Собиржон ҳой, Собиржон!

Собиржон — (узоқ жан). Ҳов, дол... ўлдим...

Адол — Ана, айтмадимми. Овози сойдан келяпти. Қани, юринглар! (Адол бошлиқ бир-иқки қиз кетади).

Тұрсун — (кулиб). Ошикий беқароримни шамол учиреб кетди, деб, юрагингиз така-пукадир, Саодатхон.

Саодат — (кулиб). Ўлдими, бутун бошлиқ одамни шамол учиреб... Адашган. (*Қызлар кулишиб, ҳаммаёғи қорга беланган. Собирни олиб келишади*).

Хосият — Мана, қанотли Фарҳодни тутиб келдик. (*Кулишади*).

Саодат — Кулманглар. (*Собиржонга*). Қаёқда қолдингиз?

Собиржон — (тараффуддан сүнг). Шамол учиреб кетди. (*Қызлар қетади*). Мен бир ўлимдан қолдим-у, булар яланг кулади.

Саодат — (кулгидан аранг тұхтаб). Кулманглар, кулманглар дейман, қызлар! (Узи кулиб юборади Қызлар қүшилади). Бас! Қандай қилиб учиреб кетди?

Собиржон — Сойнинг лабига энди оёқ құйған әдим, шамол юлдию - кетди. Сойга қараб ғилдирадим. Құрқанимдан тилим калимага келмай қолди. Сизларни чақиролмадим. Ҳайрият бориб белимдан бир тошга илиніб қолдим, бўлмаса пастга тушиб кетиб-чили-чили бўлар әканман. (*Қызлар кулишади. Қодиржон киради*).

Қодиржон — Опалар, Фарҳод шу ерми?

Собиржон — Ҳа, бу ерда нима қилиб юрибсан?

Қодиржон — Үзингиз нима қилиб юрибсиз?

Собиржон — Фарҳодга ишлагани келганман.

Қодиржон — Мен ҳам.

Собиржон — Сен ҳам? Ешиңг нечада?

Қодиржон — 14 да.

**Собиржон** — Ука, ҳали ёшлик қиласан. Уйга бор-у, дадангни айтиб юбор. Бу ердаги ишлар даданг бол ишлар.

**Кодиржон** — Дадам урушда бүсачи?

**Собиржон** — (*ноқулай вазиятга тушади*). Шундайми? Ба-рибир ука, уйингга қайт, жабр бўлади. Бу ерда нима ҳам қилардинг?

**Кодиржон** — Кейин биласиз, амаки. (*Кетади. Елкасида кирка, бошида сувсар телпак, кўкраги очиқ, бўрнни писанд қилмай, дадил, тикка босиб, хиргойи қилиб Шерали киради*).

**Шерали** — (*Дар'ё томонга қараб*)

Қўлга олдим олмос теша,  
Фолиб келдим мен ҳамиша,  
Хо сувлари зумрад шиша,  
Йўл бер Сирдар'ё, йўл бер.

Тошлар талқон зарбимдан,  
Ерлар ларzon забтимдан,  
Тоғлар ўйнар кафтимда,  
Йўл бер Сирдар'ё, йўл бер.

На'ра тортсам, қилсан хитоб,  
Файратимга беролмай тоб,  
Кучоғингдан чиқар офтоб,  
Йўл бер Сирдар'ё, йўл бер.

**Турсун** — Камол топинг!

**Шерали** — (*қизларни кўриб*).

Салом бердик шакар қизлар, ой-ой қизлар.

**Қизлар** — (*та'зим блан*). Салом.

**Саодат** — Салом, арслон келват йигитга.

Ўзларини қаерлардан сўраймиз?

**Шерали** — Олтин кўлнинг арслониман, шериман.

**Турсун** — Номингиз ким, яхши йигит?

**Шерали** — Шерали! (*Қизлар ҳайратда*).

**Саодат** — Олтин кўллик, донг чиқарган пахтакор,  
Шералими?

**Шерали** — Худди ўзи, ўргулсин.

**Саодат** — Бир кўришга хумор эдим, мен сизни.

**Шерали** — (*қўл чўзиб*). Кўришадилар! (*Кўришадилар*) Ном-лари ким?

**Саодат** — Саодат.

**Шерали** — Чинободли Саодатми?

**Саодат** — (*кулиб*). Топдингиз.

**Шерали** — Мен ҳам кўпдан донг чиқарган теримчи,  
Саодатни бир кўришга зор эдим.

**Собиржон** — (*кетабошлайби*).

Булбулим учди қўлимдан қайга меҳмондир бугун.

Булбулимни йўқотиб кўнглим паришондир бугун.

(*Кетади*).

**Шерали** — Беадаблик қилдим чофи, жўрангиз —

Фигон чекди рашк ўтида ўртаниб.

**Саодат** — Ҳар йиғлоқнинг рашки блан ишим йўқ.  
Ҳали бирор кўнгил берган кишим йўқ.  
Биз бу ерга ёр ахтариб келмадик,  
ФарҳодГЭСнинг чироғини ёққали,  
Мирзачўлга гул таққали келганмиз.

(Шу пайтда Фарҳод тогига Мардон пайдо бўлаши. Унинг соқоллари спокъ кўрилиши нуроний, бўрон унинг оқсоколини юлқиб ўйнайди. У ҳайкал-дек қотиб туриб пастдагиларга сўзлайди).

**Мардон** — Хуш келибсиз Сталиннинг авлоди.  
Очилимаган улуғ сирлар, тилсимлар,  
Хазиналар, дафиналар, бойликлар —  
Минг йиллардан бери сизни кутарди.  
Хуш келибсиз, улуғ авлод, зўр насл.

**Қизлар** — Бу ким? Дарвиш! Ётирилган Фарҳодми?  
Ё хаёлми, кўзимизни алдаган.

**Мардон** — Ва на Фарҳод, ва на хаёл. Бахшиман.  
Минг йилларнинг орзуси бор бошимда.  
Юз йилларнинг қиссаси бор қалбимда.

**Саодат** — Фарҳод блан маликаи Шириннинг,  
Қиссасини биласизми?

**Мардон** — Биламан.

**Қизлар** — Сўзлаб беринг!

**Мардон** — Вақти келар сўзларман.

(Узоқдан хор садоси эшишилади. Ҳамма кулоқ солади).

Халқ келмоқда ФарҳодГЭСни қургали.  
Қандай мағрур, маҳобатли на'раси.  
Бу халқ жангда ёвни талқон қилган халқ,  
Му'жизалар яратган халқ меҳнатда.  
Бу халқ улуғ доҳий Ленин қўлидан  
Озодликнинг шаробини ичган халқ.

(Хор кучаяби. Яқинлашади. Саҳнадан яна саф-саф бўлиб  
куручилар ўтади).

**Х о р** — Чорлади Ватан, йўллади доҳий,  
Келдик ўлканинг ботир эрлари.  
Меҳнатимииздан гулга кўмилгай  
Бахтили ўлканинг шонли ерлари.

Аҳдимиз улуғ, ғайратимиз зўр,  
Биз замонанинг марди шерлари.  
Меҳнатимииздан нурга чўмилгай,  
Голиб ўлканинг шонли ерлари.

(Саҳнадагилар ҳам хорга кўшилади. Ҳамма ўтиб к тали. Хор аста-секин ўзоқлаша бориб сўнади. Чироқ ўчиб ёнади. Ўса ер фақат ордан иккى кун ўтган. Фарҳод тогининг ёнбагишила штаб бошлиқлари, қурилиш раҳбарлари, Айвар, Мунавварлар турибди. Пастда ишга шайлии саф-саф бўлиб, буйруқ кутиб халқ турибди. Бўон авжилади. Бўрон товушмия босиб дикторининг овози эшишилади).

**Диктор** — Қаҳрамон ўзбек халқы! Сен беқасам тұннингни жомакорга олмоштириб, улуғ курашга киришдинг. Сен кекса Сирдәр ённинг жигилдонидан бўғиб, минг йиллик ётогидан турғизмоқчисан. Уни қўлтиқлаб, ўзинг ҳоҳлаган йўлдан етакламоқчисан. Унга „сен энди совет юргига тўла хизматкор бўл!” деган буйруқни бермоқчи бўлдинг. Улуғ Сталин ҳамда Ватан олдидаги ўз вижданни вазифангни бажариш учун улуғ меҳнат байроғини баланд қўтар! Большевик камарини яна маҳкам боғла! (*Дикторнинг овози тинади, тантанали жишилик*).

**Саодат** — (*жимликин бузиб*). Ўртоқ инженер хотин-қизлардан айрим бригада тузиш мумкинми?

**Анвар** — Албатта, мумкин.

**Саодат** — Бўлмаса кечиравасизлар, сизлардан берухсат (*қизларни кўрсатиб*) биз хотин-қизлардаи бир бригада туздик. Ҳаммамизнинг ҳам урушда биттадан, иккитадан кишимиз бор. Биз фронтчасига ишлаб, жангда юрган ака-укаларимизга ёрдам беришга қарор қилдик.

**Анвар** — Жуда соз. Табрик қиласиз. (*Қарсак чолади, ҳамма унга эргашади. Мучаввар ёнчдан блокнот чиқариб ёзаборади*).

**Саодат** — Ундан кейин Шерали акамлар, яланг полвонлар, йиғилишиб, гвардиячи бригада тузибдилар, деб эшийтдик. Биз ўша полвонлар бригадасини ижтимоий мусобақага чақирамиз. (*Қасрак*).

**Халқ** — Баллни! Яшанглар! Барака топинглар!

**Шерали** — Таёрмиз, шартларини айтсинлар.

**Саодат** — Кундалик топшириқни 500 процентдаи қилиб баражиш.

**Шерали** — Қабул қиласиз. (*Қарсак*).

**Жалол** — Саркор, биз ҳам битта-яримтани мусобақага чақирамаймиз.

**Саркор** — Мен сизни мўлжаллаб турибман, уста.

**Уста** — Чакки қиласиз, саркор, букиб қўяман.

**Саркор** — Э, майли, букилсан сиздан букилай, уста. (*Анварга*) Үғлим, мен ҳам манави қўшним, уста Жалолни мусобақага чақираман.

**Анвар** — Шартингиз?

**Саркор** — Қанчадан бўсин, уста?

**Уста** — Чақирган сиз, сиз биласизда.

**Саркар** — (*ўйлаб*). Юз элликка!

**Уста** — Ҳимматингизни паст қилманг. Икки юзга.

**Саркор** — Майли, ёзилсин! (*Ҳамма кулиб уларни ма'кулайди*).

**Қодир** — Мумкинми, ўртоқ инженер.

**Анвар** — Марҳамат.

**Қодир** — Мен (*қўли блан Собиржонни кўрсатиб*). Ҳов, анави амакимни мусобақага чақираман.

**Собиржон** — (*безовста*). Кимни? Меними? Йўқ, йўқ... Тўғри келмайди.

**Анвар** — Нега?

Собиржон — Э, ахир, тенг-тенги блан-да. Мен шу бола блан мусобақа ўйнайманми?

Кодиржон — Аввал мени ютинг, кейин чираннинг, амаки. (Халқ чапақ чалиб юборади).

Халқ — Тўғри! Қандингни ур! Боплади!

Собиржон — (тұтақиб). Хўп, шартингни айт!

Кодиржон — Кундалик топшириқни 300 процентдан бажарыш ва қурилиш охирига қадар иккита янги ҳунар ўрганиш.

Собиржон — Хўп, топшириқни ошириб бажаришни қабул қиласиз. Яна иккита янги ҳунар деганинг нима деганинг?

Кодиржон — Кейин биласиз.

Собиржон — (бўғилиб). Э, мен бу болани кейин биласиздан чиқиб қолдим-у!

Кодиржон — Дангал жавоб беринг, шартларимни қабул қиласизми, йўқми?

Анвар — (кулиб). Ҳа, дангал жавоб беринг.

Собиржон — (зарда блан). Хўп, қабул қилдим! (Қарсак).

(Қурилиш ботлиги Зисчевскийлар блан бигга раҳбар киради. Халқ уларни қарсак блан қарши олади. Улар теснинг ёнбағирига чиқадилар).

Бошлиқ — Ўртоқлар! Бугун 1943 йил 10 февраль ўзбек халқининг тарихида шарафли кунлардан биридир. Бугун Фарҳод қурилишида иш бошланади. Ҳозир 13 километр трасса бўйлаб, 67 минг азamat қўлларига қуролларини олиб, буйруқ кутиб турибди. Иш бошланиш олдидан ота икки оғиз сўз сўзламоқчи. Сўз отага! (Қарсак).

Раҳбар — Ўртоқлар, сиз кўп баҳтиёр кишиларсиз. Сиз шонли ва тарихий вазифани шараф блан ўтайсиз.

Меҳнатингиз соясида икки, буюк муаммо —  
Ҳал бўлади: бири — ташна Мирзачўлга сув бериш.  
Иккинчиси Фарҳод ГЭСнинг чирогини ёндириш.  
Ширин орзу қилганидек чўлни бўстон этамиш  
Ва Фарҳоднинг нури блан ёқтирамиз саҳнини.  
Бу мўжиза. Бу минг йиллик афсонанинг ниҳоят  
Ҳақиқатга айланиши! Бу минг йиллаб халқимиз  
Орзу қилиб етолмаган, өзгу — ният саодат.

Бу янгидан юзлаб қишлоқ, минглаб чаман,  
минглаб боғ,

Яна миллион-миллион тонна пахта, фалла демакдир.  
Бу заводлар томирига янги қувват, янги қон,

Колхозларга минглаб янги машиналар демакдир.  
(Қарсак).

Биродарлар! Ватанимиз яна кўпроқ гулласин,  
Яна ҳам зўр, қудратлироқ бўлсин Совет давлати,  
Жондан азиз юртимиизда битта ҳам ёв қолмасин,  
Зафар блан қайтиб келсин жангда юрган ботирлар,  
Деган одам кечакундуз аямасин кучини!  
Шонли меҳнат жабхасида қозонилган ҳар ютуқ,

Жангда юрган ботирларга, мадад бўлур, куч бўлур.  
Ҳарбир кетман тупрингиз ёв қабрига тортилган  
Тупроқ бўлур. Ғалабанинг соатлари яқинди!  
(*Карсак*).

Бошлиқ — (*соатига қараб*). Уртоқлар, тайёрланинг! Ҳозир  
сигнал берилади. (*Гантанали жимлик, бироздан сўнг узоқдан,  
тўп отилганга ўхшаш, маҳобатли портлаш товуши эши билади. Бу иш бошлашга сигнал. Сўнг бараварига карнай-сур-  
най, ногора овозлари эши билади*). Қани азаматлар ишга (*Хам  
ма саф-саф бўлиб бориб ишга тушади. Шояқин, музика*)

## ИККИНЧИ ПАРДА

Дар'ё ғаси. Ойдин кечада. Маҳобатли Сирдар'ё ойдиндак ярқираб оқмоқ-  
да. Баҳор. Лола вақти. Узоқла Боштӯғон күтишининг панағамаси кў-  
ринади. Прокектор ва ҳаракатдаги машиналарнинг чироқлари ялтирайди.  
Машина ва экскаваторларнинг товуши ва онда сонча ишга ундалган ба-  
қириқлар, кўшиқлар, кулилар эши билади. Тунги смена ичда. Фарҳод  
тоги хийла кичкирниб қўлан. Мунаввар қирғоқлаги катта тошда ўти-  
риб дар'ёни тамоша қўлмоқда. Қўлида гулдаста.

Мунаввар — Дар'ёдан оқиб келодур шода-шода марварид  
Сарф этиб озода меҳнат марварид қилдим  
харид.  
Марваридларни сочармиз Мирзачўлнинг  
богига,  
Янги жаннатлар қуармиз дар'енинг ҳар ёғига,  
Халқ учун хизматда бўлдик, бизга зўр  
баҳтдир агар  
Шонли тарих номимизни ёсса Фарҳод тоғига.

(*Гул ушлаб Анвар киради. Мунаввар қўзғалмоқчи бўлади*).

Анвар — Қўзғалма ҳеч! Ўтиришинг чиройлик,  
Худди Ширин ўтиргандай қирғоқда.

Мунаввар — Назаримда Ширин анча ўтирди.  
Аммо Фарҳод хаял қилди.

Анвар — Беш минут,  
Шунча узоқ туюлдими Ширинга?

Мунаввар — Бундан кейин Ширин учун Фарҳодсиз  
Ўтган ҳарбир минут йилдек туюлар.

Анвар — Кечир пича хаялладим гул териб. (*Мунавварга гул  
беради*).

Мунаввар — Рости блан. Ширин балки шу ерда.  
Менга ўхшаб Фарҳодини кутгандир.

Анвар — Аммо шўрлик муродига етолмай  
Фарёд чекиб, лахта қонлар ютгандир.

Мунаввар — Қулоқ солсам худди дар'ё бағридан  
Эши билган каби Шириннинг доди.  
Қаранг дар'ё кўз ёшига ўхшайди.  
Дарҳақиқат бу сув эмас, бу минглаб  
Асрларнинг оқиб келган кўз ёши.

**Анвар** — Сув эмас, рост, эриб оққан марварид.

Сув эмас рост, сир сақлаган хазина.

Күйни тұла сонсиз бойлик, құдрат, нур.

**Мунаввар** — Рост сув эмас, минг йиллар ким сир тұла  
Хазиналар сақлад келган аждарх.

Аждархоким, минглаб насл уриниб,

Бир дона дур ололмаган оғзидан.

**Анвар** — Энди эса „аждар“ бизга бүйсунар,

(*Курилиш панарамасига қараб*).

Кара, қандай ажайиб бир манзара!

Бу ер бино бўлиб бундай чиройга

Эга бўлган эмас сра... Кечаги —

Кўхна қирғоқ, ёввойи ер йўқ энди.

Қара, Фарҳод тешасига чап бериб,

Ушалмаган ўжар тошлар, ўжар төғ

Зарбимиздан кун тифига дуч келган,

Муз сингари аста эриб бормоқда.

Халқимизнинг құдратига қойил бўл.

(*Дар'ё бўйлаб нари кетишади. Қўлларида лўла. Парни Саркор блан Уста Жалол киришади ва қурилиш панарамасига тикилишади*).

**Саркор** — Ҳай, ҳай! Бу манзарани, бу дабдабани Суқрот ҳаким келиб кўрса ҳанг-манг бўлиб қоладия! Ростдан шу ишларни ўзимиз қилдикми, уста!

**Уста** — (мағрур). Бўмасамчи!

**Саркор** — Ўйлаб қарасам, жуда зўр эканмиз, уста.

**Уста** — Ўша зўрлигимиздана немисни букиб қўйдик.

**Саркор** — Э, немисни қўятулинг, бўғанича бўп қолди.  
(*Курилиши кўрсатиб*). Мана буни айтинг! Лекин шу ишни ўйлаб чиқарган донишманднинг отасига минг раҳмат! (*Пауза*). Уста, эшитувдингизми, иш бошланишдан аввал ба'зи одамлар шубҳа қилган эканлар. Бўмаган гап, дар'ени бўғиб бўмайди деб сасишган экан.

**Уста** — Янгишмасам, бу гапларни ўзларидан эшитувдим шакилли.

**Саркор** — Э, мени қўятулинг, мен тушунмасликдан айтган əдим. Мен, тушуниб туриб шубҳа қилганларни айтаётиман.

**Уста** — Улар тушуниб, тушунмаганлар.

**Саркор** — Бу илмоғдор гапингизни нима деб тушунсак бўлади?

**Уста** — Бу гапимнинг ма'носи шуки, улар ўқиган, тушунган, аммо халқнинг құдратига тушунмаган одамлар. Улар ўйлайдики, биз ўша, қиссанай Фарҳоду Ширин замонасидағи кўхна халқмиз. Аммо, нома'қул ўйлайдилар. Биз у халқ эмасмиз! Дуруст, аввал ҳам ўзбак экик. Ҳозир ҳам ўзбакмиз. Лекин у ўзбак блан бу ўзбакнинг фарқи бор. Илгариги ўзбак бўстонлар яратиб чўлда қолган, бое ўстириб мевасиз қолган, экин экиб оч қолган, пахта

экиб яланғоч қолган, елкасида хонлар, амирларнинг қамчиси ўйнаган, бахти қаро, хор ва гадо ўзбак эди. Ҳозирги ўзбак қулликдан қутилган, бахтини топган, йўлини таниган, манглайини Ленин силаган, Сталиндай раҳнамоси бор ўзбак. Ҳозирги ўзбак улуғ Ленин партиясининг парваришида, буюк рус халқининг қанотида вояга етган, Катта Фарғона каналидай дар'ё қазиб, дун'ёга донгги кетган ўзбак. Бугина эмас, саркор, кечаги, урушдан аввалги ўзбак блан бугунги ўзбакнинг ҳам фарқи бор. Кечаги ўзбак блан бугунги ўзбакнинг фарқини билмоқчи бўлганлар Фарҳод қурилишни келиб кўрсинг! Буни фаҳмига етмаганлар, халқимизнинг қудратини тушунмаганлар, ҳечнарасага тушунмаганлардир. Аммо, бахтимиздан бўлиб, бунақа тентаклар оз.

Саркор — Шундай, уста, шундай... Энди ўша шубҳагўйлар бу ерни келиб кўрсалар нима дейишар эканлар? Бу иншоотларни кўриб шармандаи-шармисор бўлмасмикинлар?

Уста — Ҳали шарманда бўлишларига пича вақт бор. Ҳали дар'ёни бўққанимизча йўқ. Оғир бўлинг. Белни яна ҳам маҳкамроқ боғланг. Ишнинг йўғонлари энди келади, саркор.

(Узокдан Соодатнинг ашуласи эшишилади). Қани юринг, ёшларга ҳалал бермайлик. (Кетишади).

*(Ашула айтиб Соодат киради. Қўлларида гул, бошида гулдан чамбарак).*

Саодат — Ўртади қалбимни ҳижрон, келмади ёр, келмади, Йўлида кўзлар нигоран, келмади ёр, келмади, Васл умиди бирла ёлғиз дилрабо гул мавсуми Тўти янглиғ бўлди нолон, келмади ёр, келмади. Энди билдим бизга берган ва'далар ёлғон экан, Лоладек дил бўлди сўзон, келмади ёр, келмади.

Шерали — (Кириб)

Келди ёринг, бўлма нолон, севдигим, жоним менинг. Бўлдим ишқингта сазовор йўқдир армоним менинг.

Саодат — Интизорлик торта-торта танда роҳат қолмади, Кел ҳаётим, кел қувончим, шавкатим, шоним менинг.

Шерали — Очилибсан лоладек, бошингда гулдин чамбарак, Қўлларингда даста-даста гул, гулистоним менинг.

Саодат — Балки келмас эрди булбул гул бўлиб очилмасам, Этмаса ром ғунча янглиғ ла'ли хандоним менинг.

Иккаласи — Дилда ишқинг сўнмас асло, бевафолик айласам, Майли, тупроққа тўкилсин бир қошиқ қоним менинг.

Саодат — Бунча интизор қиласангиз? Нима, қўлингиздан байроқни олиб қўйиб гуноҳкор бўлдикми?

Шерали — Узур, бироз иш бор эди тутилиб қолдим.

Саодат — Энди ҳарқанча уринманг, барибир байроқни қайтиб ололмайсиз.

Шерали — Кече биэда эди, бугун сизда. Қандингизни уринг, тан бердик. Аммо лекин бир ҳамла қылсақ өртага яна ўзимизда-да, ўргилсан!

Саодат — Олиб бўпсан! (*Кулади, Шералига гул иргитиб қочади. Шерали орқаси тан қувади. Ҳаял ўтмай шовқин-сурон блан бир-бираши қувлаб, гул стиб ўйнаб қизлар киради.*)

Турсун — Бўлди, бўлди! Товба қилдим.

Адол — Яна айтасизми! Ал Айтасизми?

Турсун — Йўқ! Йўқ! Ҳой қизлар, мен бундан кейин Адол-хон Собиржонни яхши кўриб қолибди, деб айтмайман. (*Қизлар кулади. Адол Турсунни қаттиқроқ буйдалайди.*)

Адол — Янами? А? Янами?

Турсун—(*кулгидан тўхтаб*). Айтмайман! Бўлди! Бўлди! Ҳой, шошманг! Ҳой қизлар, менга қаранглар. Собиржон тўғриси даги янги гапни әшидиларингми? (*Қизлар ўашн-кулгидан тўхтаб Турсуннинг атрофига тўпланадилар*).

Хосият — Яна нима бўлипти? Е, яна шамол учирив кетибдими? (*Қизлар кулади*).

Турсун — Йўқ, ундан ҳам қизиқ. Бугун овқат вақтида, Собиржон землянкага боришдан әринибдию, бирор пана жой топиб мизғиб олмоқчи бўлипти. Уёқни қарабди, буёқни қарабди, пана жой топилмапти. Бир маҳал қараса, нарироқда, ҳалиги полвон машинанинг катта темир яшиги борку?

Хосият — Ҳа, ҳа!

Турсун — Ўша турган экан. Собиржон, Маруся овқат қилгани кетди, у келгунча яшикка тушиб мизғиб олай, ҳечким ҳалал бермайди, дебдию, секин яшикка тушибди. Буни Қодиржон кўриб турган экан. Бир қизиқ қиласай дебдию, бориб машинанинг муруватини бурабди. Яшик осмонга кўтарилиб кетибди. Қодиржон яшикни осмонга кўтариб қўйибдию, ўзи қочибди. Собиржоннинг ўтакаси ёрилибди. Дун'ёни дуд кўчириб дод солибди. Ҳамма тўпланибди. Собиржоннинг аҳволига роса кулишибди. Собиржон шу аҳволда, худди қафасга солинган маймундек, то Маруся келгунча осмонда, яшикда ўтирибди. (*Қизлар қотиб кулишади*).

Адол — Бояги шовқин, кулги ўшанга экан-да?

Турсун — Ҳа. (*Узоққа қараб*). Ана ўзи ҳам келияпти. Енида Маруся,

Хосият — Энди Марусянинг бошини айлантириб юрганга ўхшайди.

Турсун — Айлантириб бўпти. Петъка шофер кўрса кўзини мошдек очиб қўяди. Ҳай, тўғри шуёққа қареб келишашти, келингилар бекинайлик. Нима деб гаплашишар эканлар. (*Қизлар ташларнинг орқасига бекинишади. Собир блан маруся киради*).

Собир — Хўп дияқолинг энди.

Маруся — (*кулиб*). Хўп демасамчи?

Собир — Фарҳоддан кетаман.

Маруся — Менга нима, кетсангиз кетаберинг.

Собир — Йўқ, сиз ҳазиллашманг! Ахир қачонгача бу кичкина

митти мени ютиб кетаберади. Үнга ўргатдингизми, менга ҳам ўргатинг.

Маруся — Хўп, бўлмаса әртага келинг, ўргатай. Ҳозирча хайр. (*Кетабошлайди*).

Собир — А... қаёққа? Мен кузатиб қўяй...

Маруся — (кулиб). Ҳожати йўқ, кузатиб қўядиган кишим бор. (*Кетади*).

Собир — Барака топкур, жуда яхши қизу, фақат Петькаси борлиги ёмон-да. (*Қизлар кулишиб бекинган ерларидан чиқишиди*). Оҳол Жамиий пари-пайкарлар шу ерда экан-да. Бай-бай, одамнинг кўзи қамашади-я!

Турсун — Хомтама' бўлманг, ҳаммамизниң ҳам Петькамиз бор. (*Кулишиди*).

Саодат — Табрик қиласиз, бугун темир яшикда катакса қидибсиз, деб эшитдик. (*Кулги*).

Турсун — Ҳа, ердан қиз топилмагандан кейин, осмонга чиқиб фариштага уйланмоқчи бўлганлар. (*Кулги*).

Собир — Ҳа, агар битта-яримталаринг кўнгил бермасаларинг, осмонга учаб кетишими аниқ.

Қодир — (кириб). Бизни ҳам олакетинг, амаки!

Собир — Мана, кулгига сабаб бўлган митти. Ҳай, нега сен мен блан жуда ҳазилкаш бўлиб қолдинг? Муддаонг нима?

Қодир — (кулиб). Кейин биласиз.

Собир — Қоче! Яна бир мартаба ҳазиллашсанг иш ёмон бўлади.

Турсун — Учиб кетадилар, айрилиб қиласиз. (*Кулги кучади. Саодат блан Шерали кирлди*).

Шерали — Ким у, учиб кетадиган! Биздан фаришталарга салом айтсин. (*Кулги Анвар блан Муннаввар киради*).

Анвар — Тун оғиб қолди, ухламайсизларми?

Шерали — Шу ойдинда ухлаб бўладими, ўртоқ инженер! Бугун ухлаш йўқ.

Анвар — Куни блан қаттиқ ишладиларинг, ахир дам-пам олиш ҳам керак-де.

Саодат — Ўйин-кулги дам өмасми?

Анвар — (кулиб). Бўлмаса дурустроқ ўйин қиласиз.

Шерали — Бўпти. Концерт қиласиз.

Анвар — Бўлмаса, кечани Собиржон бошқарсин, ишга ма-заси йўқ бўлса ҳам, гапга чечан. (*Қизлар кулади*).

Ҳамма — Бўпти! Бўпти!

Собир — (жиддий қиёфа олиб). Бўлмаса қани ўтиринглар! Ҳамма ўтиради. Аста-секин йигитлар, қизлар, ҳолқ тўплаб-набошлайди. Булатнинг ичидаги ҳархил миллатдан бор). ФарҳодГЭС, бош тўғон қурилишида ишлайдиган қаҳрамон ёш ҳаваскорларнинг ўзаро концертини очиқ деб, з’лон қиласан! (*Кулги*).

Собир — Сўралади, ҳалақит берилмасин! Навбатдаги номе-рамизда... Нимадан бошлаймиз?

Ҳамма — Лапар! Ашула! Ўйин!

Собир — Хўп, сўровларингга биноан, ҳаммаси ҳам бўлади.  
Орамизда руслар, украинлар, тожиклар, татарлар ҳам бор. Бинобарин концертишимиз ранг-баранг бўлади.

Шерали — Э, гапди чўзмай бошланг, гапдон!

Собир — Хўп, навбатдаги номерамида Шерали полвон бригадаси блан Саодатхон бригадаси ўртасида лапар! Сўраймиз.

(Чапак. Кизлар, йигитлар лапар бошлайди).

Йигитлар — Лапарнинг аввал боши, мармар тоши,  
Чит рўмолни ҳўл қилган кўзниңг ёши.  
Биздайин Фарҳодларни шайдо қилган  
Шу турган Ширинларнинг қалам қоши.

Кизлар — Юрт учун фидо бўлур азиҳ бошлар,  
Мардларнинг панжасида синар тошлар,  
Севгидан сўз очдингиза „чув“ деганда,  
Ижозат бердимикан, қалам қошлиар?

Йигитлар — Парвона бизлар соғу-сўлингизда,  
Жонимиз фидо бўлсин йўлингизда,  
Ихтиёр: хоҳи койинг, хоҳи суйинг,  
Кизларжон, тақдиримиз қўлингизда.

Кизлар — Мақол бор: тома-тома кўл бўлади.  
Бўстонлар сувсиз қолса чўл бўлади.  
Унутманг, лафзингизда турмасангиз,  
Кўксингиз кўзёшидан ҳўл бўлади.

Йигитлар — Розимисиз, умрбод вафо қилсак?  
Үлдиринг сизга зарра жафо қилсак.  
Дун’ёда қолмас асло армонимиз,  
Сиз блан ФарҳодГЭС да сафо қилсак.

Кизлар — Ўзимиз гул терамиз ўзимизга,  
Яхшилаб қулоқ солинг сўзимизга,  
Байроқни қўлингиздан олиб қўйдик,  
Энди қандай қарайсиз кўзимизга?

(Кийқириқ. Чапак. Кулги.)

Собир — Навбатдаги номерамида, украинча ўйин.

(Кизлар, йигитлар украинча ўйин ўйналадилар).

Навбатдаги номерамида тожикча ашула.

(Тожикча ашула айтилади).

Навбатдаги номерамида татарча ўйин.

(Татарча ўйин ўйналади).

Навбатдаги номерамида Петька блан Маруся тарафидан русча ўйин. (Русча ўйин ўйналади). Навбатдаги номерамида умумий ялла „Давримиз“.

Умум хор — Ишқи озод, толи' ёр, меҳнати шон давримиз,  
Доҳий Сталин туфайли бўлди шодон давримиз.  
Айладик тогларни талқон, дар'ёларни пойибанд,

Янги жаннатлар қуармиз берса фармон  
давримиз.  
Зарбимиздан бўлди ҳал асрй муаммолар  
бутун,  
Бир умрга айлади мушкулни осон давримиз.  
Кимки душман бўлса бизга бўлгуси ер бирла  
тэнг  
Этди ғолиб наслимизни шоду-хандон давримиз.

(*Мардон киради. Ҳамма уни шовқин блан ўраб олади.*)

Шерали — Қани ота, „Фарҳоду — Ширин“ қиссасини сўзлаб  
беринг. Хонаси!

Қизлар — Айтиб беринг! Сўраймиз.

Мардон — Хўп, бўлмаса айтиб берай.

(*Мардон қирғоқдаги катта тошга ўтиради. Колганлар  
чолнинг атрофига жойлашадилар. Мардон оғир сўз бош-  
лайди).*

Қадим ўтган замонда, Мирзачўл томонда, Сирдар'ёнинг бўйи-  
да, Фарҳод тоғдан қўйида, маликаи Ширин отлиқ бир қиз подшо  
яшарди...

(Чироқ аста-секин хиралашиб бориб сўнайди).

Парда

## УЧИНЧИ ПАРДА

Биз узоқ афсонаний ўтмишнинг қучогига кетамиз. Шириннинг ёзлик  
қасри, балана айвон. Узоқта худди аввалги пардадагидек Сирдар'ё, Фар-  
ҳод тоги, Ширин ой, ундан нари тоғлар силсиласи кўринали. Узажларга  
твилис заркин тўшакда ётган Шириннинг юзида ғамғинлик ва паришон-  
лик. Уни овутиш тиагиза ҳарир кийимлар кўйган раққосалар майнин рако-  
қаледилар. Аммо рақслар маликани юпатаолмайди. Ширин қўли блан ишо-  
ра қиласди, раққосалар та'зим блан чиқадилар. Рубобчи қизлар киради-  
Нозик музика садоси юксалади. Аммо бу ҳам Ширинни юпатаолмайди.  
Ширин кўл силтайди. Рубобчи қизлар та'зим қилиб чиқадилар. Махинбону  
киради.

Махинбону — Қандай дард бор юрагингда маликам?

Нима қислак кўнглинг ором топади?

Ширин — Менга тинчлик, хилват керак, аммажон.

Махинбону — Шаҳзодалар кутиб қолди, жавоб айт.

Ширин — Қайдан келса шунда кетсин ҳаммаси.

Махинбону — Қачонгача давом этар танҳолик?

Ҳар боққа бир боғбон керак.

Ширин — Аммажон.

Мен боғ эмас, менга боғбон керакмас.

Қалбимдаги ёр дардимас, юрт дарди.

(Ташқаридан шовқин эшитилади).

Фар'ёд — (ташқаридан) Қўйиб юбор, маликага арзим бор.

Соқчи — (ташқаридан) Маликанинг иши бўлмас ғадода.  
Орқангга қайт!

Фар'ёд — Йўл бер!

Соқчи — Йўқол!

Фар'ёд — Ҳайдама!

Мен ҳалқнинг вакилиман!

Махинбону — Йўл қўйма!

Маликага тинчлик керак.

Ширин — Йўл беринг.

Майли кирсин, арзи бўлса сўзласин!

(Фар'ёд киради. Усти юпун. Офтобда куйган бадани қора, қотма. Соқоли оқ. Юзида алам ва изтироб. Унинг орқасидан қуролли соқчилар киради).

Фар'ёд — Фуқаронгман кийиммидан ор қилма.

Оч арвоҳ деб, ҳайдамагил саройдан.

Ширин — Сўзла бобо, менга қандай арзинг бор?

Фар'ёд — Сенинг нозу-нечматларинг беҳисоб,  
Элининг эса ейиш учун иони йўқ.

Сен саройда гулгун шароб ичсан,

Ташналиқдан қон ютади фуқаро.

Шоҳи, атлас товланади эгнингда,

Ҳалқинг эса, юпун, гадо, яланғоч.

Қулоғингда ялтирайди инжулар,

Ҳалқнинг эса кипрагида ўйнап ёш.

Ширин — (бетоқат) Бўлди бас қил! Юрагимга солма ўт!

Фар'ёд — Қачонгача бу уқубат, бу азоб?

Қачонгача гадо бўлиб яшаймиз?

Жондан бездик, тоқатимиз бўлди тоқ.

Агар сенга юрт, ҳалқ керак бўлса,

Тириклайн Мирзачўлга кўмиб қўй!

Ширин — Етар бобо, бас қил энди сўзингни!

Фар'ёд — Биламиз сен оқиласан, фазлинг зўр.  
Фаросатинг ҳарнарсага етади.

Аммо әлга нима фойда ақлингдан.

Фаросатинг, идрогингдан, фазлингдан,

Етолмасанг, агар, унинг додига,

Мушкулини осон қилаолмасанг!

Ширин — Ҳалқимга айт, бисотимда неки бор,  
Келиб олсин, әлга очиқ хазинам.

Фар'ёд — Керак әмас әлга сенинг хазинанг.

Неча кунга етар берган эҳсонинг?

Беш кун ермиз, ўн кун ермиз, кейинчи?

Яна ўша оғир ҳаёт, оч турмуш.

Ширин — Ү ҳолда айт, талаби не ҳалқимнинг?

Фар'ёд — Обиҳаёт!

Ширин — Обиҳаёт!

Махинбону — Афсона!

Имкони йўқ, тадбири йўқ бир талаб.

Фар'ёд — Сувсизликдан хароб бўлди қишлоқлар,

Сувсизликдан қуриб кетди ўтлоқлар.

Сувсизликдан юртга оғат келмоқда,

Кум босмоқда далаларни, боғларни.

Сув бер бизга, келса агар қўлингдан,

Адлинг бўлса элни сувга сероб қил.

Махинбону — Қаршингдаги мироб эмас, малика!

Фар'ёд: — Маликадан мироб афзал халқ учун.

Мирзачўлга мироб керак, шоҳ эмас!

(Соқчилар қилич сұғирадилар, Махинбону ғазабда).

Махинбону — Тилингни тий!

Ширин — Тегманг! Чолнинг сўзи ҳақ!

Киличларни қинга солинг, йўқолинг!

(Соқчилар чиқадилар).

Оғир савдо солиб қўйдинг бошимга

Фар'ёд — Сеникидан енгил эмас, халқники.

Ширин — Обиҳаёт! Обиҳаёт қайдада у!

Халқимизнинг ширин орзу, хаёли?

Азиз бобо, модомики сен мендан —

Талаб қилдинг имкони йўқ нарсани,

Энди ўзинг тадбирини айтиб бер!

Фар'ёд — Сирдар'ёдан Мирзачўлга сув чиқар.

Махинбону — Афсонароқ талабидан тадбири.

Ширин — Бўлармикин?

Фар'ёд — Уриниб кўр, маликам.

Ишни бошла, хизматингга халқ тайёр!

(Ширин ўйга толади. Оғир жисмлик. Ташиқаридан халқ-  
нинг ғовури эшитилади)

Эшигингда халқ тўпланиб турибди.

Нима дейсан? Халқа чиқиб нима дей?

Ширин — Майли чиқиб халқимга айт, унадим.

(Фар'ёд чиқиб кетади).

Хабар қилсин. меҳмонларга, кирсинглар.

Мен кийиниб ёnlарига чиқаман.

(Чиқиб кетади. Чирок, ўчади. Қоронғиликда Мардоннинг  
овози эшитилади. У ҳикоясини давом этдиради).

Мардон — Маликан Шириннинг овозаси етти иқлимга кетди.

Маликанинг ҳуснини эшитиб туш-тушдан ошиқлар келабошлиди.

Лекин малика ҳеччирини қабул қилмади, назарга илмади. Кунлардан бир кун... (Чирок ёнади. Аввалги саҳна, базм қизиган. Шаҳ-  
зодалар давра олиб ўтириодилар. Буларниг ичиди Фарҳод

хам бор. Мулозимлар хизматда. Май, музика, рақс. Мулозим киради. Ўйин тұстайди).

Мулозим — Маликаи Ширин ташриф буюрулар. (Меҳмонларда жонланиш. Бир ёнида Маҳинбону, бир ёнида вазир. Ширин киради. Ҳамма та'зим блан уларни қарши олади, Ширин, Маҳинбону, сұнг бошқалар, жой-жойларига ўтирадилар).

Вазир — Қулоқ солинг, маликанинг ишқида.

Бунда келган шаҳзодалар, ошиқлар.

Маликанинг сизга битта шарти бор.

Кимки агар маликанинг васлиға

Эришмоқчи бўлса, айлаб жасорат,

Мирзачўлга сув чиқарсин дарёдан.

(Шаҳзодалар ишида ғовур-ғувур бошланади: „Оғир шарт! „Қийин иш! Ҳаёл! Афсона!“ каби сўзлар эшишилади. Аммо ҳечким жур'ат қилиб очиқ жавоб беролмайди. Оғир жемлик. Сұнг Фарҳод ўрнидан туради).

Фарҳод — Қабул қилдим маликанинг шартини. (Ширин Фарҳодни энди кўрди, у қаттиқ ҳаяжонда).

Ширин — Ёраббий.

Шаҳзодалар — Биз ҳам шартни бажаришга тайёрмиз.

Вазир — Үндай бўлса рухсат сизга меҳмонлар.

Синаб кўрсинг ўз баҳтини ҳар ошиқ.

(Ҳамма қўзғалади, Ширин блан Фарҳоддан булақ ҳамма чиқиб кетади).

Фарҳод — Бир боқиб ақлимни олдинг, бир боқиб ҳолим хароб.

Ширин — Бир кўриб ошифта бўлдим, бир кўриб бағрим кабоб.

Фарҳод — Хаста мен ишқингда дилбар, айла дардимга даво, Ўртама ҳижрон ўтида, берма жонимга азоб.

Ширин — Сенсиз олам менга зиндон, сенсиз оғатдир ҳаёт Менга сенсиз гул оловдир, заҳри қотилдир шароб.

Фарҳод — Дар'ёни занжири банд, чўлларни бўстон айлагум, Беҳисоб тилсимлар очгум, йўлласанг, қилсанг итоб.

Ширин — Ҷўлни гул қил, сендан ўзга илтимосим йўқ менинг Халқ учун чўлларни обод айласак бўлгай савоб.

Иккаласи — Бир боқиб ақлимни олдинг, бир боқиб ҳолим хароб,

Уртама ҳижрон ўтида, берма жонимга азоб.

Ширин — Хуш қелибсан бунда мардим, сultonим.

Пойи қадамингга садқадир жоним.

Бир кўриб ишқингга тутилдим, сўзла;

Номинг ким? Қайдансаи азиз меҳмоним?

Фарҳод — Отим Фарҳод, зотим кун чиқар ёқдан.

Васлинг умидида келдим йироқдан.

Мендай ошиқингга шафқат қила кўр,

Қалбим ўртамасин аччиқ фироқдан.

**Ширин** — Элга аён бўлди, ўртада шарт бор.

Инсонманни этсам шартимни инкор?

Ўзга бажармасин, сен бажар шартни.

Агар қилмай десанг ишқимизни хор.

**Фарҳод** — Лафзидан қайтганни инсон демасмен.

Шартни бажармасам Фарҳод эмасмен.

Яхши қол ҳозирча, хайр маликам.

Шартни бажармасдан бунда кемасмен.

(*Фарҳод чиқиб кетади. Чироқ сўнади. Мардоннинг овози эшигилади*).

**Мардон** — Ошиқлар ишга тушди, аммо ҳечким дар'ёдан сув чиқаролмади. Обиҳаёт ишқида ҳалқ неча йил тер тўқди, жафо чекди, аммо обиҳаётдан дарак бўлмади. (*Чироқ ёнади. Уша саҳна фақат орадан беш-олти йил ўтган. Ширин камгин ва паришон ҳолда ўтирибди. Маҳинбону узоқларга тикилган*).

**Маҳинбану** — Беш йил бўлди ҳамон йўқдир натижা.

Кўринмайди уқубатнинг охири.

Энди бас қил, ишни тўхтат маликам.

**Ширин** — Иш тўхгаса бирга тўхтар нафасим.

Ҳаёт йўқдир обиҳаёт бўлмаса.

**Маҳинбону** — Азоб берма ўзингга ҳам, ҳалққа ҳам.

**Ширин** — Сув бўлмаса роҳат қайда ҳалқ учун?

Сув бўлмаса ҳароб бўлур юртимиз.

Сув бўлмаса барбод бўлур давлатим.

(*Мулозим кириб та'зим қиласди*).

**Мулозим** — Фар'ёд келди.

**Ширин** — Кирсни.

**Мулозим** — Ҳозир, маликам. (*Чиқиб кетади. Фар'ёд кираоди*).

**Ширин** — Ҳорма бобо!

**Фар'ёд** — Бор бўл, бекам.

**Ширин** — Не хабар?

**Фар'ёд** — Ҳар галгидан аччиқроқдир хабарим.

Битта қолмай, кечиб сенинг васлингдан

Шаҳзодалар ташлаб кетди ариқни.

Фақатгина Фарҳод қолди кетмаган.

Ҳалқ ичиди очлик, касал бошланди.

**Ширин** — Нималарни эшитаман, ёраббий!

**Фар'ёд** — Фалокатнинг олдини ол, маликам.

**Ширин** — Бериб бўлдим, хазинада борини.

Бисотимда ҳечбир нарса қолмади.

**Фар'ёд** — Үндай бўлса дардга даво йўқ экан.

**Ширин** — Қандай даҳшат! Қандай офат, худойим!

**Маҳинбону** — Айтчи Фар'ёд, бу уриниш, бу ишдан —

Чиқармикан, бир натижა?

**Фар'ёд** — (*огир хўрсиниб*). Маликам.

Тумон босди идрокимни, бу ишга —

Етмай қолди, энди менинг ақлим ҳам.

Юрт ишқида, обиҳаёт ишқида

Беш йил жафо, захмат чекди ботир халқ.  
Беш йил тинмай ариқ қазди, тер түкди.  
Аммо әнди күзи етмай бу ишдан —  
Бир натижа чиқишига, оқиста  
Ишни ташлаб обиҳаёт ахтариб.  
Нон ахтариб, баҳт ахтариб, баҳтсиз халқ.  
Мирзачұлдан күчиб кетабошлади.

**Ширин** — Қандай даҳшат! Бундан күра худойим,  
Олақолсанг бұлмасмиди жонимни!

(*Йиглайди. Ҳовлиқиб вазир киради.*)

**Вазир** — Бир хүшхабар олиб келдім маликам!  
**Махинбону** — Қандай хабар? Сүзла теэроқ! Тез сүзла!  
**Вазир** — Хисров отлиқ бир сиҳргар келибди.  
Сирдар'ёдан Мирзачұлла бир кунда  
Сув чиқариб бераман деб турибди.  
Фақат дейди, розимикан малиқа?  
Үз шартида турғанмикан ҳали ҳам?  
Агар чүлга сув чиқарсам, ўша кун —  
Никохимда бұлармикан?

**Ширин** — (даҳшат). Ераббий!

**Вазир** — Рози бұлса зудлик блан билдирсін.  
Шу кечеәқ сув чиқарай, деб, айтди.

**Махинбону** — Рози бўлгил?

**Вазир** — Рози бўлинг маликам!

**Ширин** — Баҳти қаро, толии шум эканман.  
Бу хабарни агар Фарҳод әшиитса,  
Шу ониёқ жудо бўлур жонидан.  
Эй худойим, менга берган озоринг,  
Ситамларинг, жафоларинг озмиди?

**Фар'ёд** — Тақдирингга танбер әнди маликам,  
Бебурд бўлма, лафзингда тур, рози бўл.

(*Ширин жавоб бермай йиглайди.*)

Қуллар, очлар, яланғочлар ҳурмати,  
Обиҳаёт ишқида жон берганлар,  
Баҳти қаро бенаволар ҳурмати,  
Юрт ҳурмати, халқ ҳурмати рози бўл!  
**Ширин** — Рози бўлдим, тақдир экан не чора?  
Майлига мен баҳтсиз бўлай ва локин,  
Халқим, наслим баҳтли бўлсин умрбод.  
Мен розиман, чиқиб айтинг Хисровга,  
Үз сиҳрини, қудратини кўрсатсин.

(*Ҳамма чиқиб кетади. Ширин ғамгин куйлади.*)

Мен каби оламда ҳеч ҳоли паришон бормикин?  
Күзиғирён, бағри қон чоки грибон бормикин?  
Әгди ғам қаддимни, дўустлар, кори-борим ноладур,  
Мен каби бир булбули шўрида нолон бормикин?

Құшди дард-дардимга җижрон, килди жонимдан  
жудо,  
Маслақат бер, э, табиб дардимга дармон бормикин?  
Зулм тифи бирла маңжур айлади даврон мени,  
Давр зулмидин халос ўлмоққа имкон бормикин?

(Чироқ үчади. Яна Мардоннинг овози пайдо бўлади).

Мардон — Маккор Хисров ҳийла блан Шириннинг васлига эришмоқчи бўлди. Фарҳодни Шириндан, Ширинни Фарҳоддан жудо қилмоқчи бўлди. Чорасиз қолган Ширин Хисровнинг Шартларига кўнди ҳа ўзини кўр тақдирнинг ҳоҳишига ҳавола қилди. (Чироқ ёнади Уша саҳна. Ойдин кеча. Узоқда ярқираб Сирдар'ёдан چўлга қараб сув оқмөқда. Канизаклар блан ўралган Ширин сувни тажоша қилмоқда. Орқадан, пастан халқнинг товуши эшишилади).

Халқ — Обиҳаёт! Обиҳаёт! Ушалган орзу! Орзумизни рӯёбга чиқарган, маликаи Шириннинг умрлари боқи бўлсин! Омин! (Халқ Ширинга қараб гулдабсталар ирғитлади. Шириннинг бошигагу ёғилади. Ширин халқка та'зим қиласди). Ташналарни сувга сероб қилган, маликаи Шириннинг давлати будан ҳам зиёда, мартабаси бундан ҳам баланд бўлсин! Омин! (Халқ тарқалабошлайди, шовқин аста-секин босилади).

Ширин — Сирдар'ёдан Мирзачўлга сув чиқди.

Шарафига катта базм бошлансии.

(Канизаклар та'зили блан чиқадилар, Ширин узоқдаги сувга тикилиб)

Мана халқнинг жилва қилган орзуси,  
Мана ўша обиҳаёт! Эзги сув!  
Энди сувга сероб бўлур ташналар.  
Энди гулга бурканади Мирзачўл.  
Энди қочар ўлкамиздан муҳтожлик.  
Энди кулар халқимизнинг толи'и.  
Фақат афсус бу толи'ни бахш этган,  
Хисров отлиқ келгинди бир жодугар,  
Наҳотки мен энди унинг амрига,  
Фармонига бўйсунамен? Наҳотки,  
Висолимдан баҳра олур бегона?  
О... Не учун бу шарафга, бу бахтга —  
Шўрлик Фарҳод бўлолмади мұяссар?  
О, сиҳргар, о касофат ойдин тун  
Жудо қилдинг мени азиз Фарҳоддан.  
Энди мени ҳаётдан ҳам жудо қил.

(Маҳинбону киради. Унинг орқасидан созондалар, раққосалаар, канизаклар кириб жойлашабошлайди. Мулозимлар май, нози-н'ематлар ташибошлайди).

Маҳинбону — Сув туфайли ҳар гўшада, ҳар уйда, —  
Тўй бошланди. Шодлик сиғмас ҳеч ерга.  
Севинч ёши ўйнап халқнинг кўзида.

Ширин — Жуда яхши... Жуда яхши аммажон.

**Маҳинбону** — Нима бўлди, сенга азиз маликам.  
Гул юзингга ғам булути чўкибди?  
**Ширии** — Бироз тобим, қочди чоғи... зарарсиз.  
Сиз базимни бошлай беринг. Мен бироз,  
Дам олайин. Сўнг албатта чиқаман.

(*Ширин кетади. Вазир бошлиқ меҳмонлар киради. Булар-нинг орасида ўз лашкарбошилари блан Хисров ҳам бор. Ҳамма ўтиради*).

**Маҳинбону** — Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар!  
**Хисров** — Хуш вақт бўлинг, малика! (*Ўтирганлар ичидан Ширинни ахтариб*).

Назаримда, Малика йўқ бу ерда,  
Ёки мендан ор қилдими?

**Маҳинбону** — Мутлақо!  
Кийинмоқда, бироз туриб чиқади.

**Хисров** — Пардоз-андоз, ясан-тусан, истифно.  
Буларсиз ҳам шайдосимиз Шириннинг. (*Кулади*).

**Маҳинбону:** — Сабр қилинг!  
**Хисров** — (*дағал*). Бесабрман, малика!

Ёки Ширин, мени кутиб, тўшакда —  
Ётганмикан? Кирақолай ёнига? (*Хисров ва унинг а'ёнлари кулади. Сарой ахли дилгир. Лахинбону ғазабда*).

**Маҳинбону** — Бу ишингиз бўлармикан одобдан?  
**Хисров** — Хайр майли, тезроқ чиқсан! Қани май!

Қани бошланг базмингизни, малика!

(*Маҳинбону ишора қиласи. Базм бошланади. Май, музика, рақс. Базм овжига чиққанса ишқарид н бир канизак югуриб чиқади. У даҳшатда*).

**Канизак** — Маликам! Маликам! Маликам Ширин заҳар ичди!  
(*Ҳаммада ҳаяжон, даҳшат*).

**Маҳинбону:** — Ёраббий, бу қандай даҳшат! (*Маҳинбону, бирнечча канизак ишқарига қараб чопади. Ташқаридан чопиб мулоzим киради*).

**Мулозим** — Қани малика? Қани малика?

**Вазир** — Не хабар? Сўзала!

**Мулозим** — Маликанинг тўйларини эшишиб, Фарҳод ўз тешаси блан ўзини чопиб ўлдирди. (*Даҳшат, саросима кучаяди*).  
**Вазир** — Ўлим устига ўлим! Даҳшат устига даҳшат!

(*Ташқаридан Фар'ёднинг овози эшишилади*.)

**Фар'ёд** — Маликам! Маликам! Хиёнат! Хиёнат! (*Фар'ёд киради. Орқасида қуролланган халқ, Хисров саросимада. Фар'ёд Хисровни кўриб*)

Хиёнаткор! Келгинди ит! Лўттибоз!  
Тутинг буни, қўлларини боғлангиз!

(Хисров ва унинг шериклари қилич сүгуради, Шириннинг новкарлари ҳам қилич яланғоч айдилар. Қисқа, аммо шиддали жанг бўлади. Хисровнинг шериклари ўлди. Хисровни боғлашибилар. Маҳинбону киради. У даҳшатда).

Фар'ёд — Қани бекам? Қани Ширин? Қайда у!

(Даҳшатли жисмлик. Ҳамма Маҳинбонудан эжавоб кутади).

Маҳинбону — Ширин ўлди, бизни етим қолдириб. (Маҳинбону ийғлайди, канизаклар унга эргашади.)

Фар'ёд — Бу фожиа, бу ўлимнинг боиси,  
Мана бу ит! Мана бу паст жодугар.  
Барчамизга панд берибди бу маккор.  
У кўринган дар'ё эмас, сув эмас,  
Бу айёриниң ерга ёйган буйраси.  
У бўйралар ойдин тунда ярқираб, —  
Кўринмоқда кўзимизга сув бўлиб.

(Ҳамма даҳшат блан узоқдаги сувга қараайди, сув йўқолади).

Маҳинбону — Қандай даҳшат, қандай даҳшат, ёраббий!  
Алданибиз жодугарнинг макрига.  
Олиб чиқиб дорга осинг, бу итни!

(Новкарлар Хисровни олиб чиқиб кетадилар. Мунгли музика садоси юксалади. Музика фёнидга Фар'ёднинг аламли монологи эшишилади).

Фар'ёд — Бахт изладик, бахтсизликка йўлиқдик,  
Тўй истадик; содир бўлди фожиа.  
Шодлик дедик, кўксимизни босди ғам.  
Ҳаёт дедик, ўлим бўғди томоқдан.  
Обиҳаёт сароб бўлди биз учун.  
Барча умид хароб бўлди биз учун.  
Кўп уриндик, ҳал бўлмади муаммо.  
Кўп уриндик жумбоқ қолди ешилмай.  
Жавоб беринг қайси насл, қай замон,  
Ҳал қиласи асрларнинг жумбогин?  
Жавоб бер, эй, замин, замон, қаерда?  
Қайдан оқар обиҳаёт чашмаси?

(Фар'ёд ўз монологини сўзлар экан, чироқ аста хиралашиб бориб сўнади. Фар'ёднинг сўнгги сўзлари қоронғиликда янграйди. Фар'ёднинг овози тўхтар-тўхтамас Мардоннинг овози эшишилади).

Мардон — Кекса Фар'ёд бахт излассанг бунда кел!

Гул истасанг, нур истасанг бунда кел!  
Асрларнинг чўққисидан ошиб ўт,  
Буёққа кел, обиҳаёт истасанг,  
Бизда оқар обиҳаёт чашмаси.  
Мана бизмиз, Сталиннинг авлоди,  
Асрларнинг жумбогини ҳал қилган.

Мана бизмиз ерни сувга мүл қилган,  
Гулзор этган саҳроларни, чўлларни.  
Мана бизмиз ГЭСлар қуриб, оламга —  
Нурдан либос кийиндирган ғолиблар.  
Бунда келинг бенаволар, фариблар,  
Бунда келинг толи'и шум, ташналар,  
Бунда келинг қуллар, очлар, гадолар,  
Жаннат бунда, ҳаёт бунда, бахт бунда!

### П а р д а

## Т Ў Р Т И Н Ч И П А Р Д А

Боштўғон. 1944 йилининг январи. Ҳаммаёқ қор. Совуқ. Бўрон. Олдинги планда штаб жойлашган чодир. Ичидаги стол, стуллар. Темир печка. Чодирнинг чап томонида ташқарига, ўнг томонида медпунктга кирадиган эшик. Орқиз планда жуда кичрайиб қолган Фарҳод тоғи. Унинг орқасидан дар'ё ва дар'ёга ташлангаётган тошлирнинг товушлари, бўйруқлар, бақириқлар, экскаватор, юқ машиналарнинг шовқини ва ҳар замсида узоқдан тош қўпорган портлашлар эшитилиб туради. Саҳнанинг бир чеккасидан тинмай тугриқ қатор бўлиб уёқдан буёққа замбил, тош кўтаргав куручилар ўтиб турадилар. Улар бир учи кирғоққа туашгани, повтон кўприкка ўтиб юклирини пастга, дар'ёга ағдарашибар, сўнг яна қайтадилар. Чодирда доктор, ҳамшира, Мардон, Қодир. Мардон чой ичмоқда. Ҳамшира Қодирнинг қўлини боғламоқда.

Овозлар — Чаққон-чаққон! Эҳтиёт бўл! Ағдар! Кўзингга қара! Тез-тез! Ҳа, баракалла! Бўш келма! Яша!

Қодир — (хаёлчанг). „Фарҳоду Ширин“ қиссасини айтиб берганингизда баҳор эди, ҳозир эса қиш. Орадан саккиз ой ўтди. Аммо ҳамон ўша қисса ёдимда. Қаёққа бормай, қаёққа қарамай кўз олдимда Ширин пайдо бўлади. Мана ҳозир ҳам дар'ё бўғаётганлаэни тамоша қилиб чодирнинг орқасида тургандай... Фарҳодчи? Фар'ёдчи? Ҳаёлимда тургани, турган. Ҳатто кечалари тушимга киради. Фар'ёд чолнинг фар'ёди қулогимдан сра кетмайди. Дар'ё шовқини ҳам, бўрон товуши ҳам, худди Фар'ёднинг Фар'ёдига ўхшаб эшитилади... Жуда та'сирли ҳикоя сўзлаб бердингиз.

Мардон — Ҳа... Жуда та'сирли ҳикоя. Фар'ёд дар'ёни ким бўғади, деб савол қилди Биз жавоб бермоқдамиз.

Ҳамшира — (Қодирнинг қўлини боғлаб бўлиш). Мана бўлди.

Доктор — Энди бир-икки кун ишга чиқмайсиз.

Қодир — (ирғиб ўрнидан турди). Бир-икки кун ишга чиқмайсиз? Ишнинг энг қизиги бошланганда я, дар'ёни бўғиши вақтида-я? (Кўлига ухлаб Собиржон кирада ва печканинг ёнига ўтиради).

Доктор — Ярангиз зўриқиб кетади, майиб бўлиб қоласиз.

Қодир — Э, шу маҳалда ишга яомайдиган қўлни кесиб ташламайманмил (Гез чиқиб, кетади Доктор орқасидан бақириб қолади).

Доктор — Хо, касал! Хо, Қодиржон! Шошма! (*Кулади*)  
О... чатоғай!

Мардон — Олов, олов... (*Собиржонга*). Ҳали ҳам ютолмадигизми?

Собир — Ютолмадим. Мен энди битта ҳунарга әга бўлдим, у эса уч ҳунар ўрганиб олди. Ҳозир бурилшик... тош қўпоручи... Дар'ёга ташлангаётган тошларни шулар қўпориб беради. (*Кулиб*) Лекин яхши бола. Ўзим ҳам қойилман.

Мардон — (*дар'ёга ишора қилиб*). Иш қалай?

Собир — Ҳали-бери бўйберадиган сиёғи йўқ. Бу дар'ё жуда тошхўр чиқиб қолди. Назаримда мана шу беш кечаю-беш кундузда бешта тоғни ағдаргандирмиз. Йўқ, биқ этмайди. Ютгани-ютган. Оқизгани-оқизган. Ҳозир темирдан қилинган чорпоялар ташланмоқчи. Эҳтимол дар'ё темирга бўйберар.

(Чап томондан бирнече инженерлар блан Заславский киради.

Орқа томондан Анвар чиқади).

Заславский — Хўш, чорпоялар тайёрми?

Анвар — Таъёр, Николай Павлович, сизни кутиб турибмиз.

Заславский — Жуда соз. (*Елкасида катта харсанг қўтариб хиргойи қилиб Шерали киради*).

Шерали — Кўлга олдим олмисс темса,  
Фолиб бўлдим мен ҳамиша,  
Хо, сувлари зумрад шийша,  
Йўл бер Сирдар'ё, йўл бер!

(Ҳамма мароқ блан унга қарайди).

Анвар — (*кулиб*). Доим шу... Ялла қилгани қилган. На чарчашни билади ва на уйқуни. Беш кечаю-беш кундуз сурункасига ишлаб ётиди.

Заславский — (*кулиб*). Ҳақиқий Фарҳод! (*Шерали елкасидаги тошни дар'ёга ағдариб қайтаси*). Шерали!

Шерали — Лаббай! (*келади*). Салом, ўртоқ инженер!

Заславский — Салом, салом! Ҳормант, полвон!

Шерали — Бор бўлинг ота!

Заславский (*ҳазиллашиб*). Бу, ҳали ҳам дар'ёни бўғолмасизку, қандай бўлди?

Шерали — Ҳа... жиндак қиёнқилиқ қилиб турибди. (*Шералиничиидин кичкина бўлмаган тошни елкалаб Саодат киради. Ҳамма ҳайрат блан унга қарайди*).

Заславский — (*Саодатга имо қилиб*). Сендан қолишмайди-ку!

Шерали — Ҳа, онаси адашиб қиз туғиб қўйган. Аслида йигит.

Саодат — (*елкасидаги тошни дар'ёга ағдариади. Орқасидан замбилда тош қўтариб келаётган Адол блан Ҳосиятга*) Чакқон-чаққон, бунча имиллайсилар! (*Қизлар юришини тезлайди, деярлик чопадилар*).

Заславский — Ҳо, ўртоқ бригадир, одамларни бунча шотирасиз?

Саодат— Э, келинг, ўртоқ инженер! (*Ёнига келиб*). Агар тош дар'ёга устма-уст тушиб турмаса фойдаси йўқ. Тошни дўл қилиб ёғдириб, дар'ёни тинкасини қуритиш керак.

Заславский — (*Саодатнинг чарчаган қиёфасига қараб*). Дар'ё ўзингизни тинкангизни қуритиб қўйибди-ку.

Саодат — (*қаддини тиклаб*). Қуритиб бўпти!

Заславский — Беш кечаю-беш кундуздан бери на ухлар мишиз, на дам олармишсиз. Бу қандай бўлди?

Саодат — (*кулиб*). Дар'ёни бўғайлик, кейин биратўла дам оламиз.

Заславский — Қани бўлмаса юринглар. (*Ҳамма пастга тушиб кетади*.)

Собир — Юринг ота, дар'ёга темир ташлашмоқчи. Тамоша қилайлик. (*Мардон блан Собиржон ҷодирдан чиқиб қирғоққа келади ва пастга қараб тамоша қилабошлайдилар. Парни саркор блан уста Жалол киради. Улар ҳам қирғоқдан пастга тикиладилар*).

Саркор — Ҳой, аттанг, сепоя бўларниди?

Уста — Унашмаса нима қиласиз.

Саркор — (*ўтиб кетаётган Мунавварни тўхтатиб*) Кизим, (*қўйнидан хат чиқариб*). Мана бу хатни ўқиб берчи, уйдан келибди.

Мунаввар (*хатни очиб ўқийди*). „Ул Фарҳодада ишлаётган дадасига. Зудлик блан қайтинг. Солижон тўғрисид... (*Мунаввар ўқишдан тўхтайди*).

Саркор — (*ҳаяжонда*). Солижон тўғрисида? Нима депти, Солижон тўғрисида? Солижонга нима бўпти? Ўқи қизим! Ўқи!

Мунаввар — (*тутлииб*). Солижон тўғрисида қора... йўқ... Солижон тўғрисида...

Саркор — Қора хат келибдими? (*Мунаввар йиғлаб юборади. Парни даҳшатда. У жовдираб уста Жалолга, Мардонга қарайди*). Энди қандоқ қилдим! Ишонган богим, суюнган тоғим ўша эди-ку! Энди қандоқ қилдим, уста!

Уста — (*ҳаяжонда*). Сабр қилинг... Сабр қилинг...

Мардон — Тақдир... Пешонада бори шу әкан-да, саркор!

(*Уста Жалолга, „Олиб кетинг“ деб имо қилади.*)

Уста — Қани юринг. (*Парнини суюб олиб кетади*).

Саркор — Ёлиз фарзанд эди-я! Энди нима қилдим, уста!

(*Кетадилар. Мунаввар ёшини ортиб, пастга тушиб кетади. Пастда шовқин кўтарилади*).

Овозлар — Ҳа, қани! Ҳа, кўтаринглар! Ҳа, ҳал Авайланглар! Секин-секин! Эҳтиёт бўлинглар! Қани, қани! Ҳа, ҳал! Хўп, хўп! (*Дар'ёга ташланган оғир нарсанинг овози эшишилади. Пауза*). Буни ҳам ташланглар! Қани, ҳал Ҳал Ҳали Қани, хўп! (*Яна дар'ёга ташланган оғир нарсанинг овози эшишилади. Пауза*). Ташланглар! Иккаласини бараваринга ташланглар! Ҳа, ҳал (*Курилиш бошлиғи блан раҳбар киради. Қирғоқдан пастга қарашибади*). Ҳа, қа-

ни! Баравар! Хуп! (Яна дар'ёга таш танг ти оғир нарсаларнинг овоzi эшишилад). Жимлик. Қовоғи солиқ Заславский, Айвар, сўнг бишқалар чиқишиди).

Раҳбар — Хорманглар!

Заславский — Бор бўлинг! (Кўришадилар).

Раҳбар — Бўлмадими?

Заславский — Бўлмади... Оқизиб кетди.

Айвар — Чирпирак қилиб юборди.

Заславский — Икки тонна енгиллик қилди.

1-Инженер — Камида беш-олти тонна бўлиши керак.

2-Инженер — Под'ёмний машина керак.

Бошлиқ — Шу топда темирни, под'ёмний машинани қаердан оламиз?

Заславский — Ҳамма бало шунда: уруш...

Раҳбар — Сепоядан бир иш чиқмасмикан?

1-Инженер — Темир кор қилмадиу, ёғоч кор қиладими?

Раҳбар — (Айварга). Чолларни чақириб келингчи, бир маслаҳатлашиб кўрайлик. (Айвар кетади).

Бошлиқ — Қани ичкарига кирайлик! (Ҳамма ичкарига киради).

Раҳбар — Наҳотки бўғолмаймиз?

Заславский — Бўғишга-ку, бўғамиз-а!

Раҳбар — Қачон?

Бошлиқ — План бўйича муддат йигирма кун. Ҳозир фақат беш кўн ўтди.

Раҳбар — Ахир, бутун мамлакатнинг кўзи сизда. Кечаси ўртоқ Сталин яна звонит қилди, дар'ёни қачон бўғасиз, деб сўради. Ўртоқ Сталинга нима деймиз? Бўғолмаётубмиз, қўлимиздан келмай ётибди, бизга темир, под'ёмний машина юборинг деймизми? Ҳолбуки, ҳарбир парча темир фроңт учун зарур! (Жимлик. Айвар, Уста Жалол Парни Саркор киришади). Келинглар! Бардаммисизлар!

Уста — Шукур, ўзингиз бардаммисиз, ота.

Раҳбар — (Парининг аҳволини сезиб). Сизга нима бўлди, саркор? Тобингиз қочдими, ё чарчадингизми?

Саркор — (йиғлаган тову и блан). Ўглим... якка-ю-ягона фарзандим... урушда ҳалок бўлибди. (Оғир жимлик).

Раҳбар — (Ўилагандан сўнг). Аниқ хабар келдими?

Саркор — (жовдиваб). Кампир хатида ёзибди.

Раҳбар — Балки янгишдир... урушда бундай ҳодисалар кўп бўлади.. Анигини биламиз.

Саркор — (суюниб). Илоя айтганингиз келсин. Янгишмикана, уста?

Уста — Ажаб эмас...

Саркор — (болалафдек суюниб). Янгиш! Рост, янгиш бўлиш керак! Ахир, яккаю-ягона фарзандим-а! Яқиндагина ўэидан хат келган эди. Янгиш!

Раҳбар — Мана, дар'ёни тезроқ бўгиб, ФарҳодГЭСни қуриб олайлик, уруш ҳам тугаб, болалар ҳам келиб қолади.

**Саркор** — Илоҳим айтганингиз келсин, ота! Қани, уста ҳоринг, дар'ёни тезроқ бўғайлик. (*Шошиб эшиккі йўл олади*).

**Раҳбар** — Шошманг, саркор! (*Саркор тўхтапайди*). Сизлар блан пича маслаҳат бор. Дар'ё тошга ҳам, темирга ҳам бўйбермай турибди.

**Уста** — Ёғочга бўй беради. Тош, темир силлиқ, тўхтамайди. Ёғоч ғадир-будур, юмшоқ, чип ушлайди. Норинни ҳам, Кампир ровотни ҳам, Қора дар'ёни ҳам сепоя блан бўққанмиз.

**Заславский** — Бу тўғри... Лекин сепоя Сирга енгиллик қилиди.

**Раҳбар** — Оғир қилиб бўлмайдими?

**Уста** — Нега бўлмасин, бўлади. Фақат кўпроқ ёғоч керак.

**Раҳбар** — (жонланиб). Ҳарқанча ёғоч бўлса топамиз. Сепояларни тайёрлаш учун неча кун керак?

**Уста** — (ўзича хомчёт қилиб). Ўн икки... ўн икки... йигирма тўрт... Олти... жам'ул-жам' ўттиз... Беш-олти кун керак.

**Раҳбар** — Жуда соз! (*Бошлиққа*) Буларни алоҳида парвариш қилинг.

**Бошлиқ** — Нима керак бўлса ҳаммасини муҳайё қиласиз.

**Раҳбар** — (Заславскийга). Сиз нима дейсиз, Николай Павлович?

**Заславский** — (кулиб). Бу чоллардан кўп гап чиқади.

**Раҳбар** — (кулиб). Буларнинг бошида минг йилларнинг тажрибаси бор. (*Чолларнинг елкасига қоқиб*). Булар ҳалқ инженерлари. Ҳўп, бўлмаса мен, бир ҳафта ичидан дар'ёни тамом бўғамиз, деб, ўртоқ Сталинга хабар қиласман Уялтириб қўймайсизларми?

**Уста** — Уялтирмаймиз. Хабар қиласеринг! Қани кетдик, саркор. (*Иккаласи чиқиб кетишади*).

**Раҳбар** — (хурсонд). Ажойиб одамлар. Олтин одамлар. (*Ўзгариб*). Аммо Саркорга жабр бўлибди, чакки бўлибди. Чолни овутиш керак... Ҳозирча ўғлим тирик деб, ўйласин. Кейин кўникар. (*Орқада шовқин кучаяди. Чиро ўччб ёнади. Орадан беш-олти кун утган. Одамлар ҳамон турнақатор бўлиб дар'ёга тош ташиш блан овора, шовқин-сурон авжисида. Бўрон кучида. Чодироа Мунаввар, доктор, ҳамшира. Мунаввар ниманисири ёзиз ўтирибди*).

**Доктор** — Ҳозирга қадар дар'ёга қанча тош ташланди, дедингиз?

**Мунаввар** — 15 минг кубометр.

**Доктор** — Оҳо!.. 15 минг кубометр тош ҳазилакам гап өмас, уйсангиз тоғ пайдо бўлади. (*Заславский киради*).

**Заславский** — Ҳўш, келишмадими?

**Мунаввар** — Ҳозир келиб қолишади

**Заславский** — (ҳазиллашиб). Ҳўш, қалай, ФарҳодГЭС, Шимолий Тошкент каналича бор эканми?

**Мунаввар** — (кулиб). Ҳа, ҳали ҳам ўша гап өсингиздами? Сўраманг. Бу янги бир дун'ё экан.

**Заславский** — Шундай, шундай, бу янги бир дун'ё... Ян-

ги бир дун'ёнинг яратилиши... (*Анвар, Уста Жалол, Парпиг Саркор, Шерали, Соодат киради*).

Анвар — Мана, келишди.

Заславский — Жуда соз. Сепоялар тайёрми?

Уста — Тайёр.

Саркор — Жуда катта сепоялар қилдик, ўртоқ инженер. Дун'ё бино бўлиб бунақанги сепоя қилинган эмас. Бўйи ўн икки. ўн уч метрдан бўлди. Худди дарвозларнинг доридек келади. Оғирлиги (*Анварга*). Қанча дедингиз?

Анвар — Бир ярим тонна, икки тоинна.

Заславский — Жуда соз. Хўш, сепояларни қандай қилиб ўрнатмоқчисиз?

Анвар — Усталар блан маслаҳатлашиб, шундай қарорга келдик. Саркор бошлиқ бир бригада ўнг қирғоқдан, Уста бошлиқ иккичи бригада сўл қирғоқдан қўйиб келади. Дар'ёнинг ўртасига бориб, икки бригада учрашади. Сепояларни икки қатор қўймоқчи бўлдик. Ҳар қатори ўн икки сепоядан, жам'и йигирма тўрт сепоя, қолганлари запас, ҳар эҳтимолга қарши.

Заславский — (*хурсанд*). Жудасоз. Демак, ҳаммаси жойида.

Анвар — Фақат бригадалар масаласи бироз чатоқ бўлиб турибди. (*Чолларни кўрсатиб*). Усталарнинг фикрига кўра, сепоя ўрнатишга фақат бақувват йигитлар керак.

Саодат — Нима, биз йигитлардан кам иш қилаётibмизми? Йигитлар ер қазиса, ер қазиб ётибмиз, тош кўтараётibмиз? Бизни қачонгacha камситасизлар?

Уста — Қизим, сизларни ҳечким камситаётгани йўқ... Илоё барака топинглар, ҳечкимдан кам иш қилаётгандаринг йўқ. Аммо бу иш сизларга тўғри келмайди: сувга тушишга тўғри келади. Кун совуқ. Дар'ё тез.

Саодат — Майли, нима бўлса бўлар.

Шерали — Саодатхон...

Саодат — (*Шералининг сўзини бўлиб*). Ҳамма гапирса ҳам, сиз гапирманг! Сизча биз четда қолсак, Сирдар'ёни бўқсан, биз— йигитлар деб, дун'ёга жар солсангиз, шундайми?

Шерали — (*кулиб*). Шундай, ўргулсин.

Саодат — (*тутақиб*). Бекоргинани айтибсиз! (*Заславский га*). Ўртоқ инженер, агар мумкин бўлса, бу ишга битта ҳам эркак аралашмасин, биз ўзимиз, аёллар, бўғамиз! (*Саодатдан бўлак ҳамма кулади, Саодат ғазабда*).

Шерали — (*ҳазилни давом этдириб*) Сиз — қизлар Малика Ширин бўлиб амр этинглар, биз — йигитлар Фарҳод бўлиб дар'ёни бўғайлик. Буйруқ сиздан, иш биздан. Меҳнатни биз қилайлик, роҳатни сиз. Машаққат бизники бўлсин, шуҳрат сизни! (*Кулги*).

Саодат — Биз малика эмасмиз, саройда ўтириб амр берадиган. Биз колхозчилармиз, дар'ёни жиловлайдиган. Гап битта: йигитлар сувга кирса сувга кирамиз, ўтга кирса ўтга!

Анвар — (*кулиб*) Мана, гап шу. Йигитлар шохида ўйнаса, булар баргига ўйнамоқчи.

**Заславский — (кулиб).** Хайр, нима ҳам дедик, майли иштирок қылсынлар.

**Саодат — (хурсанд).** Яшант, ўртоқ инженер. (Эшикка қарлоб чопади).

**Заславский —** Ҳой, ҳой! Шошманг, гап бор! (Саодат тұхтайди). Ароқ ичғанмисиз?

**Саодат — (чүчиб).** Йүғ-ә! Худо сақласин, бола бўлиб оғзимта олган эмасман.

**Заславский —** Бўлмаса, юз грамм, юз грамм ароқ ичиб туришга тўғри келади.

**Саодат —** Қўйинг-э, бир грамм ҳам ичмайман.

**Заславский —** Бўлмаса, сепояда ишламаймиз.

**Саодат — (ҳайрон).** Нега?

**Заславский —** Ароқ ичмасдан туриб, сувга тушиб бўлмайди. Совуқ кесиб юборади.

**Саодат —** Ҳазиллашаётисиз.

**Заславский —** Ҳазили йўқ.

**Саодат — (ўпланиб).** Бўлмаса қизлардан бир сўрай.

**Шерали —** Ҳали, йигитлар сувга кирса сувга, ўтга кирса ўтга кирмоқчи эдингиз-ку, ўргулсин.

**Саодат — (қочиримга жаҳли чиқиб кетади).** Бўпти ичамиз! (Чиқиб кетади).

**Заславский —** Шерали полвон, сиздан сўраб ўтирумасак ҳам бўлар, ёки сиз ҳам оғзингизга олмаганмисиз?

**Шерали —** Йўғ-ә, нега. Ҳар ўлтиришда бир литр, икки литрдан отиб, шамолди калла қилиб юрган болалармиз. (Кулишади).

**Заславский — (чолларга).** Ҳўш, сизларчи?

**Саркор — (чўчиб).** Йўғ-ә, йўғ-ә! Биз ароқсиз ҳам сувга тушаберамиз. Ўрганиб қолғанмиз. Нима дедингиз, уста?

**Уста —** Энди, бу киши, шу ёшга келиб оғзига олган банда эмас. Бу кишига ҳар ярим соатда бир пиёла, бир пиёла эритилган қўй ёғи шимвртирилиб турилса кифоя: бизга эса, ўша мўйсафид тузук.

**Саркор — (ҳайрон).** Уста!

**Уста —** Қани кетдик. (Ҳамма ташқарига чиқабошлайди).

**Саркор — (Мунавварга).** Қизим у кунги хатимиизга ҳали жавоб келгани йўқми?

**Мунаввар —** Йўқ, ҳали тез келмайди. Фронт узоқ. Хотиржам бўлинг, ўғлингиз тирик!

**Саркор —** Илоя айтганинг келсин, қизим. Мен ҳам тирик деб юборибман. Ахир, битта-ю—битта фарзанд-да! (Чиқиб кетади).

**Мунаввар — (орқасидан қараб).** Бечора чол... Ҳа хонавайрон бўлгур Гитлер, қанча одамни мотамсаро қилмади.

**(Нарсаларини инишишириб ташқарига чиқади. Қирғоққа одам тўпланади. Ориқада шовқин кучаяди).**

**Овозлар —** Қани, ҳал Тортинглар! Ҳа, қани! Кўтар! Ҳа, қани! Эҳтиёт бўлинглар! Қани туш! Сувга туш! Ҳазир бўл! Қани ҳал Аста! Ҳа, ҳа! (Дар ёга тушган оғир нарсанинг товуши эшити-

*лади). Бос! Маҳкам ушланглар! Кетди! Торт! Ушла! Қоч! Қочинглар! Кўйиб юбор! Олиб кетди! (Пастда — орқада шовқин зўраяди. Қирғоқдагилар ҳаяжонда).*

*Қирғоқдагилар — Бирга оқди! Ким экан, у! Саодат! (Ҳамма пастга қараб чопади. Орқада шов-шув кучаяди. Бирорздан сўнг ҳушсиз Саодатни кўтариб Шерали киради. Ҳар иккаласи ҳам ҳўл. Орқада ҳаяжонли халқ).*

*Анвар — (халққа). Қайтинглар! Иш тўхтамасин! (Халқ қайтади. Шерали Саодатни ҷадирга олиб киради. Орқасидан Анвар, Мунаввар киради)*

*Доктор — (иккинчи хонани кўрсатиб). Буёққа олиб киринг*

*(Шерали Саодатни ичкарига қўйиб чиқади. Мунаввар, доктор ичкарига кириб кетади. Анвар блан Шерали ҳаяжон блан натижсани кутади).*

*Доктор — (ичкаридан). Тирик! (Ҳамма енгил тортади, доктор ҳамширага). Тез ешинтиринг, бошқа кийим кийги зинг, массаж қилинг. Спирт блан. (Доктор, Мунаввар қайтиб чиқади, ҳамшира чиқиб яшикдаги спиртни олиб бир идишга қуяди, қолган спиртни столда қолдириб кириб кетади).*

*Анвар — Бирор ери майиб бўлмадими кан?*

*Доктор — Ҳозир ҳушсиэ, айтиш қийин. Ҳушиги келсин биламиз. Тош-пошга урилган бўлса керак. Чаккаси ёрилибди.*

*Анвар — Восполение легки бўлмаса яхши эди.*

*Доктор — (Шералига кўзи тушиб). Э! Тез ешинг! Қурғоқ кийим кийинг! Шамоллаб қоласиз!*

*Шерали — Мени қўяберинг, доктор. Мени жинҳам урмайди. (Ичкалига ишора қилиб). Унга эҳтиёт бўлинг. (Столдаги спиртни птиёлала қуяди).*

*Доктор — Нима қилмоқчисиз? Ичманг, тоза спирт! Ендириб юборади!*

*Шерали — Ендириб бўпти. (Ичади).*

*Анвар — Шерали! Нима қилдингиз!*

*Шерали — Ташвиш тортманг. (Устини кўрсатиб). Ҳўлман, ёнмайман. Агар жуда ёндирадиган бўлса бориб яна дар'ёга тушман-у, учиради! Мен энди бу дар'ёдан астойдил хафа бўлдим. Дар'ё менинг фазабимни қўзғаб қўйди. Энди ўзидан кўрсин! Ё бўғаман, ё бўғиламан! (Тез чиқиб кетади).*

*Саодат — (ичкаридан). Шерали! Шерали! Қани Шерали?*

*Мунаввар — (ичкарига киради). Тинчланинг! Тинчланинг Саодатхон. Шерали дар'ё бўғаётиди.*

*Саодат — Хайрият, оқиб кетмапти. Хайрият тирик экан.*

*Ҳамшира — Яна ҳушидан кетди.*

*Анвар — Яхши қаранг, доктор! (Чиқиб кетади. Орқада шовқин зўраяди.)*

*Овозлар — Қани ҳа! Тортинглар! Кўтаринглар? Ҳа, ҳа! Шерали ҳазир бўл!*

Шерали — (өрқадан). Қани сувга туш. Собиржон түші Жо-  
нингни олмайды. Оқсанг мен бор. Ташла!

(Сувга ташланған оғир нарасанинг овози әшиетилади)

Овозлар — Ушла! Маҳкам тут! Бүш келма, Шерали! Ҳа,  
баракалла! Юборманглар! Тұхтаді! Үрра! Тұхтади. Тош бос! Шох  
бос! Тез, тез! Юборма Шерали! Қандингни ур Шерали! Бопладинг-  
лар! Иккинчисини ташланглар, қани! Ҳа! Қани! Ҳұп! (Сувга туш-  
ган селояннинг овози әшиетилади. Шовқин, қийқириқ, Бурун, хор).

Парда

БЕШИНЧИ ПАРДА

ФарҳадГЭС. Тұғрида маҳбабатлы ГЭС биноси. Бир чекада миябар.  
Ҳаммаеқ байрамчасы га безатылған. Озода Чиройлик. ГЭС битиб ишга  
тушиш мұғасабати блан тантаналы маросим бўлмоқчи Уёқдан-бўекка  
ясанған ва ҳурсанд қуручилар ўтиб туради. Атрофдан кулиги, қўшиқлар  
заштилади. Заславский ва Айвар мароқ блан қулоқ солмоқда.

Айвар — Ҳалқ ҳурсанд.

Заславский — Ўз меҳнатининг натижасини кўргандан ке-  
йин, албатта ҳурсанд бўлади-да. Ҳўш, Аму қурилишига борасанми?

Айвар — Албатта. (Кулиб). Ўрганган кўнгил ўртанса қўй-  
мас дейдилар... Катта ишларга ўрганиб қолдик.

(ГЭС тарафдан Қодир чиқиб келади).

Заславский — Ҳўш, ўртоқ техник, ишлар қалай?

Қодир — Жойида, Николай Павлович.

Заславский — Ўқишига қачон жўнайдиган бўлдинг?

Қодир — (кулиб). ФарҳодГЭСнинг чироғини ёқаман-у, жў-  
найман. Фақат отам бечора ранжийдиганга ўхшайди.

Заславский — (таажижубда). Отанг фронтда ўлган эмас-  
миди?

Қодир — (хўрсаниб). Ҳа... Ушандан кейин Парпи саркор  
блан ота-бола тутиңганимиз. (Собиржон киради).

Собир — Николай Павлович, бу, Амудар'ёда ҳам ГЭС қури-  
лади, деб әшиетдим. Биз чекада қолмайлик. Энди ҳарқанақа иш  
бўлса ҳам қотириб ташлайберамиз. Ўзингизга аён, мана Фарҳод-  
ГЭСда ишлаб 72 хил ҳунарга эга бўлдик. Деррикчилик дейсизми,  
эксковаторчиллик дейсизми, бурилшиклик дейсизми ҳаммасини  
ҳам қиласкерамиз. (Кулишади).

Заславский — ФарҳодГЭС мактабида етишган ҳунарманд-  
ларни чекада қолдириб бўладими? Энди қаерда катта қурилиш  
бўлса ўша ерда сизлар (кулади).

Собир — Яшанг, ота. Қани Қодиржон, ҳалиги ишимиш чала  
қолмасин. (Кетишади. Үзоқдан Шералининг ошуласи әшиетила-  
ди. Заславский блан Айвар қулиб қулоқ солади).

Шерали — Саодат бирла ҳамдам мен, ажойиб бофу-роғим бор.

Мунаввар эткучи оламни Фарҳоддек чарогим  
бор.

Кел эй, Фарҳод, кел, эй Ширин менингла сайри  
гулзор эт,  
Эрам боғидан афзал янги бўстон, янги боғим бор.  
Келинг, оби ҳаёт ишқида юрган ташналар бунда,  
Менинг „баҳрулнажотим“, ковсарим, шарбат  
булоғим бор.

Улуг доҳий мураббимдир севинчим сиғмас оламга,  
На тилда оҳу-фар'ёдим, на дилда зарра доғим бор.

Заславский — Ҳа полвон, тўйдан олдин тўй қилиб юбо-  
рибсизку.

Шерали — Эй-ҳа, салом алайкум Николай Павлович... Узур,  
жиндак отилди. (*Кулиб*). Айбдор ўзингиз, дар'ё бўғишида мени  
ароққа ўргатиб қўйган ўзингиз... Хотирингиздами? Ҳа... ҳа! Ҳа-  
зил... Зигирча ҳам кўнглинигизга олманг... Мана, Анваржон гувоҳ,  
мен унақа кўп ичадиган йигитлардан әмасман. Ойда-йилда бир,  
жиндак-жиндак... бир литр, икки литр... Тўғри бугун бироз ичил-  
ди... Аммо лекин бониси бор... келинингиз ҳалигидай... кўзи ёриди...

(*Заславский блан Анвар хурсанд*).

Заславский — Шундайми, табрик қиласиз!

Анвар — Табрик қиласиз.

Шерали — (*та'зим қилиб*). Қуллук, қуллук!

Заславский — Ўғилми, қизми?

Шерали — Ўғилми, қизми деманг, Фарҳодми, Ширинми денг.

Заславский — (*кулиб*). Ҳўш, Фарҳодми, Ширинми?

Шерали — Ширин.

Заславский — (*кулиб*). Сизда Ширин, сизда Фарҳод, де-  
мак қуда бўлар экансизлар да! (*Кулишади*).

Шерали — Биринчи фарзанд: биринчи баҳт. Ҳафа бўлмай-  
сиз биринчи баҳтнинг соғлигига жиндак отилди.

Заславский — Бундай баҳт учун ҳарқанча отилса ҳам ар-  
зиди. (*Кулишади*).

Анвар — Саодатхон ўзлари дурустми?

Шерали — Раҳмат, дуруст. (*Хаёлчанг*). Шу, Николай Павло-  
вич, кечадан бери калламдан бир ўй сра кетмайди... Ширин блан  
Фарҳод дар'ёни бўғмоқчи бўлдилар... Аммо ўзлари бўғилдилар...  
Дун'ё юзидан йўқ бўлиб кетдилар. Биз-чи? Ҳам дар'ёни бўғдик,  
ҳам униб-ўсдик, кўпайдик... Фарҳод ГЭСда юзлаб Ширин, юзлаб  
Фарҳод туғилди... Ҳазили йўқ... Фарҳод блан Шириндан жаҳон-  
га ёдгор бўлиб фақат афсона қолди. Биздан эса, наслларга ёд-  
гор бўлиб (*ГЭСни кўрсатиб*) мана бу ҳақиқат қолади... Айтинг-  
чи, Николай Павлович, устоз, хурсанд бўлсанк, чирансанк, ғуур-  
лансанк ҳақимиз борми?

Заславский — Минг мартаға!

Шерали — Биласизми, нима учун Фарҳоду — Ширин замонаси-  
да халқнинг орзуси рўёбга чиқмади? Мен ўйлаб-ўйлаб топдим.  
У вақтда Совет давлати йўқ эди... Ленин — Сталин партияси йўқ  
эди! (*Заславский блан Анвар завқланиб кулишади*). Йўқ аниқ гап.

Заславский — Шундай...

Шерали — Ҳа, балли, устоз. Энди, бўлмаса, узур, мен яна  
Саодатхондан бир хабар олай.

Заславский — Хўп.

Шерали — (*Ашула айтиб кетади*).

Улуғ доҳий мураббимдир, кўнгилда йўқдир

армоним,

На тилда оҳу-афғоним, на дилда зарра доғим бор.

(*Қодир киради*).

Қодир — Сизларни чақиришаётиди. (Заславский блан *Анвар кетади*. Уста блан *Саркор киради*. Ясанишган. Қодир кетатуриб *Саркорга*) Нариги беқасамни кийсангиз бўлмасмиди?

Саркор — Шу ҳам бўлади, ўғлим, жуда ясановормайлик.

Қодир — Бугун ҳарқанча ясансанак ҳам арзиди, тўйимиз, ота.

Саркор — (*кулиб*). Хўп, ўғлим, хўп, кияман. (Қодир кетатуриб). Барака топкур ўз ўғлимдан ҳам яхши, меҳрибон... Солижонни йўқлигини сра билдирамай қўйди... фақат икки кундан бери Тошкентга кетаман; деганини эшишиб пича ичим ғаш.

Уста — Нега ғаш бўласиз, урушга борармиди, борса ўқишига боради-да.. Майли ўқисин. Мулла бўсин. Бундан кейин ўқимаган кишининг иши чатоқ.

Саркор — Шундай, шундай...

Уста — Хўш, уни-буни қўйинг, гап тайёрми?

Саркор — Қанақа гап?

Уста — Э, ҳали сизга ҳечиарса дейишгани йўқми?

Саркор — Йўқ, нима эди?

Уста — Сиз, бугун, манави минбардан ҳалқقا ва'з айтасиз.

Саркор — (*чўчиб*). Қаёқдаги ваҳма гапларни айтиб, одамни кўрқитманг, уста.

Уста — Қачондан бери қўрқок бўлиб қолдингиз? Шундан азим дар'ёни бўғишидан қўрқмаган одам, минбарда туриб тўрт оғиз сўз айтишдан қўрқадими?

Саркор — Яна ўнта дар'ени бўғ десалар бўғаман, лекин гап жўнидан ҳеч иложи йўқ. (Уста кулади. Раҳбар, Заславский, Анвар, Бошлиқ ва меҳмонлар киради).

Раҳбар — (*чолларга*). Энди ҳорманглар, ҳа баракалла! Қани, юринглар. Минбарга!

Саркор — (*саросимада*). Биз чиқмасак.

Раҳбар — Э, бу қанақа бўлди? Тўй боши сизлар. Юрт улуғтарисизлар, юринглар!

Саркор — (*жовдираб*). Уста...

Уста — Юринг! (Ҳамма бориб минбарга чиқади. Саҳнага ясанган ҳалқ меҳмонлар тупланади).

Бошлиқ — (*митингни очиб*). Ўртоқлар! ФарҳодГЭСни яшга тушириш муносабати блан чақирилган тантанала ҳалқ митингни очиқ деб э'лон қиласман. (Қарсак). Ўртоқлар, сиз блан биз, партиямизнинг раҳбарлигигида, уруш қийинчиликларига қарамай, кекса Сирдар'ё қирғоқларида қаҳрамонларча ишладик, тер тўқдик ва шараф блан ҳалқимизнинг орзусини рўёбга чиқардик,

улуг Сталиннинг ташрифини бажардик. (*Карсак*). ФарҳодГЭС тайёр. Бугун ФарҳодГЭС ишга тушади. Бугун Фарҳод биринчи бор мамлакатга ток беради. (*Карсак*) Сўз раҳбарга.

**Раҳбар** — Биродарлар, минг йилларнинг муаммоси ҳал бўлди.  
Наслларнинг талабига жавоб бердик муносиб.  
Мана бугун тайёр бўлди, ишга тушар ФарҳодГЭС.  
Мана бугун нур сочади Ўзбекистон қуёши.  
Бу иншоот халқимизнинг ифтихори, ғурури.  
Маҳорати, жасорати, шижоати, қудрати.  
Бу шонли ҳалқ меҳнатининг мангу ўлмас ҳайкали.  
Ўзбек ҳалқи учун Фарҳод синов эди улуғвор.  
Бу синовдан а'ло ўтиб, қойил қилид ҳалқимиз.  
Бу биз учун фақатгина патир ҳамир учидан.  
Сувга, нурга улуғ юриш мана энди бошланур.  
Олдимизда Қорадар'е, Норин, Аму, Зарафшон.  
Яна қанча улуғ ишлар навбат кутиб турибди.  
Ҳали биздан қанча-қанча саҳро, чўллар сув талаб.  
Юртимизнинг нурга бўлган эҳтиёжи ҳали кўп.  
Ҳали қанча бойликлар бор, ер остига яширган.  
Ҳали қанча очилмаган тилсимлар бор, тоғларда.  
Электрик қувватидан очилади тилсимлар.  
Нурга бўлган улуғ юриш мана энди бошланур:  
Ўзбек ҳалқи маҳкам боғла яна меҳнат камарин!  
Яна улуғ ғалабалар сари бардам олга бос!  
Ҳарбир ишда, илҳомчимиш, партияга минг раҳмат.  
Бизни қўллаб-қўлтиқлаган рус ҳалқига минг  
раҳмат.  
Очилмаган тилсимларни очабилган донишманд,  
Енгилмаган ёвларни ҳам енгаолган баҳодир,  
Ҳалқимизнинг саодати, кишиликнинг нажоти,  
Йўлбошчимиш, устозимиз Сталинга минг раҳмат.

(*Карсак*, сўнг тантаноли жимлик. Ҳамманинг кўфи ГЭСда.  
Бироздан сўнг ялт этиб нур ёнади. Ҳаммаёқни нур қоплайди. ГЭС теппасига Ленин блан Сталиннинг нурдан қилинган суратлари пайдо бўлади. Қарсак, шодиёна. Сўнг тўйишин бошланади. Рақс, музика, ашула, хор, ўйиннинг охирин улуғ Сталин шарафига айтилган умумий ҳалқ хори блан тугайди.)

Парда

*Буюк Октябрь социалистик  
революциясининг XXX ийллигида.*

М. БОБОЕВ

## *БОҒБОН*

*Поэма*

### *БИРИНЧИ БҮЛИМ*

*Умрихоннинг звеносида*

Терим қизғин...

Звенона тинмайди қизлар.

Иш қайнайди әрталабдан — токи қора шом.

Изғириндан тарам-тарам анордай юзлар.

Фақат меҳнат күнгилларга беради ором.

Құллар, қушнинг тумшуғидай, ҳарбир чаноққа —

Чұзилади, әтакларга қайтади түлиб.

Кұзлар құвнар,

севинч құнар ҳар гул яноққа,

Бұлуқ пайқол,

хирмон-хирмон пахтани күриб.

Қизлар дадил.

Хазил, кулги...

Айтишар құшиқ.

Юраклари орзиқади.

Киприкларда чанг.

Күйлар,

күйлар қизлар баланд, юракдан ёниқ,

Пахтазорга янграб сингар ҳазин бир оқанг...

Үн бешмингчи Заврахоннинг ингичка бели

Пахтасини зўрга-зўрга кўтарар, шошар.

— „Ҳа, денг қизлар!“ — дейди Гулсун,

дўстлар ҳазилин —

Қизар тоҳо; гапга тушиб кетади Ойша.

Мана, донгдор звенога бошлиқ Үмрихон.  
Бу ҳам, қаранг, шулар каби содда;  
кулча юз.  
Тұлагина, қоши туташ, буғдойранг.

Чаққон.

Хамма севар, ақли расо, меңнатсевер қыз!  
Терим қизғин...

Кенг пахтазор очилған қийғос.  
Күз қамашар — юлдузларга түлгандай осмоң.  
Жануб ёқдан — пастроқ сузиб боради қүеш.  
Тұзған чайла,

пастак супа,  
тарози,  
хирмон.

Худди офтоб ранги каби сарғыш айланы.  
Нұқра барғлы жиідаларнинг маржони олтин.  
Сувлар тиниқ.

Пастта чүккән құмлар қорая.  
Катта йүлда бураланиб түзгійди қуюн.  
Силкинади баланд ва паст дараҳтлар шохи,  
Шитирлашиб түкілади сарғыш япроқлар.  
Кенгайғандай құринади дала ҳареғи,  
Құринади узоқлардан уйлар, қишлоқлар.  
Ана, Розиқ, құлтиқ таек блан газета ва хат  
Олиб қайтар Жамоадан зұрга амаллаб.  
Хұ, бригадир Даврон ота, ғарамдай баланд —  
Пахта ортған, аравани ҳайдар жадаллаб.  
Кизлар дадил.

Ҳазил, кулги...  
Айтишар қүшиқ.

Юраклари орзиқади.

Киприкларда чанг.  
Үмри бошлар, жүр бўлишар, овозлар ёниқ,  
Пахтазорга янграб сингар ҳазин бир оҳанг:

„Чочим нега ўсмайди,  
Учиди тумори бор.  
Ерим нега келмайди,  
Күнглида гумони бор.  
Дилбарジョン, дилбар,  
Дилбарジョン, дилбар!

Қошим ўртаси чүтири,  
Келмай күчада ўтири.  
Ўз куйганим ўзимга,  
Сен куйдирмай жим ўтири...  
Дилбарジョン, дилбар,  
Дилбарジョン, дилбар!

Фонарь ёнар ёғ блан,  
Душман ўлсин доғ блан.  
Түйиб ўйнаб кулмадим,  
Үзим сүйгән ёр блан...

Дилбаржон, дилбар.  
Дилбаржон, дилбар!

Мен кетаман элимга,  
Белбоғ беринг белимга.  
Олти сїда көлмасам,  
Қараб туринг йўлимга.

Дилбаржон, дилбар.  
Дилбаржон, дилбар!

Оқ товардан кўйлагим,  
Кўк тикавлар илмасин.  
Араламанг, ўртоқлар,  
Чаноғида қолмасин!

Дилбаржон, дилбар.  
Дилбаржон, дилбар!

Ой нури танга-танга,  
Ерим йўлладим жангга.  
Қай жангчидан қолишай,  
Жоним фидо Ватанга..

Дилбаржон, дилбар.  
Дилбаржон, дилбар!



Етиб келди Розиқ. Қизларчувва ўрашди.  
Хечбирига на хат-хабар.

Ошди дард. „Миш-мин“

Бирдан ҳамма хаёл сурди, ма'юс, бўшашиб:  
„Рихси хола ўғли Нордан дарак йуқ әмиш?..“  
Худди қуёш ранги каби сарғиши айланади.  
Шитирлашиб силкинади олтин япроқлар.  
Кент ва жимжит кўринади қадрдан дала,  
Оппоқ йўллар, қатор-қатор уйлар, қишлоқлар...“

### Эслаш

Кунлар ўтар бирин-кетин ғамгин ва хушвақт.  
Қай шаҳарда бизниклиар бошлабди ҳужум!  
Умри шошар, ва'даси бор!

Фурсат ғанимат;

Дала, қишлоқ, ҳатто, уйда тинмайди бир зум.  
Пахта ортган аравалар жилиди,  
кетди.

Үртоқлар йўқ. Ўзи ёлғиз қайтди қишлоққа.  
Жуда ҳорган. Чочи тўзган, чанг ва кир бети.  
Совуқ шамол урилади бурун, қулоққа.  
Мана, у жой...

Ўша йили очилган қўриқ;  
Қатор-қатор ёш новдалар — чала қолган bog.  
Шундан ўтса, уни йўқлар...

Эслар,  
Излар...  
Йўқ...

Бундан сўрар шилдираган ҳар олтин япроқ...  
Бир пас кезди мурғак ниҳол токлар аралаб.  
„Эндиғи йил ҳосил қилар, агар қаралса!“  
Звенонгни обор, ток кўм, — деган раис эрталаб.  
„Ёш новдалар буталмапти, шохлапти роса...“  
У ўтириди.

Мўлжаллади эртанги ишни.  
Кўз ўнгига келиб турди қора, чўнг йигит...  
„Соф бормикан?..“ — хотирлади тундаги тушни.  
От устида милтиқ, қилич: „Бораман тез, кут!“  
... Ер очилди. Уйлар тушди — кўчиб келган йил.  
Эслаб кетди, —

Заврахоннинг тўйи қечаси...  
Қишлоқ шунда. Қизлар қувноқ, ясанган хил-хил.  
Йигитларнинг ўйин, ялла; гув қаҳ-қаҳаси...

Бирга қайтди. Ёлғизоёқ.  
Ой тўлган роса.  
Лим косадай чайқаларди муҳаббат дилда.  
Ҳазил, пиchin...

Вафда...  
Ишончга бўса!  
Жўхорининг беқасами шағиллар елда...  
Қиши. Ҳарен қор. У ўқиши деб Тошкентга кетди.  
Аммо тездан қайтди, бўлио боғбон-агроном.  
„Колхозимга боғ қиласай!“ — деб югурди — елди.  
Энди келмас!..

Нега ёзмас?..  
Еинки тамом?..  
Кенг уфуққа тикилганди: бир гала зағча  
„Қағ-қағ“ қилиб айланишар қишлоқ устида.  
Худди пардай ҳартомонга тўзонлар учар.  
Қуёш ботар.  
Осмон ёнар алвон тусида.  
Йўлга чиқди.  
Хаёт ва иш чулғади ўйин...

Бир арава пункт ёқдан — елиб чопарди.  
Аравакаш Комил ота йигитлар каби  
Тикка туриб — гердайганча ўтиб борарди.  
Қишлоқ.

Уйлар.

Айланаси чавра деворлар.  
Ўчоқлардан, тандирлардан сапчир алана.  
Бўтабойнинг қичқириғи: „Молни олинглар!..“  
Чанг тўзғитиб, кўча тўлиб келарди пода.

### Жўрахон опа

Идорада тўла одам. Қатор қиз-жувон.  
Ҳамма шунда. Бошланганди колхоз мажлиси.  
Президиумда ўтирипти, ана, Умрихон,—  
Парни хола,  
Маҳкам ака —

мажлис раиси.

Вакил ўқир газетадан қизиқ бир хабар:  
Шу қишлоқдан чиққан ботир йигит ҳақида...  
Ҳамқишлоқлар фахрланар ва қувонишар.  
Ишончларин оқламоқда фарзандлар жангда...  
Умри тинглар, ҳаяжонда, кўзлари ёнар.  
Ўртада печь.

Шипда ёнар кўк давра лампа.  
Ана тўрда ўтиришар бир гуруҳ чоллар;  
Ҳў. отаси — Даврон ота, Жўрахон опа.  
Дўстов ўқир. Ҳамма тинглар бериб жон қулоқ.  
— „О, азамат!“ — деди бирор уйнинг тўридан.  
— „Ур-е боплаб ла'натини!..“  
— „Яша, Собиржон!“  
Комил ота туриб кетди, ҳатто, ўрнидан.  
Тишка уриб ёғаётир лайлак қор ҳамон.  
Милтирашиб ойнаклардан оқар томчи-тер.  
Газетани ўқиб бўлди вакил;

Умрихон —

Кўз ўнгидан:

Собир...

Майдон...

Жанг...

Ўтди бир-бир.

Қишлоқ хурсанд фарзандидан.

Жонланиш, дув гап...

(Гўё ҳамма кўрар севган жигарини, ўғлини...)  
— Бизнинг колхоз йигити - да! Чакки әмас, заб —  
Боплабтими?“

— „Ла'натини!..“  
— „Берсин кунини!..“

\* \* \*

Мажлис борар. Сайлов әди сүнгги масала.  
Кеча раис Йўлдош ака фронтга кетди.  
Маҳкамов ҳам, бошқалар ҳам сўзлаб барала,  
Ҳамма тинди. Иш охири сайловга етди:  
— „Фозилова бўлсин!“ — деди а'золар бирдак.  
Ма'қуллашди. Бир оғиздан бердилар овоз.  
Уй тўлдириб кўтардилар бир нафас қарсак...  
Жўрахонга қўйган экан ҳамма ҳам ихлос!  
Мана, ўзи, яқин келди уялиб базур,  
Нон ёпгандай қизарганди тўла юзлари.  
Фижим рўмол, узун кўйлак, духоба камзур.  
Деди силаб қўл учи-ла қошин-кўзларин:  
— „Хўб, ўртоқлар, бўлсан бўлай колхозга раис,  
Аммо менга кетмандан-ку тинчи йўқ асли...  
Эрларимиз қон тўкмоқда!..

Бунда — фақат биз, —  
Давлатимиз таянгани!..

Шундай эмасми?

Уч йил, мана, шу алпозда кунни-кун демаӣ,  
Меҳнат қилдик. Кетмаяпти, ахир, беҳуда..  
Ҳамроҳатдан кечдик, тўғри, кўп ичмай, емай;  
Юртимизни сақлаб қолсак,

бахт бизга шу-да!

Бошлиганча қолиб кетди колхозда кўп иш.  
Бир кун келар, ўша кунга қайтиб етармиз!  
Ҳаммамизнииг бағримизни эзди бу уруш...  
Аммо,

худди кўрмагандай бўлиб кетармиз.  
Хўб, ўртоқлар! Бўлсан бўлай колхозга раис.  
Аммо сизлар ёрдам беришг, ишончни оқлай?  
Шарт шу — бу йил гектаридан берамиз ўттиз!  
Хўбми?

Агар хўб десанглар, мен ҳам бел боғлай?..  
Даврон ота қўл кўтарди, турди ўрнидан.  
Соқолини силаб яқин келди столга.  
Жўрахонни ва йигинни ўтқазди кўздан.  
Ҳамма бирдан жим бўлди-да, термулди чолга.  
— „Тўғри, қизим, сўзларингнинг ҳаммаси тўғри,  
Бошлиганча қолиб кетди колхозда кўп иш.  
Тинчлигимиз бузмаганда шум немис-ўғри,  
Бўлмас әди сен ва бизга бунчалик ташвиш...  
Бундай кунда йигитларнинг ўрни майдонда.  
Сиз ва биз-чи?

Таянган күч!

Берайлик мадад.

Иккя йилки, не деган гап, қолдик армона,  
Планимиз саксон, түқсон...

Бу жуда уят!..

Манов ўғлим ўқиб берди келиб Райкомдан.  
Эшитдингиз Сталинград...

Собир...

Кетди жаҳонга.

Езишлилар фалон колхоз, фалон райондан.  
Фарзандимиз, қаранг!..

Бошим етди осмонга.

Бир маслаҳат — Собиржонга ёзилсин бир хат.

Сизлар каби биз ҳам бу йил бардам ишлаймиз:

Соф-омон бўл! Душманларга бўлабер офат! —

Бизлар бормиз! Доҳимиизга қасам ичганмиз!..“

Тишида уриб ёғаётир лайлак қор ҳамон.

Уй иссиқ. Дим. Ойнаклардан оқар томчи-тер.

Отасининг сўзин тинглар, аммо Умрихон —

Кўз ўнгидা

Собир...

Майдон...

Жанг...

Ўтди бир-бир.

Армон...

Тун. Землянка. Қамиш, похол тўшалган сўри.

Ўтиришар қадрдонлар. Ана, Собиржон.

Ёғ бочкадан бўлган „печь“нинг баланд „гур-гuri“

Тамакилар тутар бурқисиб. Тишида қор, бўрон...

Кеча тунда бир хат олди у қишлоғидан.

Она ватан сари элтар хаёл парвози.

„Колхоз бардам.

Мен кутаман. Чин!..“ — қулоғидан —

Кетмай, ҳамон янграп әди Умри овози...

Суҳбат қизар. Орзиқади аламли диллар.

Ҳарбирида достон-достон ширин саргузашт...

Тинч меҳнатнинг роҳат, гашти, серҳосил ерлар.

Ҳаммасининг юрагида армон қатма-қат...

Бошлангану, броқ бари қолибди чала.

Кўролмапти, қасд қилипти фашист-касофат!

Орзиқишар „Ўша кунлар келсайди яна!“

Аммо ёвни қурутмасдан бўлмас тинч меҳнат.

Собиржоннинг ёнидаги — мерган Соғиндиқ.

Тўла юзли, қора, паст бўй, миқта. Ақлли.

Қозоқ йигит;

Оқин әкан хушчақчақ ва шўх.

„Қизжибек“ни айтар ёддан, қандай мароқли...

Мана, Ражаб, кўҳистонлик, ўспирин тоҷик.

Разведкада, гапнинг рости, йўқ бунинг тенги.  
Қарчигайдай чангали бор, тулки каби югурик.  
Тириклайн тутиб келган қанча немисни.  
Рус, тожикча, ўзбекчани сўзлар аралаш.  
Хат олмайди уч йил, ба’зан, хафа бўлади.  
Ўзи шўтқор<sup>1</sup>, асқиячи; ҳазил қилсанг, бас,  
Ҳаммасини унутади, қотиб-қотиб кулади...  
Жон аямас, тотув-иноқ бу дўстлар кўпдан.  
Фронт бўйлаб донг чиқазган. Билар, ҳатто, ёв!  
Улуг жангда, — Сталинград остонасидан —  
Дунайгача етди ошиб тоғ, сув ва олов...  
Светанконинг ҳикоясин тинглайди ҳамма.  
Ҳасратини куйиб-ёниб гапирар тинмай.  
(Чеккасида яра изи, узун бўй, қотма.)  
Тамакини йўғон ўраб чекар пайдар-пай.  
Севган қизи Марияни мақтади бироз.  
Суратини чўнтағида сақлайди ҳамон.

— Қирди немис!.. Тириклайн кўмди у рўй-рост!  
Ҳаммаёқни вайрон қилди у мал’ун шайтон!  
Эҳ, „Ленин“ деб аталарди бизнинг колхоз, бой;  
Черкаскада обод, илғор колхознинг бири.  
Пасти, қири — ҳаммаёқни қопларди буғдой.  
Кўрдингиз-ку, олтин-олтин, Украина ери!..  
Мен комбайн ҳайдар эдим. Ўн қиз ортимдан —  
Чувиллашиб, донни йигиб улгуролмасди.  
Аммо менинг Мариям-чи, ҳайрон қоласан,  
Худди йигит; бақувват, чаққон. Ишлаб толмасди.  
Оқшом бўлса, қишлоғимиз, худди байрамдай.  
Тус оларди. Қўлтиқлашиб чиқардик боққа.  
Гармонь...

### Қўшиқ...

### Қизлар...

Ўйнасак андай,

Кетар эди чарчаш — бари биздан узоққа...  
Ташқарида шовқин-сурон,

осмон гувиллар.

Разведкачи самолётлар ўтар бўкириб. —  
Бирдан тўплар, зениткалар ва пулемётлар  
Ўт сочарди кенг осмонни бутун тўлдириб.

### Соғиндиқ

— Кўрмагансан, дўстим, бизнинг қозоқнинг юртин.  
Украинангдан қолишмайди. Асл ер, асл!  
Или дар’ёси Днепрдан кичикроқ; бутун —  
Икки ёғи қишлоқ, колхоз. Яйраб-яшар ал...  
Юрт тинч эди. Тириклик-ла машғул ҳар киши.  
Яйловларда колхоз кўйи, йилқи, подаси.

<sup>1</sup> Шўтқор — тожикча қизиқчи, ҳазилкаги.

Оқ уйларда, ўтовларда яшаб колхозчи —  
Ойида түй қиласай деса, келар чамаси...  
Мариянгни мақтаб ўтдинг, бордир, әхтимол,  
Сулувликда айтганингдай, сўз йўқдир бунда.  
Лекин менинг Холбувишм сиёқ гул жамол,  
Чечан қизни тополмайсан ҳеч эл, ҳеч юртда.  
Ўша йили, колхозларда экин салмоқли —  
Хосил берди. Молга тўлди яйлови, бўзи.  
Эл тўқ бўлса, шўхлигидан, дар'ё сиёқли —  
Тошар экан; меҳнатроҳат, деган шу ўзи...  
Қиши блан улоқ, пайга, тўй устига-тўй.  
Орзу-ҳавас деганингнинг чеки бўлмайди!..  
Бизнинг қозоқ қўноғига сўймас экан кўй,  
Уят бўлар эл олдида. Кўнгли тўлмайди.  
Худди анов қишлоқ каби Или ар'ёғи, —  
Қўшни овул — бир тўй берди; бизни-да айтди.  
Оқ уйларда, ўтовларда Ленин чироги;  
Болдан тортиб норингача — барини тортиди.  
Оқинлар ҳам дўмбирасин тортиб жирлади.  
Ма'раканинг тамошаси — ўлан айтишув.  
Охирида, — қозоқ тўйи шундай бўлади, —  
Қизиб кетди қизлар блан ўлан тортишув...  
Ўй тўрида, булбул дейсан, айтарди бир қиз.  
Бетларидан нур томарди, оппоқ, қора қош,  
Айтишувда талай йигит ололмади гез;  
Сўзга ўбдан чечан экан, аммо ўзи ёш.  
Холбувиш деб атадилар уни ўланда.  
Оқин қиз деб донги чиққан эди Или бўйлаб.  
Эшитгандии, биринчи бор кўрдим мен шунда,  
Сулувлиги ақлим олди. Қолибман ўйлаб...  
Ахир, мен-да, Алатовда ўн йил қўй боқиб,  
Ўлан тўқиб, — юрагимга жирни тизганман.  
Мақтанмайман, гапнинг жўни, менам соғ тортиб.  
Айтишувда кўп оқинни енгган-ўзганман!  
Енгилганлар ерга боқди, ютди сўзини,  
Яна қайта жаранглади қизнинг овози.  
Лаб учидан кулиб менга тикди кўзини...  
Жаз ёпишди юрагимга ўлани, нози.  
Ўланига жавоб қилдим. Мот қилдим уни.  
Қизгалдоқдай қизарди қиз. Қийқириқ, қарсак..  
Хуллас, шу йил, сизга айтсам, уйландим шунга.  
Энди, мана, армон тўла, — ўртайди юрак!  
Ўн кун турдим, фақат ўн кун, қадрдонларим.  
Холбувишни шундай ташлаб келаберганман.  
Үйи куйсин, бу бузгунчи, шум Гитлер-ғаним,  
Берлиннида осилмаса, рози эмасман!..

\* \* \*

Суҳбат қизар. Орзиқади аламли диллар.  
Ҳарбирида достон-достон ширин саргузашт.

Ўрталиқда масленкадан — чироқ қилкиллар.  
Фронт бүйлаб чұқар әди лаңза, сукунат...

### Собир:

— Эх, дүстларим, у күнларнинг несини дейсиз?  
Ҳаммамизнинг күнглимида бир дун'ё армон!  
Мана, Румин деңқонлари, күриб турибсиз...  
Колхоз учун арзир әкан қурбон қылсак жон!  
Еримизнинг, сувимизнинг хұжайини йүқ.  
Биз булардай оч, яланғоч яшарми әдик!  
Әгніміз бут.

Вақтимиз жуш,  
рүзгоримиз түқ;  
Дун'ё кезиб күрдик, мана, —  
қадрига етдик!  
Ким нолирди ўз хунидан, айтинг?  
Йүқ, ҳечкім!  
Қандай яхши күнлар әди?.. Ҳузур әкан, а?  
Үзи қаэган гүрга қулар бу ла'нати, шум.  
Энди яқин!..

Күражакмиз  
соғ бұлсак яна.  
Мен ўзім ҳам колхозчиман. Ўқидим бироз —  
Богчачилик мактабида, бұлдым агроном.  
Колхозимга ўн гектарлик соғ қылдым шу өз.  
Күпчиликка хизмат қылсанг, қолар яхши ном.  
Давлат ёрдам берди, кексалар кенгаш.  
Хархил мева күчатини ўтқаздым қатор.  
Ўзбек турған жойда бўлмас қақроқ қизил дашт  
Шунинг учун Ўзбекистон —

кўм-кўк,  
соғ,  
гулзор...

Асли, бизлар Фарғонадан күчиб келғанмиз.  
Бу янги жой — Мирзачўлнинг пастки этаги, —  
Тошкент ёқда, — Сирдар'ё — деб әшиятандырысиз?  
Гўқай ва шўр — нообод бир ер әкан теги.  
Одамимиз аҳл әди. Богладик белни.  
Ерлар очдик,  
пахта әкдик,

жойлашдик аста.

Мол-ҳолимиз ҳам кўпайди. — „Хўш, энди қани, —  
Боғ қилайлик!..“ — дейишдилар, — орзу-ҳавас-да!  
Қишлоғимда Умри деган ғалати қиз бор.  
Мариянгдай ишchan. Тўла, сулув қиз әди.  
Колхоздаги бор йигитлар ўшанга хуштор;  
Аммо кўнгли  
менга...

Гүйга мұлжал — куз әди.  
Бирдан шу ёз, бу ифлослар бошлади уруш.  
Биз тинч әдик. Зор әдикми түкмоқлиққа қонғы!  
Түй ҳам қолди,  
бое ҳам қолди,

Энди гүё туш,  
У күнлардан ҳаммамизда бир дун'ё армон!..  
Майли!..

Энди, Берлинни ҳам қолмади узоқ.  
Үч олайлық! Қилич күрса — титрасин баттол!  
Сүнгра тинчлик, яна меңнат, роҳат-да, ўртоқ,  
Шундай масми-а, Бўронбой?

Тамакингни ол!

### „Совет Ватанига хизмат қидаман!“

Тонг ҳам отди.

Ҳаво совуқ.

Ерлар музлаган.  
Баданларни зирқиратар аччиқ изғирин.  
Ўнгда, —

ўрмон тумшуғида кўринган —  
Хиршованинг<sup>1</sup> тепасида бурқийди тутун.  
Ҳў, узоқда туман босган дар'ё кўринар.  
Аммо душман бош кўтартмас әди взводга.  
Бош устида осколкалар, ўқлар чириллар.  
Буйруқ қат'ий — ҳужум қилмоқ тепага — дотга!..  
Взвод цепи ғазаб блан силжийди олдин.  
Ер қопланди бир гулдариш, даҳшат, садога.  
Ҳамма кўрди командирнинг ҳалок бўлганин...  
Кўзлар ёниб аланглади Собирга — олға!  
Эмаклади лой, муз босиб старший сержант.  
Ётар әди командири оғзи-бурни қон...  
— „Эх...“ —

Ачинди, ғазабланди. Дир-дир титраркан,  
Қичқирди у, пистолетни олгани ҳамон:  
— „Мен командир! Дўстлар, олға! Ўлиш, ё енгиш!..“  
Йигитлар жим. Сиқди қўллар қўндоқни маҳкам.  
Штиклар ҳам кўтарилиди ердан бир қариш.  
Собир олға эмаклади йўлбарсдай бардам.  
Ҳў, узоқда туман босган дар'ё кўринар.  
Аммо душман бош кўтартмас әди взводга.  
Бош устида осколкалар, ўқлар чириллар.  
Буйруқ қат'ий — ҳужум қилмоқ, тепага — дотга!  
— „Пулемётчи Бўрон! Огоны! Амбразурага!“  
— „Светанко, ёт!“

<sup>1</sup> Хиршона — Руминияда, Дувай ёқасидаги аҳоли яшайдиган бир пункт

— „Софиндиқ, от! Беш қадам ўнгга!“  
Душман ери, истеңкомдир ҳар тела, ҳар қир.  
Ортда қолди ёнган, аммо озод она-юрт.  
Шинельлар лой, құллар тарә-тарс ёрилған ва қир.

Фазаб блан әмаклади ҳар жаңгчи йигит.  
Собир сакраб бир чүкүрга ташлади ўзин.  
Каскасини чертиб үтди бир ўқ жараптагаб.  
Үтдай ёниб, пишнаб, тикди орқага күзин,  
Қизил ракет күтарилиді күкка париллаб...  
— „Дүстлар! Қалқынг! — қичқырди у, — Взвод, ҳужумға  
Олға, дүстлар, Ватан учун! Сталин учун!  
Гранатлар иргитилди...

Ким боқди — кимга,  
Тела устун қоплаганди түэzon ва тутун...

\* \* \*

Румин уйи.  
Уч-түрт немис унга ташланди.  
Етиб келди орқасидан Бүрон, Соғиндиқ.  
Тор қовлида осиәча шер жаңг-бошланди,  
Аламидан чиқарлық хұб муштланди „жиқ-жық“.  
Пистолет ва пичноқ тутған Собир құлида  
Яна битта семизига отилди — йүлбарс.  
Отди. Урди. Фазаб — оташ ёнар күзида...  
— „Мана сенга, мана сенга! Эй, фашист, нокас!..“  
Үтиб борар унинг полки — танк, машиналар.  
Еру-күкни гулдиратиб оқади ғарбга.  
Шаҳид бүлған дүсти Бүрон чўзилиб ётар.  
Кўзи очиқ — тикилғанди мағриб тарафға!  
Немислардан халос бүлған бир лўли хотин.  
Йиғлар эди, осиларди Собир бўйнига.  
Эри туар; ҳолдан тойған, қоп-қора, озғин.  
Қараб бўлмас эди унинг мажрух турхига...  
Чуғурчуқдай болалари ориқ, яланғоч,  
Ер лой, совуқ. Япроқ каби титрар бетоқат.  
Ҳаяжонда хотин — тинмай дер: „хорош, хорош!..“  
Кўзида ёш, сочи тўэзган — олвости сифат...  
Асиirlарни пода каби ҳайдар Соғиндиқ  
Найза тираб, кўндоқ блан итариб — ниқиб:  
— „Турқинг курсин, одам бўлмай, эй, „юқори ирқ!..“  
Парчалагинг келади бу шумларни мижғиб!..“  
Кўча. Борар сўнгсиз қўшин, танк, машиналар.  
Ер ва кўкни гулдиратиб оқади ғарбга  
Жулдур-жулдур кийинишган тўп-тўп одамлар  
Хурсанд бўлиб қарамади Дунай тарафга...  
\* \* \*

Мана қирғоқ. Пасту-баланд тепалар қатор.  
Зўр, жанговар салобат-ла туар ғолиб полк.

Ҳартомонда немисларнинг маш'ум изи бор.  
Мажақланган танк,  
замбарақ,  
машина ва тўп...

Оқар эди қўрғошиндай қорайиб Дунай.  
Чидам бўлса, қиш ва ёзининг бўлмаскан фарқи!  
Осмон элак, —

ёғарди қор — ун әлагандай.  
Йигитлар шод!..

Фақат бўлса бўлди — тамаки...  
Командирга рапорт берди старший сержант.

Бошда каска, гавдасини тутиб мағрур-тик:  
— „Гвардия подполковник, жанговар фармон —  
Бажарилди! Дот олинид!“

Тинглар ҳамма тек.

— „Собир!..“

— „Собир!“ — дейищади қуролдош дўстлар.

Ҳаммаси ҳам бир онанинг ўғли сингари.

Ҳарбирида бир жангнома бўларлик ишлар;

Ҳарбирида бир ватанинг жангуб-жадали.

Подполковник қулоқлади, ўпди оғзидан.

Ва честь берди:

— „Ташаккур э'лон қиласман!“

Тикка қотиб тингларди полк. Старший сержант  
Деди:

— „Совет Ватанига хизмат қиласман!“

Оқар эди қўрғошиндай қичқириб Дунай.

Чидам бўлса, қиш ва ёзининг бўлмайди фарқи!

Осмон элак, —

ёғарди қор — ун әлагандай.

Йигитлар шод...

фақат бўлса бўлди тамаки.

### Командирнинг буйруғи — Ватан буйруғи!

Полк штаби.

Кенг қўранинг кичик бир уйи.

Стол, курси ва қийшайган бир скамейка.

Ўтиради подполковник — полк командири.

Ўйлар, чекар — лабларида қийшиқ трубка.

Бети даванг — ҳайкалсимон. Кошлари қалин.

Жиддий. Оғир. Ҳаяжонда.. ташвиш ва хаёл.

Бош устида халқаланиб учади тутун.

Катта, ўткир қўзларида нидо, гоҳ савол...

Столица Руминия картаси, қоғоз,

Қоғозчада беш хоналиқ рақамлар ёзиқ.

Дам телефон жаранглатар; йўғон бир овоз —

Кескин янграр: „Буюраман! Тезроқ, вақт зи!“

Ана, пастда ўтирибди старший сержант.

Юрак сезар — кутар танбиҳ, ё бирор фармон.

— „Бо ажабо? Тушунмайман?.. Не бўлди өкан? Талафот йўқ, жангчиларим тугал. Соғомон?..“ Подполковник секин келди. Бу қоқди қомат. Елкасига қўл ташлади — елкалари кенг.

Қарант,

содда юзларида қувонч, хижолат...  
Бўйи-басти — подполковник блан теппа-тeng.

— Аҳвол қалай?

Яхши! — кулди командирига.  
Уғли каби узоқ боқди унга отахон.  
Сўнгра бирдан бурилди-да, юрди нарига.  
Ойнакларда муз гуллари. Тишида қор, бўрон..  
Ҳайрон бўлди, қараб қолди старший сержант.  
Юрак сезар — кутар танбиҳ, ё бирор фармон.  
„Бо ажабо? Тушунмайман?.. Не бўлди өкан?..“  
Жангчиларим бари тугал. Қуроллар омон!  
Ташқарида:

— Тўхта, кимсан? — қичқирди посбон.

— „Қўмондонлик буюрибди — „Үтилсин Дунай!“, —  
Деди бирдан подполковник кескин, шиддаткор.  
Взводингни олиб полкка йўлни бошлайсан!“

— „Хуб бўлади!“ — Собир қилди буйруқни такрор.  
Хуб бўлади! — деди, аммо кўзи ўнгига —  
Келди: дар'ё... тўлқин, бўрон. Қишининг совуғи.  
Сўрамади: „қандай қилиб? Оғир?.. Мен? Нега?..“  
„Командирнинг буйруғи бу — Ватан буйруғи!“  
„Барибир жанг. Қуруқми, сув? Якка әмасман.  
Бажарамиз! Яна довруқ кетар фронтга.

Еки ўлим? Майли, сўз бир, қайтмасман!  
Қўрқоқликдан ўлим яхши жангда йигитга!..“  
Командир ҳам „Үтилсин“ дан бошқа демади.  
Фақат унинг қоматига тикилди узоқ.  
Даҳшат, ўлим... оғир жанглар кутар, билади.  
Ва қурбонсиз олинмайди дар'ё, у қирғоқ.  
Ташқаридан қор уради ойнак, әшикка.  
Подполковник трубкага солди тамаки.

— Рухсат беринг, — деди Собир, — бунда чекишига?  
Шундай пайтда қўр келади тамаки, ёки...  
— Марҳамат! — деб тутди унга ўз кисетини.  
Подполковник. Аямасди ҳечнарса ундан.  
Шошиб-пишиб очди осган флягасини,  
Қилқиллатиб стаканга тўлдириди бўздан.  
Кўкрак кериб Собир кулди. Бир сўз демади.  
Уриштириди.

Оталарча у боқди узоқ.  
Даҳшат, ўлим... ё ғалаба кутар, — билади.  
Ва қурбонсиз олинмайди дар'ё, у қирғоқ!..

## СОҚИЙ

### *ОКТЯБРЬ*

Үттиз йилга Октябрь байрам тұлиб қилди жило  
Күп ютуқлар юзға чиқди етти халқым муддао.

Халқымыз бұлды фаровон ишчи-деңқонлар блан,  
Шодликдан биэ қилемиз дохилар айлаб дуо.

Бул девони ичра ёздим бахту-иқболу шараф  
Доҳимиз ўртоқ Сталиндан бўлиб доим ризо.

Ўзбекистондан улуғ доҳимга қилдим туҳфа бул.  
Қиссалар манзур мабодо марҳаматлик раҳнамо.

Тарихи бұлды шу девон инқилобий бир асар  
Қолди мандан халқымизга өсласин шому сабо.

Аввало бўлган девонлар мотаққидам вақтига  
Бул советни даврида бўлды девон ҳожат раво.

Халқымизнинг ёшлари оқил әрур ишга равон,  
Содда тил бирлан ёзилди бул китобим Соқиё.

## ПАРТАВ

### ОЛҚИШ

Мустақзод

(Чоржүй—Күнғирот төмірийұли құрғилишида)

Хар лаңза юз олқиши сенга әй дохию-доно,  
Бахт ахлыга устод.  
Күнгил қуши жон гулшанида ҳуснинг шайдо,  
Васфингни қилиб ёд.  
Ер юзи ироданг қуёши бирла мунаввар,  
Эй нури тажалли.  
Меҳринг bla даврон әлининг қалби мусаффо,  
Фам гардидин озод.  
Асрингда топиб меңнат эли комиравонлик,  
Юксалди фалакка.  
Инсонга қуёшдек яруди барча муаммо  
Фан кишвари обод.  
Амринг bla Хоразм эли ихлосига лойиқ,  
Бошланди темирийұл.  
Гул оғди тилақ ғұнчасидин боғи таманно,  
Сендин етиб имдод.  
Халқимга тараққий йўли — мақсад йўли бу йўл,  
Бу бахту-саодат.  
Бу йўл bla ширин ватаним ҳуснига оро,  
Халқим ҳама Фарҳод.  
Чексиз Қорақум ваҳмалик дашту жазойир  
Гулзор ўлажакадир.  
Гулзор ўлажак ташна, ҳароратзада саҳро,  
сайр этгали авлод.  
Касб этди элим марҳаматинг Партавидин нур,  
Шукронда учундир.  
Хар лаңза юз олқиши сенга, әй дохию-доно.  
Бахт ахлыга устод.

Сентябрь, 1947 ыны  
Дарғон оты

## АБДУҒАФУР ҲАҚИРИЙ

### *ВАТАН*

Эй, буюк дохий замони жонажон бўлган Ватан,  
Айлаган ғамхўрлигидан бўстон бўлган Ватан.

Октябрь, нури блан озод бўлиб бу мамлакат,  
Янгидан яшинаш жаҳонда новқирон бўлган Ватан..

Ҳуррият даврига ўттиз йил тўлиб байрам қилиб,  
Шон-шавкат бирлан әлга достон бўлган Ватан.

Зулму — бид'ат ўрнига бахту-саодат ўрнашиб,  
Йўқ бўлиб чор бўриси, амну омон бўлган Ватан.

Кечалар кундуз каби ҳар кўчада минг офтоб,  
Дун'ёда наш'у-намода комирон бўлган Ватан.

Чўлу-саҳролар каналдан сув ичиб сероб бўлиб,  
Даштлар — гулзору, боғу, хонадон бўлган Ватан.

Ўлкамиз колхозлари меҳнатда ўрнак кўрсатиб,  
Юртимиз давлатга — оқ олтинга кон бўлган Ватан.

Жиплашиб барча кишилар бир туғишган дўст-ёр,  
Бирлашиб душманга қарши қаҳрамон бўлган Ватан.

Яхши турмуш ҳуррият бирлан яшаб әл барчаси  
Бахт иқболу саодат ҳам инон бўлган Ватан.

Кекса чоллар, ёш йигитлар, қиз-жувонлар бир бўлиб,  
Турмуш ичра бир кишидек шодмон бўлган Ватан.

Бахт нурини сочар ҳарлаҳза шафқатли падар —  
Доҳимиз әҳсонидан әл жовидон бўлган Ватан.

Эй Ҳақирий, доимо ёзгил Ватан иқболига  
Сталин мадҳи учун ширин забон бўлган Ватан.

## ХАБИБИЙ ТЕМИРИЙÜЛ

Юракда өрди зүр армон темирийүл,  
Бугун қурмоқдадир даврон темирийүл.

Бутун Хоразм өли ғайратга минди,  
Топилдя қургали имкон темирийүл.

Қароқум узра әл сағ чекди, чиқди.  
Бүлур саҳройи белоён — темирийүл.

Темирийүлнинг саноқсиз хислати бор,  
Бира — маҳкам темирқўргон, темирийүл.

Узоқ водийни Масков бирла боғлаб,  
Қилур йўл мушкулин осон темирийүл.

Гиёҳсиз ташна, кенг саҳро бу чўлни.  
Саросар боғ ила бўстон темирийүл.

Тузалмай ўтди туз йўл карвонлар,  
Тузар бизнинг қизил карвон темирийүл.

Бир ойлик йўлни оту-тева бирлан,  
Қилур бир кунлик йўл ал он темирийүл.

Ташаккур сенга, ә фарзона доҳий,  
Бўлиб шоёни истеҳсон темирийүл.

Ҳабибий яшнаб илму-ҳикмати фан,  
Ватан жисмига бўлгай жон темирийүл.

Октябрь, 1947 йыл

Ж. ШАРИФИЙ

## МАКСИМ ГОРЬКИЙ

*Поэма*

### Волгада

Ота ўлди, кетди она ҳам,  
Бола қолди бобо құлида.  
Үзин ёлғиз сезар чинакам,—  
Күз илғамас ҳаёт құлида.

Күп ўтмади, чол дер: невара  
Сен бүйнімга әмассан тумор.  
Йүлингни топ, баҳт излаб қара,  
Томокидай қылмассан хумор.

Саккис ёшар өнгіда, әвоҳ,  
Үзоқларга кетди боң олиб.  
Ҳар қадамда күлфату-бало,  
Кетди ўксиз, күзга ёш олиб.

Қора түнлар, жафоли ойлар  
Бириң-кетин ўтабошлиди.  
Ишлатиб, тош тишлатар бойлар,  
Қалбни қайғи әзиб ташлади.

Волга, Волга... Улугвор дар'е,  
Шоирларга илжом манба'и.  
Сени мақтаб барча шуаро,  
„Рус онаси“ дерлар табиий.

Русиянинг қон томирисан,  
Ва поёңсиз ўлканинг фахри,  
Кенг чүлларнинг жон томирисан  
Сен, азамат улуғ рус нахри!

Тұлқинланиб оққан дар'ёда,  
Борар эди кичик пароход.  
Бола шогирд эди ошпазга  
Идиш ювар, әқар эди ўт.

Ноәб, хушдил ошпаз Смурий  
Шириң забон, отадай унга.  
Китоб берди, бұлдығамхұри.  
— „Айланмасин,— дер,— умринг тунга“.

Жиян, қара, она Волгага,  
Қара қандай чуқур, бепоён.  
Тұрмушимиз ўшар дар'ёга,  
Тинмай оқар, тұхтамас бир он.

Ука, билгин ёшлик оқар сув,  
Бир пас турмас, оқар кетар у.  
Ұқыганинг күп ғаниматдир,  
Оқибати нози-не'матдир.  
Тугатибсан фақат бир синф —  
Ұқымасанғ кети кулфатдир...

Аләшамиз<sup>1</sup> тинглаб ўгитни,  
Кечакундуз ўқийди китоб.  
Канда қымас ҳеч бүш минутни.  
Күчөнің олди бу гирдоб.

Хамма ухлар, лип-лип ёнар шам'  
Ү китобдан олмас күзини.  
Құлларида титрайди қалам  
Езар илк бор ше'рий сүзини.

Биринчи сүз дебочасин у  
Волганинг кенг күксіда ёзди.  
Дар'ё берди; илхом ва түйфу,  
Ушлагани олтиндан соз-ди.

Кишиларнинг әшигіда җам,  
Малай, батрак бўлиб саргардон,  
Чекиб алам, дар'ё каби ғам,  
Кўринса-да турмуши зиндон —  
Әш йигитча Лексей барибир,  
Ҳеч ташламас, дўстидир китоб,  
Энди йигит саёкларга дер:  
„Китоб — дустдир, қалб учун офтоб“.

<sup>1</sup> Максим Горькийни ёш вақтида „Аләша“, „Лексей“, „Алексей“ деб аташған.

## Саргардонлик йиллари

Турмуш худди түлқинли денгиз,  
Айлантирап ўз гирдобида.  
Тиним бермас йигитга ҳаргиз,  
Кўринмасди баҳт — офтоби-да.

Турмуш худди кучли бир жангдай,  
Бир тарафдан келар очлик-ёв.  
Бир тарафдан кўтариб косов,  
Минг хил оғат турар, бўлиб юв.

Барчасини янчиб — пачақлаб,  
Олга сари борар Алёша.  
Умид — ёрни маҳқам қучоқлаб,  
Ўтар тогу-давонлар оша.

Зўр ҳаётнинг кенг бозорида  
Меҳнат сотар қора нон учув.  
Топса чақа: гўё гулзорда,  
Ўйлар устим бўлажак бутун.

Тинмай ишлар бечора саёқ,  
Бари бир ҳеч қорни бўлмас тўқ.  
Усти ямоқ, яланғоч оёқ,  
Бир пасгина ором — тиним йўқ.

Эр йигитга етмиш ҳунар оз,  
Лексей эса юзтасин билар.  
Маржонлардай тер тўкиб қиши-ёз,  
Бир кўрганни шу замон илар.

Лиманларда бўлиб қоровул,  
Изғиринда қотди совуққа.  
Турмуш унга золим ясавул,  
Бағри тўлмас оз-моз завққа.

Она Волга қирғоқларида  
У солдовчи бўлиб ишлади.  
Қонли кўпик дудоқларида,  
Нон ўрнига кесак тишлади.

Жегулининг чангалзорида,  
Оёқ яланг тортар кемани.  
Кўкка етар оҳу-зорида,  
Кимга айтсин дарду-гинани.

Пешанадан шўр терлар оқар,  
Артишга ҳам йўқ эди фурсат.  
Юрагини ҳасратлар ёқар,  
Она дар'ё куч бер, йўл кўрсат!

У билмаган қолмади ҳунар,  
Юк ташучи, этикчи, нонвой.  
Паровозда бўлиб кочегар,  
Бирин-кетин ўтди йилу-ой.

Турмуш нима, қандай нарса у,  
Ўргатарди Семёнов нонвой.  
Ишлар тонгдан тортиб қоронғу —  
Кечга қадар, қадди бўлиб ёй.

Нонвойхона серзах подвалда,  
Қуёш боқмас кўп ифлос бир жой,  
Ишлаганинг умри уволда,  
Назар солмас у Семёнов бой.

Атлас кеча, хушдил йигитча —  
Алёшамиз ёқиб чироқча,  
Хўжайндан маҳфи — ўғринча,  
Ўқир эди тонг отганича.

Билиб қолиб буни хўжайин,  
Falva солар, итдай акиллар.  
Шишиб кетди у борган сайин  
Шовқин қиласар, ерни тепкилар.

— „Билиб қўйгин, тентак баччагар,  
Менга қанча келтириб зяён,  
Бойлигимга қиласан зарар“,  
Ништар урар гўёки чаён.

„Биласанки қорамой қиймат,  
Пилигини топиш осон-мас.  
Бир пул фойда, лекин минг кулфат,  
Бу қандай гап? Сен чин инсонмас.“

Бизга мадад берадир оқча,  
Бел қуввати, дилороми пул.  
Қайдан келар нон-тешик кулча,  
Пулинг бўлса ҳаёт бўлар гул.

Мен яшайман пул қуввати-ла,  
Шоҳ ва тўра, бегу — савдогар,  
Барчаси ҳам яшар у ила.  
Ҳаёт ширин пул бўлса агар.

Баланд уйлар, гүзәл саройлар,  
Кимникидир, хұжайини ким?  
Қанча завод, ер, үрмөн, сойлар,  
Әгаси ким? Нега бўлдинг жим?

Барчасига Пулбола эга,  
Пул хұжайин, Пултўра, Пулбой.  
Пул бу бир қон, жон берар танга,  
Пулсизларнинг ахволига вой...“

Ишлаб кетди тиканли калтак,  
Фавварадай отилади қон.  
Алёшанинг оққина-гулдак  
Тандан чиқди қирқ икки тикан.

### Ү қ

Чиркин ҳаёт дилларни әзар,  
Ботир йигит чидар барига.  
Шу турмушда ўзин ёт сезар,  
Оғир нафас тўлар бағрига.

Калтакларга, ҳархил кулфатга,  
Совуқ, очлик, хўрлик, қонли ёш,  
Оғир меҳнат, не уқубатга,  
Ёш йигитча беради бардош.

Озодликни севар Алёша,  
Унинг учун жонин аямас,  
Озод инсон тимсол ҳамиша,  
Унинг учун қонини аямас.

Ахир келар шундай бир ҳаёт,  
Инсон озод ва бахти кулар  
Мазлум қуллар топарлар нажот,  
Эркин яшаш одати бўлар

Шу умидда Алексей яшар,  
Китоб ўқир, севгани хаёл.  
Кўз олдида коинот, башар,  
Жоду хаёл, бир пас қўяқол.

Ба'зан келар ваҳмали ўйлар,  
— „Бўлди. Етар... Кўрган ҳаётим“.  
Кўзларга тор кўринар уйлар,  
— „Бас. Синди қанотим“.

Ҳаммасидан хўрлик ортиқча,  
Тегди жонга. У қайнаб кетди.  
Ҳамма ухлар — қора бир кеча,  
Тепаликка тез бориб етди.

Нега ухлар, нега ҳаёт тинч?  
Нега боқмас, қилмас илтифот,  
Нега қолқиб турмайды? құрқинч!  
Балки шу тун ўлур улуғ зот.

Жимжит әл-юрт, фафлатда қолар  
Фақат күкда ой чекар қайғу.  
Йигит құлға түппанча олар  
Дайди еллар өсарди ғув-ғув...

Узилди ўқ, тушди түппанча  
Йиқилди мард, фалокат анча.

### Ҳаёт — дорилғунун

Ботирларнинг йўли оғирдир.  
Йўлларида турма — сургунлар,  
Мана мен деб ғовлар турадир,  
Чексиз ғазаб, уйқусиз тунлар.

Йўлларида пўлат кишанлар  
Суд, жандарма, ҳақорат-зулм,  
Манфус тамға, бадбин нишонлар  
Баланд дорлар, даҳшатли ўлим.

— „Сен шуларга чидайсанми әр?“  
— „Бошқа йўл йўқ, шу йўл ягона.  
Халқ баҳтичун мен яшайман“дер  
— „Бошқа йўллар менга бегона“.

Гоҳ ишчилар орасида у,  
Гоҳ мужикка бўлади улфат.  
Сой, жар боши, пастда оқар сув,  
Одам тўла қизарди суҳбат.

— „Нима учун чекасиз азоб?  
Помешчиклар тандаги қуртдир.  
Йўқми сизда уларга ғазаб?  
Сизга фақат ишчи әл-юртдир.

Мужик халқи ҳақни олингиз  
Николайни осингиз дорга.  
Ҳеч ҳайқмай ханжар солингиз  
Калла кесар жаллод — гаддорга...“

Мужиклар жим. Йигитни тинглар,  
Жаранглайди унинг овози.  
Қарі кампир хўрсишиб йиғлар  
„Келармикан мужикнинг ёзи“.

Сұзлар әкан оташин нотиқ,  
Билиб қолди қишлоқнинг бойи.  
Шиддат блан қичқирап қаттиқ—  
„Ур аҳмоқни, гүристон жойи“.

Уриб кетди бой йигитлари,  
Йигит беҳол, өрилди боши.  
Навбат келар, қараб тур ҳали  
Еғилар-ку қасоснинг тоши“.

Кетди Лексей ўтли ўч блан  
Юрагида янги куч блан.

### Биринчи муҳаббат

Муҳаббат сен эски бир құшиқ,  
То азалдан ҳозирга қадар,  
Дилларда сен, куйларинг ёник,  
Мадхинг ўқир ёш, қари—падар.

Сен ўлимни енгган зўр қудрат,  
Шоирлар дер: „дилдаги қуёш“.  
Бахшиларнинг созига улфат,  
Гоҳ шод этиб, гоҳ оқизиб ёш—  
Мангу бир из соласан дилга,  
Йўқотолмас сени ҳечбир куч.  
Шунинг учун тиллардан-тилга  
Олинасан, яна юксал, уч!

Муҳаббат—бу умр баҳори—  
Гулларнинг энг асли, гўзали.  
Уни куйлаб шоирнинг тори  
Жаранглайди жушқин ғазали.

Қуюқ ўрмон... Қарағай, арча,  
Кўп салқин жой... кўм-кўк майсазор.  
Гул чечаклар беҳисоб, анча,  
Бир томони жарлик, бўтазор.

Ёш йигитнинг бир тиззасида,  
Бошин қўйган олтин сочли ёр,  
Зангор кўзи, майин сасида  
Мафтун қилар, юзлари анор.

Оқар әди мовий ранг дар'ё,  
Жуда гўзал, ажид манзара,  
Алексей-чи бўлиб маҳлиё,  
Дерди: „Севги, севгимиз сара“.

„Айтгин ёрим, севасанмай айт,  
Сенинг учун этай жон—фило,  
Мана шу кун, шу бир гүзәл пайт  
Айтгин, қилма Ерингни адо.

Бошимдан күп кечирдим азоб,  
Күрмаганим қолмади энди.  
Фақат сенсан дардли дилга боб  
Сабр-тоқат косаси синди.

Гар истасанг борай ўлимга,  
Күкрагимни қилажакман чок.  
Мен чидайман ҳарбир зулмга,  
Мұхаббатим сен, нур, қалби пок.

Овинади ғариб юрагим,  
Күриб сени ой юэли дилдор,  
Сенла умр қилмоқ тилагим,  
Гар йўқ десанг, бўлурман жор-зор.

Қалбда порлар кучли аланга,  
Дилга солдинг уни умрбод.  
Ҳарорати зўр, сифрас танга,  
Аэиз жоним менга қил имдод.

Узок-узоқ ўйлаб қоламан,  
Дард тутуни қоплар осмонни.  
Оғир-оғир нафас оламан,  
Сигдиролмай дилга жаҳонни“.

Алексейнинг бағридаги ёр—  
„Севаман—дер,—лекин ўйлагин,  
Бахтсизманки, золим әрим бор,  
Кани ўзинг йўлин сўйлагин“.

— „Чораси бор, қочиб кетамиз“  
— „Йўқ-йўқ жоним номус, шарманда.  
Жосуслар бор, ушлар бетамиз“  
— „Демак мангу қолдим армонда“.

Ажралдилар, кўзларида ёш,  
Балки энди қайта кўришмас.  
Эҳ, на умид бирини севги,  
Алексейнинг бахти юришмас.

Мұхаббат сен оташин қўшиқ,  
Алексейнинг дилин қилдинг банд.  
Севги, севги ўтларинг ёник,  
Ёнар, кимки бўлса баҳраманд.

## Жаҳонгашта

Русиямиз қандай әл әкан?  
Халқлари ким? Ҳаёти қандай?  
Дарди нима? не еб, не әккан?  
Үзинг күр, урф-одати қандай?

Лексей кетди құлида калтак,  
Елкасида кичкина бир қоп.  
Устида кир ямоқли яктак,  
Оғек яланг, қыздырап офтоб.

У айланди бутун Волгани,  
Саратов, Дон, Украинани.  
Улчаб чиқди бутун ўлкани,  
Билди ипдан тортиб игнани.

Ошно бүлди Бессарабия,  
Лұлілар ҳам жонажон ўртоқ.  
Ватан унга академия,  
Турмушдан дарс ўрганди ҳарчоқ.

Одессанинг қирғоқларига  
Новқирон мард, баланд бўйли эр,  
Борди Крим тупроқларига,  
Жаннатдай жой, гулдай гўзал ер.

Денгиз бўйлаб юрар пиёда.  
Мавжланарди бепоён денгиз.  
У кўрмаган азоб дун'ёда  
Қолдимикан? Фам—денгиз дейсиз.

Кеч... Керчда, олиб кемани,  
Эшкак солиб қочиб қолди у.  
Солдат билмас ҳечбир нимани  
Тамань сари йўлин олди у.

Кема борар ўқ каби ёрап,  
Йягит хурсанд, жуда ҳам тетик,  
Шторм кўпди, денгиз чайқалар —  
Ағдарили... дил ураг дук-дук.

Муздай совуқ денгизнинг суви  
Ўз қаҳрига ютаман дейди,  
Йигит ушлаб кема бурнини,  
„Барибир мен ўтаман“ дейди.

Кетди кураш. Төғдай тўлқинлар  
Алешага гуппиллаб ураг.

Борган сари ўсар жүшқинлар  
Бир юқори, бир пастга сурар.

Алексеймиз бўлмай ноумид  
Тўлқинларга берарди бардош.  
Енгар экан кўнгилдаги дид —  
Агар мардлик бўлганда йўлдош.

Тўлқин отди уни қирғоққа,  
Жангда енгди, йигит бедармон,  
Кетди боши оққани ёққа.  
Тамань, Кавказ сендаидир армон.

### Соҳиби-қалам

Қучоғига чорлади—Тифлис,  
Қандай гўзал грузинлар шаҳари.  
Ҳарбир нарса ишланган нафис,  
Тонги гўзал, нафис саҳари.

Горъкий деб ном топди шу ерда.  
Беҳад хурсанд ўқиркан „Кавказ“,  
Садо берди мард „Макар-Чудра“,  
Сайраб кетди адидаги соз.

Ҳар ёш она тўнгич болани  
Қўп зориқиб кутгани каби —  
Ёш адаб ҳам асар—лолани,  
Кутар, қолмай тоқати—сабри.

Кўзларига асло ишонмас,  
Улар ялт-ялт этиб ёнадир.  
Тушми ё ўнг ўзи билолмас,  
„Макар Чудра“ тўнгич боладир.

Мижжа қоқмай узун кечалар.  
Ўқир эди, ёзарди китоб.  
Ҳамма ухлар, ухлар қушчалар,  
Горъкий ёзар, адаб камол топ!

Рус ишчиси, рус мужиги ҳам  
Жондан севар азиз инсонни,  
Олиб ундан куч, бўлиб бардам,  
Багишларлар зўр эҳтиромни.

Ҳарбир уйда топаоласиз,  
Бўрон қуши қўшиғи<sup>н</sup>и сиз.  
Чексиз хурсанд бўлди улуғ рус —  
Фақат русми?— Дун'ё ҳам дейсиз.

Адиблардан хатлар келарди,  
Африкадан, узоқ әллардан,  
Хамма унга соғлик тиларди,  
„Салом айт!“ деб сүрар еллардан.

### „Бүрон қуши“

Европони босганды бало —  
Бұхрон деган дақшатли оғат.  
У гүёки құрқинчли вабо,  
Ишчи-дәхқон чекарди кулфат.

Русияга ҳам илон каби  
Кириб келди у оғати-жон.  
Йигирманчи — техника асри —  
Фанинг асри бошланған замон.

Қанча завод, зёр фабрикалар,  
Тұхтаб қолди қаৰчаган оттай,  
Қанча сингил, ақа-уқалар,  
Ишсиз қолди синган қаноттай.

Гадоларга түлди күчалар,  
Минг-минг одам бүлди саргардон.  
Очдан үлди қанча-қанчалар.  
Омборлар бүш, йүқ ғаллаю дөн.

Шоқдар қотил, берақм жаллод —  
Қуёш юзин қоплаган булат.  
Унга қарши құзғолди авлод  
Йүқолсан деб қүш бошли бургут.

Бутун үлка бўйлаб бошланди  
Инқилобий халқ қўзғолони,  
Рус дәхқони шердай ташланди  
Зодагоннинг чиқсин фифони.

Океанда чайқалгай тўлқин —  
Каби халқлар ўчи урди мавж.  
„Йўқолсан чор!“ Қудратли шовқин —  
Овозалар тезда олди авж.

Курашларда ўси партия,  
Унга Ленин, Сталин раҳбар.  
„Чорга қарши қўзғалинг!“ дея —  
Шиор отди, сўзлари гавҳар.

Бўрон қуши довюрак Горький,  
Ўз созини янгратди устоз.  
„Яна кучли бўрон қўзғалсан!“  
Дея да'ват этарди шаввоз.

На зах зиндон, на-да сургунлар,  
На азоблар, ғаму-ғүссалар,  
На кишин кор әтмас. Құзғунлар—  
Езучининг йўли тўссалар—

Ҳамла қиласар баҳодир лочин  
Кенгроқ ёйиб қанот, қулочин.

— „Ленин йўли халқнинг йўлидир,  
Ким шу йўлдан борса адашмас.  
Партияниз халқнинг дилидир.  
Меньшевиклар бизга йўлдошмас“  
Дея Горький халқа солди жар.  
Ленин унга ўртоқ, дўст—жигар.

### Бўрон

Бўрон турди. Русия қолқди.  
Ларза блан чайқалди денгиз.  
Бешинчи йил—инқилоб болқди.  
Портлагучи қуввати тенгсиз.

Қўрқар, қақшар подшоҳ кемаси,  
Ағдарилиб кетаёзди у,  
Битдик, деган ўлим ваҳмаси—  
Эзар чорни, кўнгилда қайғу.

Питирчилаб қолди Николай:  
— „Бизни янчар даҳшатли бўрон,  
Романовлар аҳволигавой!“  
Дея солди шовқин ва сурон.

Оқ саройдан берди у фармон:  
— „Қўэзғолган халқ тезда отилсин,  
Майли, бўлсин хонаси вайрон,  
Бош кўтарган, қонга ботилсин“.

Эзилган халқ кучли—аланга  
Каби ташлар ўзини шоҳга.  
Меньшевиклар қора кўланка,  
Бўйнин әгар золим абраҳга.

Халқ тўлқини бошида мардлар—  
Ленинчилар уради жавлон.  
Халққа берар та'лим—мададлар.  
Қўлларида байроғи алвон.

Томерфорсда Ленин—Сталин—  
Учрашдилар энг биринчи гал,  
Финляндия тупроғи қувон,  
Шаҳарингда қўйилар ҳайкал!

Дүстларига кураш ҳақида—  
Дарс берарди муаллим Ленин.  
Русиянинг азиз хокида  
Қон тұлқинин күрди Сталин.

Қон дар'ёсі тұлыб тошганды,  
Дор, зиндонга лиқ тұла үлка,  
Қирғоқлардан қонлар ошганды,  
Қанча мардлар қилинди тилка.

Петропавловск крепостиға,  
Зах зиндонга ташланды Горький.  
Шоқ деярди: „Сози мангига—  
Үчса тинчир Романов арки!“.

### 60-камера<sup>1</sup>

Баланд-баланд қалин деворлар,  
Кунгиралар... қадимий қал'a.  
Доим әпік зүр дарбозалар,  
Лойи қондан, ғишт—сүяк калла.

Бу қал'ада бор катта турма,  
Турмами?— Йүқ. Жаҳаннам дейсиз.  
Фарыб, маҳбус ахволин сўрма,  
Жабр-зулм денгиздай тенгсиз.

Узун даҳлиз, қатор камера,  
Мўйлаб бураб юрар часовой.  
Пўлат эшик, темир панжара,  
Сра боқмас на қуёш, на ой.

Даҳлиз цемент, деворлар цемент,  
Пол ҳам цемент, дун'ёнинг захи  
Фақат шунда, гүё музли кеңт,  
Эшитилмас маҳбуснинг оҳи.

Олтмишинчи зах камерада  
Үлтиради бир ўпкаси сил,  
Маҳбус Горький, лол муз девор-да  
Сиқар қалбни эзар муттасил.

Гунг деворлар ютаман дейди,  
Қорасовуқ, ажал шу ерда,  
Жонин олмоқ ўлимнинг диди,  
Бардош бермас бақувват шер-да.

<sup>1</sup> Максим Горький 1925 йыл, 9 январь воқиаларидан кейин Ногишо Петропавловск крепостиға Трубецкий бостионининг 60-сүнгра 39-камерасынга қаматырган. У ерда адид „Қуёш болалари“ деган пьесаны бир ой беш кунда ёзған.

Бүрөн қуши темир қафасда.  
Ев ўйлади битар овози.  
Лекин Горький тинмас бир пастда  
Тинмас сози, жаранглар сози.

Еэди „Қуёш болалари“ни  
Құйма темир стол гувоҳдир,  
Туприги қон, не балоларни  
Кечирган эр, дер: „жаллод-шоҳдир“.

Бутун олам турди оёққа,  
Ромен Роллан кўтарди қилич.  
„Озод бўлсин“ сўзи ҳарёққа  
Тарқалди тез, шоҳ сен заҳар ич.

Ноилождан улуғ адабни  
Оқ подишио қилганди озод,  
„Яша Горький“ деган радифни  
Такрор этди рус, ҳамма авлод.

### Лондон четидаги кичик черкавда

Ленин севар дўсти Горькийни  
Хатлар ёзиб аҳволин сўрар.  
Адибларнинг ҳусни, кўркини,  
Улуғ зотни сўроғлаб туарар.

„Ўчиrolmas унинг овозин  
Салтанатлар, тождорлар асло,  
Синдиrolmas шоирнинг созин,  
Горький сўзи—шоҳмисра'—а'ло!“

Унга Ленин мактублар ёзар,  
Ўз дўстига берар маслаҳат,  
Горький эса севиниб ёзар —  
Гўзал ҳайкал—чиroyли асар.

Лондон чети, кичик черкавда —  
Партс'ездда учрашди улар.  
Кучоқлашар, хурсанд иков-да,  
Баён бўлди тилак, орзулар.

- „Бахтиёрман, Владимир Ильич —  
Сизни кўриш бўлди мұяссар.  
Китоб ёздим тинмай әрта-кеч“.
- „Она“ жуда ажойиб асар“.
- „Мен шошилдим“.
- „Яхши қилгансиз!“.

Ишчиларга фойдаси катта.  
Үз вақтида, боблаб ёзгансиз.  
Харбир ишчи ўқир албатта!».

### Қора йилларда

Оқ подишақ газабга кирди,  
Инқилобни босди-ю, дарҳол —  
Күпни осди ва сургун қилди,  
Ва қон гаштин сурди бемалол.

Қатор-қатор саф тортди дорлар,  
Сибирь йўли бўлди серқатнов.  
Кўкка етди фифонлар-зорлар,  
Шаҳ дажжолдай кўтарди ясов.

Троцкий димоғлари чоғ.  
Ўзида йўқ шод, кайфлар тарақ,  
Большевикни айблаб ҳарчоқ —  
Туҳмат ўтин ёқарди алчоқ.

Ба'зи заиф, пачоқ зиёли,  
Қора груҳ ичига кирди.  
Ишчиларга жуда зиёнли —  
Хоин бўлди, шоҳ томон юрди.

Ба'зилари тамом умидсиз,  
Дерлар: „Зулм қолар умрбод.  
Энди кураш сўзи ма'носиз,  
Тақдирга сен тан беру, жим ёт“.

Плеханов жим бўлиб қолди,  
Тушиб кетди дами ичига,  
„Манман“ деган курашдан толди.  
Ишонмади мардлар кучига.

Богданов ҳам қаландар — дарвиш,—  
Худо излаб сукутга кетди.  
„Бўлмас өкан ис'ён — қўзғолиш,  
Худодан кўр“ деб китоб битди.

Фақат... Фақат... Мард большевиклар —  
Доҳий Ленин — Сталин зоти —  
Тўғри йўлдан адашмай борар,  
Қўрқитолмас шоҳнинг жаллоди.

Ленин кўрди: Горький адашди.  
Ва қўлинини адигба чўзди.  
Ахир Горький ўртоқ — қондош-ди.  
Ўргимчаккинг ипларин узди.

— „Богдановнинг кетидан борма,  
Хатарлик йўл, боши берк куча.  
Сен ўзингга хиёнат қилма,  
Дўстим Горький, унутма, кеча—  
Бизлар блан беришгандинг қўл,  
Бўрон қуши — бўрондан қайтмас,  
Богдановлар йўли қора йўл,  
Худо излаш сенга ярашмас“,  
Деб Горькийга сўзларди доҳий.  
Мудҳиш тунда уйин ёритди.  
Қора кунда бўлди паноҳи.  
Янгиш фикр — ўйин таратди.

(даломи бор)

# СОДИҚ ҚАЛАНДАР

## БИЗ УРАЛДА

Повесть\*

### Иккинчи бўлим

#### I

Бу оддий фронт кечаларидан бири эди: совуқ ва хира осмон турли манзаралар блан жонланиб турмоқда; тоҳ үнг томондан, тоҳ чап томондан ва тоҳ тўғри бош устидан визиллаб ўтган ўқларнинг узун олов чизиқлари, узоқ-узоқларда пайдо бўлиб, анча вақтгача сўнмай туручи хира ёруғлар, саккиз-тўққиз километр масофадан кўтарилиган кўк ракеталар кўриниб турмоқда.

Атрофга ҳозиргина чўккан жимлик — оддий фронт кечала-рида бирнеча минутгина, ба'зан ярим соат, бир соат давом этадиган жимлик ҳам — оғир замбаракларнинг гумбирлаши блан бирдан бузилиб, шовқин-сурон дун ёни ларзага келтириб юборди; ос-мон — пулемётларнинг тариллаши, автоматларнинг қисқа ва узун очередлари, миналарнинг қулоқни кар қилучи портлаш ва паст-паст учеб ўтган разведкачи—аэропланларнинг вағиллаган йўғон овозлари блан тўлиб кетди.

Сал ўтмай, яна секин-секин жимлик бошланди; пулемётларнинг жоғи тинди, тўплар ва миномётлар ҳам жим бўлиб қолибди, разведкачи аэропланларнинг ҳам овозлари эшишиб бўлмайдиган узоқликларга кетиб тинди, фақат осмоннинг узоқ уфуқларидан тўпларнинг гумбирлашигина аҳ'ён-аҳ'ёнда эшитилиб турар эди.

Траншейларнинг ичидан солдатларнинг секин-секин гапиришишлари, ҳазил-мазоқлари, кулгилари, хуррак овозлари, автоматларга ўрнатилган, магазин каровкаларининг қисқа-қисқа шиқирилаши, ба'зан паст товуш блан команда берилган овозлар чиқиб турипти.

Ташқари, траншейларнинг атрофи оппоқ қор блан қопланган. Ба'зи ўринларда ағдарилиб ташланган тупроқ уюмларига порох куйидилари қўшилиб қорайиб кўринар эди.

\* Боши ўтган сонларда.

Олдинда, узоқроқда немислар турған жой: мина күмилган ерлар қатор траншейлар, блиндажлар, ДЗОТ лар ва\* буларга туташған узун үрмөн қорайиб күринади. Снарядларнинг портлаши ана шу томондан тез-тез әшитилиб турмоқда.

Ҳамма жойда кеча ва худди бугун бўлгандағидай ва әртага ҳам бўлиши муқаррар бўлган аҳвол ҳукм сурар эди. Солдатлар жанг ўртасидаги қисқа дам олиш пайтидан фойдаланиб дам олмоқдалар; ба'зилари траншай деворига тиқилиб, автоматини қулоқлаган ҳолда, котелогини бошига қўйиб ухламоқда, ба'зилари ёнбошлаб папирос чекмоқда. Ба'зилари эса, ўзининг иссиқ уйини, рўзгорини ва ёки севган қизини кўз олдига келтириб хаёл сурмоқда. Ҳуллос, усти очиқ бу траншайда биринчи взвод жангчилари бир-бирларига тиқилишиб ётар эдилар.

Бу ерда группа-группа бўлиб ўйғоқ ўтиришган жангчилар ҳам бор эди. Булар қоровиллик постларига навбат кутучи солдатлар бўлиб, буларга ухламаслик — гапиришиб, сұхбатлашиб, немислар томонини кузатиб туришилик — буйрилган эди; буларнинг ичидан бир груп жангчилар аста-аста ҳикоя айтишмоқда, бир хиллари қўл пулемётининг яполоқ дискасига ўқ жойламоқда; бир-иккитаси кисетларини жинчироққа тутиб, маҳорка қуритмоқда; аммо жин чироқ душман бомбардимончи аэропланларига кўриниб қолмаслиги учун устига ёргуни ўтказмайдиган янги плаш палатка ёпилган эди. Булар аҳ-ён-аҳ-ёнда „Воздух!“ командасини әшитишлари блан, дарров чироқни ўчириб чекиб турған томокиларини оёқлари блан әзиб ташлар эдилар. Навбатчилик қилуучи кичик командирлар постлардаги қоровилларни олмоштириш учун траншейларга кириб, ҳалиги ўйғоқ ўтирган солдатлардан керак бўлган кишининг фамилиясини айтиб чақирав, кимга ухлашга ва кимни үйқидан ўйғотишга буюрап эдилар.

— Савельев!

— Ман!

— Боринг, парольни олинг. Қуролингизни текширганмисиз?

— Текширганман, ўртоқ старший сержант!

— Қани, менинг орқамдан!

— Ана шундай қилиб, пошшо ҳалиги деҳқонга шундай депти:

„Жуда яхши. Аммо сен жуда ҳийлакор кўринасан. Ҳийлакор. Ҳикоясини давом эттириб чўққайиб ўтирган жангчи ўртоқларига қараб,— Мен сенга бир топшириқ бераман, жавобини айта оласанми? У қанақа топишмоқ экан? деб сўрапти деҳқон. Пошшо „Мана бундай топишмоқ. Осмонда қанча юлдуз бор?“— депти. Деҳқон соқолини силаб пошшога бемалол шундай деб жавоб берипти: „Пошвойим, албатта шу топишмоқни мөнга беришингизни аввалдан билган эдим. Аввал сиз менга шуни айтиб берсангиз, аравамда нечи қоп кўкнори бор?“— Жангчи томоки ўраб плаш палатка тегидаги чироқдан тутатди ва яна сўзини давом эттирид...

Ҳикоя айтиған солдатдан анча узоқда ўтирган Ботир, паришон ҳолда, дам унинг сўзига қулоқ солар, дам ўзининг хаёллари оқимига берилиб кетар эди. „Хақиқатан қув чол экан, — ўйлар эди ўзича,— пошшо унинг аравасидаги нечта қоп кўкнори борли-

гини билолмаганидай, чол ҳам осмонда қанча юлдуз борлигиниң қаेқдан билсин? Қув чол!.. „Үйдан чиққанимизга қанча күн бўлди-а? Сверловскидан-чи? Ҳануз бирорта хат келмади?.. Мана, янги йил ҳам кирди. Бизникилар немисларни Москва тегидан анча жойга қувиб юбориши. Ҳалиҳам хат йўқ!“

Ҳар замонда унга яқинроқ жойда ўтирган кузатучининг „Воздух!“ деган командасини эшитиб қолар эди. Ана шунда, Ботир ҳамма нарсани эсидан чиқариб, траншейга ва унинг атрофлариға диққат блан назар солиб қўяр эди. У энди взвод командирининг ёрдамчиси вазифасида ишлар, старший сержант даражасини олган эди. Танbih берарлик бирор чакки иш содир бўлмагани учун яна траншай деволига суюниб, яқинлашиб келаётган аэропланларниг гувиллашига ҳам парво қилмай, ҳалиги солдатнинг ҳикоясига қулоқ солар эди.

— Деҳқон уёқ-буёққа юриб ҳайрон қолди: мана, жаннат қаерда экан? Гуллар очилган... Булбуллар сайраган. Гулларнинг ҳар биттаси мана шу сенинг шапкангдай экан — давом этар эди ҳикоячи. „...Гуллар! Бу гуллар унинг боғида ўсан гуллардан яхшимикан? Ўша боғда әрталаб учрашганмиэ!. Менга ғунча тақдим қилган чоқда айтган сўзлари...“

Шу пайдада гимнастёркасининг чўнтағида қоғозга ўроғлиқ, юрагига яқинроқ жойда турган Тўфаҳоннинг берган ғунчаси унинг эсиға тушиб кетган эди. Ў дарров шинели ёқасидан қўлини чўзиб ўша ғунчани кўриб қўйди.

— „Воздух!“ — кузатучининг овози эшитилди. Ботир ўрнидан бир қўзгалиб ўтириди. Осмонда жуда баландлаб учиб ўтаётган немис аэропланларининг гувиллашига қулоқ солиб турди.

„Ла'натилар бутун ичкарига кириб бораётпти“ — деди ўз-ўзига Ботир. Аэропланларнинг ёқимсиз овози ҳамон эшитилиб турмоқда эди. Газабига чидалмай, „Фронт нега жим турипти... зенитчилар, нимага қараб турибсизлар!“ деб юборгиси келар эди.

Жимлик яна беш-олти дақиқа давом этди. Шу вақт орқа томондан тўп отилгани эшитилди. Снаряд юқорига чиқиб ёрилиши блан, унинг орқасидан ўнлаб ва юзлаб снарядлар гумбирлаб ҳавоға кўтарилиди. Бутун осмонни тўлдириган гумбирлаш садоларидан журсанд бўлиб кетган Ботир чўкка тушиб ёғоч орасидан қарай бошлади. Осмонда қоронғилиқни худди ҳанжардай кесиб юқорига кўтарилаётган ва пастга томон тушаётган юзлаб қўк шу'лалар кўринди. Прожектор блан ёритилган ва тўпларнинг гумбирлаши қоплаган осмондаги юзлаб-минглаб кўринган, бири иккинчисини қувиб, ўзиб бораётган олов чизиқлари Ботирнинг бор диққатини ўзига тортган эди. У журсанд бўлди ва дадилланди.

„Мана бу энди бошқа гап!.. Эш зенитчилар боплаб қарши олишди!..“ — дея кўнглидан ўтказди ва яна траншейнинг деволига суюнди. Жангчиларнинг кўпи ўрганиб қолган бу манзарага аҳамият бермай, иккинчи солдатнинг тракторчи ва мактаб боласи ҳақида айтгаётган ҳикоясини диққат блан тинглар эдилар. Аммо ҳикоя айтгаётган ёш солдат бир нафас жим қолгач, зенитчилар

ҳақида бўлса керак, мақтанган овоз блан шундай деб қўшиб қўйди:

- Булар бизнинг ульяновлилар!
- Сен қаёқдан била қолдик?
- Биламан-да!
- Кел, қўй, ҳикоянгнинг охирини айт!
- Хўб, ана шундай бўлган әкан...

Ботир ҳам буларнинг гапига бироз қулоқ солиб тургач, траншай деворига елкасини бериб, икки қўли блан милтигини қучоқлаб ухлаб ётган ёш жангчига кўзи тушди. „Мана бу яхши солдат... Василий. Жуда чарчапти, ухлагани-ухлаган. Зениларнинг отганини ҳам эшитмади.“ — Ўйлади Ботир. Маст уйқида ётган бу ёш жангчи яқиндагина фронт орқа томондаги ҳарбий қисмлардан келган бир ёш йигитча әди. — „Майли, ухласин. Аммо менинг уйқим келмайди... Ҳамон хаёлим ўшанга кетиб қолаверади... Сира унута олмайман...“ деди ўз-ўзига. Ҳақиқатан у, шундай вақтларда ҳам, қизғин жанг даҳшатлари ичидаги ҳам, дунёдаги бор нарсани унугтган вақтларида ҳам Тўфаҳонни хаёлидан чиқармас, доим кўз ўнгига кўриб турар әди.

„Афсус, бирор марта бўйнимга осилмади-я... Мен ўзим ҳам... жуда нодон әканман-да. Айб ўзимдал..“

- Собиров ботир!
- Ман!

Ботир иргиб турди, шинелини қоқиб ўзини тузатди ва „Смирно“ командаси берилгандагидай қотиб турди. Унинг қархисида взвод командири младший лейтенант Силантеv турар әди.

— Яна ухламай юрибсанми? Нега ухламайсан? Бу аҳволда қачан дам оласан?

- Озгина мизғиб олдим, ўртоқ младший лейтенант, етади.
- Мизғиб олдим? Алдайсан. Мизғиган-пизғиганга ўхшамайсан
- Хайр, мана қандай иш, — деди овозини бошқа бир оҳангга солиб младший лейтенант Силантеv, — буёққа кел. У, Ботирнинг қўлидан ушлаб траншайнинг тўрига олиб борди.

— Мен ҳозир батальон командири капитан Қозоқбойнинг олдида бўлдим. Муҳим топшириқ берди.

Младший лейтенант Ботирнинг кўзига тикилиб, овозини бироз секинлатди.

- Разведкага чиқиш керак. Сен ҳам борасанми?..
- Албатта бораман, — деди Ботир кескин, — нега сўраяпсиз?
- Сени бу аҳволда қандай олиб бориб бўлади? Туни блан ухламаган бўлсанг. Ҳеч бўлмаганда бир соат-ярим соат ухлаб олиш керак әди!
- Майли, борабераман. Чарчаганим йўқ. Гапнинг рости, ўртоқ младший лейтенант, ҳеч уйқим келмайди. Мени разведкага олиб боринг.

Силантеv Ботирга қаради, қоронғида унинг кўзлари ёниб турар әди.

— Шундайми? Яхши, старший сержант! Майли, олиб бораман. Аммо шуни эсдан чиқарма, мен ухлашга буйруқ бердимми, ух-

лаш керак әди, ухламасанг— бу интизомга бүйсунмаслик бўла-  
ди. Интизомга! Тушундингми?..

— Тушундим.

— Тушунган бўлсанг, ана шундай интизомга бўйсунмовчиларга  
мен чора кўраман. Хўш, ҳозир,— Силантеv гапини тезлатди,—  
ўз бўлимингдан иккита қизил аскарни ол — Николай Куприянов  
лан Шермат Гуломовни. Тез менинг олдимга бор. Хўбми?

— Хўб бўлади! Буйруғингизни бажаришга рухсат этинг, ўртоқ  
младшиj лейтенант,— деди чест бериб Ботир.

— Рухсат!

Ботир қўлини чеккасида туширмасдан, ихчам ҳаракатлан  
орқасига бурилди ва тезгина кўздан йўқолди.

Силантеv ухлаб ётган солдатларга қараб-қараб, уч-тўрт қадам  
олдинга ўтди-да, траншей деворига оғасини тираб, автоматини  
қуchoқлаб ётган бир жангчини уйғотди.

— Старшиj сержант Фомин! Саша. Старшиj сержант!

Фомин уйқисида, алланарсалар гапириб секин кўзини очди,  
ўрнидан туриб бир нафас взвод командирига тикилиб тургач,  
таниди шекилли, иргиб ўрнидан турди.

— Лаббай, ўртоқ младшиj лейтенант!

— Уйқига тўйдингми?

— Тўйдим, ўртоқ младшиj лейтенант.

— Чаласини кейин ухлаб оларсан. Менга қара, муҳим бир топ-  
шириқни бажаришга кетаяпман. Старшиj сержант Собиров ҳам  
менлан кетади. Сен взвод командири ўрнида қоласан онгла-  
дингми?

— Хўб бўлади!

— Бўлимларни айланиб чиқ. Қўл пулемётчилари олдида ўзинг  
ўтири. Текшириб кўр, уларнинг эҳтиёт қилиб қўйган дискалари  
борми. Истаган вақтда тайёр бўл. Ҳаммаёққа кўз-қулоқ бўлиб  
тур. Тушундингми?..

— Ҳаммаси тушунарлик, ўртоқ младшиj лейтенант! Бўлимлар-  
ни айланиб чиқаман. Қўл пулемётчилари ёнида ўзим ўтираман.  
Уларнинг эҳтиёт қилиб қўйган дискалари бор-йўқлигини текши-  
риб кўраман. Ҳаммаёққа кўз-қулоқ бўлиб турман,— деб такрор  
қилди буйруқни Фомин, охирги гапни такрор қилаётганда мийи-  
нида кулиб қўйди.

— Учинчи бўлимдан Ивановлан Бутькони ўйғот. Автомат ва  
гранатлари блан уч минут ичида менинг олдимга етиб келсинлар.

Старшиj сержант қўлини чеккасида кўтариб част берди ва  
буйруқни бажаришга кетди.

Ҳаял ўтмай, взвод командирининг қаршисида оқ халат кийиб  
олишган, камарларига гранатлар осган беш автоматчи солдат пай-  
до бўлди. Младшиj лейтенант ҳаммасини диққатлан кўздан  
ўтказди, сўнгра ҳарбирининг автоматларини ўз қўли блан текши-  
риб ва кескин овоз блан:

— Ҳамма нарса жойидами?— деди.

— Ҳамма нарса жойида, ўртоқ младшиj лейтенант!— бирдан  
жавоб қилишди солдатлар.

— Разведкага чиқамиз. Хавфли, зммо ҳаммамизга таниш иш.  
Хечким құрқоқлик қилмайдими?..

— Йүқ!

— Ичимида ундейлар йүқ!

— Фронтда ҳаммадан яхшиси разведкага чиқиш, бунга кимнинг боргиси келмайди,—деди секин кулиб Бутько. Бу кичкина йигитчани қорда бундай оқ халат блан, ҳатто кундузи ҳам пайқаш қийин әди.

— Ундей бўлса,— деди взвод командири,— бу разведкада олдимизда турган вазифани айтаберай, қулоқ солинглар...

\* \* \*

Разведка қилинадиган район ўрмон әди. Қарағай дараҳтлари-нинг тегида қалин қор ётар әди. Разведкачилар душманнинг снай-пирига сездирмасликка тиришиб, жуда әхтиётлик бл и бир қатор булиб, сўзсиз олдинга жилиб борар әди. Ба'зи жойларда қор белдан ҳам келар әди. Юриб-юриб бир тепанинг яқинига келиб тұқтадилар. Силанцев чўққайиб ўтириди. Аввал бир томонни, сўнгра иккинчи томонни диққат блан кўздан кечирди. У ўрнидан туриб солдатларга бурилди-да овозини жуда секин чиқарип деди:

— Ботир, Николай ва Шермат, уччаланг тепанинг чап томонидан боринглар!. Иванов, Бутько — мен блан қолади.

Орадан бир минут ҳам ўтмай Ботир младший лейтенантнинг кўзига кўринмай кетди.

Силанцев ўз шериклари блан яна анча жойгача тикка юриб борди. Очиқроқ жойга чиқиб қолгач, ерга ётиб әмаклай бошлади. Қорни фирчиллатмасликка тиришиб, тиззасини авайлаб қўяр ва ҳар замонда, орқасидан худди ўзига ўхшаб әмаклаб келаётган Иванов блан Бутькога караб қўяр әди.

Әмаклаб юриш жуда қийин әди, ба'зан қор тегида ётган катта-кatta тўнгакларга дуч келиб қолишар, буларни ё айланиб ўтишга, ёки жуда әхтиётлик блан устидан әмаклаб ўтиб олишга тўғри келар әли. Силанцев юзи блан қорга кириб кетди, юзларидан сув ва тер оқар әди. Әмаклаб бораётган майдоннинг нариги чеккасида, юз метрча узоқликда ариқ кўриниб туритти. Ариқнинг нариги қирғоидан душман мудофаа пунктининг олди бошланар әди.

Силанцев қолган юз метрча келадиган масофани ҳам босиб, жуда әхтиётлик блан ариқнинг нариги қирғоғига ҳам ўтиб олди. Шу вақтда жудаяқин жойдан немисча гапиришгэн овоз әшиналди. У бирдан тұхтаб, Иванов блан Бутьконинг етиб келишини кутиб турди. Улар әмаклаб етиб келгач, товушини чиқармасдан, немисларнинг овози чиққан томонга кўрсатгич бармоғи блан ишора қилди.

Булар взвод командири кўрсатган томонга қулоқ солиб ҳали бир-бирларига қарашиб олишга ҳам улгурмаган әдилар, бирдан қоронғилиқ ичидан немисча қалтираган қаттиқ овоз әшиналди:

— Вер ист, эс<sup>1</sup>?..

<sup>1</sup> Ким у ёқла.

Булар бирдан қорға парч бўлиб ётиб олишди.

Немисларнинг аста-аста гапиргани эшилди, гапнинг оҳантидан онглашилар әдик, гапираётган немис ўз қўл остидаги солдатларига алланарса буюрди, шу оннинг ўзидаёқ кечанинг тинч қоронгфилиги ичидаги пулемёт тариллай бошлади. Орадан сал ўтмай, пулемёт овозига автоматларнинг овози қўшилди. Тун қоронгисида атрофдан акс садо чиқар әди.

„Бали, бизга фақат мана шу керак“ — ўйлади Силантев, бошидан қорини қоқиб, — ҳеч иш чиқмасмикан деган әдим, ўзлари ёрдам берди. Ҳозир бутун постлардан, ҳамма пулемёт уяларидан туриб отишади. Биз уларнинг диққатини ўзимизга тортдик. Энди Богир ўша ёқдан иш бошласа бўлади“.

Ботир ўз шериклари блан взвод командиридан ажрашгандан кейин, тепанинг чап томонидан ўтиб майдонга чиқди. Омон-эсон ариқдан ўтиб олиб, беш юз метрча ичкарига силжиб борди. Немисларнинг блиндаж ва землянкаларига яқин келиб қолганини сезиб қолди. У бирдан ўнг томонга бурилди. Ҳар замонда тўхияб, атрофга қулоқ солар ва нафасини ростлаб, яна юриб кетар әди. Шу вақтда бу жойларни Силантев унга картадан кўрсатиб, тушунтирганини эслади. Шундай қилиб Ботир яна қайтиб ҳалиги ўтган ариққа келиб чиқди. Аммо ҳалиги ўтилган жой анча узоқда, чап томонда қолиб кетган әди. У яна ариқ бўйлаб бироз юргач, бузилган ёски бир саройнинг яқинига келиб қолди. Сарой орқасида, ерга қулаган, қалин қор босиб ётган қарағай дарахтларига кўзи тушди. У бирдан младший лейтенантнинг: „Ана, шундай жойга дуч келиб қолсанг, эҳтиёт бўл. Шу ўртада пухта бекиниб олган пулемёт уяси бор. Ана шундан „тил“ қўлга тушириш керак“ — деб та'йинлаганини эслади.

Силантев ҳам, Ботир ҳам аввал аниқ билмаганлари учун ҳар икки томондан юриб, немисларнинг окоплари яқинидан чиқиб қолгай әдилар. Батальон командири Қозоқбой, не учундир „тил“ни, албатта шу ердан олишни буюрган әди. Бошқа постларни фақат разведка қилиш керак, халос. „Эҳтимол, тонг стар олдида хужум бошланмоқидир“ — ўйлади Ботир.

Ботир бузилган сарой деворининг бурчагидан бориб қараши блан, ҳалиги қулааб ётган қарағай дарахтлари тегидан бемалол гапиришаётган немисларнинг овозини эшилди. Шу пайтда қоровилнинг қичқириғи ва ҳаял ўтмай, пулемёт тариллаши эшилди. Ботир ҳайрон бўлди. Ихтиёrsиз автоматини кўтарди ва ўша томондан кўзини өлмай, чўнтағидан гранатасини чиқарди.

У бирдан яна тўхтади, автоматини билагига қўйиб, гранатини чўнтағига солиб қўйди. У, немисларнинг диққат блан Силантев группасини кузатаётганини пайқади.

У қайрилиб орқасига қаради ва иккинчи чўнтағидан кўк рўмолча чиқариб унинг ҳарекатини кузатиб турган шерикларига қаратиб силкиди, яна беш олти қадам ерга әмаклаб боргач, бирдан бор бўйича тикка турди ва катта-катта сакраш блан олдинга отилди...

Мана шундай құрқинчли ҳолларда кишининг нималар қылғани, күпинча, үзининг эсида қолмайди. Кейинчалик бу воқиан жангчиларга айтиб берганды Ботирнинг ўзи ҳам ба'зи ҳолларни шунда әслади: немислар иккинчи томондан қорғирчиллаганинг әшитиб қолиб, пулемёт оғзини шу томонга бурмоқчи бўлганлар, аммо улгуорлмай қолишган, чунки Ботир етиб бориб, биринчи немиснинг бошига қўндоқ блан тушириб қулаттган, унинг орқасидан етиб келган Куприянов эса иккинчисига ташланган, Шермат ҳам учинчисининг қўлидан тўппончасини тортиб олиб тегига босган. Ботир чўнтағидан кўк рўмолни олиб тегидаги немисни бўгаётганды яқиндан Силантеев блан Бутъонинг аста гапирган овозини әшитган:

— Қаттиқ бўғ, қаттиқ!

— Ҳалиҳам... Боплаб... Бўғаяпман...

Аммо атрофда отишма бирнече минут давом этган. Ҳаял ўтмай, улар ҳам, постларда ҳечнарса бўлмагандай, жим бўлиб қолишган...

\* \*

Улар хурсандлик блан; қаттиқ-қаттиқ гапиришган, кулишган ҳолда, траншейга кириб келишди. Елкаларида кўтариб келган катта-катта қопларни, худди тўнгакдай қилиб ерга ташлаши.

— Ўлжа катта! — деди Бутъко ва шошиб-пишиб қоплари очабошлади. Бир нафасда унинг атрофини ўраб олишган жангчилар кўзи олдида қўл-оёғи чирмаб ташланган, кўзлари боғлиқ гавдалик иккита немис пайдо бўлди. Бутъко уларнинг боғланган кўзини, оёқ-қўлларини ешди, лекин немислар ҳамон кўзлари юмуқ, қимирламай чўзилиб ётар эди.

— Тур, келдик! — деди қаттиқ кичқириб гапирди младший лейтенант биттасининг биқинига туртди. Немислар қўрққанидан кўзларини сал очиб қарашди, лекин ҳалиҳам қимирламай ётар эди.

Силантеев жангчиларга қаради ва буларни нима қилиш кераклигини буюрди. Шу ондаёқ жангчилар немисларга бирдан ёпнишиб, ердан кўтариб тикка турғизиб қўйиши.

— Ётасанларми? Дам олсин деб кўтариб келган эканмиз-да... — деди Шермат жаҳл блан ва болхонадор қилиб сўқди.

Немислар қўлларини икки ёнга шалвиратиб, жовдираган кўзлари блан қараб туар эди. Оёқлари латта-путталар ва парча-парча пўстак йиртиқлари блан ўралган, бўйинларида эса совуқдан боғлаб олишган хотинлар кўйлагининг кенг этаклари осилиб туар эди.

— Буларнинг важоҳатини қаранг, нимага ўхшайди бу хумпарлар? — деди қулиб жангчилардан биттаси ва бир-икки қадам орқага сурилди.

— Хўш, иш жойида. Энди сизлар, — деди тўпланган разведчикларга қараб младший лейтенант, — ётиб дам олинглар, бу пленларни мен ўзим капитаннинг олдига олиб бораман. Агар у ерда бирорталаринг керак бўлиб қолсанглар, дарров алоқачи келади. Бориб ухланглар. Аммо, сизлар, — қолган жангчиларга мурожаат қилди у, — ўзларингнинг жанговор тайёрликларингни яна бир бор текширинглар.

Взвод командри яна бир нарса демоқчи бўлиб, бирдан ўйланиб қолди, ҳали бир қадам ҳам узоққа кетмаган жангчилар ҳам буни пайқаб, кутиб турган эдилар, бирдан шу вақтда орқадан қизил аскарларнинг саломлашган овозлари эшитилди. Одатдагидай ҳамма ўзини дадил тутиб, кийимларини тузатиши, лекин ҳамманинг кўзи ўша томонда эди.

— Салом, ўртоқлар!

Қизил аскарлар бирдан жавоб бериши:

— Салом, ўртоқ капитан!

Ўртада рота командири Қозоқбой турар эди. Унинг эгнида ҳалиҳам ўша отлиқ аскарлар киядиган узун шинели ва кўкрагида икки елкасига тортилган қайишлари бор эди.

— Ҳа, ҳа, бу тивтон рицарларини тутиб келдингларми? — деди траншейнинг бу ёғидан у ёғига ўтди. Немислар юзларидан ла'нат ёғиб, безариб туришар эди.

Младший лейтенант рота командирининг орқасидан юрди, капитан траншейдан чиқиб туриб, Силантеvга қўlinи чўзди:

— Муваффақият блан табриклайман, — деди аста. — Менинг айтганиларим ҳаммаси бажарилдими?

— Ҳаммаси бажарилди, ўртоқ капитан!

— Ундаи бўлса, вақтни ўтқазмайлик, юринг менинг блиндажимга. Атака соат тўрт яrimга белгиланган.

Силантеvни әргаштириб ўз блиндажига кетаётган капитан бир нарса эсига тушгандай, бирдан тўхтаб ундан сўради:

— Ботир Собировни ўзинг блан разведкага олиб кетганимидинг?

— Олиб кетган эдим.

— Ҳозир қаерда у?

— Шу ерда, ўртоқ капитан!

— Ҷақириб келинг!

Младший лейтенант чопиб кетди ва орадан бир минут ҳам ўтмай, Ботир блан бирга капитан олдига қайтиб келди.

— Ўртоқ, капитан, буйруғингизга мувофиқ, старший сержант Собиров келди, дея Ботир рота командири олдида „Смирно“ командасида тургандай чест бериб турар эди.

— Бўлди, бўлди керак эмас. Вольно! — деди капитан. — Бугун разведкага бордингми?

— Бордим, ўртоқ капитан!

— Фрицларнинг биттасини сен тутдингми?

Ботир индамай, командирига қаради.

— Ефрейторни бу тутган, — деди Силантеv.

— Хўб, яхши. Бироз қўлим бўласин, сени чақираман. Фақат бугун бўлиши керак, — деди капитан ва бирдан ўзбекчалаб секин сўради:

— Нима, ҳалиҳам уйдан хат олганинг йўқми?

Қозоқбой бир пас Ботирга тикилиб турди-да, сўнгра бирдан чўнтағидан иккита хат чиқариб, хурсандлик блан русчалаб яна деди:

— Ма, мана булар сенга, бугунги қаҳрамонлигинг учун мукофот. Яна бошқаси ҳам бўлади. Ўзим, полк командирига ма'lум қиласман.

Ботир хатни олар әкан, рота командиридан кўзини олмай, юрагидан чиқариб:

— Раҳмат, ўртоқ капитан! — деди.

У, ўзининг ҳаяжонини сөздирмади. Яна чест бериб рота командирига мурожаат қилди:

— Кетсам мумкинми?

— Мумкин.

Капитан взвод командирига қараб қўшиб қўйди:

— Буюринг, фрицларни менинг олдимга, блиндажга олиб келсинлар!

\* \* \*

Ҳар икки хатни ҳам учтўрт қайта ўқиб чиқди. Биттаси Ўзбекистондан, иккинчиси Свердловскидан эди.

Уни турли хаёллар, ширин ҳислар тўлқини шундай ўраб олган эдики, у, атрофида янима бўлаётганини кўрмас, ўзини бутунлай унугтган эди. Унинг кўзи олдига — Ўзбекистон келиб турди: кўмкўк боғлар, серқуёш адрлар, далалар, оппоқ очилиб ётган пахталар, баланд-баланд хирмонлар, пишиб ётган турли-турли мевалар, булар орасида онасининг меҳрибон юзлари, отаси, Хайри опа, Нурмат ота ва Жалилов кўриниб кетди. Бундан кейин бунинг кўзи ўнгидан, унутиши ҳечқаочон мумкин бўлмайдиган ўша боғдаги калин анжир барглари тегидаги эрталабки учрашув; сўнгра армияга жўнатишда колхоз саройида бўлган зиёфот; супалар, гиламлар, қатор ўтиришган одамлар кўриниб, тезлик блан ўтиб кетди.

Унинг кўзи олдидаги қандай манзара очилмасин, бу манзарага рух бериб, уни жонлантириб туручи нарса — Тўфаҳоннинг сурати эди. У, дам сариф атлас кўйлак ва қизил барқут желатка кийинган ҳолда, дам ишчи камбинзонида меҳрибон юзлари блан кўринар эди.

„Уралга келипти-я!.. Менинг изимдан!.. Кўрмаган, билмаган бир шаҳарга келиб, заводга кириб ишлашга ботинипти... Демак, ҳамма ватанини жон-дили блан мудофаа қилиш иштиёқида...“ „Мен, энди ҳарбий заводда ишлайпман!..“ — такорлади кулиб Ботир Тўфаҳоннинг хатидаги ба’зи жумлаларни. — „Мен эсам турли шубҳалар, хаёлларга бориб, ўзимни шунчалик қийнаб юрибман... Йўқ, у чиндан ҳам мени севар экан!..“

Агар траншейда, солдатларнинг тунда уйқидан турибоқ-ҳарвақт атака олдидан қиладиган жонли ҳаракатлари; бир бирлари блан ортиқча гапиришмасдан, индамай уёқ-буёқса югуришлар, паст овоз блан ҳар замонда берилган командалар, куролларнинг шиқирлаши, — бирдан бошланиб кетмаса эди, эҳтийол, Ботир плашпалаткаси тегида яна қанча вақт хаёл суриб ўтирган бўлар эди.

— Собиров қаерда? Ухляяптими? — Кимдандир сўради взвод командири Силантеев, — ўйғотинглар.

— Мен шу ердаман, ўртоқ младший лейтенант! — жавоб қилди Ботир ва хатларни буклаб чўнтағига солди-да, Силантеевнинг каршиисига келиб чест берди.

— Жуда яхши, қани взводни тайёр қил! — буюрди взвод командири, — ҳарбир солдатнинг қурол-аслаҳаларини текшир. Ўн минутдан кейин атакал..

— Атака... Атакал.. — Муштларини сиқиб такрорлади Ботир, гүё унга бу ҳодиса — янги, ҳеч вақтда кўрилмаган ва кутилмаген хурсандчилик бўлиб туюлган эди.

## II

Немис қўшинларининг Москва тегида тор-мор қилиниши Совет кишиларига хурсандлик ва дадиллик берди. Совет ҳалқи, ўз армияси блан фахрланиб, бепоён ватаннинг буюк қудратига ишонган ҳолда, душман устидан тўла ғалаба қозониш, фронтга яна кўпроқ ёрдам бериш учун зўр матонат блан ишлай бошлидилар. Ҳарбир Совет кишиси — ҳарбий заводларда танклар, аэропланлар, тўп, замбараклар ясаётган; далаларда дон сепаётган ва пахтадан юқори ҳосил олиш учун тер тўкиб меҳнат қилаётган; нефть, металл ва тош кўумир қазиётган; лабораторияларда ижод қилаётган; ишхоналарда жангчилар учун қўл пойтоқ тўқиётган ва иссиқ қулоқчинлар, шинельлар, этиклар тикаётган ҳарбир кишишараф блан ўз меҳнатида шундай му'жизалар яратмоқда эдиким, бу фақат совет мамлакатида яшовчи одамнинг қўлидан келаолар эди, ҳалос. Чунки булар учун дун'ёда әнг қийматлил бўлган — Совет Ватани ҳавф остида эди.

Ватанни мудофаа қилиш каби ягона интилиш ва шу оташин ватанпарварлик туйғуси фақат уралликларнигина эмас, балки узоқ Шимолда, иссиқ Туркменистанда ва қаҳрамон Кавказда яшовчи миллион-миллион совет одамларини ҳам бирдек ўраб олган эди. Бу ерга Уралга, мамлакатнинг ғарбий районларидан кўчириб келтирилган юзлаб катта-кичик корхоналарни ўрнатиш ва тезлик блан ишга солиб юбориш учун, ҳар кун меҳнат армияларини ортган әшелонлар оқиб келмоқда эди.

Март ойининг охиридан бошлаб Уралдаги корхоналар, қурилиш трассаларида Биринчи Май шарафида бағишиланган социал мубобака қизиб кетди.

Баҳор қуёши иссиқ ва ёрқин нурини сочабошлиди. Свердловск шаҳрининг кўчалари ўз ишхонасига шошиб бораётган қозон қиучи усталар, электросваршиклар (электр токи блан Металлни ёритиб уловчилар) темирчилар, инженерлар, гишт теручи усталар, ойнак қўючилар, дурадгарлар, прораблар, қоровиллар блан тўлиб кетди. Руслар, ўзбеклар, қозоқлар, татарлар, қирғизлар, туркмандар; ёшлар, кексалар; эркаклар ва аёллардан иборат бўлган бу бир хилдаги кўк фуфайка, чарм қўл қоп ва кийгиз этик кийиб олган одамлар — худди бир оила а'золарида бир-бираига ишонган, жонли-жонли гапиришган, кулишган ҳолда ўтиб борар эдилар.

— Салом, Шодмон ака, бормисиз? — дея бир йигит Шодмон полвон блан сўрашди. Бу, Свердловскига келган кунларининг бирида, Шодмон полвон блан Халил барак деворига сурат ва шиорлар қоқаётганда, тўрда хат ёзиб ўтирган кексанроқ ўзбек эди.

— Эй, келинг, Мамат ақа! Салом! Бормиз, бормиз,—деди Шодмон полвон ва келган киши блан күришди. Мамат ака Шодмон полвоннинг ёнидаги Халил блан сўрашиб кетди.

— Бир-биримизни бориб күришга ҳам вақт йўқ,—деди Шодмон полвон,—бизлар ҳозир қурилиш майдончасида ҳар кун ўн олти соатдан ишламоқдамиз. Шунинг учун ҳам бизнинг бригадамиз—фронтовой бригада деб аталади-да. Ишдан кеч қайтамиз, унда сиз ухлаб қолган бўласиз, яна азонда туриб кетамиз.

— Мамат ака сиз ҳали социал мусобақани эшитганингиз йўқми?—сўради Халил,—энди ҳамма шундай ишлайди.

— Биламан, мен ўзим ҳам ўтган куни шу мусобақага қўшилдим. Бизнинг ишимиз ҳам худди сизларникадай қизгин. Караб турсам, мен блан бирга келган кишилар бир кунда тўрт-беш норма бажаришайпти, мен судралиб орқада қолибман, энди шулардан оширсам ошираман, лекин қолмайман, деб сўз бердим.

Булар ҳархил мавзу'да гапиришиб ва кулишиб завод дарвозасига етганларини сезмай қолдилар.

Завод дарвозаси ёнидаги будка олдида пропускасиз завод ичкарисига киролмай, нима қилишларини билмасдан тўпланишиб турган беш-олти киши бор эди: булардан бири пропускасини йўқотипти, қолганлари ўзларининг айтишига қараганда пропускаларини тумбочка ичиди эсларидан чиқариб қолдиришипти. Будкада қоровилликда турган қисқа пўстин ва узун кийгиз этик кийиб олган паст бўйлиkkина қизил аскар, буларнинг ҳечбирини завод ичкарисига киришга қўймас эди.

— Заводга неча минг ишчи кириб чиқади, буларнинг ҳаммасини эсда тутиб бўладими?— дер эди,— ўзларинг яхши тушунасизлар, ҳозир уруш вақти, ишчи кийими кийиб келган ҳарқандай одамни завъдга киргизиб юбораберса бўладими?—У, овозига кескин тус берди,— гап битта—пропускасиз заводга кириш мумкин эмас! Мумкин эмас!

Шу вақтда дарвоза эшикчаси очилиб, заводдан чиқиб келаётган Умар кўринди. Шодмон полвон ҳамшаҳарларининг ўз ишларига бепарво қараганликлари учун койимоқчи бўлган эди, Умарни кўриш блан андиша қилди шекилли, истагидан воз кечиб, уни блан сўрашиб, Халилнинг орқасидан завод ичкарисига кириб кетди. Умар, бу тўпланишиб турган кишиларнинг заводга нима учун киролмай турганларининг сабабини текшириб билгач, цех бошлиғига, завод дарвозасига келиб, пропускасиз ишчиларни олиб кириб кетишни буюрди.

— Буларнинг ичиди,— деди телефонда Умар,— ҳақиқатан пропускасини йўқотган, лекин ишни жондили блан яхши кўрган, гайратли кишилар ҳам бор, аммо пропускасини йўқотдим — десам заводга киргизмайдилар, шуни баҳона қилиб, куни блан баракда чўзилиб ётаман дегучи дангасалар ҳам йўқ эмас!..

Умар трубканни қўйиш блан қулогига ўз она тилисида салом берган қизнинг овозини эшилди:

— Салом, Умаржон ака!

Умар ялт этиб қаради, күз олдида Тұфахонни күрди. У иссиқ фуфайка кийган; ёқасига ва әтакларига айлантириб ингичка бар-ра тутган; құлида чиройли оқ құл қоп, оғида кичкина малла кий-гиз этикча; йүл юриб келганиданми ёки совуқданми, юзлари қи-зарип кетган ҳолда, соғлом ва хурсанд чеҳраси блан худди спор-ти қызларга үхшаб турар эди.

— Салом, салом, Тұфахон,— деди Умар ва нимадандыр үнгәй-сизланиб сүради,— жуда қизарип кетибсиз-ку?.. Ишга кечикмай деб чопдингиэми?

— Албатта, чопдим. Үйда бироз туриб қолибман. Кеча бирдан иккита ҳат олдим, Умаржон ака. Биттаси уйдан, иккинчиси ун-дан...— деди кулиб ва күзларини катта-катта очиб Тұфахон,— шун-дай яхши ҳатларки, маза қиласиз, жуда хурсандман!..

— Сиз учун мен ҳам хурсанд бўлдим, энди күнглингиз тинчиб, бундан ҳам яхши ишлар эқансиз-да?

— Албатта, албатта! Энди күнглим тинчиди,— деди кулиб Тұ-фахон,— бизларнинг цехга ҳам кириңг, Умаржон ака, мен ҳозир станкада ўзим ишлайпман. Лекин Иван Павлович ҳалиҳам ёним-да ўргатиб туради. Ҳар ҳолда, әлектрокарида ишни энди ўзим эплайдиган бўлиб қолдим.

— Қандай әлектрокарида? Қанақа?— ҳайрон бўлиб сўради Умар.

— Электрокарида! Янги, яхши!— деди фахрланиб Тұфахон ва бирдан: Умаржон ака, сиз блан учрашганимизга ҳам анча бўлиб қолди... Мен яна бир ҳунарни ўрганиб олдим, буни ҳали сизга айтганим ҳам йўқ.

— Тўхта!.. Сен, ҳақиқатан, ўша Тұфахонмисан?..— деди тааж-жубланиб Умар ва Свердловскига келган кунларида баракда уч-рашиб узоқ гапиришганларини әслади.

— Ҳа, нима бўлти?.. Ўша ман!.. Яна бир ҳунарни ўргандим деганим шундайки, саккиз соат токарьлик станкасида ишлайман, сўнгра әлектрокарида юқ ташиб бериб турман.

— Баракалла,— деди Умар ва уни мақтаган бўлиб, күнглини кўтарди.

— Иван Павлович ҳам бу ишимдан хурсанд бўлди. Биласиз-ку, шогирдлари олдига у қандай катта талаб қўядиган уста. Ўзи жуда яхши одам. Бунақангги уста заводда йўқдир!. Хайр, Умаржон ака. Бизнинг цехга кирасизми?

— Кираман. Албатта кираман!

Тұфахон фуфайкасининг чўнтағидан пропуска ва номери ёзил-ган фидирак тункачасини олди да, Умар блан хайрлашиб, за-водга кириб кетди.

(Давоми бор)

САИДА ЗУННУНОВА

## ЙЎЛДА

Қанча-қанча мазгиллар босиб,  
Поезд ҳамон борар илгари.  
Ташқарида изиллар совук,  
Қор ялтирап кумуш сингари.  
Оппоқ чойшаб ёпиниб ухлар.  
Кўз ўнгимда бепоён дала.  
Кўриб қолдим тут навдасидан —  
Қушлар учеб кетди бир гала.  
Тикиламан, қўзим қамашар,  
Дараҳтларда, адирларда қор.  
Оқ ҳарирга ўраб боғларни,  
Новдаларда кашф этмиш баҳор.  
Йўловчилар тинч ва ҳотиржам.  
Ба'зисин йўк сұхбатга ройи.  
Бири мудрар, бири қандайдир —  
Куйни секин қилур хиргойи.  
Сұхбатдошим нуроний бир чол,  
Хуштабиат, файласўфнамо.  
Ўз баҳтидан мамнун ниҳоят,  
Кўнгли ҳасрат — ғамдан мусаффо.  
Дейди:— Роса олтмишга кирдим,  
Лекин кўнглим ҳали қувноқ, ёш.  
Эҳа, қайғу — аламларга ҳам,  
Ўз вақтида берганмиз бардош.  
Биласанми, бизнинг колхозни,  
Ҳар йил газет мақтайди такрор.  
Зап колхоз-да, боғига кирсанг —  
Жондан бўлак ҳамма нарса бор.  
Бригадирман беш йилдан бери  
Отангни сен чакана дема.  
Бу йил чунон пахта бердимки,  
План юздан ортиб кетди, ҳа!  
Ажойибdir меҳнатнинг гашти,

Қарилек ҳам билинмай кетар.  
Нақ юэтага құл құйдим яна,  
Ишлаганга, болам, не етар.  
Тұрт йилдирки қизим Тошкентда,  
Олар олий мактабда та'лим.  
Мұхлати ҳам битай деб қолди,  
Кейин бұлар катта муаллим.  
Мева-чева дегандай қилиб  
Хар йил күриб кетаман қишка  
Бошқа вақт күз қиймас сра  
Күнгил узиб бўлмайди ишдан...  
Суҳбатдошим нуроний бир чол  
Қувноқ, тетик файласуфнамо  
Ҳаётидан мамнун ниҳоят,  
Кўнгли ҳасрат-ғамдан мусаффо.

## ПҮЛАТ МҮМИН

### ХИРМОНДА

Қир бағрида бүгдой хирмони.  
Эркак, аәл ишлашар тинмай.  
Атроф қизиб кетган жуда ҳам,  
Күн узилиб ерга тушгандай.

Қир теласи туташган тоққа.  
Ана, пастда кетган пахтазор.  
Күринади узоқдан қишлоқ,  
Күринади токзор, олмазор.

Мана хирмон.

Сомон ва ғарам,  
Жимирлайди кенг буғдойпоя.  
Аравада отлар ҳарсиллар,  
Хечқайда йүқ бир парча соя.  
Күтаришар ҳосилдан хирмон,  
Шовқини,  
гавжум,  
мөхнат лаззати.  
„Қани, ҳа бўл. „Ҳа, баракалла!“  
Күтаришар ҳосилдан хирмон.  
Ҳаммаёқ дон, еру кўк ғалла.

От, арава ҳаммаси шунда,  
Машиналар қатнар пунктга.  
Хирмонда ҳеч сиғишимайди жой.  
Звеновой Нор ака ўзи  
Қанорларга қоплашар буғдой.  
Унинг звеноси ҳар ишда олдин,  
Бу йил ерларида мўл бўлган ҳосил.  
Нор аканинг ҳарбир ишига,  
Хунарига қолишар қоийил.

Күриб қўйинг Нор акани сиз:  
Баланд бўйли,  
Юзи буғдойранг.  
Суяклари йўғон, бўлали...  
Мўйлаби ҳам зулукдай, қора.  
Ёши учкам элликда ҳали.  
Суяклари йўғон, бўлали.  
Шунинг учун уни ҳали ҳам  
Бутун қишлоқ Нор ака дейди.

Неча кунлар қирда Нор ака  
Кўтаради ҳосилдан хирмон.  
Саримагиз, олтиндай буғдой.  
Ҳаммаёққа тўлган ғалла-дон.

Планини бажарган кўпдан,  
Уч барабар топширди ортиқ.  
Меҳнатидан унган ғалладан —  
Ўз юртига қилмоқда тортиқ.

1947 йил, июль -

М. ИСМОИЛИЙ

## ОЗОДЛИК ГУЛИНИ ҲИДЛАГАН КИШИ

„Юз иил умр кўрган қулдан кўра,  
бир кун эркин яшаш а улгурган киши  
баҳтиёр ва беармондир“.

(Ўзбек халқининг жангчи-  
ларга ёзган мактубидав)

Қиши, ўзининг аввалги ҳовридан бирмунча тушиб, баҳор си-  
циғи блан чекинабошлиған бўлса ҳам, ҳануз ўз йўлларида алам  
заҳрини сочиб боради. Унинг аччиқ изғиринлари илиқ баҳор ел-  
ларига ба'зан ҳамила қиласди, тамом қўзғолиб, кучга кирабошли-  
ған дилкаш ҳаёғни бўғмоқ бўлади. Лекин борлиқни уйғотган  
баҳор ўз ўжарлигини қўймайди.

Баҳор ўжар.

Одамлар ўжар.

Замон ўжар...

Гвардиячилар, тиззадан лой кечиб, жон олиб, жон бериб  
қўлга киритилган Лисье Нори қишлоғида, ниҳоят, маҳкам ўна-  
шиб олдилар. Тўрт томони яйдоқ, кулбалари ёниб, мўрилариги-  
на сўппайиб қолган бу хароба қишлоқ давомли жанглар мобай-  
нида бирмунча сийракланиб қолган гвардиячи бўлинманинг эўри  
блан қўлга киритилган таянч пунктларидан бири эли. Келажак  
жангларда бу қишлоқнинг нечоғлик роль ўйнаяжагини ҳар икки  
томон ҳам яхши тушунар эди. Шунинг учун бўлинма командири,  
жангларда танилган ва мардлиги блан намуна бўлган гвардиячи  
младший лейтенант Мамат Усмоновни ўз ёнига чақириб, унга  
шундай топшириқ берди:

— Асосий кучларимиз ҳали етиб келганича йўқ, ўзимиз эсак  
блан толиқдик, сийраклашдик. Эгаллаган участкамиз катта.  
Бунинг устига, кенг фронт бўйлаб суреборилаётган душман  
ҳарбир қишлоқ, ҳарбир тепа, ҳарбир қулай жойга тиштироғи  
блан ёпишиб олаётир. Қулдан берган позицияларини қайтариб  
олишга уринаётир. Лекин биз бир қарич еримизни ҳам қайтариб  
бермаслигимиз керак! Вазифа шу: взводингиз блан шу қишлоқ-  
ни мудофаа қиласиз, бир қадам ҳам чекинмайсиз!

Мамат, командирнинг буйруғини тақроғлаб, унинг ижроси учун изн сўради. У ўз жангчилари ёнига келиб улгурмасдан, бўлинма командири қўшни рота жойлашган позицияга, шимол томонга жўнади. У ерда душманнинг қарши атакаси бошланган эди..

Усмонов ўз жангчилари блан қишлоқни мудофаа қилишга киришди. Душман ҳужум қилиши эҳтимол бўлган жойларга куч кўйди.

Коронги кеча. Қишининг сўнгги изғиринлари улимоқда, ҳарбир шарпа қулоқдә. Нам ёода, аччиқ изғиринда на захни ва на соvuқни сезмай, ер бағрига сингиб кетган иссиқ жонлар, мудҳиш коронғилиқда яна ҳам равшан ялтираган, ҳаёт истаги бл и тўлган кўзларини узоқ-узоқларга тикиб, тун муждасини кутиб ётар эдилар. Тун эса ўзининг сирли сукунати ва мудҳиш зулмати блан абадий қоладигандек узайиб боради. Минут ойлардек, соат йиллардек туюлади...

Асабларни тарантлатган, юракларни қон этган бу кутиш қимнилиқ паст, жуда паст овозда куйлатиб юборди. Ҳар икки томон ўдағайланиб, бир-бирини пойлаб ётган шундай нозик бир пайтда қулоқларга аранг эшитилган бу хиргойи ўринисиз каби туюлиши табиний эди. Лекин Усмонов ажабланмади. Бу мунгли хиргойи ҳарвақт, ҳатто қўл жангни пайтларида ҳам ўзининг украинча кўзларини қўймайдиган пулемётчи Тишчук томондан келмоқда эди.

„Айтма, булбул, гўзал булбул,  
Диёрим қолди.  
Мовий кўзли, камон қошли  
Нигорим қолди..“

„Ажаб, қязиқ йигит!.. У, ўзи туғилиб ўсган Севастополь каби, букилмас, қўрқувни билмас бир қаҳрамон. Унинг қони ҳам, Қора дengиз тўлқинлари каби, жушиб туради...“

Бу мунгли наво Усмоновнинг тавсувурини уйғотди, гув-гув асиб турган шамол Қора дengизнинг ҳайқириқларини ёслатди. У ашула томонга ер бағирлаб сургалди.

„Қўнма, булбул, қўнма, булбул,  
Мазор тошига.  
Налар келди, налар келди,  
Юргим бошига..“

Муқаддас ишқ ва озор тўла пок қалдан келиб чиққан бу ғамили сўзлар Усмоновга қўттиқ та'сир қилди. Унинг кўзига забардаст Севастополь, у муборак қал'a этагида кўз суртиб ётган Қирим кўринди... „Бечора Қирим, сенинг бошингга нималар келмади! Шифобахш, илиқ қўйнингга илон кирди. Бахтимиздек тиниқ сувларинг олтин бешик янглиғ тебранар, мавж уриб чайқалар экан, биз уни кўриб қувонар, яшарар эдик..“

— Петро,—деди Усмонов, ўзининг қўл пулемётчиси гвардияни сержант Тишчук ёнига чўзилиб,—юртингни соғинингми?

Петро индамади, балки у бу улуғ дилозор кунларда ҳарбир ватандош каби, ўз юрагида оғир тош бўлиб ётгэн қайғи-alamни, дард ва стамни ифода этгудек сўз топаолмагандир?

— Аламли юракнинг уриши ғазабли бўлади,—дэяр эди Усмонов.—Сенинг бу оҳу-зоринг замирида ғазаб ва нафрат, ғалаён ва ис'ён олови гурлайди. Биламан, юртингни, у ерда қолган муштипар онангни, сичглинг ва укаларингни соғинасан. Бу асил кишилар фазилати. Фақат дарбадарлар, беватаниларгина соғинини ўти ва лаззатидан маҳрумдирлар...

Орага узоқ сукунант тушди. Ҳаёл ўзининг олтин қанотларига уларни ўтқизиб учди... Петро, ён Петро, ёз кунлари одатда биргина трусик блан юрадиган Петро, тош деворлар блан ўралган ҳавлисидан юргурганича пастига тушди ва денгиз лабига боғланган кичкина қайиқасига ўтирида, кундуз оромига бош қўйиб, оғир оғир вафас олиб ётган денгиз юзида, бир сомъи парчасидек, енгилгина сузиб кетди. Узоқ-узоқларга етгач, орқада, қуёш нурларида товланиб ётган шаҳарга, рус ша'ни ва шарафининг, рус шавкати ва шуҳратининг улуғвор обидасига—Севастопольга суқланиб-суқланиб, қувониб ва ғуурланиб тикилди. На қадар баҳтиёр, нақадар диловар дамлар эди ..

Мамат, қишлоқ болаларидек дўндиқ, анор юзли, шаҳло кўзли кичкина Мамат, пахса деворлар блан ўралган мевазорлар ичида юриб, энг ширин анжирларни териб ейди, унинг шарбатидан тили ёрилса ҳам, тийилмайди. Гоҳ теракларнинг қил учларига чиқиб, чумчук болаларини иссиқ инларидан олиб қарайди. Шунда унинг ёш, ўткир кўзлари олдида бепоён пахтазорлар кумуш болдоқлари блан жилмайиб кўринади... Гоҳ пахса деворлар устидага ўйнаб, тупроқларинн уваб туширса, онаси: „Хой болам, нега бундай қиласан, тупроқни тўкма, уяол бўлади”, деса, сра ва сра юраги ачишмас эди. „Қани, қани энди уша пахса тупроғи бўлсаю, кўзларимга тўтиё қилиб суртсан!..“

— Шундоғ,—деди Усмонов, оғир тия олиб.—Севастопольни муштипар қилиб қўймаймиз. Уни ҳам. Украинани ҳам, душман вақтингча босиб ётган бўлак ерларимиэни ҳам яна ҳаётга қайтарамиз.

Шу дам уларнинг боши устидан мина чийиллаб ўтди. Кейин иккинчиси, учинчиси ошиб ўтиб, қишлоққа бориб тушди. Усмонов дарҳол ўз жойига сургалиб борди. Энди майда тўплардан снарядлар ёғилабошлиди. Усмонов эгаллаган позиция қишлоқянинг гарбий четида бўлгани учун, душман миналари ва снарядлари қишлоққа бориб тушар, гвардиячиларга зарар еткизмас эди. Бу артиллерия тайёргарлиги тонг ёришиб, кўк чироғлари сўнгунча давом этди. Субҳдам ели юғурмай, қишлоқ гарбидан гиглерчилар галаси бостириб келди. Усмонов уларни гвардиячасига қарши олмоқчи бўлди.

— Ўртоқлар!—деди у, ўз жангчиларига.—Ўлсак ӯламиз, лекин чекинмаймиз!

— Ўлсак ўламиз, лекин чекинмаймиз! — дейиши діниң гвардиячилар ҳам, тақрорлаб.

Немислар ҳамон яқинлашиб келар, гвардиячилар әса, ҳаёт белгисини күрсатмай, пайт пойлаб ётар әдилар. Усмоновнинг командасин уқ отилмасин деган буйруғи оғизма-огиз бутун жангчиларга етказилди.

Мана энди немисларнинг маст батшаралари яққол күрина бошлиди. Улар, ер тойгоқ бўлгани учун эмас, кайфлари тарақ бўлгани учун, чалишиб тойишиб келар әдилар. Усмонов буни дарҳол гайқади, енгилгина нафас олиб, кулимсиради Оралиқ уч юз метрча қолганда, немислар пала-партиш отабошладилар. Гвардиячилар әса, келиб урилган денгиз тўлқинларини чилпора қилуви ҳарсанг тошларлек, салобат блан туардилар. Оралиқ қисқарган сари қўл пулемётчиси тез-тез Усмононга қарайди, буйруқ кунтади. Усмонов әса, парвосизлек, жим әди. Душман минут сайин ёқинлашиб, ўти әса қалинлашиб бормоқда.

— Ўртоқ гвардиячи младший лейтенант! — деди ниҳоят, сабри чидамаган биринчи бўлим командири.

— Кўявер!

Немислар юз эллик метрча яқинлашлилар. Ана шунда даҳматли қасос командаси янгради:

— Кафандоларга — ўт!

Гвардиячиларнинг қўл пулемёти, автоматлари, милтиқларидан чиққан биринчи гармсар немис қаторларини қуритиб ўтди. Улар таппа-таппа тўқилабошладилар. олдинги қаторнинг қазоси орқадагиларни тўзғитди. Немисларнинг ўлиги ҳам, тириги ҳам ерга ётди. Орқадаги немис обер-лейтенантининг ўлиб тирилиб, томоғини йиртар даражасида бақириб-ўкиришига қарамай, битта ҳам немис илгариламади Аксинча, обер лейтенантни Петронинг пулемёти сассиқ алафдек ўриб ташдади. Командирсиз қолган немис ротаси, ўттиздан оргиқ ўлик қолдириб, қочишга тутинди.

Гвардиячилар әса орқадан саваб бердилар...

Бу жанг Усмонов взводига ҳам биримунча заرار етказди. Уч киши ўлиб, етти киши яраланди. Петронинг чап қулоғини ўқялаб, пича шикастлаган бўлса ҳам, у санитария қисмига бормади. Усмонов Петронинг қадоқ, қаттиқ қўлинин маҳкам қисиб, уни ғалаба блан табриклиди. Кейин әса:

— Мана энди куйла, куйла, Петро! — деди жўшқин бир қувонч блан. — Аммо ғамгин куйларингни қўй, хушчақчақ, қувноқ, дилраби куйлардан айт!..

Петро, ге ўз Севастополига етгандек, баҳтиёр әди. Қулоғининг ачишиб, зирқираб оғришини ҳам унитиб, ҳали мурт чиқмаган лабларини табассумдан йигиштириб ололмас, Севастополь қизлари, деңгиз тўлқинлари ҳақида шўх-шўх куйлашдан толмас әди.

— Фарғонани биласанми? — деб сўради Усмонов, ашула тамом бўлгач.

— Биламан, география ўқитучимиз мевазор, пахтазор деб маҳттар әди...

— Ҳа, мен ана ўша меваси, пахтаси блан та'рифи кетгав Фарғонаданман. Мен ҳам юртимни, ота-онамни соғинаман, кўргим келади... Лекин ҳозир вақти эмас...

Қуёш қўтарилиган сари, ўзининг илиқ ёғдулари блан баданларни эритиб, ўйқисиз тундан, оғир жангдан кейин мудроқ бостираборди. Лекин қўшни участкада қизишган жанг гвардиячиларга тиним бермас, окопларни тузатиш, яна янгиларини қазишига ундар эди. Айниқса бўлинма командирининг алоқачиси келтирган хат гвардиячиларни яна ҳам огоҳ бўлишга, фақат ўз кучлари ва маҳоратларигагина суюниб қишлоқни мудофаа қилишга мажбур эканликларини билдири.

„Демак, ҳали мадад етиб келмагани“, деб ўйлади Усмонов.

Бэзвод команлири әрталабки жангдан қолган ўқ-дориларни ҳисобга олди, жангчиларни қўшимча гранаталар ва ўқлар блан та мин қилди.

Ҳар әҳтимол учун ёнилги шишаларини ҳам таҳт қилиб қўйди. Шу таҳлит душманни ўдоғайланиб, шайланиб кутди. Лекин душмандан дарак бўлавермади. Куннинг қизғин, роҳатбахш дамлари ҳам ўтди. Ниҳоят, кун оғиб, оқшом салқини юз-қўлларни ачиштирабошлаганди...

Кун оғиб, оқшом салқини юз-қўлларни ачиштирабошлаганла, немислар яна ҳамла қилдилар! Бу сафар уларнинг кучи ротадан ортиқ, Усмоновники эса взводлан кам эди. Шундай бўлса ҳам гвардиячилар сўнгги нафасларигача олишдилар. Бу гал душман тўп бўлиб эмас, камалак шаклид Ҷайилиб, ўраб келди. Бу гал душман мэст бўлиб эмас, ҳуш'ёр бўлиб, фазабланниб келди. Лекин бу ҳам гвардиячиларни қўрқитолмади. Даҳшатли жанг бошланди, жанг эмас, жаҳод бошланли! Бошландию, узоқ давом қилди: қонлар, жонлар тўкилди, юраклар, кўкраклар сўкилди...

Жанг навоси пардама-парда қўтарилиди, қўтарилиган сари икки томон кучи сийракланиб борди. Ниҳоят, гвардиячилардан икки азаматгина қолди. Қолдию, аёвсиэ, омонсиз чангллари блан, пайдор, хундор чангллари блан ажал Ҷасига ёшиди...

— Битта ҳам ўқ қолмади, ўртоқ командир!

Қўл пулемеётчиси Петронинг бу рапорти Маматнинг миясига болғадек урилди. Урилдию, нима учундир, юрагига чироғ ёқилгандек бўлли. Ўқларнинг тугалиши, аҳволнинг тангланиши унинг хотирасига ўтмиш жангларни келтирди.

— Сталинград ёдингдами, Петро?—леди Мамат, пешанасидан оқиб тушабошлаган шўртак терларни сидириб.

— Едимда...

Икки оташин юракда қаҳрамон шаҳар ва афсоналар яратилиган унитилмас дамлар гавдаланди. Бу хотира уларнинг юракларига янги қувват берди. Ахир оташ бўронлари қутириб, немис лавалари шафқатсиз оқабошлаган мудҳиш дамларда гавдаларини тўғон, кўкракларини қалқон қилиб, Сталин шаҳрини қўриқлаган эдилар!

«У вақт немислар ҳужум қилар, танклари блан бизни эзаб ўтмоқчи бўлар эдилар. Лекин биз бўш келмадик, туриш бердик.

Иўқ, туриш берибина қолмадик, балки уларни ўраб олиб шаф-  
қатсиз равишда қирдик. Буюк жанглар тарихига Сталинград  
ғалабаси деган мислсиз саҳифани қопларимиз блан ёзлик".

— Шундай эмасми, Петро?—деди Мамат, ўз хотирасидан саф  
тортиб ўтабошлаган кураш манзараларини гүё Петро ҳам кўриб  
тургандек.

Петролан жавоб бўлмади. Мамат ялт этиб у томонга қаради  
ва кўзлари блан қидирабошлади. Петро ҳалок бўлган жангчилар  
орасида ўқдори қидириб юрар эди.

— Петро!

— Граната топдим, ўртоқ командир...

Немис ортиқ тик бостириб келишга бетланолмас, фақат онда-  
сонда эмаклаб, сургалиб келиб иргитган гранаталари блан тинч-  
лик бермас эди. Ана шундай пайтларнинг бирида Усмоновнинг  
хитоби янгради:

— Ташла гранатани, Петро!

Петро бир гранатани иргитди. Қирқ қадамча нарида даҳшатли  
порташ ва хунуквойлаш эшилди. У, ўнг томонда кўринсан  
немисга яна бир граната иргитиш учун тирсакланиб турганда,  
бошидан ўқ еб йиқилди. Усмонов унинг ёнига сургалиб келди  
ва у отиб улгурмаган гранатани эмаклаб келаётган ажал устига  
ташлади.

— Петр, Петя! — Мамат уни, икки елкасидан силкиб, чақирди.  
Лекин у жавобсиз, нафассиз ётар эди. Пешанасидан тизғираб чиқа-  
ётган қон, очиқ кўзларини тўлдириб, қулоқлари ёнидан оқиб  
тушмоқда эди. Усмоновнинг кўзларини бир зумгина туман босди.  
Въводининг энг яхши пулемётчиси, жанговар дўсти ўлиб ётар  
вди... Маматнинг ғазаби қайнади, даст ўрнидан туриб, немисларга  
ташлангуси, уларни тутиб бўғизлагуси келди. Лекин немислар—  
кўп, Усмонов — ёлғиз эди!

„Хайр- дўстим, мен ҳали тирикман! Сен учун қасос оламан!“  
Бу сўнгги ва қат'ий қасос қарорни Маматни ҳушига келтир-  
ди. Окоп лабига тўкилган турпоқ панасида атроғига қаради.

Чапда, йигирма метрча нарила, икки немис сургалиб келмоқда.  
Мамат, немиснинг тия ўқачига ўхшаш сариқ бурнини мўлжаллаб  
туриб, сўнгги гранатани зарб блан иргитди...

Орадан гүё кунлар каби узун туюлган минутлар ўтди. Урта-  
га нима учундир жимлик тушди. „Ажабо, нима учун немислар  
жими билар? Нега ўқ отмайдилар? Ё қирилиб битлиларми? Ундей  
бўлса, унлай бўлса ким бу сургалиб келаётган?“ Усмонов граната  
қидира бошлади. „Қани, қани граната?!“ Граната топилмади.  
Тўпиончадан отмоқчи бўлди. Тепкисини босгандага, фақат чирс эт-  
ган овозгина эшилди. Бу шум овоз ажал қаҳ-қаҳасидек туюл-  
ди. „Улар мени тирик тутмоқчилар, мени қул килмоқчи, асири  
олмоқчилар! Йўқ, йўқ! Инсон кўкрагидан сут эмгаб, отаси ўғлим  
деған киши бу разолатга чизайолмай ин!“.

Усмонов окоп такчасига териб кўйилган ёнилги шишасидан  
бирини олиб немисга отди. Ўттиз метрча нарида даҳшатли олов  
фонтани кўтарилди...

Мамат, қуршовда қолғанини аллақачонлари сезиб, душманни ҳар йўл блан ҳалак қилишга, шу блан вақт ютишга интиларди. Шундий фожиали бир дамда ёрдамсиз қолғанлигининг сабабини англар, ҳозир ўз жонини эмас, ўзига ишониб топширилган участка тақдиринигина ўйлар эди. У яна шуни ҳам ўйлар ва эслар эдик, уйқисиз тунлар ва машаққатли кунлар орқасида юзи сомондек сарғайган, лекин борлиги ишонч ва ирова блан тўлган бўлинма командири дўстона бир тарзда буюрган эди:

— Асосий кучларимиз ҳали етиб келгунича йўқ, ўзимиз эсак бирмунча толиқдик, сиражлашдик. Эгаллаган участкамиз қатта. Бунинг устига, кенг фронт бўйлаб суреб борилаётган душман ҳарбир қишлоқ, ҳарбир тепа, ҳарбир қулай жойга тиш-тиронги блан ёпишиб олаётир. Қўлдан берган позицияларини қайтариб олишга уринаётир. Лекин биз бир қарич еримизни ҳам қайтиб бермаслигимиз керак! Вазифа шу... бир қадам ҳам чекинмайсиз!..

— Ўлсан ўламан, лекин чекинмайман! Ажабо, шер изидан, йигит сўзиданми қайтган! Буни менга отам, отамнинг отаси, бобам ўргатган! — дели Мамат ва, ёнилғи шишасидан бирини олиб, унга ўз најоткоридек тўйиб-тўйиб боқди. Боқдию, нима учундир жуда чиройлик қилиб жилмайди. Унинг ғуборсиз, кадарсиз лабларида тараппум этган табассумини немиснинг шум овози бўлди:

— Рус, здавайсы!

Усмоновнинг кўз олли қорайди. Хаёл жиловини уэди. „Таслим бўл!“ сўзлари орқасида дорларга осилган, тиллари кессилган, қадлари букик, қалблари сўқик кишилар, хароба қишлоқлар, вайронга шаҳарлар, зоғлар тўла мозорлар, қуллар тўла бозорлар кўринди! „Аҳ, мунча мудҳиш, бадбуруш бу манзара! Бошқаси, ғуб рсизи, садиғ донасилик покизаси иўқи?..

Май паллалари баҳор либосига бурканиб, қуёш ёғдуларидан дурра ўраган оқбадан Фарғона кўринди. Унинг ҳаёт томирида жўшиб оқаётган канали кўринди. Кўринди унинг пахтазорлари чаманзорлари, эркин осуда яшаган баҳтиёрлари! „Аҳ, мунча чиройли, жозибали манзара!..“

— Рус, таслим бўл!

Бу сўзлар унинг ширин хаёlinи изидан чиқарди. Гўзал Фарғонанинг инжу туси ўзгарди. Ҳур-филмонлар ўрнини — қуллар, зулол сувлар ўрнини — лойқалар, ёрқин қуёш ўрнини — булутлар олди. „Йўқ, йўқ, таслим бўлмайман! Гўзал юртимни, озод ҳалқими ни бу кўйга солиб қўймайман! Ажабо, шундай нозик пайтларда энг оддий совет кишиси ҳам Ватанининг энг содиқ, энг лойиқ ўғли каби ҳаракат қилимаганми? Ватанимни, ҳалқимни, ҳурлигимни мен кимдан кам севаман? Ватан тақдирни Сталинград ёнида ҳал булади, деганларида, неча-ъеча азиз жонлар Сталинград учун, Ватан учун ўзини қурбон қилиб, ўз гавдалари блан душман танкларини портлатмаганмиди? Жонажон Ватанимнинг тақдирни фақат Сталинград ёнидагинами ҳал бўллади? Бу ерда — Орёл олмазорлари ва Украина боғларида, Дон саҳролари ва Брянск ўрмонларида ҳал бўлмайдими? — Ҳар ерда, ҳар қадамда ҳал бўллади! Мен агар душманни ўтказсам, жонимни аясам, жонажон Ватаним, ниғорон ҳалқим

нима лейди? „Лан'ат, минг лан'ат!“ дейди. Демак, чекинишга йўл, жонимни аяшга сабаб йўқ!“

„Таслим бул!“ овози келган томондан икки немис, ўрнидаш даст туриб, Мамат устига юкурди. Мамат қўли ёаги шишани иргитди. Лекин у, гитлерчилар бошидан ошиб ўтиб, узоққа бориб тушди. Бир зум ўтар-ўтмас, немислар Мамат окопига, қаҳрамон ўзбек устига ташландилар. Мамат эса уларнинг биринш калла блан, иккинчисини киғт блан улоқтириди. Тор окоп Маматнинг ёзилиб олишишига халақит берар эди. У пайдор чанглалари блан немислардан бирининг бўғизига ёпишди. Уни, окоп деворига маҳкам қадаб, жон-жаҳди блан бўғди. Иккинчи немис эса орқадин, хоинлик блан келиб, Маматнинг кураклари орасига ханжар суқди...

\* \* \*

Гвардиячи младший лейтенант Мамат Усмоновнинг жасади Лисье Нори қишлоғидан фарбга чўзилган ботқоқ йўл бўйидаги катта тол тагига дағн қилинди. Бўлинма командири, гвардиячи капитан Петров, қаҳрамон жасали блан хайрлашиб, шундай деди:

-- Алвидо', қадрдон дуст! Сен, бир ҳам чекинмай, муқаддас совет еримизни немис-фашистг итваччалардан ҳимоя қилинг. Ватан озодлиги йўлида азиз жонингни аямадинг. Қўмондонлик сенинг қаҳрамонлигингни Биринчи даража Ватан уруши ордени блан нишонлашга қарор берди. Лекин қасоскор қўлларинг блан кўкрагингга тақиб улгурмаганинг бу орден сена туғиб улгайтган, шердил қилиб ўстирган оиласнг, халқинг кўксисда сен учун бир обида бўлиб қолажак! Оташлар сўнар, урушибитар ва сен ўз жонингни тикиб ҳимоя қилганинг бу ерлар абадий баҳор оғушида яшнаб, муаттар гуллар денгизига чўмгандা, сенинг унудилмас ғалабанг ҳарбир гулда бўй бериб туражак! Ватан ша'ни-шарафи ва номусини Сталинград оташларидан баланд кўтариб чиқкан ва уни Орёл жанубида яна ҳам юксак шараф блан тантана қилган қаҳрамон образи халқ қалбида абадий яшайжак! Ватан дея, озодлик дея, номус дея ўз жонини фиде қилган ~~инглаб~~, ўн минглаб халқ қаҳрамонлари орасида сенинг номинг ҳам тилларда достон, эл қалбида бўстон бўлажак! Қабрингда тинч ёт, азиз дўс! Ла'нати гитлерчиларни шафқатсизлик блан қири, Орёлни, Харьковни, Киевни ва баоча совет еримизни ҳаётга қайтаражакмиз! Бу сен учун энг яхши хотира ва ҳақоний қасос бўлажак, э озодлик гулини ҳидлаган киши!

Дмитриев-Орловский. 1943—47 йил

## ЁҚУБЖОН ШУКУРОВ

### КАМОЛАТ

*Очерк*

1916 йилнинг кўнглам фасли... Икки кундан бери сурункасига шивалаб ёғаётган ёмғир чошгоҳга яқин шаррос қуябошлади...

Каримжон ивиган, замгин ҳолда уйга кириб келди. Қозон тенасида умоч қаълаётган Ойшабиби ўғлини кўргач, чўмични қўйди-да унинг ёнига келди.

— Ҳа, болагинам, нимага бугун мактабдан эрта келдинг, домла поччангни иши чиқиб қолибдими? — деб, Каримжоннинг пешо-насини силайбошлади.

Ўзини аранг тутиб турган бола ҳўнграб йиглаб юборди.

Хожи ака кундалик тирикчиликдан оргдириб бу ой домлага пул беролмагани сабабли домла болани мактабдан ҳайдаб юборган эди.

9 ёшли гўдакнинг ўксик Йигиси Ойша опага қаттиқ та'сир ётди. У енгининг уни блан кўз ёшини артар экан, устунга суюнганича хаёл суриб турган Хожи ака гоҳ ўғлининг оёғидаги катта маҳсига, гоҳ унинг эгнидаги чурук чопонга тикилиб, ўпкасини босаолмай кўзини чирт юмди-да, кўчага чиқиб кетди.

\* \* \*

Ой кетидан, ой, йил кетидан йиллар ўтди. Улуғ Октябрь революцияси қунёшининг сўнмас нурлари кекса ишчи Хожи ота Туёқбоев кулбасини ҳам нурга кўмди. Бир заводда сурункасига 47 йил ишлаб борор кун фаровон ҳаёт кўрмаган Хожи ака хўжайиннинг сассиқ сўзларидан қутилди ва туганмасроҳатга эришиди. Унинг кенжатоий Каримжон Тошкент медицина институтини тамомлаб меҳнат қучоғига қадам қўйди.

\* \* \*

Қаҳратон қиши. Тунги қаттиқ изғирин юзларни ачитаётир. Тиззаснгача қорга ботиб бораётган отлар оғир нафас олиб, ҳар-

силлаб тобога юришни секинлаштироқда. Ҳаммаёқ жимжит, санқиб юрган бўриларнинг ўқтин-ўқтин төғ томондан эшишилаётган увлашлари ва ҳорғин отларнинг тез-тез пишқиришлари тун тинчлигини бузәтири.

Пўстинга бурканіб олдинда нохуш кетаётган Нормат ака на изғирин ва на оч бўриларнинг тўсатдан бўладиган ҳужумини писанд қиласди. У, чуқур ўйга чўмған ҳолда „Чўх ҳа, чўх“ деб отни тобора илдам юришга мажбур қилмоқда. Нормат ака қишлоққа етишга ошиқади. Унинг юраги уйда ўлим тўшагида ётган хотини хавфи блан безавга бўлаёттири.

Орқада келаётган отлиқ эса, ҳартомонга олаззрак бўлиб, ташвишланмоқда. Оппоқ қор хира тун ёриғида кўзни живирлаштиради.

Ногиҳон отликлар қаршисидаги икки төғ оралинидан гувуллаб бўрон кўтарилиди. Даҳшатли бўрон нурсиз тун ёруғлини беркитиб, ҳавони қор тўманига айлантириди. Юзга урилаётган қорлар кўзни очирмай қўйди. Отлар эса, кўзлари чордан яшириш учун бошларини дам пастга, дам икки ёнга чайқаб, узига таниш бўлган йўлда тусмол блан қадам ташлаб кетмоқда.

Нормаг ака орқадаги шеригини кўра олмай, узоқ масофадаги кишини чақиргандек ҳарзамон „келаётрисизми?“ деб қичқиради. Нормат аканинг юраги бирдан „шув“ этиб кетди. Бўрondon фойдаланган оч бўрилар тўдасининг тўсатдан орқадаги шеригига ташланиш хавфи уни ваҳимага солди У ёнидаги дандон сопли катта пичоини ушлаб қўйди-да, от жилавини тортиди. Нормат ака шеригини олдинга ўтказиб, ўзи кетма-кет йўлида давом этди.

Улар қанча шошилишмасинлар, барибир, қалин қор ва борган сари авж олаётган қор бурони отлар юришини тобора секинлаштиради. Ҳали манзилга етиш учун төғ дарасиди яна қанча масоғани босиб ўтиш керак. Чарчоқ отлар дам-бадам тўхтаб, ҳансираф дам олаёттири. Бўрон тўзитаётган қор учқунлари отлардан бурқиб оқаётган терга ёпишиб, мўйлар устида муз бўлиб қотиб қолмоқда.

Бир томондан хатарли йўл, иккинчи томондан қаттиқ совуқда от устида узоқ ўлтириш Каримжон учун жуда кўнгилсиз ва ваҳимали ҷуюлар эди.

Нормат ака Каримжонга яқинлашиб:

— Ука, аҳволингиз қалай?—деб сўради.

— Тузук,—деди сирни бой бермай у.—етай дедикми?

— Оз қолди ука. 7—8 чақиримча. Отларда мажол қолмали. Оёғингиз тўнган бўлса керак. Отдан тушинг, бироз ҷепиниб, оёқларни үпақага келтириб олайлик. Отлар ҳам пича нафасини ростлаб олсин.

Нормат ака отдан тушиб, Каримжон ёнига ўтди. Оёғи блан қорни уёқ-буёққа сурис тикислади. Отлар эса, қулоқларини диккайтириб, энтикиб турар эди.

Отлиқлар қишлоққа етиб келиб Нормат ака уйи олдида отдан тушар экан, ичкаридан болаларнинг чуввос йигиси ашитил-

ди. Ваҳимага тушган Нормат ака ошиқиб, икки от жиловини бир-бирига маташтирилди да, Каримжонни ичкарига таклиф қилишини ҳам унитиб, уйга югурди. Каримжоннинг оёғи ўюшиб қолгани эди. У, от тизгинини эгар қошига икки марта айлантириб қўидида, Нормат ака таклифини кутмасдан сумкасини кўтариб, оқсоқланиб ичкарига йўл олди.

Каримжон уйга кирганида Нормат аканинг хотини тўлғониб, мажолсиз инграб ётар эди. Хотин ёнига чўкка тушиб ўтирган икки кампирнинг бири пичирлаб нималарнидир ўқиб хотинга тез-тез дам солар ва иккincinnи эса, азоблананаётган хотиннинг икки биқинини эзиб, „Кучанинг, ҳа кучанинг! Баҳоваддин пирим қўлласин!“ деб уни мижимоқда эди.

Қаттиқ совуқ еган Каримжоннинг лаблари қовушга келмайди. Оёғи зирқиллаб оғримоқда. У, хотинни кўрибоқ бачадон ёрилиб, бола қорин бўшлигига тушиб қўлганини дарров пайқади Каримжон тездан операция асблоларини олиб ишга киришди. Бирнеча минут ичидаёткич хотиннинг қорнидан икки ўғилни тирик олди. Хотин ўлимдан қутқарилди. Бу вағт қувончини ичига сифдира олмаган колхозчи Нормат ака ҳаяжон блан Каримжонни қучоқлаб:

— Раҳмат ука! Ўлимга қарши ялм ўқиган экансиз! Кам бўлманг! — деб шодланар эди.

Эртаси Каримжон жўнашга ҳозирланди. У, уйдан чиққанида бир қўй ўнгарилган от жиловини тутиб Нормат ака уни кўчада кутиб туар эди. Каримжон қўйни олмай Термизга жўнади. Тунги ёрдам бир кечада қишлоққа ёйилган эди. Ёш хирургни кўргани келган қишлоқ аҳолиси Каримжонни миннатдорлик блан кузатиб қолишиди...

Пирназаров касалхонага келтирилганда анча оғир аҳволда эди. Болшининг чап томони чопилиб миянинг кичик бир қисми икки-үч сантиметр кўтарилиб, очилиб қолган эди. Пирназаров тутқалоқ касалига учраб, анча оғир ҳолга тушиб қолган. Каримжон касалини дикқат блан ўрганди ва даволаш йўлларини излади.

Пирназаров эски партизан. У, совет тузумининг душмани Жўнайидхон бошчилигига Сурхондар'ё районларида ҳалқка зарар берниб юрган босмачилар шайкасига қарши курашган киши. 1934 йили, уларнинг қолдиқларидан бири Пирназаровнинг бошини чолиб, уни оғир ярадор қилди.

Каримжон чолиб ташланган бош суюк ўрнига бопқа суюк қўйиш блан мияни ўз жойига киритиб, беркитиш мумкин эканини аниқлади. Лекин мия суюги ясаш учун одамнинг тирик суюғи керак эди.

Каримжон кечакундуз ўлади. Пирназаров аҳволининг кундан-кун оғирлашиб бориши ёш хирургни яна ҳам ташвишга солди. Шу таринқа бирнеча кун ўтди. Кунларнинг бирида Каримжон жуда ҳам қувноқ чеҳрада ишга келди. У, кабинетга кирибоқ ҳамшираларни чақириб, Пирназаровни операция залига олиб киришни буюорди. Ўзи эса ҳалат ва перчаткасини киябошлади. Бу ҳолдан таажжубланган ҳамширалар бир-бирига тикилишиб, пада-

тага қараб югуришди. Каримжоннинг одатдан ташқари хурсанд кўрган врачлар эса, ажабланиб, бирин-кетин операция залига тўпланабошладилар.

— Нима қилмоқчисиз?! — Таажжубланиб сўради, Каримжон қўлидаги операция пичогини кўрган Ёқубжон Мўминов.

— Операция!—деб дадил жавоб берди Каримжон

У шу ондаёқ Пирназаровнинг чоп елкасини ёриб, сүякни гўштдан ажратабошлади. Сўнг курагидан бирпарча сүяк кесиб олди. У жуда чаққон ҳаракат қилиб, куракдан бошнинг чопилган жойига ўлчаб мия суюги ясади. Орадан озгина вақт ўтмай мияни астъ ичкари итариш мияга сүякни ўрнатди. Бош терисини тортиб тикиб қўйди. Пирназаров бирнечча кундан кейин оёққа турди...

Термиз касалхонасининг бош хирурги вазифасига кўтарилиган моҳир хирург касалларни даволашда чин меҳр блан ишлади. У, Сурхондар'ёдаги ҳамма районларга бориб турди. Қаттиқ қишишароитларида кеча-кундуз демай, узоқ район, колхозларга бориб беморларни даволади. Ўлим тушагила ётган юзлаб совет кишилари ҳаётини сақлаб қолди. Каримжон Тоҳиров бир йил ичидагархил касалдаги 500 кишини операция қилди ва уларни касалдан халос этди.

Ўртоқ Тоҳиров Тошкент медицина институтида профессор Астрондан та'лим олди, ўз устида ҳормай-толмай ишлади. Хирургия соҳасида янгиликлар қидирди. 1938 йилда у, медицина фанлари кандидати деган илмий даражани олишга мусассар бўлди.

Каримжон Тоҳиров болаларда бўладиган бўқоқ безини ўргана бошлади. Бирнечча йиллар мобайнида унинг ички хусусиятларини текширди. Охири у, безни даволаш йўлини ҳам тўпди ва бу ҳақда каттагина илмий асар ёди.

Ёш олим киши анатомияси устида кўп ишлади. Организмнинг энг майда бўлакларини ҳам алоҳида э'тибор блан ўрганди. У, машҳур совет олимларидан академик Бурденко, Вишневскийлар қўл остида ишлади. Кекса олимларнинг бой тажрибаларидан ўрганди.

Каримжон Улуғ Ватан урушининг биринчи куниданоқ Ватан ҳимоясига отланди. Фронтда у энг мас'улиятли постни эгаллади. Гвардиячи дивизиянинг медицина-санитария батальонида бош хирург бўлиб ишлади. Жанг мэйданинда оғир яраланган юзлаб жангчи ва офицерлар ҳаётини сақлаб қолди.

Кунларнинг бирида дала госпиталига жангда ўқ еган оғир ярадор капитан Нуриддинов келтирилди. Унинг қорнида қолган ўқ упкага та'сир этиб нафас олишни заифлаштироқда, капитаннинг яшashi гумон эди.

Каримжон операцияга киришди. У, столга ётқизилган капитан қорнини ўнди ёраётган эдикни, тўсатдан немислар қаттиқ ҳужум бошлаб қолди. Немис автоматчилари танклар ёрдамида, қутиришиб, босиб келар эди.

Душман томонидан отилаётган минэмёт ва замбарак ўқлари госпиталь төварагида гумёрлаб ёрилмоқда. Снарядларнинг зарби

госпиталь биносики ларзага келтириб, ҳаммаёни силкитаётир. Ердэмчи врач ва санитарка қизлар деразадан ўқ отилаётган томонга тикилишиб шошилинч операция қилаётган ўртоқ Тоҳировга операция асбоблари узатишмоқда. Ўртоқ Тоҳировнинг фикри-ёди капитанни ўлимдан сақлаб қолиш эди. У, эндигина капитан қорнини ёриб ўқни кидирап экан, деразадан бирнеча одим нарига тушиб портлаган снаряд операция усталини титратиб юборди. Ўртоқ Тоҳиров ялт этиб ташқарига бир ўқрайиб қаради-да, ишила давом этди.

Аэропланлар ёқимсиз овоз блан уёқдан-буёққа тўхтөсиз учиш. ўтмоқда. Олдинга ёриб ўтган душман аэропланни госпитальга бўмба ташлади. Касаллар палатасига ўт кетди. Операцияга ёрдам берётган сестралар касалларни қутқариш учун югурдилар.

Ўртоқ Тоҳиров эса жуда тез ҳаракат қилиб ўзининг ёрдамчиси блан операцияни давом эттирди. Капитан қорнидаги ўқ силиб ташланди. Бирнече минутдан кейин капитаннинг қорни тикилди ва ташқарига олиб чиқилди.

Жанг тобора қизиб бормоқда. Душман танкларининг бостириб кетаётганига қарамай, жанчиларнинг биронтаси ҳам чекинмай, ўз постларида метиндай туриб олдилар. Артиллериячилар бирнече танкни ёндириб юборди. Жангчиларнинг кўпчилиги ҳалок бўлди. Санитарка қизлар ҳалок бўлганлар ўрнига ўтиб замбаракларга пайдар-пай снаряд узатиб турдилар.

Немислар тутдай тўкилишига қарамай, чуввос солиб олдинга интилмоқда. Командир ҳам оғир яраланди. Ўртоқ Тоҳиров командирни ўқ терс жойга олиб чиқиб биринчи ёрдамни беришга киришди. Шу вақт немислар ўринларидан туришиб, ўкиришганича босириб келабошлади. Бизнинг автоматчиларимиз немислар устига дўлдек ўқ ёғдириб, уларни ҳамон қирап эди. Шу он бизга ёрдам етиб келди. Ҳартомондан минамёг ва пулемёт овозлари янгради. Замбараклар ҳаммаёни ларзага келтириди. Немислар ўраб олини ва қириб ташланди.

Ўртоқ Тоҳировнинг кўкрагитини бәзаб турган орден ва медальлар унинг Улуғ Ватан уруши кунларида кўрсатган жанговар хизматларидан дарак беради.

У армиядан қайтиб, яна ўзининг севган ишини давом эттирди. Тошкент Молотов номидаги медицина институтининг биринчи хирургия клиникасида бош хирург вазифасини ўташга киришди.

1945 йилда ҳукумат ўртоқ Тоҳировнинг ҳалқ олдилари хизматларини тақдирлаб, унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врачи унвонини берди. Касалларни даволашда янги усувлар топганич, хирургия соҳасида эришган перлоқ ютуқлари учун уни СССР Олий Совети президиуми „Хурмат белгиси“ ордени блан мукофотлади.

Ҳалқ ва партия — ҳукуматимиз ҳурматига сазовор бўлган ўртоқ Тоҳиров касалларни даволашда ажойиб мөхирлик кўрсатмоқда.

Яқинда клиникага З та оғир касал келтирилди. Булгарнинг биринчи кўкрагидан вичоқ еган Аношин исмли ёш йигит, иккинчиси рак

касали Йўғон ичакка ўтиб кетиб, ўлим хавфидан қолган Шаҳоб Хўжаев исмли 17 ёшли ўслирин, учинчиси эса, ичаги ўралиб чирийбошлаган инженер Михаил Шестов эди. Ҳаёти таҳникага тушган бу З касал ўртоқ Тоҳировнинг ёрдами блан ўлимдан сақланиб қолинди.

Ажойиб талант ва исте'дод эгаси ўртоқ Тоҳиров қўйл остида даволанаётган ҳарбир бемор ўзининг сөғайишига қаттиқ ишонади. Уни кўрган оғир касал, операция столи ёнига сра қўрқмай, дадил боради.

Яқинда ўртоқ Тоҳиров оғир касални операция қилиш учун кечаси касалхонага чақирилди. У, эшикдан кирап эк н 10 ёшли Коля исмли боланинг онаси ўртоқ Тоҳировни қучоқлаб, йиғлаб юборди. Бола ишқор ичиб қўйгани учун унинг қизилўнгачи тамоман куйиб, ириб кетган эди. Ошқозон йўли тўсилиб қелган. Боланинг яшаши гумон. Ўртоқ Тоҳиров шошилинч операцияга киришди Бола қорнини ёриб ичакдән қизилўнгач ясади. Бола бирича кун ичиди тузалди. Касалхона эшигидан мамнун бўлиб чиқиб кетаётган она ва бола ўртоқ Тоҳировга чин меҳр блан боқиб, унга кэ қатла раҳматлар айтди.

Каримжон Тоҳиров жонажон ватанимизнинг равнақи, ҳалқимизнинг баҳт-саодати йўлила чин виждон ва садоқат блан хизмат килмоқда. У, ўтган 13 йил ичиди юзларча кишини операция қилди. Юзлаб ёш врачлар тайёрлаб чиқарди.

Ўртоқ Тоҳиров тарбиялаган Фанижон Нуриддинов, Мирседик Акмалов, Каримжон Қайюмов, Каримжон Парниев ва Анорхон Тошбоеева каби ўнлаб врач, ассистент, доцентлар республика мизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида аҳолини даволамоқда.

\* \* \*

Совет олими ўртоқ Тоҳиров ҳозир тун-кунини ижодий иш блан ўтказмоқда. У, оқ қофоз юзини ма'нодор жумлалар блан тўлдириб, тонгни қарши олади. Унинг назағида бугунги тун кечагидан завқли, бугунги тонг кечагидан ёрқин кўринади.

У, техникумлар учун хирургиядан дарслик ёзмоқда. Ўртоқ Тоҳиров Ўзбекистонда хизмат кўрсатган медицина фанлар арбоби профессор Иван Иванович Орлов раҳбарлигига медицина фанлари доктори деган илмий номни олиш учун диссертация ёзётир.

Ўртоқ Тоҳиров улуғ совет фанининг чўққисига интиљётган матонатли, камтарин, ватанпарвар совет кишисининг реаль образидир.

## МИРМУҲСИН МОНТАЖЧИ

*Очерк*

Топширилган вазифа тугади. Тўрсунбой әртага колхозчи оғайилари блан Наманганга кетадиган бўлиб қолди. Қишлоғига, отонасининг бағрига бориш уни ошиқтиар, аммо, бу ерда бошланив қолган кичкинагина муҳаббат, қалбининг бир чеккасида шорттар эди. Осмонга қараб ётиб узоқ ўйлади. Боши қотди... Бир оздан сўнг янги тўнини, өтигини, дўпписини кийиб ташқарига чиқди. Қўшни ертўладаги Восиқ — сартарошнинг олдига кириб, кўкариб келаётган соқолини олдириди, сочи ва мўйлабини текислатди.

Турсунбой 26 ёшда, у, барваста, елкалари кенг, қорамагиз ийгит. Пайваста қошлари тагида икки кўзи ёниб туради. Кўмири блан чизиб қўйилгандек нозиккина мўйлаби, уни кўркам қилиб кўрсатарди. У сартарошнинг олдидан чиқиб, тўппа-тўғри ГЭС томонга юрди.

Ҳаммаёқда баланд-баланд тупроқ уюмлари, чуқурликлар, симёғочлар... Ана, ГЭСга борадиган тошйўлнинг икки томонида ҳартурли металлар, улкан турбиннинг бўлаклари, катта-катта тахта яшикларда турли машиналар ва фидираклар. Узоқда, пастубаланд тепаликлар орқасида кеманинг лангар чўпига ўхшаб ГЭСдан чиқиб турган деррик кранлари ва ўнг томонда складлар, идоралар, гаражлар кўриниб турар эди.

Турсунбой пастубаланд ерлардан ўтиб, ГЭС идораси ёнига келди. Бир нафас тўхтаб, кириб-чиқаётган одамларни тамошайлди. Деворга яқин бориб, осиб қўйилган газетани ўқийбошлиди.

Бирдан аллаким орқасидан келиб кўзларини беркитди. Улар жим туриб қолиши. Турсуной қўли блан, икки кўзини сиқиб турган қўлларни пийпаслади. У, ўз-ўзича ўйлади, кимдеса экан? Бу ерда унинг таниши битга... Турсунбой у блан беш кундан бери кўришгани йўқ, у, очиқ ҳазилни жуда ёқтиради... Худди унинг ўзи...

— Лида, — деди кулка аралаш Турсунбой.

Күзларини беркитиб турган құл бир сиқдида, кейин құйиб юборди. Турсунбой үгірилиб қаради, ҳечнимани күрмади. Бир шағасдан сұнг күзи өришди.

— Э, сизмидингиз.

— Қачондан бери мен сенга Ліда бұлыб қолдым?

Турсунбой ерга қаради ва қип-қызарып кетди.

— Эртага кетадиган бұлыб қолибсизлар?

— Шундоқ, деди Турсунбой.

— Жуда соз.

— Бир чой ичмайликми, Андрей Петрович,— деди Турсунбой.

— Юринг, ичамиз. Эртага кетаркансиз... Лекин сизнинг колхозингиздан ҳамма миннатдор. Ҳақиқий деңқон сизлар.

Андрей Петрович Кондрашев ГЭС қурилишида монтаж ишлари бүйіча прораб бұлыб ишлайди. У жуда хушчақтақ одам. Улар бир-бирлари блан яқында, қурилиш активининг умумий мажлисида танишиб қолышган әди. Турсунбой чой узататуриб сүради:

— Ліда деган қызни танимайсизми?— У яна құшиб қўйди: — ГЭСнинг қаерида ишлайди?

— Бизда Ліда деган қыздан түртта бор. Чунончи: Ліда Сидорова, Ліда Виноградова, Ліда Мельникова ва Ліда Михайлова, қайсибири?

— Үзи ўрта бўйли, — деди Турсунбой — тўлагина, оппоқ...

— Ҳамма Лидаларимиз ҳам ўрта бўйли, оппоқ...

— Фамилиясини билмаганимни қаранг-а.

— Мен блан бирга борсангиз қўрсатиб қўйишм мумкин.

Ҳаммаси ҳам электромонтаж бўлимида.

— Зарур ишим бор әди.

— Зарур ишингиз борлигини биламиз...

Улар кулишди. Турсунбой чойнинг тагини силқитиб ўзига қўйди-да, бир хўплаб ютди.

\* \* \*

Кондрашев блан Турсунбой ГЭС қурилиши ячидаги қоп-қоронги туннельдан ўтишиб, катта бир залга чиқишиди. Бу залнинг ҳаммаёғи бижир-бижир шнурлар, ҳартурли электр асблолари, кнопкалар, барометр – вольтометрлар блан тўла әди. Кондрашев Турсунбойни вольтометр ёнида ишләтган, кўк комбинзон кийган, олтин сочи ҳалқа-ҳалқа бўлыб осилган, оппоқина бир қизнинг олдига олиб борди.

— Энг охирги Ліда мана бу. Бу Ліда Мельникова.

Қиз ялт әтиб қаради.

— Салом, Андрей Петрович.

— Ишлар қалай Лидочка? Мана шу йигитча сени излаб юрган экан.

— Яхшимисиз, — деди Ліда Турсунбояга қўл узатиб.

— Мен кетдим.— Кондрашев орқасига қайрилди, — бемалол гаплашиб бўлганингдан кейин менинг ёнимга кир. Мен 2-нчи агрегатдаман.

— Хўп, — деди Турсунбой.

Лида блан Турсунбой бир дақиқа жим туриб қолишиди. Бир оздан сўнг Лида табуретка олиб келиб Турсунбойни ўтиришга таклиф қилди. Турсунбой ўтирди ва Лидага қаради. Лида бўлса ерга қаради.

— Ишларингиз қалай, — деди секин Лида.

— Яхши. Эртага кетаяпман.

— Оқйўл...

Трансформатор ёнида ишлаётган хушбичимгина бир йигит қорамой бўлган қўлларини қоғозга артиб Лиданинг ёнига келди.

— Лидочка, юр, овқатга борамиз!

— Мен беш минут кейинроқ бораман.

— Бўлмаса, беш минут кутиб тураман.

— Ўзингиз биласиз...

Турсунбойнинг юраги сиқилди. Қорамойга беланган йигитга газаб блан қаради. Лидадан ўпка қилди. Йигит чиқиб кетгандан сўнг сўради.

— Ким у?

— Шу ерда ишлайди. Электромонтажчи.

— Лида, мен кетаяпман...

— Оқйўл тилайман. Яна нима дей, поездга олиб чиқиб кузатиб қўяман.

— Сени ташлаб кетгим келмаяпти.

— Нечун, мен бўлмасам бошқа Лида. Наманганда қиз қуриб қолиптими?

— Мен ундақа йигитлардан эмасман. Бояги йигит ким?

— Кимлигини айтмайман, — деди эркаланиб Лида — сенга айтдимки, монтажчи, монтажчи...

Сен блан „Тракторчилар“ кинофильмни кўрганимизда... сен: „мен сендан бошқасини демайман“ демабидинг!

— Деганман!

— Ундоқ бўлса...

— Нима бўлти, гаплашиб ҳам бўлмайдими?

— Нега сенга буюриб гапиради. Таклиф қилиб гапириша керак эди...

— Буюрса арзийди.

— Ал...

— Бундақа гапни қўй, сенга кейин тушунтираман.

— Тушунтираман?

— Ҳа... Эртага қай маҳалда кетасан? Менинг сменамга тўғри келмаса бўлгани...

— Менинг тезроқ кетишим энди сенга жуда керак бўлиб қолди. Ҳаммасига тушундим.

— Мен сенинг кетишингни ҳеч истамайман.

— Тил учida гапирма, Лида.

— Йўқ, сен тил учida гапирар экансан. „Тракторчилар“ кинофильмини кўриб чиққанимиздан кейин, боғда айтган ҳамма гапларинг шунақа гап... Сен мен блан зерикиб қолмаслик учун юрардинг.

— Мен, Фарҳод ГЭС да қолмоқчиман. Ҳозир шу келишимда Азиз Юсуповга ариза бериб келдим. Лида, лекин мен бу ишни чакки қилибман. Бундақалигини билганимда сени қидириб ҳам келмаган бўлардим.

Турсунбой ўрнидан тик турди. Оёғи блан табуреткани жиндак итариб қўйди.

— Қанақалигини?

Турсунбой ғамгин ерга қаради. Лида Турсунбойнинг бўйнига осилди.

— Жинни бўлма, ростдан ариза бериб келдингми? У менинг акам-ку. Жўрттага айтмаган эдим.

— Акам?

— Ҳа шундай, юр ошхонага борамиз. Сени акам блан таништириб қўяман. Кечқурун бизнисига борасан!

\* \* \*

ГЭС қурилишининг бошлиғи Турсунбойнинг истагини қондирив, уни Мехмонтаж бўлимига шогирд қилиб белгилади. Унга янги қурилаётган ишчилар шаҳарчасидан жой ҳам тайин қилди. Турсунбой устидаги беқасам тўнини ечиб, қора комбинзон кийди. Дастребки кунлари қадоқ босган капти, бармоқлари отвертка ушлаб кичкина винтларни бурашга қовушмади. У, жуда диққат бўлди. Агрегатнинг булакларини нотўғри улаб қўяр, бош механик бўлса яна бошқатдан улашга буюрар эди...

Бир ойнинг ичида Турсунбой илгариги ортиқча гўштларини йўқотиб, отек бўлди. Ҳар куни танаффус вақтида Лида кирав, унинг биринчи сўзи шундай бўлар эди: „Қалай, «угун янгиши маётирсанми, механик койиса ҳам сен индама. Тезда ҳаммасини билиб оласан...“ Шундан кейин улар биргалашиб овқатга боришар, кечқурун смена тугаганда биргалашиб ишчилар шаҳарчасига кетишар эди.

Турсунбойнинг беқасам тўн кийиб, ялвиллаб юрадиган бекорчи вақти ҳам қолмади. Кундузлари, бундоқ қараганда одамнинг ақли етмайдиган машиналар ичида бўлар, қўллари, юзлари қорамай блан бўялар, куннинг қандай қилиб ўтиб кетганини пайқамай қоларди. Ўйинқарор Турсунбойнинг бу ишидан Лида завқланар ва унга тез кунда ҳамма нарсани билиб олишини гапирап эди.

Кунлардан бир кун агрегатнинг ичида ГЭС қурилишининг бошлиғи Азиз Юсупов кириб келди. У, меҳмонтаж ишларининг бошлиғи, В. И. Шохотка, прораб Кондрашев ва бошқалар блан гаплашиб бўлгандан кейин Турсунбойнинг ёнига келди. Иш тепасида тахминан бир соатча суҳбатлашишди. Суҳбат ичида бугунги газетада Турсунбойни мақтаб ёзиб чиққанини айтди ва шу он чўнтағидан газетани олиб ўқийбошлади. ....Ўртоқ Турсунбой Йўлдошев кечагина оддий кетманчи эди. У, бугун ГЭС агрегатини монтаж қилаёттир. Фарҳод қурилишининг ўзи бир мак-

таб бўлди. Бу ерда ўртоқ Йўлдошевга ўхшаган ёш мутахассислар кундан-кунга кўпаймоқда...“

Сменанинг охирида яна Лида кирди. У бугун кечқурун окасининг ўртоқлари келишини, меҳмондорчилик бўлишини, янги иластинкалар топганини ва меҳмонлар кетганидан сўнг „вальс“ни машқ қилишажагини гапирди. Турсунбойнинг кечикмай келишини уч марта та'кидлаб айтди.

\* \* \*

Орадан бир йил ўтди. Турсунбой ФарҳодГЭС қурилишини ўзиники қилиб олди. У, ҳамма блан ака-уқадек бўлиб кетди. Кўп вақт инженер-техниклар киядиган қора халати блан юар. Халатнинг кўкрак чўнтағига отвертка ва металлдан ишланган бир метрликни қистириб қўяр эди.

Яқинда, Лида Турсунбойнинг мукофотга олган кастюмини кийдириб танца майдонига олиб борди, Турсунбой биринчи марта кўпчилик ичиди Лида блан танца тушди. Икки марта Лиданинг сёғини босиб олганини ҳисобга олмагандан, бугунги танца ёмон бўлмади... Танца туғагандан сўнг Турсунбой блан Лида дараҳтларнинг тагидаги текис, торгина йўлдан уйга қайтишди. Йўлда Турсунбой Лидани икки қўлидан ушлаб ўпиб олди. Лида Турсунбойнинг кўкрагидан итарди, кейин Турсунбойга эркаланиб деди:

— Сен тўйимиз ҳақида ҳам ўйлайсанми, ёки кўча-кўйда шунақа ўпиб юраберасанми...

Улар қаҳ-қаҳлашиб кулишди.

Октябръ, 1947 йил.

### **ҒУЛОМ КАРИМОВ**

## **XXX ЙИЛ ИЧИДА ЎЗБЕК СОВЕТ ПРОЗАСИ**

Ўзбек совет адабиёти Октябрь меваси. Бу адабиёт Буюк Октябрь Социалистик революциясидан сўнг ўтган ўттиз йил ичидатуғилди, ўсди, вояга етди.

Ҳар қандай адабиётнинг об'екти, материали турмиш бўлганидек, ўзбек совет адабиётининг ҳам асосий об'екти, материали октябрьдан кейинги турмушимиз бўлди. Бу турмишдан адабиётимиз озиқланди, куч ва мадад олиб, у блан бирга юксалди. Социализм асосида қайтадан қутилаётган турмушимизнинг бутун тараққиёт этаплари ва уларнинг ички мазмуни айни зўмонда адабиётимизнинг ҳам босиб ўтган ғоявий—ижодий юксалиш йўлини ташкил қиласди. Ўзбек совет прозаси ўттиз йил ичидада адабиётими ёлан биргаликда туғилди ва малум тараққиёт йўлини босиб ўтди.

\* \* \*

Буюк Октябрь Социалистик революциясидани лгариги адабиётимизнинг проза қисми ниҳоятда қашшоқ эди. Адабий меросимизда қўл блан санаарлик проза асарлари бор. Фақат Октябрь революяси арафаларида, собиқ Туркистонда литография, матбаачилик ишлари вужудга келиши муносабати блан қатор проза асарлари нашр этилди. Буларнинг кўпчилиги таржима асарлари бўлиб: жангномалар ва турли қиссалардан иборат. „Чор дарвеш“, „Маликайи донишманд“ қиссалари, „Қаҳрамон қотил“, „За қум“, „Аҳмад Замжи“, „Сайди Баттол Фозий“ каби жангномалар бу даврда майдонга чиққан прозанинг типик намуналариридир. Булар ўрта аср феодализм даври адабиётига мансуб асарлар эдилар. Шунинг учун тил, услугуб, адабий форма ва мазмун жиҳатидан адабиётла янгилик яратабилмадилар. Прозанинг бундай қолоқлиги, ҳатто XX ичи асрда, Октябрь революяси арафаларида ҳам асрий мазмунларни ифода қилучи замонавий бадиий проза формаларининг яратилмаслиги адабий ҳаётдаги умумий қолоқликни кўрсатади. Адабий ҳаётдаги бу қолоқлик эса, ўз навбатида чоризм мустамликаси бўлган собиқ Туркистоннинг маданий—ма’наий қолоқлигининг ифодасидир.

Шундай қилиб ўзбек совет прозаси Октябрь революясидан кейин ўзининг дастлабки кунларидаёк катта сакраш ясашга

мажбур бўлди. У, совет даврининг мазмунини ифодә қиласиган асарлар бериши блан бирга, замонавий бадий проза формалари ҳам яратиши, унга мәвофиқ адабий тил нормаларни аниқлаши ва ниҳоят ўз адабий услугубини ижод этиши керак эди. Совет ёзучилари отряди чиламли, самарали ва узоқ ижодий меҳнатда бу мураккаб вазифаларни муваффақият блан бажардилар.

Ўзбек совет прозасининг ижодий юксалишида, шубҳасиз, улуғ рус классикларининг ўлмас асарлари, етук ва кекса рус революцион прозаси катта мадад берди. Ёзучиларимиз илгор рус классикларидан, рус революцион ёзучиларидан жуда кўп нарса ўргандилар. Дун'ёвий аҳамиятга эга бўлган рус классик адабиёти намояндаларидан А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, Лев Толстой, А. П. Чехов асарларини фақат совет давридагина ўзбекчага таржима қилинабошлаши тасодифий ҳодиса эмас, албатта. Ҳозир биз, ўзбек совет прозасига рус революцион совет адабиётининг кўп намуналарини кенг планда таржима қилишга киришилганини кўрамиз. Совет адабиётининг отаси Максим Горькийнинг „Она“, „Челкаш“, „Менинг университетларим“, „Бодалик“, „Артамоновлар иши“ каби асарлари, Алексей Толстойнинг „Дон“ повести, Николай Островскийнинг „Пўлёт қандай тобланди“ романи, Фурмоновнинг „Қизил десант“ асарлари ўзбек совет прозаси мулкига айланди. Улуғ ватан уруши йиллари прозасининг энг порлоқ намуналаридан Михаил Шолоховнинг „Улар ватан учун жанг қилдилар“, А. Фадеевнинг „Ёшівардия“ романлари ҳам таржимада нашр этилди.

Ўзбек совет прозасининг ташкил ғопишида ва тараққиётида халқ ижоди—фольклор ҳазинасидаги туғанимас бойликлар катта роль ўйнади. Октябрьдан кейинги проза тибининг яратишида, уни ҳалқ оммалари тушунарли, ихчам, шинам ва содда қилиб ишлансда фольклор берган материал муҳим манба'лардан бири бўлиб ҳизмат қилди. Бундан ташқари поэзиямизда, драматургиямизда халқ ижодидаги илгор демократик мотивлардан кенг фойдаланиб қатор асарлар яратилгавидек, ёзучиларимиз ҳам бу бой заминдан баҳраманд бўлдилар узбек совет прозасини фольклор заминида ёзилган асарлар блан бойитдилар.

Ёзучиларимиз бу манба'ларга қаттиқ суюниб олиб, турмисш талабларини зийраклик блан ўрганганлари ҳолда, ундан илҳомланиб, партиямиз ва ҳукуматимизнинг яқиндан берган ёрдами ва раҳбарлиги остида қисқа муддат ичидаги тўлақонли ўзбек совет прозасини яратдилар. Прозамизнинг бугунги ваз'ияти Октябрьдан илгариги қолоқ прозамиз блан эмас, балки иттифоқимиздаги илгор халқларнинг ҳозирги замон савиясидаги етук прозаси блан қиёс қилгудек бўлиб қолди.

Ўзбек совет прозасининг бу ғалабаси шубҳасиз бирдан қўлта кирмади. Унинг курашларда чиниқиб, босиб ўтган йўли бор, қисқа бўлса ҳам ўзининг тарихи бор.

Прозамизнинг биринчи даври деб 20-нчи йилларни олниш мумкин. Бу даврда проза соҳасида, асосан, кекса совет ёзучилари-

миздан Садриддин Айний ижод этди. 1925-26 йилларда адабиёти-  
мизга ёш, лекин кучли ижодий отряд келиб кирган бўлса-да  
улар поэзия соҳасида иш бошладилар ва фақат ўттизинчи йил-  
ларнинг бошларида гина уларнинг ба’зи бирлари прозага ўтдилар.  
Шундай қилиб 20-нчи йиллар даврида адабиётимизда прозаик  
сифатида ёлғиз Садриддин Айнийни кўрамиз. Революциядан ил-  
гари шоир сифатида ўз ижодини бошлаган С. Айний револю-  
циядан кейин прозанинг катта формаси устида ишлади ва қатор  
повестълар, романлар яратди. „Бухоро жаллодларининг ўз аро  
сұхбатлари“, (1917—18 йиллар), „Одина“ повести (1924 йил), „До-  
хунда“ романы (1928-йил) ўзбек совет прозасининг дастлабки қал-  
дирғочлари ҳисобланади. Бу асарлар ўзларининг олган темалари  
э́тибори блан тарихий повесть, романлардир. Буларда С. Айний  
Октябрьдан илгариги ўзбек ва тоҷик мәҳнаткашларининг амирлик  
зулми остида ўтказган оғир кунларини тасвир қиласди. Амирлар,  
беклар, феодаллар ҳукмронлик қилган, диний фанатизм авж ол-  
ган даврлар ҳаётини яхши билган ёзучи Одина ва Дохунда  
саргузаштлари орқали Октябрьдан илгариги турмишимизни равшан  
бўёқлар блан реалистик лавҳаларда кўрсатади.

С. Айний асарлари революциянинг дастлабки йиллари олдида  
турган муҳим бир масалани ҳал қилишда катта роль ўйнади.  
Шунинг учун ҳам бу асарларнинг ўша даврда муҳим сиёсий—  
тарбиявий аҳамияти зўр эди. Октябрь революцияси натижаси-  
да озодликка чиққан мәҳнаткаш ҳалқ оммалари бу асарлар ор-  
қали ўзларининг яқин ўтмишдаги фожиали ҳаётларини чуқурроқ  
ва равшанроқ кўрар, ҳозирги эркин турмушларини яна ҳам мус-  
таҳкамроқ севиб, уни қадрлар эдилар. Чунки „Ўтмишни қанча-  
лик яхши билсак, ҳозирги замонда яратилаётган ишларнинг буюк  
аҳамиятини шунчалик тез, чуқур ва хурсандлик блан англа-  
миз“ (М. Горький).

Ўзбек совет прозасининг илк даврида тарихий темани устун  
туришини ва „Одина“, „Дохунда“ асарларининг туғилишини шу  
блан изоҳ қилиш керак.

С. Айний асарлари ўзбек совет адабиётида янги прозани  
яратиш йўлида қўйилган биринчи қадам сифатида аҳамиятга эга.

Ўттизинчи йиллар прозамиз тараққиётида иккинчи давр ҳи-  
собланади. Ўттизинчи йилларнинг бошларида ёк прозамизда катта  
силжиш юз берди. Бу силжиш, даставвал, янги кучларнинг май-  
донга чиқишида кўринди. Faфур Гулом прозада ҳам иш бошлаб  
С. Айний қабатига ўтди. Сўнгроқ бутунисича прозаик ёзучи си-  
фатида адабиётимизга Абдулла Қаҳҳор келиб кирди. Бу отряд  
борган сари ўсади. Ўттизинчи йилларнинг иккинчи ярмига ўтган-  
да яна бир қатор ёш ёзучилар етишди. Ҳусайн Шамс, Ойдин,  
Парда Турсун, Ильёс Муслим кабилар проза соҳасининг иккинчи  
бўғинига мансуб ёзучилардир.

Қадрлар жиҳатидан тўлишган ва кучайган прозамизнинг тема-  
тика доираси кенгайди, бадий маҳсулоти кўпайди. Айниқса, бу  
даврда партиямиз Марказий Комитетининг адабиёт ҳакида қабул  
қилган машҳур қарори прозамизнинг яна тез сур'ат блан ўсиши-

га катта йўл очди. Партиямизнинг 1932 йилдаги бу тарихий қарори адабиётимиз ва ёзучиларимиз олдига жуда зўр ва шарафли вазифаларни қўйди. Социалистик қурилишнинг ажойиб ғалабаларини, иккинчи бешйилликда барпо этилаётган йирик иншоотларни, совет кишиларининг қаҳрамонликларини, курашларини, бу курашларда бун'ёдга келаётган совет одамининг янги хислатларини бутун тўлалиги блан ҳаққоний равишда тасвир қилиш адабиётимизнинг вазифаси бўлиб қолди. Партиямизнинг бу қарори умуман адабиётимизнинг, шу жумладан прозамизнинг тараққиёт йўлини маш'ал бўлиб ёритиб берди. Прозамиз, адабиётимиз блан биргаликда ўз ишини партиямиз қарори асосида қайтадан қуришга киришди. Натижада прозамиз тематика жиҳатидан янгиланди. Прозамизнинг асосий ва етакчи темаси — социалистик қурилишнинг ғалабалари, колективлаштириш масаласи, совет даврида етишган янги тип одамлар, уларнинг психологияси, ахлоқи каби масалалар бўлиб қолди,Faafur Fуломнинг „Тирилган мурда“ 1933 йил), „Ким айбор“, „Соат“ ва бошқа ҳикоялари, „Ёдгор“ повести (1937 йил), Абдулла Қаҳҳорнинг „Қанотсиз читтак“ (1935 йил), „Рўдано“ (1933 йил), „Мастон“ (1933 йил), „Ўт босар“ ҳикоялари ва бошқалар шу янги тематикада ёзилган асарлардир.

Faafur Fулом ўзининг „Тирилган мурда“ ҳикоясида танбалликда афсонавий шуҳрат қозонган „Минг бир кеч“ ҳикояларининг қаҳрамони Абутанбални „Бир чўқишида қочирадиган“ ялқов Мамажон ҳаётини тасвир қиласди. Мамажон совет даврида, меҳнат шараф ва шон ишига айланиб, бахт ва саодат келтирадиган даврда колхозга киради ва унинг табиагида эски дун'ёдан мерос бўлиб жойлашиб қолган ялқовликни ташлайди, бошқа колхозчилар қаторида мардана меҳнат қилиб, бахтли турмишга эришади.

Faafur Fулом „Ёдгор“ повестида янги типдаги оиласий муносабатлар проблемасини қўйди. Қизил Армия сафида бўлиб янги тушунчалар блан бойиган Жўра Саодат блан бахтли турмуш қуради ва турмуш тасодифлари орқасида қўлига тушиб қолган бир гўдакни ўғил қилиб асрайди, тарбиялаб катта қиласди. Саодат ҳам бу „ўгай“ болага самимий муҳаббатда бўлади. У бола Ёдгор эди. Повестьнинг композицион қурилиши мароқли, ўқучини жалб қиласди бадиий куч блан ишланган.

Абдулла Қаҳҳор, прозанинг кичик формаси, ҳикоячилик блан ўз ижодини бошлади. Абдулла Қаҳҳор ҳикоячилиги ўзбек совет адабиётида янги ҳодиса ҳисобланади. У, ҳикоячилик техникасида, ихчам форма яратишда, услубда, рус ва европа ҳикоячилиги традицияларини ўзбек адабиётига олиб кирди. Рус проза мастерлари А. П. Чехов, М. Горький бу йўлда унга устоз бўлдилар. Абдулла Қаҳҳор бу янги формани ўзбек ҳаёти материалларида моҳирлик блан фойдаланди ва фойдаланмоқда.

Абдулла Қаҳҳорнинг „Рўдано“ ва „Мастон“ ҳикояларида колективлаштирилган янги совет қишлоғининг янги кишилари кўрсатилади. „Рўдано“ ҳикоясининг қаҳрамони Обиджон. Обиджон колхоз ишининг ривожи учун астойдил жонкуйдиреб ишловчи киши. Обиджон жамоат манфаатини ўзининг шахсий иш-

ларидан юқори қўяди. Чунки, турмиш социалистик изга тушган бир даврда шахс тақдири, жамоат ишининг тараққиётига боғлиқ эканини у жуда яхши тушиниб олган. Коллективлаштирилган қишлоқ ҳаётининг бу марказий фигураси Абдулла Қаҳҳор ижодидан мустакҳам жой олди ва ёзучининг муҳаббат блан қилган парвариши натижасида ўзбек совет адабиётининг асосий образларидан бирига айланди. „Қўщчинор“ романидаги Ўрмонжон образи, ҳарқандай эгоистик тушунчаларга барҳам бериб, бутун вужуди блан коллектив — колхоз ҳаётига сингиб кетган бу колхоз раисининг порлоқ образи генитек жиҳатдан Обиджон обра зига бориб боғланади.

Бу даврда Абдулла Қаҳҳор кўп чироғли ҳикоялар ёзи. Булар ичида „Қанотсиэ читтак“ алоҳида диққатга сазовар. Бу ҳикояда ёзучи саноатда меҳнат интизоми масаласини қўяди. Ишчиларнинг қолоқ табақаси ўртасида жой олгани социалистик меҳнат интизомини бузиш, шахсий манфаат қурбони бўлиш каби ҳолларни Набигул образи орқали танқид қиласиди ва Набигулдаги бу ярамас одатларни читтакдаги қўнимсизликка ўхшатиб, уни „қонотсиэ читтак“ деб атайди. Набигул ишчилар оммаси ўртасида ҳам шу лақаб блан ном чиқарган эди.

Ўттизинчи йиллар давридаги прозамизнинг тематика жиҳатидан бойиганини кўрсатадиган яна бир муҳим тематика эски турмиш солқитларига қарши қураш тематикасидир. Турмушда, онгда, ахлоқда феодализм, капитализм жамиятлари қолдиқларига қарши қураш месаласи бу давр ҳаётимиз кун тартибида бутун кескинлиги блан турар эди. Шунинг учун бу масала адабиётимизда ўз ифодасини томпай қолиши мумкин эмас эди.Faфур Ғулом бу темада ўзининг машҳур кулги ҳикояларини ёзи. Абдулла Қаҳҳор ҳам бирнече гўзал ҳикоялар берди. Сатирик ва юмористик руҳда ёзилган бу ҳикоялар серия идан Faфур Ғуломнинг „Чорбозорчи“, „Ҳийлайи шар'ий“, „Соялар“, Абдулла Қаҳҳорнинг „Тангрининг «улгиси», „Ошиқ“ ҳикояларини кўрсатиш зарур.

Fafur Ғулом „Чор бозорчи“ ҳикояси учун танқид об'екти қилиб бойлик тўплаш мақсадида ҳарқандай жирканч ишд и қайтмайдиган ҳасис чор бозорчи — чайқовчи Аҳмад Сайдобни олади. „Ҳийла шар'ий“ ҳи оясида дин аҳлиарнинг сотқинлиги, товламачилиги, равшан бўёқларда кўрсатилади. Хотинбоз мулла Дилкашнинг ифлос ниятилдирида бирдан бир кўмакчи сифатида шариат ҳийлаларини кашф қиласиди. Сурбет дин аҳллари гавдаланадилар.

1920 йиллар даври прозамизда асосий тема бўлган тарихий темалар ўттизинчи давр адабиётимиздан ҳам анчагина катта ўрин олди. С. Айний тарихий темалар устидаги ишини давом этдириб, „Куллар“ романини (1934йил) ёзи. Faфур Ғуломнинг „Шум бола (1937 йил), „Нетай“ повестъларини ҳам шу планда ёзилган асарлар деб қарашга тўғри келади.

Бу асарлар прозамиз тараққиёти йўлида алоҳида хусусиятлар блан ажralиб турмасалар ҳам, лекин „Қувлар“ романни устида ба'зи мулоҳазаларни айтмай ўтиб бўлмайди.

С. Айнайниг „Қуллар“ романы беш бўлимдан иборат. Авторнинг планига кўра, роман Бухоро амирларидан Амир Ҳайдар замонидан (XIX асрнинг биринчи ярми) тортиб, 30-йилларнинг бошларигача я’ни қариб юз йиллик даврда бўлиб ўтган муҳим воқиаларни ўз ичига олиши керак. Ҳақиқатан ҳам романда амир Ҳайдар замонидаги халқ ҳаётининг лавҳалари, қуллиқни майдонга чиқиши, чор ҳукумати соғиқ Туркестонни забт этгандан кейин қуллиқни расман „йўқолиши“, қулларнинг камбағал деҳқонга айланиб, иирик феодаллар қўлида ёзилиши, меҳнаткаш оммаларининг создлик учун олиб борган кураш, Бухоро амирининг емириши, Октябрь революциясининг майдонга келиши, гражданлар уруши, босмачилкка қарши кураш ва уни тугатиш, ёр ислоҳати, коҳс қурилиши, қуоқларни синф сифатида тугатилиши воқиалари тасвир қилинади. Роман көлхоз қурилишининг тўла ғалабаси блан я’ни роман ёзилиб турган давр воқиалари блан тугалади. Романнинг бундай композицон планда тузилиши, шубҳасиз, романа қамраб олган материалларнинг мазмунини тўлиқ очишга ва уларнинг бадий формада ишланшига ёмон та’сир кўрсатди. Бу ёрда шуни қаид қилиш зарурки, романнинг биринчи қисми я’ни революциядан илгариги ҳаётни тасвир қилган қисми, шубҳасиз муваффақиятли чиққан. Автор бу даврни тўғри, реаль тасвир қиласи ва халқ ҳаётини ўрганишда қимматли материаллар беради. Лекин романнинг иккинчи қисми муваффақиятсизликка учраган. Октябрь революцияси даври, революциядан кейин социалистик жамиятини қуруш йўлида халқимиз босиб ўтган ажойиб бой мазмунли этаплар тасвирида юзакилик, схематизм кучли. Бу схематизм романдаги муҳим воқиаларнинг ички мазмунини очишга, образларнинг тўлақонли бўлишига мони’лик қиласи. Ба’зан ҳаракат этичи кучларнинг ижтимоий қиёфасини хотүғри талқин қилишгача олиб боради. (Масалан жадид образи — Шукур Ғулом).

Ўзбек совет прозаси С. Айний ижодий фаолияти орқали романчиликда тажриба ортдирди. Бу тажриба сўнгроқ прозамида романчиликни тараққий этишида, шубҳасиз, ижобий роль ўйнади. Бундан сўнг Абдулла Қаҳҳор „Сароб“ (1934—36-йиллар), Ойбек „Қутлуқ қон“ (1939-йил), „Навоий“ (1942-йил) романларини ёздилар.

„Сароб“ романы ўзбек адабиётида ҳикоячи — новеллис сифатида танилган Абдулла Қаҳҳорнинг биринчи тажрибаси ҳисобланади. Роман ўз олдига ўзбек буржуа миллатчиларининг аксилиниқилобий башараларини очиб ташлашни асосий мақсад қилиб қўйди. Совет даврида буржуа миллатчиларининг аксил инқилобий ташкилот тузишлиари, бу ташкилотларнинг зарарли ишлари, ўз атрофига тарафкашлар тўплашга уринишлари, бу йўлда ба’зи ютуқларни қўлга киритишлари ва охирда фош этилиб, тор-мор қилинишлари романнинг умумий мазмунини ташкил қиласи. Бу мазмун Саидий, Муродхўжа домла, Аббосхон, Салимхон каби романнинг асосий персонажлари воситасида кўрсатилади. Шуни айтиш керакки, роман ўз олдига қўйган мақсадни асосан тўғри

бажарган. Ўз даврида, шубҳасиз, малум тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бу мавзу' романда ҳал бўлган ва буржуа миллатчиларнинг жирканч қилмишлари очиб ташланган. Лекин буржуа миллатчиларига қарши курашган саф дилли совет одамлари романда тўлалигича кўрсатилмаган. Натижада роман жамият ҳаётининг ижобий ва етакчи томонини эмас, балки салбий қолоқ, инқизорга юз тутган томонини тасвириловчи асарга айланиб қолди. Ҳолбуки ҳарқандай адабий асар турмушнинг асосий ва энг муҳим томонини ўзида акс этдиргандагина, у асар, мазмун жиҳатидан қимматли, бадий жиҳатдан юксак асар бўлиши мумкин. Турмушнинг асосий ва энг муҳим томони эса ҳамма вақт унинг юксалути, тараққий этучи, ўсучи томонидир.

Ойбек ўзининг „Қутлуқ қон“ ва „Навоий“ романлари блан ўзбек романчилигига катта бурилиш ясади.

„Қутлуқ қон“ романни тарихий романдир. Ўзбек прозасидаги тарихий романлардан „Қутлуқ қон“нинг фарқи шундаки, у, тутқин ўтмишни ҳозирги озод замонга қарши қўйиб ўқучида эркинлик пафосини кўтаришга интилиш бан чекланниб қолмади. У, тарихий жараённи беришга, тарихнинг асосий тараққиёт йўлини кўрсатишга, ўтмишда ҳалқ оммасининг эксплататор синфлар зулмидан қутилиб, ўз озод турмушларини қуруш учун олиб борган курашларини кўрсатишга интилди ва бу интилишда муваффақият қозонди. „Қутлуқ қон“ романнинг темаси буюк Октябрь революцияси арафасидаги (1912—16 йиллар), ҳаётимиз ва ҳалқ оммаларининг озодлик учун бўлган курашларидир. Роман вожиаси ерсиз, сувсиз қолиб қашшоқланган оддий ўзбек деҳқони—Йўлчининг Тошкентга иш ахтариб келиши блан бошлиниб, капитализмлашган Тошкентда унинг ўтказган ҳаётини кўрсатади ва миллионларнинг бири сифатида 1916 иччى йил қўзғоловига иштирок этиб, ҳалок бўлиши блан тамомланади. Бу — роман сюжетининг схематик йўли. Роман сюжети бу асосий чизиқдан ташқари жуда кўп масалаларни, турмушимизнинг жуда кўп томонларини ўз ичига қамраб олади. Айтиш мумкинки, революция арафаларидағи ҳаётимизнинг романда акс этмаган масаласи қолмаган. Бу масалаларни қўзғатиш ва унинг салмоғини, мазмунини аниқлаш бир эмас бирнече максус текширишларнинг вазифаси. „Қутлуқ қон“, шубҳасиз, революциядан илгариги ҳаётимизнинг тўлиқ ойнасидир.

Бой ва мазмундор бу романнинг бадий қиммати юксак. Рус ва жаҳон адабиётини яхши ўрганиб чиқкан Ойбек бу романни ёзишда йирик проза мастерларининг тажрибасини ўз ижодига татбиқ қилган. Бу, романнинг композицион қурилишидаги пишиқликда, образларнинг ишланишидаги тугалликда, умумий-лаштирумаларнинг чуқурлиги ва кенглигида, бадий ихотанинг зўрлигида, тил ва услубнинг ўтқир ва жозибадорлигида кўриниб туради. Ойбек бу биринчи романни блан ўзининг етиқ ва талантли ёзучи эканини исбот қилди ва ўзбек совет прозасининг тараққиёти учун зўр хизмат кўрсатди.

Ёзучи Ойбекнинг иккинчи романи улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳәётини тасвирлашга бағишиланган. Ёзучи бу романни блан ўзбек совет прозасида тарихий — биографик романлар жанрининг гўзал ва салмоқдор намунасини яратди.

Ёзучи Ойбек ўз романни учун тема қилиб олган XV аср ҳәётини тасвир қилишда ва у даврда яшаб ижод этган Навоийнинг гигант фигурасини тўғри ёритишда катта маҳорат кўрсатди. Ёзучининг энг муҳим ва асосий муваффақияти шундаки, у тарихий принципни мустаҳкам ва изчиллик блан қўллагани ҳолда реализмга эришди. „Навоий“ романидаги тарихий ҳодисаларни тасвир қилишда юзакилик, бирёзламалик, схематизм йўқ. Бу ҳол даставнал романнинг асосий қаҳрамони Навоий образини яратишда кўриниб туради. Романдаги берилган Навоийнинг улуғ сиймоси XV асрга мансуб. Бу фақат Навоий турмушини, фаолиятини, ташқи воқиаларни тасвир қилишдагина тўғри бўлмай балки бу улуғ шахс ҳәётининг ички мазмунини очишида. Навоий интилишларини, ғояларини кўрсатишда ҳам тўғридир. Ёзучи Ойбекнинг романни асосида Навоий шахсининг бутун заиф ва кучли томонларини тўлиқ изоҳ қилиш мумкин.

Навоий фигурасидаги марказий масала унинг трагик ҳолати. Бу трагик ҳолат романда тўғри акс этдирилган. Бутун онгли ҳәётини халқ манфаати учун сарф қилган улуғ гуманист Навоий ўз дўстларига шундай мурожаат қиласа эди:

„Ҳар начук фалокатни даф' қилмоққарайт қилмоқ керак... муборак ватаннинг, әл — улуснинг саломатлиги учун фидокорлик кўрсатмоқ вазифамиздир. Сиздан тилагим шуки, бир-биримизга, давлатга, юрга вафо, садоқат, муҳаббат блан боғланайлик. Вафо ва муҳаббат — улуғ қудрат“.

Бу сўзларда Навоийнинг заиф ва кучли томони яққол кўринади. Бу сўзлар шунинг учун зўр кучга әгаки, энг олижаноб фикрларни, энг прогрессив идеяларни талқин қиласи. Бу сўзлар шунинг учун заиф, кусчизки, улар талқин қилган идеялар реакция, дин, фанатизм ҳукмронлик қилган феодализм жамиятида реаль қувватга эга эмас. Бу илфор идеяларни амалга ошириш учун жамиятда ижтимоий замин йўқ. Кишилардаги вафо, муҳаббат, халқпарварлик, ватанпарварлик ғоялари жамият ижтимоий тузуми томонидан қўллаб-қўлтиқлангандаги „улуг' қудрат“га айланиши мумкин. Навоий трагедияси мана бунда эди. Навоий илгари сурган прогрессив идеялар феодализм даври шароитида „улуг' қудрат“га айланабилмас ва энг яхши умидлар, ғоялар, орзулар хаёл — утопия бўлиб қолар эди. Навоий шахсиятидаги бу трагик ҳолат, романда тўлиқ ва тўғри акс этади.

„Навоий“ романининг ма'рифий аҳамияти катта. Роман адабиёт тарихимизнинг энг улкан сиймоси Навоий ижодини тўғри ўрганишда ва шунингдек ўнбешинчи аср тарихини, адабий-маданий ҳәётини текширишда бой материаллар беради.

Романнинг сиёсий-тарбиявий аҳамияти ҳам эўр. Ёзучи Ойбек Навоий образи орқали шахс ҳәётининг асосий маъмуми нимадаи иборат бўлиши кераклигини равшан кўрсатади. Шахсий ҳәётининг

мазмуни, бахти, равнақи унинг халққа хизмат қилишида, ватанга муҳаббат боғлашида, ўз тақдирини, ўз бахтини халқ, ватан давлат истиқболига боғлашадид. Навоий айтар эди:

Одамий эрсанг, демагил одами,  
Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами,

„Кутлук қон“, „Навоий“ каби бадиј жиҳатдан етук, салмоқдор кагта романдарнинг яратилиши ўзбек совет прозасининг камолатга етганини кўрсатуви фактлардир. „Навоий“ романининг иттифоқ ҳукуматимиз томонидан тақдирланиши — биринчи дараҷали Сталин Мукофоти блан мукофотланиши эса, фақат ёзучи Ойбек ижодининг тақдирланиши ёмас балки, бутун ўзбек совет прозасининг тақдирланиши ва катта ғалабасидир.

Улуғ ватан уруши даврида прозамиз бутун адабиётимиз блан биргаликда ватан мурлофаасига отланди ва халқ Фронтининг олдини сафларида туриб, ёвуза, маккор душманга қарши курашди. Бу даврда прозамиз ватанпарварлик, совет даврини улутлаш, халқпарварлик каби энг яхши традицияларини янада чуқурлаштириди, юқори поғонага кўтарди. Ёзучиларимиз Фронтларда немис босқинчиларга қарши курашаётган жангчиларимизнинг мардликларини, Фронт орқасида бир ёқадан бош чиқариб меҳнат фоныда халқимиз кўрсатаётган жонбозликларини, қаҳрамонликлари-ви бадиј образларда кўрсатишга ва ватанпарварлик ҳисларини яна ривожлантиришга тиришдилар. Прозамизда принципиаль юқори савияда ёзилган кўп очерклар, ҳикоялар, повестълар, романлар яратилди. „Замбараклар овози гумбурлаганда музга (сан'ат) товушлари ўчади“ деган назариянинг пуч ва нотўғри эканини совет ёзучилари ўз мардона ижодларида исбот этдилар. Ҳатто бу даврда, совет ёзучилари отрядига янги кучлар келиб қўшилди. Улуғ ватан уруши фронтларида жанг қилиб юручи ҳаваскорлардан Не'мат Тошпӯлат, Тўғон Эрназар, шу даврда адабиётимиэга келиб кирдилар. Улар ҳозир адабиётимиз тараққиётида сезиларли иш қилмоқдалар.

Улуғ Ватан уруши даври проза маҳсулотларидан жуда кўп очерклар, ҳикоялар қаторида Абдулла Қаҳҳорнинг „Асрорбобо“, „Хотинлар“ ҳикояларини, совет Иттифоқи қаҳрамонлари ҳаётига бағишлиланган „Олтин юлдуз“, „Дардақдан чиқсан қаҳрамон“ номли қаҳр мөнлик повестъларини ва ниҳоят ёзучи Ойбекнинг „Қуёш қораймас“ романини кўрсатиш керак.

Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари учун асосий тема, Улуғ Ватан уруши даврида ватанга чексиз муҳаббат, душманга қарши кучли ғазаб ва нафрат блан совет кишиларининг олиб бораётган мислсиз курашлари бўлди. Бу темани ёзучи зўр маҳорат ва мастерлик блан ишлади. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг қаҳрамонлари совет ватанпарварлигининг ўзида яққол гавдалантиручи совет кишиларининг энг яхши вакилларидир.

Ёзучи Ойбекнинг „Қуёш қораймас“ романи ўзбек халқининг улуғ Ватан уруши фронтларида олиб борган курашига бағишли-

ган. Романда ўзбек жангисининг фронтдаги ҳаёти, унда ватан-парварлик руҳининг ўсиши, онгининг пишиб чиниқиши, душманга бўлган чексиз ғазаби, мардлик — қаҳрамонликлари тасвир қилинади. Ёзучи Ўзбекистон яйловларида чўпонлик қилган Бектемир орқали кўп миллатли жангчилар ҳаётини, уларнинг фронт оловларида сивалган узилмас дўстлигини кўрсатади. Романнинг асосий қаҳрамони колхозчи Бектемир. У, содда лекин вижданли ва номусли ўзбек йигити. Сода ўзбек йигитининг турмуш курашларида чиниқиб, руҳий ва фикрий юксалишининг юқори поғоналарига кўтарилишини севиб тасвир қилучи Ойбекнинг бу қаҳрамони „Қутлуқ қон“ романидаги Йўлчи образини кўп жиҳатдан эслатади. Лекин умид қиласизки, „Қуёш қораймас“ романнинг қаҳрамони Бектемир „Қутлуқ қон“даги Йўлчининг фожиали тақдираига ўртоқлашмас. Бу финальни Ойбек ўқучилари сабрсизлик блан кутадилар.

Урушдан кейинги давр прозамизда яна қувончли ҳодисалар рўй бермоқда. Бу ҳодисалар айниқса, партиямиз Марказий Комитетивинг „Ленинград“ ва „Звезда“ журналлари ҳақидаги қароридан ва ўртоқ А. Ждановнинг докладидан кейин ўзини рўйрост кўрсатабошлади. Бу янги ҳодисаларнинг якунлари тўғрисида сўзлашга ҳали эрта. Лекин унинг дастлабки ютуқларини қайд қилмай ўтиб бўлмайди. Бу ютуқ аввало шундан иборатки, прозамизнинг катта намояндалари, улар кетидан ёш ёзучилар замонавий темада йирик асарлар яратишга астайидил иятилмоқдалар. Бу интилишнинг биринчи самаралари сифатида ёзучи Абдулла Қаҳҳорнинг „Қўшчинор“ романи, Содиқ Қаландарнинг „Биз ўралда“, Парда Турсуннинг „Ҳақ йўл“ повестълари майдонга чиқди ёки чиқаёттир. Иккинчидан проза соҳаси кун сайин янги кучлар блан тўлмоқда. Проза соҳасида ишлаб келаётган Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ойдин, Ма'руф Ҳаким, Парда Турсун, Миркарим Осимлар ёнига Содиқ Қаландар, Ҳаким Назир, Саид Аҳмад, Туроб Тўла, Шуҳрат, Ёнғин Мирза, ва бошқалар келиб қўшилди. Улар ҳозир ўнлаб очерклар, ҳикоялар ёздилар.

Урушдан кейинги прозамиз юксалиши йўлида диққатга сазовор янгиликлар сифатида Абдулла Қаҳҳорнинг „Қўшчинор“ романини, Содиқ Қаландарнинг „Биз ўралда“ повестини ва ёш ёзучилардан Ҳаким Назир ҳикояларини курсатиш керак.

Ёш ёзучилар ичida эркин ва равон ифодаси блан ажralиб турадиган Ҳаким Назир кейинги вақтларда бирнечча ҳикоялар берди: „Йигит“, „Жияним“, „Волижоннинг дадаси“ ва бошқалар.

Ҳаким Назир „Йигит“ ҳикоясида уруш мактабини ўтиб, руҳий ва фикрий жиҳатдан бойиган ва ҳозир меҳнат фронтида жонбозлик кўрсатаётган кишиларимиз образини адабиётимизга олиб киришда кичкина лекин муваффақиятли тажриба қилди. Ҳаким Назирнинг „Йигит“ ҳикоясида олган темаси адабиётимизнинг, шу жумладан прозамизнинг марказий темаларидан бири бўлиши керак. Ҳозир колхозларимизда, завод-фабрикларимизда, қурилишларимизда, турмушамизнинг ҳамма участкаларида Улуф Ватан уруши фронтларидан қайтгав миллионлаб жангчиларимиз ишла-

моқда. Тұртінчи сталинчи бешілдікнің азamat планларини амалға оширишда, халқ құжалигini қайтадан тиклашва ривожлантириш соҳасыда улар бошқа совет кишилари блан бирғалықда ўз меңнатларини аямай сарф қилмоқда. Уларнің ўзларига хос хислатлари, жаңг йилларидан ортдирған фазилатлари, бой турмуш тажрибалари, ажайиб саргузаштлари бор. Урушдан кейинги турмишімизнің характерли ва қызықарлы бу томони адабиетимиздан ҳали етарли жой олғани йүқ. Бу йүлда Ҳаким Назир „Йягит“ ҳикояси блан яхши бошланғич ясади.

Үртоқ Содиқ Қаландар „Биз ўралда“ номлы повестини „Шарқ Юлдузи“ журналида нашр әтабошлади. Повестьнің ҳозир болылган қисмларидан малум бўлишиба, асар асосан, уруш даври ҳаётини ва совет халқларинінг ватанпарварларын тасвир қиласди. Повесть темасининг актуаллiği ва бойлиги блан диққатни жалб қиласди. Воқиа Ўралда ўтади. Асар меңнат армиясида бўлган ўзбек йигитларининг йирик саноат марказларимиздан бири—Ўралда кўрсатган жонбозликларини, ватанпарварликларини кўрсатишга бағищланган.

Абдулла Қаҳҳорнинг „Қўшчинор“ романы прозамизнің катта янги ютуғи ҳисобланади. „Сароб“ романыдан кейин ўтган 12 йиллик даврда бой ижодий тажриба ва малака ҳосил қиласган Абдулла Қаҳҳор „Қўшчинор“ романыда ўзининг бутун ёзучилик кучини ва талантини яққол кўрсатмоқда. Ҳали батамом э'лон қилинмаган романдан олинган ҳозирги таассурог унинг муваффиятли тамомланишига шубҳа туғдирмайди.

Романнинг темаси турмушимизнің социалистик асосда қайтадан қурилиши ва бу қурилишда бун'ёдга келаётган янги совет кишилари масаласи. Романнің сюжети капсанчилар қишлоғида қайтадан қурулиш ва колхозлаштириш даврида бўлиб ўткан воқиаларни ўз ичига олади. Роман мазмун, воқиа, персонажлар жиҳатидан бой. Колхозчилар, совет ва партия раҳбарлари романнинг асосий қаҳрамонлари ҳисобланади. Мураккаб турмушимизнің ранг-баранг бошқа томонлари жуда кўп эпизодик персонажлар орқали акс әтдирилган. Роман бадий тўқимасига кирган Сидиқжон образи воситасида ёзучи колхоз тузуми етишдирган қувноқ ҳаётнигина эмас, балки бу турмиш натижасида янги одам яратилаётганини янги хулқ-автор, янги аҳлоқ, янги муносабатлар дун'ёси яратилаётганини жуда яққол кўрсатади. Майда буржуазия мешчан оиласининг та'зиқидан қочиб чиқиб капсанчилар қишлоғидаги „Қўшчинор“ колхозида паноҳ топган Сидиқжон бу ердаги кишиларнинг унга бўлган ажайиб муносабати тўғрисида ўйлади ва лол қолади:

„Бу одамларнинг бири меҳри-оқибат кўрсатган; бири мартааси улуғ булишига қарамай, бир улфатдай гаплашган, ва энг яқин дўстидай ғамхўрлик қиласган; бири шу ерда пешанаси очилиб кетишига ишонч туғдирган; бири ҳақоратга қарши интиқом қўлини кўтармай ҳамширалик қўлини чўзган; бири оналик меҳри-муҳаббати блан бошини силаган...“ („Қўшчинор“ „Кўр ҳассаси“ бир марта йўқотади“ боби).

Булар райком секретари Умаржон Ахмедов, колхоз раиси Ўрмонжон Омонов, звено бошлиқлари Ҳолмурод, Болтабой, колхозчилар — Эргашбой, Рўзимат, Канизак, Тиллабобо, Анзират хола, Зиёдахонлар эди. Роман давомида яна қандай персонажлар чиқади, қандай воқиалар бўлиб ўтади бизга номалум. Бу — ёзучи лабораториясининг сири. Лекин шу нарса аниқки, бу қаҳрамонлар ярататган янги турмиш кун сайн гуллайди ва улар ўзлари яратган му'жизалар бағрида яйрайди. Бунинг биринчи аломатлари романда кўринабошлади.

„Кўшчинор“ романни прозамизнинг катта ютуғигина эмас, балки ўзбек адабий тили тараққиётида зўр ҳодиша.

Ўзбек совет прозасининг 30 йил ичида босиб ўтган йўли, эришган ютуқлари шубҳасиз зўр. Лекин адабиётимиз олдида турган вазифалар қаршисида бу ютуқлар жуда оз. Адабиётимиздан салобатли Сталин даврининг бой мазмунини бутун тўлалиги блан акс этдирадиган монументаль асарлар бериш талаб қилинади. Социализм биносини тиклаган, Улуф Ватан урушидан ғалабалар блан чиққан ва ҳозирги кунда Сталинча тўртинчи бешйиллик плавини муваффақият блан бажараётган қаҳрамон халқимиз ҳаётини чуқур акс этдиручи асарлар бериш адабиётимизнинг, ёзучиларимизнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир. Ёзучиларимиз ҳозир ҳарқачонгидан кўра ҳам кўпроқ ўз кучларини сафарбар қилиб, халқимизни ватанпарварлик руҳида, ҳукуматимизга, партиямизга садоқат руҳида тарбияловчи ғоявий ўткир ва бадий юксак асарлар беришлари лозим. Адабиётимиз принципиаль юксакликка кўтарилиши ва жамнатимиз тараққиёти йўлида актив ёрдамчи бўлиши зарур. Ўртоқ А. Жданов „Ленинград“ ва „Звезда“ журналлари ҳақида қилган докладида адабиётимизнинг актив тарбияловчи бу роли тўғрисида сўзлаб шундай деган эди:

„Совет кишиларининг бу янги хислат ва фазилатларини кўрсатмак, халқимизни ёлғиз шу кунги ҳолида кўрсатмай, балки унинг келажаги, эртаги кунда бўладиган ҳолига ҳам назар ташламоқ, унинг ылгарига босиб бораётган йўлини маш'ал блан ёритиб, унга ёрдам бермоқ ҳарбир виждорли совет ёзучисининг вазифасидир. Ёзучи турмишдан кейинда судралиб қололмайди. Ёзучи халқ олдида, унинг тараққий йўлини кўрсатиб бормоғи керак“.

Ўртоқ А. Фадеев СССР Совет Ёзучилар Союзининг XI ичи пленумида қилган докладида ўртоқ А. Жданов докладини муфассал шархлаб совет адабиётининг ижодий методи — социалистик реализм методи устида мукаммал тўхтади. Социалистик реализм турмушни революцион тараққиёт жараёнida акс этдириш демакдир. Социалистик реализм совет кишиларининг жонли характерларини тасвиrlаганда бугун қандай ютуқларга эришган бўлса, шу ютуқларни кўрсатибгина қолмай, бу характер, бу хислат эртага қандай фазилатлар блан бойиши, ўсиши, юксалиши керак деган нуқтадан ҳам қагаб тасвиrlашни талаб этади. Социалистик реализм ўртоқ А. Жданов кўрсатганидек, халқнинг келажаги, эртаги кунда бўладиган турмушига ҳам назар ташлашни я'ни ре-

волюцион романтизмни изчиллик блан ижодий ишга татбиқ қи-  
лишни күзда тутади.

Адабиётимиз олдида турган бу вазифалар ҳали бизнинг уз-  
бек совет прозасидан ва унинг ижодий отрядидан жуда кўп  
унумли ва чидамли меҳнат талаб қиласди.

Буюк Октябрь Социалистик революциясидан кейин ўтган  
30 йиллик қисқа мuddат ичида прозамизни янгидан яратган ва  
ҳозирги замон бадиий проза савияси даражасига кўтариб жид-  
дий ютуқларга олиб келган ёзучиларимизнинг бундан кейинги  
вазифаларни ҳам муваффақият блан бажаришига ва адабиётимиз-  
ни янги тараққиёт босқиичларига кўтаришига ишончимиз комил.

## ВЕРХАЦКИЙ

# ЎЗБЕК СОВЕТ ДРАМАТУРГИЯСИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ

Малумки, ўзбек поэзияси ўзининг кўп асрлик тарихига эга. Аммо ўзбек адабиётида Улуг Октябрь Социалистик революциясига қадар драма асарлари йўқ эди. Драматургия Ўзбекистонда фақат Октябрьдан кейин, рус реалистик драматургиясининг та'сири остида, янги адабий шакл сифатида пайдо бўлди.

Ислом қонунлари одамларни саҳналарда кўрсатиши, сан'атда таснир этишни тақиқ этар эди. 1917-йилнинг октябригача Ўзбекистонда қизиқчилар, қўрчоқбозлар, шаҳардан-шаҳарга кезиб, тамоша қўйиб юрардилар. Бу халқ театрларининг репертуарида асосий ўринни ҳажв ва аския әгаллар эди. Улар хонлар ҳокимиятини, бойлар ва чор тўралари сиёсатини ҳажв қиласар эдилар. Бу театрларда жуда оз киши иштирок этар ва у 10-15 минут, ба'зидаги 30-40 минут давом этар эди. Кўпинча қизиқчилар юзларига ниқоб тортиб ўйнар эдилар. Бу театрлар кўрсатадиган уйинларни ёзиб беручи драматург бўлмас, кулкилар халқ театри колективи томонидан ижод қилинадиган эди. Халқ қизиқчиларининг тили ўткур, заҳарли, бирмунча қўпол бўлар эди, аммо бу халқ драматургиясида типлар яратилмади. Фақат ҳаётда бўлиб турадиган воқиалар тақиқд қилинди. Адолатсизлик ҳажв остига олинди. Бу хилдаги драматургия адабий жанр бўлиб шакланмади ва ривожланмай қолиб кетди.

Буржуа ёшлари ва миллатчи зиёлилар томонидан тузилган ҳаваскор тўғараклар ҳам ўз репертуарига ва пъесаларига эга бўлмагани, ҳаётий типлар яратадиган учун ривожланмай қолиб кетди.

1917-йилнинг октябри ўзбек халқини зиёб келган зулм ва эксплоатацияни барча усул ва шаклларини парчалаб ташлади, халқ учун янги социалистик жамият қуришининг чексиз имкониятларини яратиб берди. Ўзбек зиёлилари ичида демократик кайфиятда бўлган шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий 1917-йил воқиаларига биринчи бўлиб овоз берди. У, ўзининг пъесаларига мазлум ва жабрдидаларга ҳайриҳоҳлик билдириди. Аммо у социал зулмнинг илдизларини очиб ташламади. Шундай бўлса ҳам, Ҳамза Ҳакимзода маданиятнинг тараққиёт йўлларини тўсиб турган

хурофот аҳлини қаттиқ қоролади, ма'рифат йўлини излади. Ҳамзанинг фикрича, нодонлик—халқ кулфатининг энг даҳшатли сабаби, ма'рифат эса — барча кулфатларини йўқотишнинг порлок йўлидир.

Буюк Октябрь Социалистик революцияси Ҳамзага ижтимоий адолатсизликнинг ҳақиқий сабабини англашга ва ҳаётда тамомила бошқа қаҳрамонни толишга йўл очиб берди. Ҳамза Ҳакимзоданинг „Бой ила хизматчи“ деган асарида батрак Fafur, Ҳамзанинг аввалги асарларидаги қаҳрамонлар сингари ҳаётнинг ма'носини фақатгина ма'рифатдан излаб қолмай, балки революция йўлига киради. 'Маҳалий буржуя ва чор амалдорларига қарши курашга отланади.

Шу ўринда мазкур пъесанинг мазмунини қисқача эслаб ўтиш ортиқча бўлмас эди. Солибай ўз батраги Fafurning хотини Жамилага уйланмоқчи бўлади. Қози, элликбоши ва домлалар Fafurни ўз хотини Жамилани бойга беришга ва бунинг бадалига байдан пул олишга қўндиromoқчи бўладилар. Fafur бунга асло рози бўлмайди. Ёвуз ва мал'ун бойларни халқ ичдиа фош қилиб ташлайди. Шунда, Fafurни сургунга юборадилар, Жамилани эса бойга олиб берадилар. Аммо Жамила бойга теккандан кўра ўлимни афзал кўради. Fafur эса Сибръда большевикларга қўшилади. Февраль революциясидан кейин Fafur Ватанига қантуб келади ва Октябрь революцияси курашчилари сафига қўшилади.

Fafur босиб ўтган йўл, аввал, ўз шахсий номусини ҳимоя қилиш учун бош кўтарган, кейин эса халқ озодлиги учун, золимларга қарши курашиш зарурлигини тушинишга қадар бориб етган оддий кишининг йўлидир.

„Бой ила хизматчи“ пъесаси Ўзбекистонда энг яхши асарлардан бири бўлиб қолди ва Яшин қайта ишлагандан кейин шу кунга қадар саҳналаримизда ўйналиб келмоқда.

Ҳамза Ҳакимзоданинг пъесаларида октябрь инқилобига қадар хотин-қизлар (чунончи Мар'ям ва Жамиладек) ижтимоий тузумнинг қурбонлари сифатида ҳаққоний кўрсатилди. Дарҳақиқат ўтмишда ўзбек хотин-қизлари ичкари зиндонидан бошқа ҳечнарсани кўрмас, зулм ва эксплоатация остида инграр эдилар. Ҳамза Ҳакимзода фақат ёзучигина бўлиб қолмасдан, шунинг блан бирга, тараққий парвар жамоат арбоби ҳам эди. Ҳамза учун драматургия — ўткур сиёсий қурол бўлиб хизмат қилди. Ҳамза турмушдан олган типлари орқали сиёсий мақсадларини тарғиб қилди.

Ҳамза Ҳакимзода ўз замонасининг муҳим масалаларини кўтариб чиқди. У 1918-19йилларда ёзган „Фарғона фажиаси“ пъесасида большевикларнинг босмачиларга қарши курашини тасвирлади. У ўзининг „Туҳматчилар жазоси“ деган пъесасида хотин-қизларнинг паранжи балосидан кутилишини кўрсатди. Унинг „Эски сайловлар“ пъесасида советларга сайловлар тасвирланди. „Майсарапанинг иши“ пъесасида эса хурофот аҳлига қарши ўт очилди. Ҳамза Ҳакимзода ҳаётни ва турмуш қаҳрамонларини ҳаққоний бўяқлар блан тасвирлади. Ҳамзанинг пъесалари реалист

тик асарлардир. Ҳамза Ҳакимзода одамларнинг ички кечинмаларини, уларнинг фожиаларини чуқур тасвирлай олучи драматург эди.

Ҳамза Ҳакимзода умрининг охиригача, ўз пъесаларининг қўйилишига ҳарқандай йўллар блан тўсқинлик қилиб келган, буржуа миллатчилари қарши курашиб келди. Буржуа миллатчилари пропаганданинг қудратли қуролини, театр ва адабиётни ўз қўлларига олиб, инқилобий — дабдабали жумлалар ниқоби остида ўз қора ниятларини тарғиб қилиб келдилар. Ҳамза душманлар қўлида ҳалок бўлди. Аммо унинг ўрнига совет адабиётининг янги авлоди — ёш ўзбек совет ёзучилари ва драматурглари келдилар.

Драматургия соҳасида адабий майдонга Яшин (Комил Нуманов) чиқди. Унинг биринчи „Икки коммунист“ асари ўзбек саҳналарига чиқиши бланоқ кенг тамошабинлар э’тиборини ўзига жалб қилди. „Икки коммунист“ — олти кўринишли драма бўлиб, босмачиларга қарши курашни кўрсатади. Буржуа миллатчиларнинг ишларини фош қилиб ташлайди. Совет кишиларининг онгги ва хушёrlиги ўсаётганини, уларнинг партияга ва Совет ҳукуматига бўлган муҳаббатини кўрсатади.

Ўзбек совет драматургиясида янги қаҳрамонлар; ўзбек коммунистлари, мард ва қўрқмас, Арслон, Дилбар каби ватанпарварлар пайдо бўлди. Улар, совет ҳокимиятининг ғалабаларини мустаҳкамлаш учун, босмачилар ва буржуа миллатчиларига қарши кескин курашдилар.

1930-йилда Умаржон Исмоилов „Пахта шунғиялари“ деган пъеса ёзди. Бу пъесада қишлоқ хўжалиги соҳасида колхозларни машиналаштириш, колхоз тузуми душманларини фош қилиш, қишлоқ хўжалик зааркунандаларига қарши кураш масалалари олға сурildi. Ўша йили Яшин ўзининг „Ендирамиз“ деган асарини ва З. Фатхуллин „Ниқоб йиртилди“ деган пъесасини ёзилар.

1934-йилда У. Исмоилов „Рустам“ номли пъесасини ёзди. Бу пъесада Фарғонадаги косибларнинг вакили Рустам тасвирланади. Рустам 1916-йилда „мардикор“ қилиб Белорусияга олиб кетилади. Рустам у ерда рус инқилобчилари блан учрашади ва революцияғоялари блан сугорилади. 1917-йилда Рустам уйига қайтиб келади. У, ҳалқнинг чекаётган кулфатини кўради. Бойларнинг найрангларига учмайди, зулм ва эксплоатацияга қарши қаттиқ курашади.

Юқоридаги фактлар ўзбек совет драматурглари Ҳамза Ҳакимзода бошлаб берган ижодий ишни давом этдирганликларини, Ўзбекистонда совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун ўз ижодлари блан курашганликларини кўрсатади. 1930-нчи йилларда ёзилган драматик асарларнинг деярлик ҳаммаси синфий душманларга қарши, асосан, колхоз қурилишини барбод бериш учун ҳаракат қилган қулоқлар ва буржуа миллатчиларига қарши курашга бағишиланган. Драматурглар ўз асарларида оддий ишчилар ва дехқонлардан чиқкан қаҳрамонларни кўрсатдилар, уларнинг ички ҳаётлари ва курашларини ҳаққоний тасвирлаб бердилар.

Драматурглар йил сайин ҳаётни чуқурроқ ўрганиб, чуқурроқ тасвир эта бошладилар, қаҳрамонларнинг ички дун'ёсини яхшироқ очиб бердилар. 1934 йилда, Яшин ўзининг „Икки коммунист“ пьесасини қайтадан ишлади. Бу пьесага „Тор-мор“ деб ном берди, ҳақиқатан ҳам „Тор-мор“ аввалги вариантидан тубдан фарқ қиласар ва унга янги қаҳрамонлар (отряд бошлиғи – Семенов) киритилган янги пьеса эди. „Тор-мор“ анча вақт саҳналарда ўйналди. Фатхуллин „Никоб йиртилди“ деган пьесасини қайта ишлаб, унга „Сотқинлар“ деб ном қўйди. Қайта ишланган бу пьесалар ғоявий ва бадиий жиҳатдан аввалги пьесаларга қараганда анча юксак эдилар.

1930-нчи йилларнинг ўрталариға келиб, бир қатор юксак бадиий драма асарлари ёзилди. Яшин „Номус ва муҳаббат“ номли драмасини ва Музаффар Мұхаммедов блан бирга „Гулсора“ номли музикали драмани ёзди. Бу асарларда қаҳрамонларнинг ҳаёти ва ички дун'ёси реал тасвирланди, уларнинг мақсад ва интилишлари кенг ифода этилди, бадиий тасвирлар ишонарли ва чуқур реалистик бўлди.

„Номус ва муҳаббат“ драмасида Анерхоннинг бригадаси ва бу бригаданинг ишлари тасвирланади. Анерхон ўз өрининг психологиясидаги эски феодал қолдиқларга қарши куршади. Колхоз тузуми туфайли деҳқонларнинг онгидаги юз берган катта сиёсий ўзгаришни Яшин ўзининг бу асарида яхши кўрсатиб берди.

„Гулсора“ музикали драмасида ўзбек хотин-қизларининг ҳуқуқсизлик, ичкари зинданига қарши кураши тасвирланди. Бу асар Москвада бўлиб ўтган ўзбек сан'ати ўн кунлиги вақтида пойттахт тамошабинларига кўрсатилди ва театр жамоатчилигининг юксак баҳосига сазовор бўлди. Асарнинг авторлари ҳукумат томонидан орденлар блан мукофотланди.

„Гулсора“ ўзбек совет драматургиясининг энг яхши асарларидан бири бўлиб қолди. Яшиннинг пьесаларидаги қаҳрамонлар – Арслон, Дилбар, Анерхон, Гулсораларнинг номини ўзбек тамошабинлари севиб тилга оладилар. Шундай қилиб, ўзбек совет драматургияси ва унинг ғробблари халқнинг онгини оширишга, унинг маданиятини юксалтиришга ёрдам бердилар.

Ўзбек театрлари, айниқса областьлардаги театрлар, узоқ вақт бир хил жанрлардаги асарларни қўйиб келдилар. Улар ёки фақаг драма, ёки фақат музикали драма қўйдилар. Музика драматургияга тобора кириб борди. Пьесаларда шे'рият кўпайди. Навоийнинг машҳур „Фарҳод ва Ширин“ ҳамда „Лайли ва Мажнун“ достонлари асосида музикали драмалар ёзилди. Айниқса „Фарҳод ва Ширин“ музикали драмаси ўзбекистонда кенг шуҳратланди. Аммо „Фарҳод ва Ширин“ музикали драмасининг (Хуршид томонидан Навоий достони асосида ёзилган эски варианти тўғрисида гап боради) анча камчилиги бор эди. Хуршид Фарҳоднинг Суқрот блан учрашиши, унинг аждарга қарши кураши, канал қурилишидаги қаҳрамонлигини бирмунча соддалаштириб юборган эди. Аммо унинг лебреттосида „Фарҳод ва Ширин“нинг мұхаббаба-

ти ҳамда фожиаси яхши тасвиirlанганни учун, тамошабинлар бу асарни узоқ вақт севиб тамоша қилдилар.

Кейинги ўн йил ичида ўзбек драматурглари рус драматургиясини чуқур ўргандилар, ҳаётгаяна ҳам кириб бордилар, ўз сан'атларини ошириш устида тинмай ишладилар. Кейинги ўн йил ичида бирмунча пьесалар пайдо бўлди. Аброр Ҳидоятовнинг „Аваз“ пьесаси, Назир Сафаровнинг 1916 йил воқиасига бағишлиланган „Ўйғониш“ пьесаси, Туйғуннинг „Баҳодир“ асари, Ш. Садулланинг „Ёрил тош“ и, Собир Абдулланинг „Тоҳир ва Зуҳро“ музикали драмаси ва бошқа кўп асарлар шу даврда ёзилди.

Бу даврда кўп ёзучилар ўтмиш мавзу'ларига берилиб кетдилар. Чунончи Туйғун „Зулфизар“ ҳикояси асосида „Баҳодир“ пьесасини ёзди, Собир Абдулла „Тоҳир ва Зуҳро“ музикали драмасини ёзди. Ш. Садилла „Ёрил тош“ асарини ёзди ва ҳоказо. Шуни айтиш керакки, бу асарларда жиддий камчиликлар кўп эди. Улар қаҳрамонларнинг ҳаётининг шахсий томонига кўпроқ э'тибор бериб, уларнинг жамиятдаги ролига камроқ баҳо бердилар. Чунончи, „Баҳодир“ пьесасида Баҳодирнинг асосий мақсади зулмга қарши кураш эмас, балки севгилиси Зулфизарга етишиш йўлидаги кураш деб кўрсатилди.

„Аваз“ асарида ҳам шундай жиддий камчиликка йўл қўйилди.

Ўлуғ Ватан урушининг дастлабки кунларидан бошлаб ўзбек драматурглари уруш мавзу'да асарлар ёза бошладилар, ҳалқни немис босқинчиларга қарши курашга, ғалабага отлантиридилар. Бу даврда кўп қаҳрамонона музикали драмалар яратилди, „Даврон ота“, „Шерали“, „Қурбон Умаров“, „Қўчқор Турдиев“ пьесалари шулар жумласидандир. Бу пьесаларда ўзбек ҳалқининг ма'навий кучи, ҳалқлар дўстлиги, ўзбек оиласининг ватанпарварлиги куйланди. Н. Погодин, Ҳамид Олимжон, F. Рулом, С. Абдуллашар ёзган „Ўзбекистон қиличи“ ҳам худди шундай актуал мавзу'га бағишлиланган асарлардан эди. Бу асарларда инқилобий романтика кучли эди. „Ўзбекистон қиличи“ асарида ҳалқнинг қасами, қилич романтикаси, ғалаба орзуси тасвиirlанди.

Шундан кейин бир қатор пьесалар ёзилди. Яшиннинг „Ўлим босқинчиларга“ пьесаси, Ўйғуннинг „Она“ асари ва шу каби бир қатор асарлар драматик жанрда бўлиб, уруш ҳақида ёзилган эди. Бу асарларда совет иттифоқидаги ҳалқларнинг дўстлиги, ватанпарварлиги, совет ёшларининг қаҳрамонлиги ва ўзбек оналарининг фидоийлиги тасвиirlанди.

Аммо бу пьесаларнинг кўплари жуда шошиб ёзилди. Бу асарлардаги қаҳрамонларнинг образлари тугал эмас, иштирок этучилар юзаки тасвиirlанган, воқиа пишиқ ишланмаган, шунга қарамасдан, бу пьесалар у вақтда ҳалқни ғоявий жиҳатдан тарбиялашда, урушга отлантиришда катта роль ўйнади.

Уруш йилларида драматурглар ўтмишга мурожаат қилиб, ўтмишдан ватанпарварлик блан сугорилган мавзу'ларни изладилар. Улар ўтмиш мавзу'ларида, ҳалқнинг ўтмишдаги қаҳрамонлиги мисолида ёшларни тарбиялаш мақсадини ўз олдиларига кўйдилар. Иzzат Султон ўзининг „Бургутнинг парвози“ деган

асарида босмачиларга қарши курашни күрсатди, талантли рус саркардаси М. В. Фрунзе мисолида халқнинг қаҳрамонлигини тасвирлади, совет ҳокимияти учун граждан уруши йилларida бўлган курашни ифодалаб, халқнинг душманга қарши жангга чақириди. Шайхзода ўзининг „Жалолиддин“ деган драмасида Хораэм шоҳларидан Жалолиддининг мӯғулларга қарши курашни күрсатди. Шоир Ҳамид Олимжон „Муқанна“ номли драматик достон ёзиб, 8-нчи асрда арабларга қарши халқ ҳаракатига бошчилик қилган Муқаннанинг қаҳрамонлигини кўйлади.

Ўша вақтда Яшин талантли ўзбек қизи Нурхон ҳақида „Нурхон“ номли асар ёзди. Бу асарда ўз ҳаётини сан'атга багишлаган ва ёвуз отаси томонидан ўлдирилган Нурхон күрсатилди. Яшин, Амин Умарий блан биргаликда, ўзбек совет драматургиясининг отаси, демократ шоир Ҳамза Ҳакимзода ҳақида „Ҳамза“ номли пъеса ёздилар.

Ўйғун ва Иzzат Султон 1943 йилда буюк ўзбек шоири ва давлат арбоби Алишер Навоий тўғрисида „Навоий“ номли драма яратдилар.

Тарихий мавзу'ларда ёзилган бу асарларда ҳам анча камчиликлар бор эди. Чунончи, „Бургутнинг парвози“ пьесасида босмачиликнинг келиб чиқиш сабаблари тўғри очиб берилмади. „Жалолиддин“ драмасида Хораэм шоҳи Жалолиддин идеаллаштириб күрсатилди. Ўйғун ва И. Султоннинг „Навоий“ асарида ҳам худди шундай ўтмишнинг идеаллаштириш ҳоллари бор эди.

Драматургияда совет воқи'лигига етарлик даражада э'тибор берилмади. Ба'зи асарларда, чунончи Ўйғуннинг „Қалтис ҳазил“ комедиясида совет воқи'лиги бузуб тасвирланди.

ВКП(б) Марказий Комитетининг „Звезда“ ва „Ленинград“ журналлари тўғрисида ҳамда „Драма театрларининг репертуари ва уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида“ чиқарган тарихий қарорлари ўзбек драматургиясида ҳозирги замон мавзу'ига қараб жиддий бурилиш ясади. Кейинги йиллarda Яшин қаҳрамон пахтакорларимиз тўғрисида „Офтобхон“ номли музикали драмасини, шоир Туйғун „Мұхаббат“ деган драмасини, Ҳамид Гулом халқлар дўстligи тўғрисида „Ота рози“ пьесасини ва шоир Ўйғун совет кишиларининг фронтда ва мамлакат ичкарисида кўрсатган қаҳрамонлиги тўғрисида „Ҳаёт қўшиғи“ деган пьесасини ёздилар.

Совет ҳокимияти туфайли яратилган ўзбек совет драматургияси 30 йил ичидагатта ижодий йўлни босиб ўтди. Шубҳасизки, ўзбек совет драматурглари халқимизни Ленин—Сталин партиясига, совет ватанига садоқат руҳида тарбиялайдиган, Сталин замонасига муносаб бўлган ажойиб асарлар яратиб беражаклар.

## МУНДАРИЖА

<b>М. Шайхзода.</b> Иосиф Сталин. Достондан янги боблар	5
<b>Ойбек.</b> Қизлар. Достон	12
<b>А. Қаҳдор.</b> Картина. Ҳикоя	47
<b>Үйғун.</b> Асрлар. Пьеса	55
<b>М. Бобоев.</b> Бобон. Позма	91
<b>Соқий.</b> Октябрь. Ше'р	105
<b>Партав.</b> Олқиши. Ше'р	106
<b>Хақирий.</b> Ватан Ше'р	107
<b>Хабибий.</b> Темирйўл. Ше'р	108
<b>Ж. Шарифий.</b> Максим Горький. Позма	109
<b>С. Қаландар.</b> Биз Уралда. Повесть	125
<b>Сайдад Зуннунова.</b> Йўлда. Ше'р	138
<b>Пўлот Мўмин.</b> Хирмонда. Ше'р	140
<b>М. Исмоилий.</b> Озодлик гулими ҳидлаган киши. Очерк	142
<b>Еқубжон Шукуров.</b> Камолат. Очерк	150
<b>Мирмуҳсин.</b> Монтажчи. Очерк	153
<b>Ғулом Каримов.</b> XXX йил ичидаги ўзбек совет прозаси	171
<b>Верхацкий.</b> Узбек совет драматургияси тараққиётининг асосий босқичлари	174

**РЕДКОЛЛЕГИЯ:** *Ойбек* (мас'ул мұхаррир), *Ғафур Ғулом*, *Яшан*,  
*Үйғун*, *Абдулла Қаҳдор*, *Шайхзода*, *Ж. Шарифий*, *М. Ашрафий*, *Сами' Абдуллаев*. *Мас'ул секретарь:* *Маруф Ҳакам*.

*На узбекском языке*

## „ШАРҚ ЮЛДУЗИ“

№ 11

*Орган Союза Советских Писателей Узбекистана*

Объединенное издательство „Правда Востока“ и „Кызыл Узбекистан“  
 Ташкент—1947

„Шарқ Юлдузи“ редакциясининг адреси:  
 Тошкент, Биринчи май кўчаси, уй № 20. Телефон 33-881.

Боссинга руҳсат этилди 6/XII-47 й. Р 03099. Қароз формати 60×92/16. Босма листи 11,25  
 Бир листда 47000 ҳарф. Тиражи 8000. Изд. № 875. Баҳоси 5 сўм.

Ташкент, „Кызыл Узбекистон“ ва „Правда Востока“ нашриёти босмахонаси. Заказ 1610.



530 52